

“ҮЗАВТОСАНОАТ” АЖ

“Үзавтосаноат” АЖ Күзатув Кенгаши томонидан маъқулланган

Bayon № 7
11 июнь 2024 йил

КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ ҚҰЛЛАНМАСИ

(Комплаенс назоратига оид сиёсатлар түплами)

КИРИШ

Ҳалоллик ва юксак хулқ-автор “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг (биргаликда - “Компания”) асосоий қадрятлариdir. Амалдаги барча қонунларга, жумладан порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш Компания учун энг муҳим ҳисобланиб, Компания ўз фаолиятини ҳалоллик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил қиласди. Компания раҳбарияти тизим корхоналари, ҳамкорлар, учинчи томонларга таъсир кўрсатадиган кучли ахлоқий маданиятни ривожлантиришга интилади. Комплаенс департаменти ўз фаолиятини Комплаенс назоратига оид сиёсатлар тўплами (кейинги ўринларда – **Қўлланма**) ҳамда департамент Низомига асосан юритади.

Мазкур Қўлланма ва унда келтирилган барча қоидалар Компаниянинг барча ходимларига, шу жумладан, улар билан чекланмаган ҳолда, директорлар, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бошқарувчилар ва шартнома асосида ишлайдиган шахсларга (кейинги ўринлар - Ходимлар) нисбатан қўлланилади. Компания ўз бизнес ҳамкорлари, контрагентлари ва учинчи шахслардан (кейинги ўринларда “Бизнес ҳамкорлар” деб юритилади) Комплаенс дастурини ташкил этувчи сиёсат ва тартиб-таомилларга риоя қилишга қўшимча равишда, Бизнес ҳамкорлар учун одоб-ахлоқ кодекси ва ушбу Қўлланмага амал қилишларини талаб қиласди. Ушбу бизнес ҳамкорларга қўйидагилар киради:

- **Етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчилар** – Компанияга товарлар етказиб бериш еки хизмат кўрсатиши учун танловдан ўтганлар;
- **Дистрибьютерлар** – Компания томонидан ишлаб чиқилган автотранспорт воситаларини етказиб бериш учун танловдан ўтганлар;
- **Диллер компаниялар** – Компания томонидан автотранспорт воситаларини сотиши, Компания томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сотишдан кейинги хизматларни кўрсатиши учун жалб қилинган ташкилотлар;

Мазкур Қўлланма Компаниянинг барча келишувлари ва молиявий транзакцияларига нисбатан қўлланилади. Ходимлар учун мазкур Қўлланмани ўқишилари, тушунишлари ва унга мувофиқ фаолият юритишлари ҳамда Қўлланма қоидаларига риоя этишлари мажбурийдир. Мазкур Қўлланма қоидаларига, тартиб-таомилларга риоя қилмаслик амалдаги конунчилик ва ички меъёрий хужжатларда белгиланган жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Мазкур Қўлланмадаги қоидалар ва сиёсатлар риоя қилиниши лозим бўлган минимум стандартларни белгилайди. Агар қонун хужжатларида юқорироқ талаблар белгиланган бўлса, Компания қонун хужжатларида белгиланган талабларга асосланади. Агар тизим корхоналари ушбу Қўлланмада кўрсатиб ўтилган қоидалардан енгилроқ стандартларни белгиламоқчи бўлсалар, Компалаенс департаментидан тегишли ёзма рухсат олишлари лозим.

Қонунлар, регламентлар ёки Компаниянинг сиёсатлари ва тартиб-таомилларига, шу жумладан Одоб-ахлоқ кодекси ва мазкур Қўлланмага риоя этмасликка йўл қўйилмайди. Ходимларга даҳлдор ноўрин хатти-харакатлар ёхуд потенциал қоидабузарликлар ҳақида берилган хабарлар тезкорлик билан тегишли равишда текширилади. Содир этилган

қоидабузарлик интизомий чора кўрилишига, зарарни қопланишига ва/ёки меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин. Шунингдек, Компания ҳар қандай қоидабузарлик ҳақида тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи органга хабар беришга ҳақли.

Одоб-ахлоқ кодекси, мазкур Кўлланма ёки бошқа комплаенсга алоқадор сиёсатлар ва тартиб-таомиллар бўйича ҳар қандай саволлар Комплаенс департаментига юборилиши лозим.

Ходим Кўлланмада белгиланган қоидалар, сиёсатлар ва тартиб-таомиллар бўйича маслаҳатлар олиш учун ёки бирор бир қоидабузарлик содир этилган деб хисобласа, ишонч телефони (+998-78-140-76-70) ёки электрон почта манзили (compliance@uzavtosanoat.uz) орқали Комплаенс департаментига мурожаат қилиши мумкин.

Компанияда мумкин бўлган қоидабузарликлар тўғрисида вижданан хабар берган шахсларга нисбатан таъсир ёки таъқиб чораларини қўллаш таъқиқланади (ўзи иштирокчи бўлиши ҳоллари бундан мустасно). Компания уларнинг шахсига оид маълумотларни сир тутилишини кафолатлади.

Ходимлар А-1 шаклдаги Комплаенс сертификатини тўлдириш орқали Одоб-ахлоқ кодекси ва мазкур Кўлланма билан йилда бир бор танишиб чиқиб, Комплаенс департаментига топширишлари лозим.

A-1 шакл: Комплаенс сертификати

Мазкур Қўлланмада баён этилган тартиб-тамойиллар Компаниянинг корпоратив маданиятининг асосий қисмини ташкил этади. Ҳар бир Компания ходими ишга қабул қилинган вақтида ва йилда бир бор Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланма олиб, танишгандан сўнг, Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланмани олганлиги ва танишланлиги, шунингдек ўкув машғулотларида иштирок этганликларини ва улар Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланманинг қоидаларига мувофиқ фаолият юритишлари бўйича қўйидаги шаклга имзо қўйиш орқали тасдиқлайдилар:

Ф.И.Ш.: _____

Ташкилот: _____

Бошқарма: _____

Лавозим: _____

Мен ушбу билан тасдиқлайман:

(1) Мен Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланмани олдим ва улар билан танишиб чиқдим.

(2) Комплаенс бўйича ўкув машғулотларида иштирок этдим.

(3) Мен Одоб-ахлоқ кодекси, Қўлланма ва бошқа барча тегишли қонунлар ва йўрикномаларнинг қоидаларига амал қиласман ҳамда фоалиятим соҳасида уларга амал қилишни ва ижросини таъминлашни қўллаб-куватлайман.

(4) Мен Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланма, шунингдек Компаниядаги фаолиятим билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатлари ва қоидаларига қарши бўлган ҳар қандай тадбирларда иштирок этмайман / этмадим.

(5) Мен Компания раҳбарияти, масъул шахси ва ходими томонидан Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланма ёки амалдаги қонун ҳужжатлари ва қоидаларининг бузулганлиги ёки бузилиши мумкин бўлиши тўғрисидаги маълумотга эга эмасман.

(6) Мен мансабдор шахсга (Қўлланмада кўрсатилганидек) унинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда Компания фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, кўмаклашиш ёки тегишли афзаликлар олиш учун бевосита ёки билvosita пора ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюмлар таклиф этмаганман, ваъда қилмаганман ва ҳаракат ҳам қилмаганман.

(7) Мен бевосита ёки билvosita ҳеч бир шахсга унинг тадбиркорлиги ёки иш фаолияти билан боғлиқ корпоратив бошқарув органи ёки бошқа шахслар номидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширишга ундаш мақсадида пора ёки ҳеч қандай қимматбаҳо буюмлар таклиф этмаганман, ваъда қилмаганман ва ҳаракат ҳам қилмаганман.

(8) Мен Компаниядаги фаолиятим билан боғлиқ бирор бир вазифани ўрнатилган қоидаларга зид равишда бажаришим учун пора ёки ҳеч қандай қимматбаҳо буюмларни олмаганман, талаб қилмаганман ёки олишга уринмаганман.

(9) Мен бевосита ёки билvosita ноқонуний пулларни легаллаштириш, тероризм ёки тероризм билан боғлиқ фаолиятни молиялаштириш ишларида иштирок этмаганман.

(10) Мен иқтисодий санкциялар ва эмбарголар (таъкиқ) рўйхатига киритилган томонлар билан ҳеч қандай битимларга киришмаганман.

(11) Мен санкциялар қўлланилган мамлакатлар ва ҳудудлардан/га, хусусан Куба, Эрон, Сурия, Шимолий Корея, Россия ва Украинанинг Донецк, Луганск ҳамда Кримга/дан товарлар жўнатиш билан шуғулланувчи корхоналар билан ҳеч қандай битимларга киришмаганман.

(12) Мен Компания томонидан ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситаларини тарқатиш ва сотиш билан шуғулланувчи дилер компаниялар ва дистрибутерлар билан, ёки Компаниянинг бошқа контрагентлари ва афилланган шахслари билан бевосита ёки билвосита алоқадор эмасман, қуидагилар бундан истисно:

(13) Менинг ҳеч қайси бир оила аъзоларим (яъни, ота-онам, турмуш ўртоғим, бошқа муҳим шахслар, фарзандим ёки ака-укаларим) Компания томонидан ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситаларини тарқатиш ва сотиш билан шуғулланувчи дилер компаниялар ва дистрибутерлар ёки Компаниянинг бошқа контрагентлари ва афилланган шахслари билан бевосита ёки билвосита алоқадор эмас, қуидагилар бундан истисно:

(14) Мен Компания ва унинг номидан иш олиб борадиган ҳар қандай тузилмага вужудга келиши мумкин бўлган комплаенс назорат билан боғлиқ бўлган, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда фирибгарлик, коррупция, ноқонуний маблағларни легаллаштириш, иқтисодий санкциялар ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қоидабузарликларни текшириш мақсадида Компания томонидан тақдим этилган компьютер, ноутбук, телефон қурилмаларини текширишга розилик билдираман.

_____ (жой)

_____ (сана)

_____ (имзо)

Умумий атамалар ва тушунчалар

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

Порахўрлик – кейинчалик фойда ёки устунликни олиш ёки сақлаб қолиш учун бирорнинг хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш ниятида қимматбаҳо нарсанини бериш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, қабул қилишга рухсат бериш, тана қилиш ёки олиш (ёки бериш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, рухсат бериш, илтимос қилиш ёки олишга уриниш).

Манфаатлар тўқнашуви – Компания ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Компаниянинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Халқаро ташкилот – давлатлар, хукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

Давлат ташкилоти:

- давлат идораси, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар;
- ҳар қандай сиёсий партия;
- ҳар қандай халқаро ташкилот (Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти).

Давлат хизматчиси:

- давлат идорасининг, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;

- давлат органининг сайланган ёки тайинланган, ўз лавозимида ёки миллий, давлат, маҳаллий ёки минтақавий ҳокимият номидан иш юритувчи ҳар қандай, шу жумладан, лекин бу билан чекланмаган ҳолда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, идоралар, хукумат ва хўжалик бошқаруви, давлат мулки бўлган ёки давлат назорати остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек давлат улуши бўлган корхоналар мансабдор шахси ёки ходими;

- ўзи эгаллаб турган лавозимиға мувофиқ сайланган ёки тайинланган ёки ҳар қандай миллий, давлат, маҳаллий ёки минтақавий хукумат, давлат органи ёки жамоат халқаро ташкилотдаги ҳар қандай шахс (масалан, расмий хукумат маслаҳатчиси);

- халқаро ташкилот (масалан, Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)нинг номидан ваколат берилган ҳар қандай мансабдор шахс

- давлат ёки давлат назорати остидаги корхона/кенгаш/жамоат ташкилотининг мансабдор шахси ёки ходими, ушбу мансабдор шахс ёки ходимнинг мартабасидан қатъи назар;

- давлат органи фаолиятида иштирок этиш учун аризаларни кўриб чиқиш ёки қабул қилиш учун ишга қабул қилинган ҳар қандай шахс:

- сиёсий партия аъзоси ёки сиёсий лавозимга номзод;
- сиёсий таъсири этувчи кучга эга шахс;
- юқоридаги кўрсатиб ўтилган шахслардан бирининг турмуш ўртоғи ва бошқа яқин қариндошлари;

Бизнес ҳамкор / контрагент – Компания билан шартномавий муносабатларига (мехнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳакморни контрагент, етказиб берувчи, дистрибутор, дилер ёки Компания номидан ва унинг манфаатларини учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириши мумкин);

Сиёсий таъсири кўрсатадиган шахс - амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли амалдор, шу жумладан:

- маҳаллий давлат хокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари;
- хукумат раҳбари, вазир (вазир ўринбосари);
- парламент депутати ёки шунга ўхшаш қонун чиқарувчи орган аъзоси;
- сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси;
- Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси);
- Марказий банк кенгаши ёки бошқарувчи аъзоси;
- элчи (консул);
- инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес омбудсман;
- катта лавозимдаги ҳарбий офицер;
- давлат улуши бўлган Компания кенгаши ёки бошқарувчи аъзоси;
- халқаро ташкилот раҳбари;
- юқорида санаб ўтилган шахслардан бирининг яқин қариндоши.

Яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари.

Ходим – Компания билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс (Компания бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар бошликлари (раҳбарлари) ва бошқа ишчилар).

Мундарижа

I. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашишга оид сиёсатлар	14
1. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати	14
1.1 Кириш	14
1.2 Коррупцияга қарши курашишга масъул департамент	15
1.3 Сиёсатнинг мақсади	15
1.4 Атамалар ва тушунчалар	16
1.5 Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари	18
1.6 Коррупцияга қарши курашишнинг асосий ўналишлари	19
1.7 Ички хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси	20
1.8 Компания фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш	20
1.9 Компания фаолиятини видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси	21
1.10 Ҳисобот хужжатлари ва ҳисобот бериш	21
1.11 Ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш	21
1.12 Текширувлар ўтказиш ва Компания фаолиятини ўрганиш	22
1.13 Мониторинг, назорат ва ҳисбдорлик	23
1.14 Жавобгарлик	24
1.15 Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар ва маслаҳатлар	25
1.16 Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби	26
1.17 Коррупцияга қарши курашишга доир ички сиёсатлар	26
1.18 Ўқиш ва тасдиқлаш	27
2. Ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш	28
2.1. Умумий қоидалар	28
2.2 Ўқитишнинг асосий тамойиллари	28
2.3 Ўқитишнинг устувор вазифалари	29
2.4 Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар	29
2.5 Ўқитиш турлари ва шакллари	29
2.6 Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги	31
2.7 Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва хужжатларни саклаш	32
2.8 Якуний қоидалар	33
2.9 Шакл ва иловалар	34
3. Порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш тартиб-таомиллар самарадорлиги мониторинги	36
3.1 Умумий қоидалар	36
3.2 Мониторинг ва назорат ўтказиш ўналишлари ва тадбирлари	37
3.3 Ички локал коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби	37
3.4 Компаниядаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш	38
3.5 Якуний Қоидалар	41
3.6 Шакллар ва иловалар	42
4. Коррупцияга қарши кураш тизимининг холати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш	44

4.1 Умумий қоидалар.....	44
4.2 Ҳисобот турлари ва уларнинг даврийлиги	44
4.3 Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот	44
4.4 Давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш	46
4.5 Якуний қоидалар.....	46
4.6 Шакллар ва иловалар	47
5. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти	59
5.1 Умумий қоидалар.....	59
5.2 Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш	62
5.3 Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (хар йиллик) баҳоланиши.....	63
5.4 Функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш.....	64
5.5 Коррупциявий хавф-хатарнинг колдик даражасини минималлаштириш чоралари	65
5.6 Якуний қоидалар.....	65
5.7 Шакллар ва иловалар	66
II. Фирибгарлик, жиной даромадларни легаллаштириш ва тероризмни молиялаштириш	70
1. Фирибгарликка қарши курашиш сиёсати.....	70
1.1 Умумий қоидалар	70
1.2 Атамалар ва тушунчалар	70
1.3 Фирибгарликка қарши тизимнинг мақсад ва вазифалари.....	71
1.4 Сохта харакатлар	71
1.5 Фирибгарлик профилактикаси ва унга қарши курашдаги асосий чора-тадбирлар	72
1.6 Фирибгарликка қарши курашиш бўйича асосий функциялари ва ваколатлари	73
1.7 Компания ходимларининг жавобгарлиги.....	74
1.8 Якуний қоидалар	75
2. Жиной даромадларни легаллаштириш ва тероризмни молиялаштириш	76
2.1 Кириш	76
2.2 Атамалар ва тушунчалар	76
2.3 Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва Тероризмни молиялаштириш	77
2.4 Амалдаги AML/CFT қонунчилигига катъий риоя қилиш.....	77
III. Санкциялар ва экспорт назорати.....	79
1. Кириш	79
2. Атамалар ва тушунчалар	79
3. Иқтисодий санкциялар.....	81
3.1 Давлатлар ва худудларга қарши.....	81
3.2 Шахсларга ва ташкилотларга қарши	81
4. Экспорт назоратини қўллаш.....	82
5. АҚШнинг экспорт назорати қонунчилиги	82
5.1 Европа Иттифоки экспорт назорати қонунчилиги	83
5.2 Ўзбекистон Республикасининг экспорт назорати қонунлари	84
6. Сиёсат талаблари	84

6.1 Лицензиялаш ва якуний харидорларни тасдиқлаш	85
6.2 Транзит ташиш	86
7. Сиёсатни тартибга солиш	86
8. Шакллар ва иловалар	87
IV. Совғалар, мөхмондўстлик, ўйин-кулгу, ва саёҳат	89
1. Кириш	89
2. Тақиқлар	89
3. Умумий қоидалар	90
4. Совғалар ва кўнгилочар харажатлар реестри	90
5. Совғалар ва вакиллик харажатларини тақдим этиш	90
6. Совғалар ва вакиллик харажатларини қабул қилиш	91
7. Ноқонуний хатти-харакатлар тўғрисида хабардор қилиш	92
8. Якуний қоидалар	92
9. Шакллар ва иловалар	93
V. Хайрия ва тижорат ҳомийлиги	98
1. Мақсад ва қўллаш доираси	98
2. Атамалар ва тушунчалар	98
3. Умумий қоидалар	99
3.1 Хайрия	100
3.2 Тижорат ҳомийлиги	102
4. Хайрияни амалга ошириш тартиби	103
4.1 Буюртманома киритиши ташаббуси	103
4.2 Фазначилик ва молия бошқармаси томонидан кўриб чиқиши	103
4.3 Комплаенс департаменти томонидан кўриб чиқиши	104
5. Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш тартиби	104
5.1 Буюртманома киритиши ташаббуси	104
5.2 Фазначилик ва молия бошқармаси томонидан кўриб чиқиши	105
5.3 Комплаенс департаменти томонидан кўриб чиқиши	105
6. Хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда	105
7. Ижтимоий инвестициялар ва корпоратив ижтимоий масъулият	106
8. Хужжатлаштириш ва ҳисбот	107
9. Ходимларнинг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштироқи	108
10. Шакллар ва иловалар	109
VI. Бизнес ҳамкорларни текшириш	130
1. Бизнес ҳамкорларни текшириш (Due Diligence)	130
1.1 Процедуранинг мақсади ва унинг қўлланилиш соҳаси	130
1.2 Атамалар ва тушунчалар	131
1.3 Ишончлиликни текшириш процедураси	133
1.4 Давлат харидлари ва/ёки маҳаллий бизнес ҳамкорларни текшириш	136
1.5 Процедурани амалга ошириш ва унинг талабларига риоя этилиши	139
1.6 Бошқа қоидалар	140

1.7 Текширув натижаларини расмийлаштириш ва хужжатлаштириш	141
1.8 Саволлар ва муаммолар	142
1.9 Якуний қоидалар	142
1.10 Шакллар ва иловалар	143
2. Бизнес ҳамкорлар учун одоб-ахлоқ кодекси.....	180
2.1 Қўлланиш соҳалари.....	180
2.2 Умумий тамойиллар.....	180
2.3 Ахлоқий хатти-харакатлар	180
2.4 Фаолиятда ҳалоллик.....	181
2.5 Эришилган натижада тўхтаб қолмаслик	181
2.6 Тегишли текширув (Due diligence)	181
2.7 Амалдаги қонунчиликка риоя қилиш	181
2.8 Пораҳўрлик ва коррупция.....	181
2.9 Комплаенс бўйича ўкув-машғулот	182
2.10 Совгалар ва меҳмондўстлик харажатлари.....	182
2.11 Сиёсий бадаллар	182
2.12 Шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва муҳофазаси	182
2.13 Рақобатни чекловчи харакатлар	183
2.14 Манфаатлар тўқнашуви	183
2.15 Интеллектуал мулк	183
VII. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома	186
1. Умумий қоидалар	186
2. Асосий тушунчалар.....	186
3. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш	187
4. Текшириш учун хужжатлар ва маълумотларни олиш	187
5. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари.....	188
6. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувни ўтказиш йўналишлари.....	188
7. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари	189
8. Текширувни хужжатлаштириш ва хужжатларни сақлаш муддатлари	189
9. Текширишдан ўтган номзодларни ишга туширишдан олдинги талаблар.....	190
10. Якуний қоидалар	190
11. Шакллар ва иловалар	191
VIII. Манфаатлар тўқнашуви	195
1. Кириш ва сиёсатнинг максади	195
2. Атамалар ва тушунчалар	195
3. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари.....	197
3.1 Манфаатлар тўқнашувининг турлари.....	198
4. Масъуль таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари	199
5. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби	201
5.1 Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари.....	201
5.2 Номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашуви	201

5.3 Манфаатлар тұқнашувини хар үйлік декларация қилиш.....	202
5.4. Реал ёки потенциал манфаатлар тұқнашуви	203
6. Манфаатлар тұқнашувини хал қилиш чоралари	203
6.1 Манфаатлар тұқнашуви тұғрисида маълумотни ошкор қилиш	204
6.2 Реестрни юритиши ва сақлашыга күйиладиган талаблар	205
6.3 Сиёсатни амалга ошириш ва талабларға риоя этилишини таъминлаш	206
7. Шакллар ва Иловалар.....	207
IX. Ахлоқ қоидалари	222
1. Одоб-ахлоқ комиссияси тұғрисидаги Низом	222
1.1 Умумий қоидалар	222
1.2 Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари	222
1.3 Комиссия фаолиятини ташкил этиш	223
1.4 Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш	224
1.5 Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши	225
1. Одоб-ахлоқ қоидалари	227
2.1 Умумий қоидалар.....	227
2.2 Касбий маданиятта оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари.....	228
2.3 Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари	229
2.4 Хизматдан ташқары одоб-ахлоқ қоидалари	231
2.5 Жамоатчилик, ОАВ вакиллари билан муносабатларға оид одоб-ахлоқ қоидалари	232
2.6 Хизмат фаолиятидаги ташқи күрениш ва кийиниш услугига оид одоб-ахлоқ қоидалари	232
2.7 Манфаатлар тұқнашуви	232
2.8 Инсон хукукларига риоя этиш	233
2.9 Коррупция ва порахұрлық.....	234
2.10 Хайрия эхсонлари ва тижорат ҳомиилеклари	234
2.11 Корпоратив молиявий ҳисбот	234
2.12 Бизнес ҳамкорлар ва рақобатчилар.....	235
2.13 Экспорт назорати ва иқтисодий санкциялар	235
2.14 Пулларни ювиш ва терроризмни молиялаштиришда иштирокни тақиқлаш	236
2.15 Ҳалол рақобат	236
2.16 Атроф-мухит	236
2.17 Компания маълумотлари ва активлари муҳофазаси	236
2.18 Компания ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш	237
2.19 Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш.....	237
2.20 Комплаенс сертификатини расмийлаштириш	237
2.21 Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлық учун жавобгарлик	238
X. Компания сиёсатлари ва тартиб-таомилларини бузилиши	241
Алоқа каналлари орқали қоидабузарлайлар тұғрисида хабарларни күриб чиқиш	241
Ишонч телефони.....	241
Махфийлик.....	241

Таъқиб этилмаслик	241
1.1 Умумий қоидалар	242
1.2 Алоқа каналлари	245
1.3 Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалукли хабарларни қабул қилиш	245
1.4 Коррупциявий харакатлар хакидаги хабарларни күриб чиқиш	247
1.5 Ҳисобдорлик	248
1.6 Якуний қоидалар	249
2. Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш сиёсати.....	251
2.1 Умумий қоидалар	251
2.2 Ходимларни рағбатлантириш асослари ва турлари	252
2.3 Ходимларни рағбатлантириш масаласини күриб чиқиш комиссияси.....	253
2.4 Ходимларни рағбатлантириш масаласини күриб чиқиш ва рағбатлантириш тартиби	254
2.5 Ходимларни таъкибга олинмаслиги кафолати ва шахсини сир тутиш тартиби	256
2.6 Статистик маълумотларни жамлаш тартиби	256
2.7 Якуний қоидалар	256
3. Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси.....	257
3.1 Максади ва унинг қўлланилиш соҳаси	257
3.2 Атамалар ва тушунчалар	257
3.3 Асослантирувчи тамойиллар	259
3.4 Ҳужжатларни юритиш ва хабардор қилиш.....	267
3.5 Шакллар ва иловалар	268

I. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашишга оид сиёсатлар

1. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати

1.1 Кирин

Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат (кейинги ўринларда – Сиёсат) “Ўзавтосаноат” АЖда (кейинги ўринларда – Компания) ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман Компанияда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида Компания ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ти Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта даги 62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлар тавсиялари ва илгор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” ҳалқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Компания, Компания назорати остидаги фаолият кўрсатадиган корхоналар, шунингдек, Компания манфаатларида ва/ёки унинг номидан иш олиб борувчи барча шахслар томонидан юқорида қайд этиб ўтилган қонун ҳужжатларига, қонун ҳужжатларига риоя этилиши талаб этиладиган мамлакатларда мавжуд бўлган порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги барча қонунларга амал қиласди.

Компания ўз фаолиятида доимо адолатли, ҳалол ва вижданан ишлайди. Компания дунёning кўплаб мамлакатларида фаолият юритади, шу сабабли у порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳалқаро қонунларга, жумладан, АҚШнинг “Чет элдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Қонуни, Буюк Британиянинг “Порахўрликка қарши курашиш тўғрисида”ти Қонуни ва бошқа экстерриториал қонунларга бўйсунади. Компаниянинг порахўрлик ва коррупция фаолиятига аралashiши тегишли жавобгарликка олиб келиши, шунингдек, Компания фаолияти ва обрўсига путур етказиши мумкин.

Ушбу Қўлланма ва бошқа тегишли қонунларга кўра, коррупция ва порахўрлик жиноий хукуқбузарлик амалдаги қонунчиликка кўра жавобгарликни келтириб чиқаради. Шу сабабли, Компания ўз хукуқий мажбуриятларига жуда жиддий ёндашади ва сиздан ҳам шундай ёндашувни кутади. Шунингдек, ушбу Қўлланма шартларини тўлиқ қўллаб-

қувватласангиз ва уларга риоя қилсангиз, қўл остингиздаги ходимлар ҳам ушбу Қўлланмага риоя қилишига сабабчи бўласиз.

1.2 Коррупцияга қарши курашишга масъул департамент

Компанияда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти ташкил этилади.

Компанияда Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти ўз фаолиятини Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита Компания раҳбарига бўйсунади.

Компания раҳбари Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментини Компания коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси Компаниянинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги сиёсати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

Компаниянинг барча муассасаларида алоҳида Одоб-аҳлоқ комиссиялари фаолият юритади.

Компаниядаги Одоб-аҳлоқ комиссиялари Компаниядаги ходимларнинг этик хулқатвор коидалари билан белгиланган хулқатвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Компаниянинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги сиёсатида белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

1.3 Сиёсатнинг мақсади

Қуйидагилар Компанияда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

- Компания ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;
- Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;
- Компаниянинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;
- аҳолининг Компаниянинг фаолияти юзасидан ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданияти даражасини ошириш, Компанияда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- Компания ходимлари фаолиятининг шаффоғлиги ва хулқатвор меъёрларига мувоғиқлигини таъминлаш;

- коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;
- Компанияда мавжуд коррупцияга барҳам бериш.

1.4 Атамалар ва тушунчалар

Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Компания ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чоратадбирлар.

қадр/қийматга эга бирон-бир нарса - фойданинг ҳар қандай, жумладан, пул маблағлари, бадаллар, пул эквивалентлари, кредитлар, совфалар, совринлар, меҳмондорчилик, сафарлар, кўнгилочарлик, маҳсулотлар намуналари, сиёсий бадаллар, хайрия эҳсонлари, ишга жойлаш бўйича таклифлар, стипендиялар, келажакда ишга жойлаш бўйича ваъдалар, молиявий ёрдам билан чекланмаган ҳолдаги шакли.

шафелик – Компания ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши.

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Компания ходимларининг содиклигини оширишга қаратилган, Компания ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг ташкилот учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий бегараз ёрдами.

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноконуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноконуний фойдаланиш.

коррупциявий хукуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат.

коррупциявий хавф-хатар – Компания ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Компания номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи.

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш.

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда.

фаворитизм – Компания ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Компанияда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқиша кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Компанияда коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма.

маҳаллийчилик – маҳаллий манфатларнигина қўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш.

непотизм – (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар хисоблаш, Компания манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар.

алоқадор шахслар – Компания ходими билан тијорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик Компанияларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно.

уруғ-аймоқчилик – Компания ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги.

1.5 Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари

Коррупцияга қарши кураш тизими қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Компаниядаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича илфор дунё тажрибаси, шунингдек Компания ички хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) - Компания ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва қўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Компания ҳодимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик - Компания ҳодимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Компанияда қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий харакатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Компаниянинг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимида бирлаштирилиши;

коррупция билан боғлиқ ҳукукбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳукукбузарликларни содир этган Компания ҳодимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

ilmий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш - Компания коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Компаниянинг ҳар бир ҳодими коррупциявий харакат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички хужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун худудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда Компания раҳбарига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик - Компания ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб қиласди;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш – Компания даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равища таомиллаштириш – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Компанияда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равища ошириш чоралари кўрилади.

1.6 Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

Мазкур сиёsat ҳам давлат, ҳам хусусий сектордаги барча бизнес муносабатларига нисбатан қўлланилади. Шунга қарамай, давлат хизматчилари ва давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки улар кўплаб қоидалар асосида тартибга солинади ҳамда порахўрлик ва коррупцияга алоқадор юқори хавф билан тавсифланади. Компания ва унинг ходимларига давлат хизматчисига бизнес имкониятлари ёки бошқа фойдани олиш, сақлаш ёки назорат қилиш учун расмий қарорларга ноқонуний таъсир ўтказиш мақсадида қимматбаҳо нарсаларни бериш тақиқланади.

Ходимлар ва Бизнес ҳамкорларга ҳар қандай шахсга у билан бизнес алоқалар туфайли бизнес имкониятларини олиш ёки сақлаб қолиш ёхуд Компания учун ғайриқонуний устунликка эга бўлиш мақсадида (тўғридан-тўғри ёки воситачи орқали) ноқонуний равища пул маблағлари ёки қимматбаҳо нарсаларни и таклиф этиш, ваъда қилиш, тақдим этиш ёки ўтказишга рухсат бериш тақиқланади.

Компанияга ва унинг ходимларига:

- Компания учун бизнес имкониятларини олиш ёки сақлаб қолиш ёки ғайриқонуний устунликни олиш учун ҳар қандай шахсларга пора бериш;

- ҳақиқий ёки мумкин бўлган порахўрлик ёки коррупция фаолияти белгиларига эътибор бермаслик;

- уларнинг Компания номидан фаолият олиб боришида мустақил фикрларига таъсир қилиши мумкин бўлган қадриятларни талаб қилиш ёки қабул қилишлари тақиқланади.

1.6.1 Давлат хизматчилари ва давлат ташкилотлари

Ходимлар ва Бизнес ҳамкорлар ҳар қандай давлат амалдорига пора таклиф қилмаслиги, ваъда қилмаслиги, бермаслиги ёки беришга уринмаслиги керак.

Хусусан, улар давлат мансабдор шахсига унинг таъсиридан фойдаланган ҳолда Компанияга бизнесни юритишда устунликни қўлга киритиш ёки сақлаб қолиш мақсадида, тўғридан-тўғри ёки бошқа шахс ёки юридик шахс орқали бирон бир қимматли нарсани таклиф қилмаслиги, ваъда қилмаслиги, бермаслиги ёки беришга ҳаракат қилмаслиги керак.

1.6.2 Тижорий пора

Ходимлар ва Бизнес ҳамкорлар ҳар қандай давлат амалдорига пора таклиф қилмаслиги, ваъда қилмаслиги, бермаслиги ёки беришга уринмаслиги керак.

Хусусан, улар давлат мансабдор шахсига унинг таъсиридан фойдаланган ҳолда Компанияга бизнесни юритишда устунликни қўлга киритиш ёки сақлаб қолиш мақсадида,

түғридан-түғри ёки бошқа шахс ёки юридик шахс орқали бирон бир кимматли нарсаны таклиф қилмаслиги, ваъда қилмаслиги, бермаслиги ёки беришга ҳаракат қилмаслиги керак.

1.6.3 Расмиятчиликни соддалаштириш учун тұловлар

Расмиятчиликни соддалаштириш учун тұловлар (facilitation payments/grease payments) - бу давлат хизматчисига ёки мансабдор шахсга унинг одатдаги вазифалари доирасида бажарилиши керак бўлган қундалиқ, ихтиёрий бўлмаган ҳаракатларни бажариш ёки тезлаштиришга ундаш учун бевосита ёки билвосита бериладиган тұлов шакли.

Мисол учун:

Мансабдор шахсга рухсатномалар, лицензиялар ёки визалар олиш ёки олишни тезлаштириш учун берилиши мумкин;

аслида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўла туриб, коммунал хизматлардан фойдаланиш учун тұлов қилиш (электр қувват ёки сув каби).

Компания Ходимга расмиятчиликни соддалаштириш мақсадида миқдоридан қатыи назар, тұловларни амалга оширишни, шунингдек, бундай тұловларни яширишни ёки ниқоблашни тақиқлайди.

1.6.4 Таҳдидлар ва мажбурлаш

Баъзи холларда пора мажбурлаш чораларини қўллаш орқали талаб қилиниши мумкин. Мажбурлаш шахсга нисбатан унинг хоҳишига қарши тұловни амалга ошириш ёки қимматбаҳо нарсаларни беришга мажбурлаш мақсадида зўравонлик, озодликдан маҳрум қилиш ёки шунга ўхшаш кўринишида ёки бошқа жисмоний таҳдиддан иборат бўлиши мумкин. Ушбу Сиёсатнинг мақсадлари учун иқтисодий босим (молиявий йўқотишларга олиб келадиган салбий таъсир таҳди迪 ёки фаолиятнинг сустлашиши) дан фойдаланиш мажбурлаш ҳисобланмайди.

Мажбурлаш чораларини қўллаш эҳтимоли жуда паст бўлишига қарамасдан Компания Ходимлардан мажбурлаш остида ўзларининг ёки учинчи шахснинг хавфсизлигини хавф остига қўйишини талаб қиласмайди. Бироқ Компания ўзига нисбатан мажбуров чоралари қўлланилаётган шахсдан Ходимларни химоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш ва бундай ҳодисаларнинг тақрорланишига йўл қўймаслик мақсадида зудлик билан Комплаенс департаментига хабар беришини (иложи бўлса, воқеа тўғрисида ёзма хисобот тайёрлашни) талаб қиласми. Мажбурий амалга оширилган тұловлар Компаниянинг молиявий хужжатларида (яъни, китоблар ва қайдларда) аниқ акс эттирилиши керак.

1.7 Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

Ички ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши ва келишиши жараёнида Компаниянинг Комплаенс хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқарип ташлаш мақсадида экспертиза ўтказади.

1.8 Компания фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Компания ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишида Компания ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро

алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

1.9 Компания фаолиятини видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

Компания биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Компаниянинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилиши мумкин (хусусан, ходимлар билан сухбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар ийғилишлари ва х.к.)

1.10 Ҳисобот ҳужжатлари ва ҳисобот бериш

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни ҳужжатларига, жумладан, АҚШнинг “Чет элдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни (FCPA)га мувофиқ, Компания ўз бухгалтерия китoblари ҳамда ёзувларини барча битимларни тўғри акс эттирадиган ва ҳеч қандай чалғитувчи ёки ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларга эга бўлмаган тарзда юритиши шарт.

Барча битимлар тўлиқ ва ҳар қандай тўловнинг мақсади ҳамда ҳажми аниқ кўринадиган тарзда қайд этилиши лозим. Бирон-бир мақсад учун ҳеч қандай яширин ёки қайд этилмаган пул жамғармалари ёки активлар яратилиши мумкин эмас. Компаниянинг қайд ҳужжатларида ва ҳисоботларида бирон-бир мақсад учун нотўғри, чалғитувчи ёки ҳақиқатга мос келмайдиган ёзувлар киритилишига йўл кўйилмайди.

1.11 Ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

Компания коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва Компания хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёsat ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

Компания барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга куйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунишига сарфлайди:

- Компания раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали Компанияда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

- Компания ходимларини Компанияда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишига доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камидан бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

- янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёsat ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

- Компаниядаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг кўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиба Компаниянинг Кадрлар бўлимида сақланади;

- мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Компания ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

- мазкур Сиёsat қоидаларини кўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартибтаомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Компания ходимларига маслаҳатлар бериш;

- тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Компанияда коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

- Компания ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш;

- Компания мазкур Сиёsat қучга кирган вақтдан бошлаб Компаниянинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш;

- Компания контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш.

Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёsat қучга кирган вақтдан бошлаб Компаниянинг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Компаниянинг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (пошта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёsat қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайta кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

1.12 Текширувлар ўтказиш ва Компания фаолиятини ўрганиш

Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишида (кейинги ўринларда – текширув обьектлари) Компания ходимлари:

- манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти текшируви ёки ўрганиши, мониторингини амалга оширишда текширув, ўрганиш, мониторинг обьектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари Компания, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буорганда текширув обьекти билан хизматдан ташқари мақсадларда ёлғиз қолмаслиги;
- йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган обьект ходимларини аниқланган фактларни хукуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;
- текширув, ўрганиш, мониторинг ўтказилишига асос бўлмаган ҳолатларга алоқадор ҳужжатларни сўраб олиш ва масалага таалуқли бўлмаган ҳолатларга қизиқмаслиги лозим;
- текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;
- қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (ўрни келганда), Компания томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни конфиденциаллиги таъминланган ҳолда сақлаш учун киритиши;
- агар текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакиллари Компания ходимиға аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган ёки таклиф этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гурӯх раҳбарига ва Компаниядаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;
- текширув, ўрганиш, мониторинг обьекти вакилларига Компания ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

Компания томонидан юқорида кўрсатилган тадбирлар ни амалга ошириш мақсадида ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътиrozлар коллегиал тарзда кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда комиссия ташкил этилиши мумкин. Компания томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътиrozларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

1.13 Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

Коррупцияга қарши курашиш учун масъул Компанияда амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

Мониторинг ва назорат Компанияда Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Компаниянинг бошка ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- Компания фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидағи ўзгаришларнинг Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;

- Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

- халқаро ва хорижий Компанияларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-куватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

-оммавий ахборот воситаларининг Компания ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганилиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Компания контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

- самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Компаниянинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

- Компаниянинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

- Компания ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

- Компания ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш.

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан Компанияда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий хужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

1.14 Жавобгарлик

Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Компаниянинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Компаниянинг бошқа ички хужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Компаниянинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

- ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини сусистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Компаниянинг қонуний манфаатларига зид равища, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

-давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Компания манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим

мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

-расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

-порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

- Компания ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

Ходимлар ўз раҳбари ва Компаниянинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Компанияда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Компанияда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича процедура ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартибтаомилларни бузган Компания ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қиласи ва доимий равища коррупцияга қарши курашиш тизимини тақомиллаштиради.

Ички текширувлар натижалари доимий равища Компания раҳбарига ва Компаниянинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

Компания коррупциявий хуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун хуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қиласи.

1.15 Коррупциявий ҳаракатларга доир ҳабарлар ва маслаҳатлар

Компания ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Компаниянинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

Компания ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Компания ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-автори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши қурашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳакида вижданан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлади.

Компаниянинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Компания масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Компаниядаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишига оид ички ҳужжатлар ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вактида ва холисона кўриб чиқлади.

Компания ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-автор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

1.16 Қайта кўриб чиқиши ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

Мазкур Сиёсат қуидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғирланиши мумкин:

- мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиши заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қуаш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;
- самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Компания фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши қуашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;
- Компаниянинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва қонунчилиқда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

1.17 Коррупцияга қарши қурашишга доир ички сиёсатлар

1. “Ўзватосаноат” АЖда коррупцияга қарши қурашиш сиёсати;
2. “Ўзватосаноат” АЖнинг Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
3. “Ўзватосаноат” АЖнинг Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати;
4. “Ўзватосаноат” АЖнинг алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиши регламенти;
5. “Ўзватосаноат” АЖда ходимларининг этика ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
6. “Ўзватосаноат” АЖнинг бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш процедураси;
7. “Ўзватосаноат” АЖга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
8. “Ўзватосаноат” АЖ коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
9. “Ўзватосаноат” АЖда Коррупцияга қарши қуаш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;
10. “Ўзватосаноат” АЖнинг Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси;

11. “Ўзавтосаноат” АЖнинг Бизнес ҳамкорларнинг одоб-аҳдоқ кодекси;
12. “Ўзавтосаноат” АЖ Хайрия ва тижорат хомийлиги бўйича сиёсати;
13. “Ўзавтосаноат” АЖ Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати;
14. “Ўзавтосаноат” АЖ Санкциялар ва экспорт назорати сиёсати;
15. “Ўзавтосаноат” АЖ Совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳат қилиш тартиби;
16. “Ўзавтосаноат” АЖ ходимларининг Одоб-аҳдоқ кодекси
17. Этика қўмитаси тўғрисида Низом

Компания раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

Компания раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Компания таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қиласди.

Компания раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Компания таркибий бўлинмалари раҳбарлари Компания фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намойиш қиласди.

1.18 Ўқишиш ва тасдиқлаш

Ходимлар ушбу қўлланма билан танишишлари ва унга амал қилишини тасдиқлашлари керак. Ходимлар ушбу қўлланма қоидалари, шунингдек, амалдаги қонунлар ва қоидалар бўйича даврий тренингдан ўтадилар. Комплаенс департаменти барча ходимларнинг бундай даврий ўқитилишини таъминлаш учун жавобгардир. +

Кўлланма электрон шаклини Компания ходимлари томонидан корпоратив почта орқали (ёки бошқа йўл билан) олганлиги, мазкур юборилган хужжатлар билан худди қоғоз нусхада олинганидек танишганлик ҳисобланади.

2. Ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома

2.1. Умумий қоидалар

Ушбу Йўриқнома Компанияда ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат киладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг хуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг бошқа ички хужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

Компания ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2.2 Ўқитишнинг асосий тамойиллари

Компания ходимларини Ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

холислик ва илмийлик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўкув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётiga доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жиҳатдан қулайлик – Компания ходимларини Ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асослананиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўкув материаллари, шунингдек Компания ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;

ҳаммабоплик – Ўқитиш Компания ходимларининг жорий билимлари ва кўнижмаларини ҳисобга олиш, Компаниянинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўкув материалларини шакллантириш;

дифференциаланган ёндашув – Компанияда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда маҳсус ўқитилади;

ўқитиш усуллари ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириш – Компания ўкув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Компания ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

2.3 Ўқитишинг устувор вазифалари

Ўқитиши шакллари ва усулларини аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Компания ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиши учун масъул шахслар қуидаги устувор вазифаларға таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг Компания ҳаётининг турли соҳалари, Компаниянинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Компаниянинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг ахлоқий қадриятлари ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Компания ходимларини Компанияда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан танишириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Компаниянинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

2.4 Ўқитиши ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар

Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси Компания ходимларини Ўқитиши режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиши, шунингдек Компанияда бундай ўқитиши мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

Компаниянинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда – Комплаенс департаменти) Компания ходимларини Ўқитиши режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиши ўтказилишини мувофиқлаштиради.

Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси Ўқитиши интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қиласи.

Компания Комплаенс департаменти ва Ходимлар билан ишлаш бошқармаси тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий Компаниялар билан тузилган шартномалар (Компанияда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитиши амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

2.5 Ўқитиши турлари ва шакллари

Ўқитиши қуидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:

- барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиши;
- Компания ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиши;
- коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиши.

Умумий коррупцияга қарши ўқитиши ва Компания тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиши Компаниянинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

Компаниянинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни тақрорлаш имкониятини яратиши лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилигини билиш;
- Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъкилар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига қўйилган талабларни билиш;
- Компания ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички хужжатларини билиш;
- коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;
- олинган билимларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;
- Компаниянинг турли фаолият соҳаларидағи коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилиятига эга бўлиш;
- Компанияда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Компания ходимларининг этика, хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Компаниянинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Компанияда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар тақрорланишини таъминлаши лозим.

Компания ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Компания ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

Компания ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Компания ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффакиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у тақорорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 30 иш куни ичида топшириши мумкин.

Коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимлар учун маҳсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (кўшимча) равишда ўтказилади.

Коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимлар рўйхати Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофик шакллантирилади.

Коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш қуидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

- коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;
- коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

- учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

- коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олевчи ички хужжатлар.

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) ўқиши керак.

Бу коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эксперталарни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (Компаниялар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади. Тренинглардан ўтиш йилига камида 10 (ўн) соатни ўз ичига олиши лозим

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илфор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

2.6 Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички хужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

Компания ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

Компания ходимлари куйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

- ходим коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

- лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

- Компанияда коррупциявий харакатлар билан боғлик ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

- Компания раҳбари қарорига мувофиқ.

Компанияга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичидан коррупцияга қарши ва Компания ходимларининг этика ва хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўқув

шакли учун) ва мазкур Бобнинг 22-23 бандларида күзда тутилған ўқитиши муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиши ҳамда Компания ходимларини этика ва хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиши барча ходимлар учун Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

Ходим коррупциявий хавф даражаси пастдан юқори бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ холатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда маҳсус коррупцияга қарши ўқитиши этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишининг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ҳар йили Ўқитиши жадвалини тузади ва 31 декабргача уни Компания раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиши жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиши муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиши жадвалида албатта ўқитиши курси номи, санаси, шунингдек ўқитиши тайинланган лавозимлар кўрсатилади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ходимлар билан ишлаш бошқармасининг масъул ходимлари ўқитиши бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қиласи.

Белгиланган муддатда ўқиши имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиши бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишини бошқа санага кўчириш мақсадида Ходимлар билан ишлаш бошқармаси огохлантириб қўйиши лозим.

2.7 Ўқитиши интизомини назорат қилиш ва хужжатларни сақлаш

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси Компания ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишишига доир маълумотларни йифиб боради ва уларни ҳар чоракда Компаниянинг Комплаенс департаментига тақдим этади. Маълумотлар ўқув тартиб-қоидалари, тренинглар қандай ўтказилиши (онлайн ёки шахсан), тренингнинг мазмуни, тренинг қачон ва кимга ўтказилганлиги ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Компаниянинг Комплаенс департаменти олинган маълумотларни таҳлил қиласи (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари корректировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огохлантиради.

Ўқитиши жадвали, йўқлама варақалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар Ходимлар билан ишлаш бошқармасида сақланади.

2.8 Якуний қоидалар

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички ҳужжатларидағи ўзгаришлар қиритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта қўриб чиқилади. Компаниянинг Комплаенс департаменти мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

Компания ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъи назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

2.9 Шакл ва иловалар

Ходимларининг этика ва рупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқномага илова

Компания тизими ходимларини коррупцияга қарши курашиши бўйича умумий ўқитишининг

ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	<p>Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари;</p> <p>Коррупциянинг ижтимоий-хуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмuni;</p> <p>Компанияда коррупцияга муносабат.</p>
Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асослари	<p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик;</p> <p>Компанияда коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар;</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.</p>
Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизими	<p>Компаниядаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи;</p> <p>Компаниядаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш;</p> <p>Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;</p> <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари;</p> <p>Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар;</p> <p>Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).</p>
Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар	<p>Компаниядаи хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари;</p> <p>Назорат-руҳсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Совғалар ва иш билармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Ходимларни Компанияга танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p>

Мавзу	Компонентлар
	<p>Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий Компаниялар фаолиятини мувофиқлашириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Компания фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.</p>
Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик	<p>Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;</p> <p>Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи.</p>
Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли	<p>Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;</p> <p>Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;</p> <p>Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш;</p> <p>Фуқаролик жамияти институтларининг Компания билан ўзаро ҳамкорлиги.</p>

3. Порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти

3.1 Умумий қоидалар

Мазкур Услубиёт “Ўзавтосаноат” Акциядорлик жамиятининг ички норматив хужжати ҳисобланади ва Компанияда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив хужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Компания фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, Компаниянинг ички норматив хужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илфор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (кейинги ўринларда –мониторинг ва назорат) Компаниянинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда – Комплаенс департаменти) томонидан амалга оширилади.

Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қўйидагилар ҳисобланади:

Компания фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Компаниянинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;

Компаниянинг коррупцияга қарши ички норматив хужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

Компания фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш;

Компаниянинг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

Компанияда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

Ушбу Услубиёт мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички хужжатлари бузилишининг олдини олиш, Компания ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чоратадбирлар.

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

релевант ҳабар – Компаниядаги коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган ахборот.

3.2 Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари

Компанияда қўйидаги асосий йўналишлар бўйича коррупцияга қарши **мониторинг** ўтказилади:

Ички локал коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида Компания ходимларининг ёки унинг контрагентларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги;

Компания ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги.

3.3 Ички локал коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби

Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш локал тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги Комплаенс департаменти томонидан доимий равищада Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги ва бошқа коррупцияга оид талабларни (масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг кўрсатмалари, халқаро ва чет эл ташкилотлари тавсиялари) кузатиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Бунда, зарурат туғилганда Комплаенс департаменти мониторинг якунлари бўйича Компаниядаги коррупцияга қарши тизимини такомиллаштириш, ички локал хужжатларни ўзгarterиши ёки янги хужжатлар, чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Компания раҳбарига киритади.

Оммавий ахборот воситаларида Компания ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги, Компания ахборот хизмати томонидан доимий равищада оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатиш орқали амалга оширилади.

Мониторинг натижасыда ходимга алоқадор релевант хабар аниқланғанда Компаниядаги ходимларининг коррупцияйиң хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича ички локал хужжатда белгиланган тартибда ҳаракат қилинади.

Компания ходимларининг асосий коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш Комплаенс департаменти томонидан ярим йилда бир марта амалга оширилади.

Ходимларнинг хабардорлиги мазкур услубиётга 1-иловада келтирилган ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизимиға мувофиқ ўтказилиб, куйидагиларни ўз ичига олади:

танлов асосда Компания ходимларининг текширувда иштирокини аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг минимал сони Компаниянинг турли тузилмаларидан турли лавозимларни эгаллаган 6 киши);

коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва Компания талабларига мувофиқ саволлар рўйхатини тузиш (вазиятли топшириқлар - кейсларни ечиш билан) саволларнинг минимал сони 10 та, тест, очиқ саволлар ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин);

жавоб/ечимларни тақдим қилиш учун танланған ходимларга назорат саволларини юбориши;

натижаларни таҳлил қилиш ва коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларини тушуниш ва уларга риоя қилишдаги қийинчиликларни ходимлар билан муҳокама қилиш.

Ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот 2-иловага мувофиқ шаклда журналга киритилади

3.4 Компаниядаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш

Компаниянинг коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички локал хужжатта мувофиқ ҳисбот тузиш давомида амалга оширилади.

Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат Компаниядаги коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қиласидаги функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиш мақсадида коррупцияйиң хавф-хатарларга энг кўп майил бўлган муносабатларга нисбатан Компанияда жорий этиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирларга нисбатан амалга оширилади.

Компания фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат периметрига куйидаги хавфли жараёнлар киритилиши мумкин:

харидлар бўйича фаолият;

савдо ва маркетинг;

етказиб бериш;

таъминот;

химат кўрсатиш;

ишлаб чиқариш, кооперация ва маҳаллийлаштириш;
ташқи иқтисодий кооперация, инвестиция ва инновация фаолияти;
совғалар, хизмат сафарлари харажатлари;
фаолияти назорат қилинувчи Компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик;
ғазначилик ва молиявий маблағларни сарфланиши;
ходимлар билан ишлаш (кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимини хизмат) ошириш,
мукофотлаш ва бошқа кўринишдаги рағбатлантириш);
ҳавфсизлик ва ракамлаштириш

Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориладиган фаолият жараёнларининг кўрсатилган рўйхати ҳар йили коррупцияга оид ҳавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра Комплаенс департаменти томонидан кўриб чиқилади ва агар лозим бўлса, коррупция нуқтаи назаридан ҳавфли бўлган ёки Компания учун долзарб бўлмаган жараёнлар нуқтаи-назаридан, Компания раҳбари ва Компаниянинг тегишли бўлимлари билан келишилган ҳолда, ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш орқали тузатиш киритилади.

Бир ёки бир нечта ҳавфли жараёнларга нисбатан коррупцияга қарши назорат даврий оралиқда, лекин Компаниянинг коррупцияга қарши мониторинг ва назорат режасига мувофиқ ҳар чорақда камида 1 (бир) марта амалга оширилади.

Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси календарь йилга мўлжаллаб Комплаенс департаменти томонидан жорий йилнинг 15 январига қадар шакллантирилади ва ушбу Услубиётда кўрсатилган (15 ва 16-бандлар) Компаниянинг барча жараёнларини, текшириладиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олиши керак.

Шу билан бирга, тегишли чорақда текширилиши керак бўлган ҳавф-хатар жараёнларининг кетма-кетлиги ва тақсимланиш жараёни Компаниянинг коррупциявий ҳавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички локал ҳужжатида кўрсатилган, меҳнат ресурслари билан таъминлаган ҳолда қонунбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари ёки бошқа усууллар орқали, раҳбариятдан олинган жорий кўрсатмаларга кўра Комплаенс департаменти томонидан белгиланган тартибда ҳавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича жараёнларининг қолдиқ ҳавф даражасига қараб амалга оширилади.

Тайёрланган коррупцияга қарши талаблар ва Мувофиқликни назорат қилиш режаси компания раҳбари томонидан [ой куни, йил] тасдиқланиши керак.

Компанияда режадан ташқари Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат чоралари қуидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар Компания раҳбарининг тегишли буйргуи мавжуд бўлса;

Компанияда ўтказилган бошқа текширувлар (шу жумладан расмий текширувлар, ички аудиторлик текширувлари ва бошқалар) давомида коррупция хатарлари аниқланганда;

Компаниянинг алоқа каналлари орқали тегишли хабар олинган тақдирда.

Назорат тадбирлари текширув шаклида ўтказилиб, шу жумладан, коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қуидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:

Компания томонидан тузилган шартномалар маълумотларини товарларни қабул қилиш ва топшириш хужжатлари ёки хизматлар қўрсатиш, ишларни бажариш хужжатлари билан солиштириш;

товарларни хақиқий сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ёки хизматлар қўрсатиш, ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни уларнинг миқдори ва сифати билан тегишли шартнома ва хужжатларда белгиланган тартибда солиштириш;

харидларни амалга ошириш жараёнида амалдаги норматив ҳуқуқий хужжатлар ва Компания Регламентида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш;

Компания эҳтиёжлари шакллантиришда шакллантирилган эҳтиёжни Компаниянинг реал эҳтиёжи ва режалаштирилган эҳтиёжига мувофиқлигини текширади;

омборларни тартибга солувчи ва уларни тўғри ташкил этилишини таъминловчи меъёрий хужжатларга риоя этилишини ўрганиш; ERP OYNA, 1-C дастурларидан таъминот тизимиға оид кунлик, ҳафталик, ойлик ҳисоботларни ўрганиб, таъминот тизимида юзага келиши мумкин булган ҳавфларни мониторинг қилиб бориш, уларни бартараф қилиш бўйича корхона мансабдор шахслари ва тегишли мутахассисларга қўрсатмалар бериш

контрагентни ёки Компанияда ишлашга номзодни текшириш натижалариiga асосланган хulosада акс эттиришнинг тўлиқлигини, таҳлил қилиш учун тақдим этилган ва ахборот манбасининг мазмунини қайд қилувчи хужжатлар таркибидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш, шунингдек, контрагент ёки ишлашга номзоднинг шартномада қўрсатилган маълумотлари ва текширувдан ўтган шахснинг маълумотларининг мувофиқлигини текшириш;

контрагент ва Компания, шу жумладан, мувофиқлаштирувчи шахслар томонидан шартнома бошқа маъмурий хужжатлар имзоловчиларининг ваколатлари мавжудлигини текшириш, тақдим этилган хужжатларни ваколатли шахсларнинг имзолари билан визуал равишда мослигини солиштириш;

контрагентнинг реквизитларини ва тегишли шартнома бўйича суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

Компания ёки контрагент ходимлари томонидан тақдим этилган хужжатларида тузатиш, ўчириш, сохталаштириш белгилари йўқлигини текшириш;

қонун хужжатларига ва Компаниянинг ички хужжатларига мувофиқ талаб этиладиган оммавий ахборот манбаларида эълонларнинг мавжудлигини текшириш (рақобатлашув харид қилиш тартиб-таомилларининг эълон қилингандиги тўғрисида маълумот ва бошқалар.);

мавжуд дастурий таъминотлар ва электрон маълумотлар базаси асосида масофавий назоратни амалга ошириш;

Компания ва тизим корхоналарида кибер ҳавфсизлик (шу жумладан ахборот ҳавфсизлиги) чоралари кўрилганлигини ўрганиб бориш;

Компания ва тизим корхоналарида кўриқлаш фаолиятига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш, кўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича самарали назоратни амалга ошириш;

ҳавфсизлик техника воситаларини кўриқлананаётган обьектларга жорий этиш ва узлаштириш фаолиятини ташкил этиб, обьектларни эҳтимоли мавжуд улган

ҳукуқбузарликлардан ишончли химоя қилишни таъминлаш учун уларнинг доимий кузатувини ташкил қилиш;

бошқарувчи компаниялар, тизим корхоналари қуриқлаш хизматларидан қунлик вазият ҳақидаги маълумотларни олиб таҳлил қилиш, келиб тушган ҳабарлар бўйича ҳақиқий холатларни ўрганиш;

пайдо бўлаётган масалалар бўйича қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун Компания ходимлари билан сухбат.

Назорат тадбирлари якунда маълумотнома тузилади (кейинги ўринларда- Маълумотнома деб юритилади), у кириш, тавсифловчи ва якуний қисмларни ўз ичига олиши лозим ва уларда, одатда, қўйидагилар кўрсатилади:

Кириш қисмида:

Ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

Ҳисоботни тузиш учун масъул ходимнинг ФИШ.

Тавсифловчи қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми;

Компания коррупцияга қарши тизимининг аниқланган қоидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса кўшган сабаблар ва шароитлар.

Якуний қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, Компаниянинг ички хужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар;

назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

Маълумотномага киритилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари(иложи бўлса) илова қилиниши керак.

Маълумотнома Компания раҳбарига тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот 1-иловага мувофиқ шаклда Журналга киритилади.

3.5 Якуний Қоидалар

Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида Комплаенс департаментига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун Компания таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгарdir.

3.6 Шакллар ва иловалар

Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига 1-илова

“Үзіншілдік” АЖ ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш ТИЗИМИ

Т/р	Текширув йүналиши	Текширув тадбирлари
1.	Компания ходимларига одобрахлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилиш масалалари бүйича тренинглар (онлайн, оффлайн) үтказилишининг мониторинги	Тренинглар мунтазамлиги, уларни мазмуну ва қатнашувчи шахслар қисми бүйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш.
2.	Коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва тартиб-таомиллар талабларини билишини текшириш	<p>Компания ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тренинглари доирасыда үтказиладиган тест ёки бошқа назорат тадбирларидан үтишлари натижаларининг тақъили;</p> <p>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат билан имзо күйдирилген ҳолда мажбурий тарзда таништирилғанлыгини текшириш;</p> <p>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини танлов асосида текшириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) текширувда қатнашиш учун Компания ходимларини танлов асосида аниқлаш (сүровда қатнашадиган ходимларнинг энг кам сони – Компанияда турли таркибий бўлинмалардан турли лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони – 6 нафар); б) ички хужжатларда кўрсатилган коррупцияга қарши талаблар ва нормалар бүйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг энг кам сони 10 та, улар тест форматида, очик саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин); в) жавоблар/қарорларни тақдим килишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш; г) натижаларни тақлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни тушунишда қийинчилликларни муҳокама қилиш.

**Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва
назорат қилиш услубиётига 2-илюва**

**“Ўзвестосаноат” АЖда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини
мониторинг ва назорат қилиш
ЖУРНАЛИ**

T/ р	Мониторинг / тадбир тури	Чора-тадбирларни мониторинг қилиш даврийлиги (хар чоракда/ҳар ярим йилда/доимий)	Мониторинг / назоратни ўтказиш санаси	Кузатув тафсилоти	Коррупцияга қарши курашиш тизимини тўғрилаш чоралари	Масъул ижрочи	Тўғрил анадиг ан чора-тадбирларнинг ижро муддати	Ижро холати
Коррупцияга қарши курашиш тизимини баҳолаш								
1	Ички локал коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг конунчиллик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги	Доимий равища						
Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш								
2	ОАВ мониторинги	Доимий равища						
3	Компания ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги	Ҳар ярим йилда						
4	Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат	Ҳар чоракда						
	Компаниядаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат	Ҳар чоракда						

4. Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом

4.1 Умумий қоидалар

Мазкур Низом Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги ҳисобдорликни шакллантириш тартибини белгилайди.

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларни (кейинги ўринларда – Ҳисоботлар) шакллантириш ва тақдим этиш учун маъсулият Компаниянинг Комплаенс хизмати ходимлари зиммасида (кейинги ўринларда – Комплаенс департаменти) бўлади.

Компаниянинг таркибий бўлинмалари ҳисоботни тақдим қилиш учун маъсулият таркибий бўлинмалар ва/ёки соҳалар кесимида фаолият юритувчи коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ходим (кейинги ўринларда – Масъул ходим) зиммасида бўлади.

4.2 Ҳисобот турлари ва уларнинг даврийлиги

Ҳисоботларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

– Компанияда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги, ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс департаменти томонидан мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тузилади.

– Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс департаменти томонидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда тузилади.

Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши тадбирлар ўтказилган ёки йўқлигидан қатъий назар, тузилади.

Йилнинг IV чораги учун ҳисобот тузилмайди, унинг ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот Компания раҳбарларига топширилади.

Компаниянинг Комплаенс департаменти ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Компаниянинг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) кўриб чиқиши учун киритиб боради.

Компаниянинг йиллик ҳисоботидаги умумий ахборот Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот Компаниянинг Комплаенс департаменти томонидан тайёрланади.

4.3 Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш мақсадида тузилади.

Ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс департаменти томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай тузилади ва Компания раҳбарига (Компания ҳайъатига) кўриб чиқиши учун топширилади.

Ҳисобот қўйидаги тартибда тузилади:

– ҳисобот давридан кейинги ойнинг 1 санасидан кечиктирмай, Компаниянинг Комплаенс департаменти Масъул ходимларга ушбу ойнинг 2 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

– Компания бўлинмаларининг ҳисботи Комплаенс департаменти томонидан тузилади ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул бўлган раҳбар ўринbosари томонидан тасдиқланади;

– Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим;

– Ҳисботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

– Комплаенс департаменти ушбу Низомга 2, 4-9-иловаларида кўрсатилган шаклда Компания тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича Компания тизими бўйича тузилган ҳисботдаги маълумотларни киритади.

Ҳисбот асосий маълумотлар ва тавсияларнинг қисқача мазмунини ўз ичига олиши керак. Ҳисботда асосий ахборотни ўзида акс эттирган қисқача маълумотнома ва таклифлар бўлиши керак. Йиллик ҳисбот ўз ичига ўтган йилнинг худди шундай кўрсаткичларига эга бўлган солиштирма таҳлилни ҳам қамраб олиши керак.

Компания тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисботлар ва Компания тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботни тузишда Комплаенс департаменти тешишли бўлинма ходимларидан зарур ҳужжатлар, тушунириш ва статистикани сўраш ва олиш хукуқига эга.

Комплаенс департаменти қисқа маълумотнома биринчи тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисботни тузади. Комплаенс департаменти тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисботини ҳисбот давридан кейинги ойнинг 3 санасигача Компания раҳбарига тақдим этади.

Ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойнинг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисботни Агентликка тақдим этилади.

4.4 Коррупцияга қарши курашга оид давлат дастурларида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш тартиби

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида назарда тутилган чора-
Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни
амалга ошириш тўғрисидаги ҳисбот ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шаклда тузилади.

Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни
амалга ошириш тўғрисидаги ҳисбот Комплаенс департаменти томонидан Компанияда
коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисбот
билин бир вақтда тузилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида режалаштирилган тадбирларнинг
амалга оширилгани тўғрисидаги ҳисбот раҳбар томонидан кўриб
чиқилгандан кейин Агентликка юборилади.

4.5 Якуний қоидалар

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компаниянинг ички локал ҳужжатларга
ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқилиши лозим.

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга Компаниянинг Комплаенс
департаменти маъсул бўлади.

4.6 Шакллар ва иловалар

Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисида ҳисоботни Шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги низомга 1-илова

Коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти тўғрисида ҳисобот

Компания номи:	
Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун маъсуллар):	ФИШ, лавозими, тузилмаси
Ҳисобот даври:	
Ҳисобот тайёрланган сана:	

T/p	Тадбирла р гурӯҳини нг номлари	Тадбирларн инг номлари	Бажари ш муддат и	Маъсул ижрочили к ар	Ижро тўғриси да белги	Ижро этилмага н бўлса, ижро этилиши кутилаётг ан муддат	Бажарилганли кни таасиқлаш, бажарилмаган бўлса сабаблари

T/p	Тадбир	Натижалар
П. Сиёсаллар ва процедуралар		
1.	Ички хужжатларни мослаштириш	Компанияда ҳисобот даври учун мослаштирилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чоралар ёки коррупцияга қарши курашишга оид тартиб-таомилларга эга бўлган ички хужжатларни (сиёсаллар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
2.	Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга соловчи ички хужжатларни ишлаб чиқиши.	Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш соҳасига киритилган соҳаларни тартибга соловчи ички хужжатларни (сиёсаллар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва ш.к.) кўрсатиш зарур.
П. Шахсий намуна		
3.	Компания раҳбари ва унинг ўринbosарларининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи).	3-6-бандларда Компания тизими раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарларининг қонунчилик талабларига риоя килиш, коррупцияга нисбатан муросасиз бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал килишининг муҳимлиги тўғрисидаги позицияси, фикр

Комплаенс-назорат қўлланмаси

		мулоҳазалари очиқ эътироф этилган тадбирларни кўрсатиш лозим.
4.	Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Компания раҳбари ва унинг ўринбосарларининг номидан).	
5.	Компания раҳбари ва унинг ўринбосарларининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари.	
III. Хавф-хатарларни баҳолаш		
6.	Компанияда коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиши	Ҳа ўтказилган\йўқ ўтказилмаган (сабаблари кўрсатилади) \ жараёнда (қайси босқичдалиги кўрсатилади)
7.	Хисобот даври учун Компанияда иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юкори, ўтра, паст).	Янги коррупциявий хавф-хатарлар қайси жараёнларда аниқланганлиги, уларнинг даражаси санаб ўтилади. Қандай коррупциявий хавф-хатарлар қайта баҳоланди, янги даражা, баҳони ўзгартириш сабаблари ва коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар. Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади.
8.	Хисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиши бўйича амалга оширилган тадбирлар	
9.	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юкори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ таваккал юкори бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг фоиздаги нисбати кўрсатилади
10.	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган коррупциявий хавф-хатарлар умумий сонига фоиздаги нисбатини кўрсатиш зарур.
IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар		
11.	Компанияда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар	Компания аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг сонини кўрсатиш ёки аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини илова қилиш зарур.
12.	Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация килиши.	Ҳар йиллик манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Компаниядаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур. Ҳар йили манфаатлар тўқнашуви декларациясини амалга ошириши шарт бўлган манфаатлар тўқнашувини декларациялаш тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг Компаниядаги умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбатини кўрсатиш зарур.
13.	Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони.	Компанияга ишга қабул қилинган ходимлар сонини ва Компаниядаги лавозимга номзодлар текшируви сонини кўрсатиш зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини кўрсатиш зарур.
14.	Хисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги	Хисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сонини, текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги

Комплаенс-назорат құлланмаси

		нисбатини құрсашиб зарур. Текширув ўтказилмаган бўлса сабабини құрсашиб зарур.
15.	Амалга ошириладиган бошқа коррупцияға қарши тартиб-таомиллар	Мавжуд бўлганда ушбу бўлимда құрсатилмаган бошқа амалга ошириладиган коррупцияға қарши тадбирларни қўрсашиб.
V. Таълим ва коммуникация		
16.	Коррупцияға қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш: барча ходимлар учун; коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойлилик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун.	Тренинглар тури ва шакли, ўқитилган ходимлар сони, уларнинг лавозимлари даражаси ва бўлинмаларни қўрсашиб.
17.	Компанияга яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш.	Коррупцияға қарши курашиш масалалари бўйича тренинглардан (умумий, танишув) ўтган янги ходимларни умумий янги ходимлар сонига фоизлардаги нисбати тренинглар мавзуси кесимида қўрсашиб.
18.	Ходимларнинг коррупцияға қарши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияға қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар	Тадбир иштирокчиларнинг мақсадли гурухини, уларни сони (имкони бўлса), мавзуси ва турини (масалан, танловлар, викториналар, сўровномалар ва б. кўрсатилади) ва унинг яқунларини қўрсашиб.
19.	Коррупцияға қарши кураш учун маъсуллар томонидан бажарилган коррупцияға қарши кураш меъёrlари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари.	Коррупцияға қарши талаблар ва тартиб-таомилларга амал қилиш зарурияти тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг тўғри талқин қилиниши ва уларга тўғри амал қилиш тўғрисидаги хабарнома ва бошқа тарқатма материаллари.
20.	Ходимларнининг аҳлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияға қарши кураш тизими ва коррупцияға қарши қонунчиликнинг талаблари хақида хабардор қилишнинг бошқа усуслари.	Масалан, бинолардаги ахборот плакатлари ва бошқа материаллар, скринсвайерлар, ишчи компьютерлар экранига қўйиладиган суратлар ва бошқалар.
21.	Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияға қарши тадбирларни ўтказиш	Фуқаролик жамияти вакиллари учун коррупцияға қарши тадбирларни ўтказишнинг сони, номланиши, моҳияти ва натижаларини қўрсашиб (масалан, коррупцияға қарши кураш куни, коррупцияға қарши мавзудаги ишлар танлови). Шартномаларига коррупцияға қарши қўгшимча шартлар киритилган янги контрагентларнинг янги контрагентларнинг умумий сонига фоизлардаги нисбати.
VI. Коррупциявий хатти-харакалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари		
22.	Хатти-харакатлар, шу жумладан, потенциал хатти-харакатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони	Хабарлар сонини қуидаги маълумотларни ҳам киритган холда қўрсашиб: келиб тушган санаси келиб тушган алоқа канали, хабар мавзуси, тегишли хисоботни илова қилиш.
23.	Хизмат текшируви ўтказилган; Коррупцияға қарши қонунчилик бузилганилиги тўғрисида тасдиқланган холатлар (шу жумладан, меъёрий-хукукий хужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган;	Ҳар бир банд бўйича ҳолатлар сонини қўрсашиб.

	Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички хужжатлар кесимида); Айборлар аниқланган ҳолатлар сони.	
24.	Қабул қилинган таъсир чоралари.	Қандай коррекциялаш чоралари, шу жумладан, интизомий чоралар, ички назорат тизимида қандай камчиликлар аниқланди ва назоратни кучайтириш учун қандай чоралар таклиф қилинди.
VII. Мониторинг ва назорат		
25.	Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги	Компанияда коррупцияга қарши кураш бўйича масъуллар томонидан ўтказилган текширув тадбирларини, шу жумладан, уларнинг сонини куйидаги кесимда кўрсатиш Текширув объектлари (бошқарма, бўлим); Текширув мавзуси (масадан, харидлар, кадрлар); Текширув тадбирлари тури (аудит, таваккал транзакциялари мониторинги ёки процедуралини ва б.); Текширув тадбирлари характеристики (режали, режадан ташқари).
26.	Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганни ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари?	Қайси тартиб-таомил ёки вазифани бажаришда қандай коидабузарликлар аниқланган? Аниқланган ҳолатлар сонини кўрсатиш. Вазифа ва тартиб-таомилларни бажарувчи шахслар учун қандай тавсиялар тайёрланган. Улар қандай расмийлаштирилган (масалан, буйруқ ёки бошка ички хужжатлар)?

Хуносалар: Тизим корхоналарида ва Компания бўлинмаларида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижаларини кўрсатиш, коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатига умумий баҳо бериш, зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан таққослама таҳлил ўтказиш, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини кўрсатиш зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва коррекцияловчи тадбирлар режаси: келгуси ҳисббот даврида ҳисбдорликнинг алоҳида элементларини яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирларни кўрсатиш зарур.

“Ўзватосаноат” АЖда коррупцияга қарши қураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 2-илова

**Компанияда коррупцияга қарши қурашиш тизимининг фаолият кўрсатиши
тўғрисида 202..йил ...чи чорак учун
УМУМИЙ ХИСОБОТ**

1. Компаниянинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот¹

Компания томонидан коррупцияга қарши қурашиш тадбирларнинг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши қурашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Коррупцияга қарши қурашиш тадбирларни амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, хисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.

2. Сиёsat ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши қурашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи, ва хисобот даврида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган норматив-хуқуқий ва ички ҳужжатлар (сиёsatлар, регламентлар, стандартлар, йўриқномалар ва шу кабилар)ни кўрсатиш лозим.

3. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Компания томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар матрицасини янгилаган марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалари сони вилоятлар, Компаниянинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда хисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қўйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида хисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солишишима таҳлил ўтказиш, кониқарли натижаларга эришганлик/эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

² Бўлим факат ҳар йиллик хисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда Компания тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш услубиётига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

күрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва уларнинг бажарилмаганлиги сабаблари қисқача күрсатилади;

Бағолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида күрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида күрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Компания учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, күрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

4. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиши

Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлари сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалар кесимида күрсатилади;

Компанияда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари қайд этилади;

Компания бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган);⁴

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Компания тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тоифалар кесимида (*масалан, харид процедураларидағи, иши бўйича бевосита бўйсунни натижасида ва шу кабиларда*) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.

Коррупцияга қарши қоидаларни Компания шартномаларига киритиш

Коррупцияга қарши қоидаларни Компаниянинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фоизли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат,

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

⁴ Ахборот факат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиши;

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Компания тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиши.

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хуносаларнинг фоизлардаги нисбати марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади.

Ишга номзодларни текшириш

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида компания тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сонини кўрсатилади.

5. Таълим ва коммуникация

Компанияда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишининг натижаларини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида: ўқитилган ходимларнинг фоиздаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Компания тизими бўйича ўқитиши даражаси паст бўлган коррупцияга қарши қўнималарга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Компания коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, Компания тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиши мумкин.

6. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳукуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнаштуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бүйича таҳлилий маълумотлар қоидабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупцияйи хатти-харакатлар, манфаатлар түқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бүйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

7. Мониторинг ва назорат⁵

Марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ҳисбот даврида Компания тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган Компаниялар сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характеристи тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади;

Худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари кисчача қайд этилади;

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади шу жумладан, ижобий ва салбий хulosаларнинг фоизлардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисботнинг VIII-бўлимга ҳавола берилади.

8. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида таҳлилий маълумотларни кўрсатилади, шу жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Компания ички хужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Компанияда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни худудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатиш, шу жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

⁵ Компанияда ҳисбот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат килиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якунлари бўйча умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

таъсир чоралари турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айборларни жавобгарликка тортиш, шу жумладан, жавобгарлик турлари кесимида; Компания тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шу жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисбот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.

9. Хulosалар

Компания тизимида ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабабларини қайд этилади.

10. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

Кейинги ҳисбот даврида Компания тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алохida кўрсаткичларни марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилади.

“Ўзватосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 3-илова

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида режалаштирилган
тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги
ҲИСОБОТ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Амалга оширилган чоралар

“Ўзватосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 4-илова

Ишга қабул қилинган ходимлар ҳақида маълумот

Т/р	Ишга қабул қилинган ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вақт, буйруқ рақами	Ишга қабул қилишга оид танлов ўтказилган кун, баённома рақами ва санаси, видео материал ҳаволаси

“Ўзватосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 5-илова

Ишга қабул қилинган раҳбар кадрлар ҳақида маълумот

Т/р	Ишга қабул қилинган ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вақт (ротация қилинган вақт), буйруқ рақами

“Ўзвестосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 6-илова

Ташкилотда тузилган хўжалик шартномалари РЎЙХАТИ

Т/р	Хўжалик шартномаси мазмуни	контрагент	Лот/шартнома рақами

“Ўзвестосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 7-илова

Ташкилотнинг коррупцалоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни рўйхатга олиш РЕЕСТРИ

Т/ р	Мурожаат санаси	Мурожаат тоифаси (коррупци явий хатти- харакат, манфаатл ар тўқиашув и)	Мурожаат и рўйха тга олинг ан санаси ва ракам	Хабар юбори лган алоқа канал и	Мурожаат чи ҳақида маълумот	Хабарнин г кисқача мазмуни	Хаб ар таал укл и бўлг ан тузи лма	Кўриб чики ш натиж аси	Мурожаат чига жавоб юборилга н сана ва хат раками	Ижро чи	Хабарни кўриб чиқган тузилма раҳбари	Изоҳ

“Ўзвестосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 8-илова

Ташкилотда мониторинг ва назорат тадбирлари натижасида аниқланган коррупциявий ҳолатлар ҳақида МАЪЛУМОТ

Т/р	Тадбири ири но ми	Тадбири ни шткази асос	Тадбирни ўтказишга масъул ижрочи	Тадбир ўтказилга н сана	Аниқланган коррупцияв ий ҳатти- харакат кисқача мазмуни	Ҳатти- харакат аниқланга н тузилма	Хабар таалуқли бўлган тузилма	Қўлланилган чоралар (химат текшируви, интизомий чора ва х.к.)

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 9-илова

Ташкилотнинг хизмат текширувлари реестри

“Ўзатосаноат” АЖда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низомига 10-илова

Ташкилотнинг давлат харидлари соҳасида амалга оширлган чоратадбирлари

5. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти

5.1 Умумий қоидалар

Мазкур услубиёт “Ўзавтосаноат” АЖда юкландган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

Куйидагилар Компаниядаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

- Компания фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

-коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда қуйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутади:

-коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

-Компанияда, коррупцияга қарши курашиб чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиб бўйича дастур.

Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

-коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

-функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Компаниянинг ички хужжатлари ўзгариши;

- Компания тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жихатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

- Компания функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

Ушбу услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Компания томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, кимматбаҳо қоғоз, бошқа қўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш,

таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Компания номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-харакатларни содир этиш хавфи;

Эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса юзасидан маълум бир соҳада маҳсус билимларга эга жисмоний шахс томонидан берилган хулоса.

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Компаниянинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

Тизим корхоналаранинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Компания тизим корхоналарида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдик коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

Коррупцияга оид хукуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган хати-харакат;

Жараён - Компаниянинг функцияларини бажариш доирасида ходимлар, бўлимлар томонидан амалга ошириладиган ёки битта натижага қаратилган ёки маълум бир функцияning ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гурухга бирлаштирилиши мумкин бўлган харакатлар мажмуи.

Қолдик хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул килингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

Ўзига хос хавф-хатар – Компания фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

Коррупциявий хавф-хатарларанинг бирлашган харитаси – Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Компания функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос

ва қолдик коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган хужжат;

Компаниядаги коррупция хавф-хатарларини баҳолашни ўтказишида Компания раиси топшириғи асосида аниқ муддатларда Комплаенс бўлими томонидан амалга оширилади.

Коррупция хавфини баҳолашда Комплаенс бўлими қўйидаги вазифаларни бажаради:

- коррупцияга қарши кураш учун масъул шахсларни жалб қилган ҳолда Компанияда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкил этиш;

- Компаниядаги коррупция хавф-хатарларини баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга ошириш;

- Компанияда коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахсларга, шунингдек тизим корхоналарига ушбу Услубда назарда тутилган тартибга риоя килиш бўйича кўрсатма бериш;

- Компания ва тизим корхоналарининг коррупция хавфи харитасини тузади ва Комплаенс департаменти директори билан тасдиқлайди;

- Компания ва тизим корхоналарининг коррупция хавф-хатарларининг ягона харитасини умумлаштиради;

- хавфларни баҳолаш натижаларини ва коррупция хавф-хатарларининг ягона харитасини Компания раҳбари ва тегишли тизим корхоналари раҳбарларига тақдим этади;

- тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

- Компания, тизим корхоналарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Комплаенс департаменти раҳбари билан келишади;

- Компания, тизим корхоларанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

- Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қиласи;

- ушбу Услубиётда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комплаенс департаменти зарур ҳолларда Компания тизим корхона раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва хужжатларни талаб қилиб олади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

-тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қиласи ва ўтказади;

-тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

-тегишли тизим корхоналарнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

-тегишли тизим корхоналарнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

-тегишли тизим корхоналарда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

-ушбу Услубиётида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли тизим корхона ходимларидан кўшимча ахборот ва хужжатларни талаб қилиб олади.

5.2 Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Компания ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, ушбу Услубиётнинг 12-21 бандларида белгиланган тартибда ва кетма-кетликда тегишли марказий, тизимли корхоналарга пастдан юқорига (Компания даражасига қадар) амалга оширилади.

Комплаенс департаменти тизим корхоналарига ушбу Услубиётига 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Тасдиқланган кўрсатмада Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Ички назорат тузилмасига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўймаслиги керак.

Компания тизим корхоналарининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Комплаенс департаменти Компания учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Компания тизим корхоналарининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс департаменти томонидан Комплаенс департаменти раҳбари билан келишилади.

Компаниянинг тизим корхоналарининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тизим корхона раҳбарлари билан келишилади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс департаментига кўриб чиқиш учун киритилади.

Компания, тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Комплаенс департаменти ходимлари тегишли тизим корхонага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

Комплаенс департаменти ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Компания, тизим корхоналарнинг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс департаменти Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, Компания, тизим корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Компания Комплаенс департаменти тақдимномасига асосан Компания раҳбари томонидан тасдиқланади.

Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Комплаенс департаменти ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс департаменти ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимномасига асосан Компания раҳбари ва тегишли тизим корхоналар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан тизим корхоналарнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётининг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичida ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Компаниянинг Коррупцияга қарши курашиш дастури Компания бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс департаменти томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Компания раҳбари томонидан тасдиқланади.

5.3 Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (хар йиллик) баҳоланиши

Компанияда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равища, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Компания раҳбарининг тегишли бўйруғи асосида ўтказилади. Кейинги (хар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу Услубиётининг 2-иловасида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

Хар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Комплаенс департаменти Компаниянинг, тизим корхоналари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий хужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

Комплаенс департаменти Компания, тизим корхоналар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, таҳлил қиласи.

5.4 Компанияда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидағи маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

-Компаниянинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Компаниянинг ички ҳужжатлари (мисол учун, тизим корхоналар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва х.к.);

- ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

- ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

- манфаатдор томонлар ва шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Компаниянинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

- Компания фаолиятидаги ҳукуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

- коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожжатлари;

- Компания ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қиласлик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

- ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

- ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Компаниянинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

Ҳар бир функция қуидаги шкала бўйича баҳоланади:

- коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

-коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

-ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

-ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

-ўзига хос паст хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Компаниянинг Ички назорат тузилмасининг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар

аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёти 5-иловасидаги 5.1 расм).

5.5 Коррупциявий хавф-хатарнинг колдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

- ҳар бир чора Компания ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

-ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

-Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Компаниянинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услубиётининг 6-иловаси).

-Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Комплаенс департаменти томонидан амалга оширилади.

5.6 Якуний қоидалар

Зарурат бўлганда, Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс департаменти томонидан Компания раҳбарига таклифлар киритилади.

Компания коррупция хавф-хатарни баҳолаш ҳақиқатда ўтказилганлигини ва қанчалик тез-тез ўтказилганлигини кўрсатиш учун хавфни баҳолаш жараёнида яратилган барча материаллар ва хужжатларни сақлаши шарт.

5.7 Шакллар ва иловалар

1-илова

“Үзавтосаноат” АЖНИНГ Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси

№	Функция номи	Функцияниң коррупциявий хавф-хатарға мойил лик дара жасы (энг күп мойил / энг кам мойил)	Функция доирасыда бажарилаётган тартиб-таомил номи	Тартиб-таомилни бажариши учун масъул бўлган шахслар (лавозими, бўлинимаси)	Эҳтимолий коррупциявий схема (хавф-хатар) нинг кискачага таърифи	Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар (юкори / ўрта/паст)	Мавжуд назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоратадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоратадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Назорат тартиб-таомиллари/коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоратадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси)	Қолдиқ хавф-хатарапдара жаси (юкори / ўрта/паст)	Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш муддатлари	Изоҳлару (зарурхолларда)

2-илова

Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар РЎЙХАТИ

№	Ташкилот номи	Ташкилот тузилмаси номи	Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда)

3-и лова

“Ўзатосаноат” АЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАСТУРИ

№	Ташкилот номи	Коррупцияий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочиilar (ФИШ, лавозими)

4-и лова

Коррупциявий хавф-хатарларни кейинги босқичда баҳолаш учун “Ўзавтосаноат” АЖ тизими бўлинималарини таснифлаш бўйича сўровнома ШАҚЛИ

http://registr.stat.uz/	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси
https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz	Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали
https://data.gov.uz/ru	Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали
http://kadastr.uz	Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бош бошқармаси

http://kharid.uz/unfairexecutor	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри
https://public.sud.uz/#!/sign/view	Иктисадий, маъмурий, жиноят ва фукаролик ишлари бўйича судларнинг суд хужжатлари
http://www.fatf-gafi.org/publications/high-risk-and-other-monitored-jurisdictions/documents/call-for-action-february-2021.html	Оффшор зоналар рўйхати
https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/	АҚШнинг маҳсус тоифаси ва тақиқланган шахслар рўйхати (world чек маълумотлар рўйхати базаси)
https://orginfo.uz	Корхоналар ва ташкилотлар ҳақида маълумотлар – билишингиз керак бўлган ҳамма маълумот
https://my.gov.uz/	Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистридан маълумот тақдим этиш. Корхона ҳақидаги маълумотларни текшириш
Dow Jones & Company	Газеталар, веб сайтлар, иловалар, видеолар, ахборот блютенлари, журналлар, мулкий маълумотлар базалари, конференциялар ва радио орқали мижозлар ва ташкилотларга материаллар тақдим этадиган глобал янгиликлар ва бизнес ҳақида маълумот хизмати. Дунё бўйлаб барча активлар синфларнинг инвестициялари ва савдосига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида ноёб маълумотлар, таҳлиллар ва эксперт шархларини тақдим этади.

Bir qancha saytlar tadbirkorlar reestridan ma'lumotlarni taqdim etadi: Davlat statistika qo'mitasining reestri, My.gov.uz saytining reestri va Davlat soliq qo'mitasining tadbirkorlar reestri. Ularning deyarli barchasida ma'lumotlar bir xil. Reestr dan quyidagi ma'lumotlarni olishimiz mumkin:

- *STIR (Soliq to 'lovchining identifikatsion raqami)*
- *Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ (qayerda tashkil etilgani)*
- *Ro'yxatga olingan sana*
- *Yuridik shaxsning nomi (to 'liq va qisqa)*
- *Mulkchilik shakli*
- *Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lari)*
- *Kichik tadbirkorlik subyektlariga tegishliligi*
- *Ustav fondi miqdori*
- *Bugungi kundagi rahbarining F.I.O.i va STIRi*
- *Ta'sischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar*
- *Aloqa ma'lumotlari (manzil, telefon, elektron pochta va hkz.)*

IV. СОВГАЛАР, МЕХМОНДЎСТЛИК, ЎЙИН-КУЛГУ, ВА САЁХАТ

1. Кириш

“Ўзавтосаноат” АЖ ўз фаолиятида доимо профессионал, ҳалол ва вижданан иш олиб боради.

Совгалар бериш ёки олиш, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ёки саёҳат бизнес қарорлари қабул қилинишига таъсир кўрсатиши мумкин. Бизнес қарорлари ҳеч қачон шахсий манфаат учун қабул қилинмаслиги керак. Компания ходимлари совгалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳат бизнес қарорлари қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги учун мазкур тартиб-қоидаларга риоя қилишлари лозим.

Ушбу процедура минимал стандартларни ифодалайди. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъийроқ қоидалар назарда тутилган бўлса, Компания уларга амал қиласди.

Бизнес хамкор, рақобатчилар ва давлат хизматчилари билан муносабатларда Компания ходимлари амалдаги қонунларга мувофиқ фақат совгалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ёки саёҳат учун йўлланмаларни тақдим этишлари ёки қабул қилишлари, агар бу қарорлар қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатмагандагина, мумкин.

Атама ва тушунчалар

Комплаенс мутахассиси - назорат қилинадиган корхона даражасида комплаенс функциясини ташкил этиш учун масъул ходим.

Комплаенс хизмати - Компания даражасида комплаенс функциясини ташкил қилиш учун масъул бўлган хизмат. Комплаенс хизмати бошлиги Компаниядаги комплаенс ва одобахлоқ масалаларни назорат қиласди, Компания ва унинг назорати остидаги корхоналарида этика ва комплаенс билан боғлиқ масалаларни / шикоятларни / қоидабузарлик ҳолатларини мувофиқлаштиради ва баҳолайди.

Ўйин-кулги - яъни спорт ёки маданий тадбирларга, театрлаштирилган томошаларга ва мусиқий томошаларга ташриф буюриш.

Совгалар – кимгадир миннатдорлик ёки дўстлик белгиси сифатида берилган ҳар қандай турдаги қиймат ёки афзаллик воситалари.

Меҳмондўстлик - овқатланиш ва алкогольсиз ичимликларни назарда тутади.

Саёҳат - яъни авиачипта, маҳаллий транспорт ва турар жойни ўз ичига олади.

2. Тақиқлар

Ходимлар (ва тизми корхоналари) профессионал даражада ва компания номидан иш олиб боришда қўйидаги ҳолатларга йўл қўйилмайди:

- Ҳар қандай Давлат амалдорига, унинг қариндошларига ёки ҳукуматга тегишли компанияларга совгалар (шу жумладан нақд пул ёки нақд пул эквивалентлари) ва кўнгилочар нарсаларни тақдим этиш;

- Ҳар қандай совғаларни (шу жумладан, нақд пул ёки нақд пул эквивалентлари), ўйинкулги, овқатланиш, саёҳат ва турар жой ёки бошқа қимматли нарсаларни қабул қилиш, агар транзакция Ходимларнинг қарорларига нотўғри таъсир қилса (ёки таъсир кўрсатса).

3. Умумий қоидалар

Совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари ҳеч кимга (шу жумладан давлат амалдорларига), агар бу уларга ёки уларнинг Компания билан, шу жумладан унга алоқадор бўлган ва шўъба Компаниялар ёки бошқа назорат остидаги ҳамда Компания акцияларнинг/улушларнинг қўпчилигига эгалик қиласидан корхоналар (кейинги ўринларда Назорат қилинадиган корхоналар деб юритилади) билан муносабатларида қабул қиласидан қарорларига нотўғри ёки ноқонуний таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, таклиф қилинмаслиги керак.

Компания ва унинг назорати остидаги корхоналар ходимлари ушбу Процедуранинг 1-иловасига мувофиқ белгиланган совғалар/меҳмондўстлик харажатларини таклиф қилишлари мумкин.

Компания ва унинг назорати остидаги корхоналар ходимларига жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб хизматлар бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиши тақиқланади. Ходимлар томонидан алоҳида хизматлари учун Компания ёки давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар бундан мустасно.

Ходимлар хизмат сафарлари вақтида, шунингдек халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғалар олиши мумкин.

Ходимлар томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

4. Совғалар ва қўнгилочар харажатлар реестри

Мазкур Процедуранинг 1-иловасида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолият кунидаги курси бўйича қиймати 50 АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган барча совғалар ва/ёки қўнгилочар харажатлар ушбу Процедуранинг 2-иловасига мувофиқ реестрда рўйхатга олиниши керак.

Комплаенс бўйича мутахассис ва/ёки комплаенс хизмати:

вақти-вақти билан реестрни кўриб чиқади, бошқаради ва ҳисобот беради
хавф даражаси юқори ҳисобланган ходимлар (ва бўлинмалар) билан тренинглар ўтказади.

5. Совғалар ва вакиллик харажатларини тақдим этиш

Мазкур Процедуранинг 1-иловасида белгиланган қоидаларга мувофиқ комплаенс бўйича мутахассис ва/ёки Комплаенс хизматидан ёзма рухсат олиш керак.

Тасдиқлаш учун ариза камидаги совға ва/ёки вакиллик харажатлари таклиф қилишдан уч иш куни олдин топширилиши керак. Ариза ушбу Процедуранинг 3-иловасига мувофиқ топширилиши керак.

Аризани тасдиқлашда қўйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- ҳар қандай тўғридан-тўғри норматив, нархлаш, сотиб олиш ёки бошқа бизнес қарорлари;
- совғалар ва/ёки вакиллик харажатлари ушбу Процедура талабларига зид эмаслиги;
- бир томон томонидан бундай совғалар ва/ёки вакиллик харажатларининг даврийлиги ва тўпланиши;
- маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар.

Фаолиятни амалга ошириш вақтидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича 50 АҚШ долларидан ортиқ эквивалентдаги совғалар ва/ёки вакиллик харажатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолларда, комплаенс бўйича мутахассис ва/ёки Комплаенс хизмати билан маслаҳатлашиш зарур. Комплаенс бўйича мутахассис ва/ёки Комплаенс хизмати қўйидаги хужжатларни қўшимча хат ёки открытига киритиш кераклиги юзасидан қарор қабул қиласи:

- қабул қилувчи совға ёки вакиллик харажатларини олиш учун ташкилотнинг рухсатига эга бўлишини таъминлаш; ва/ёки
- совға олиш/тадбирда иштирок этиш ташкилотнинг сиёсатини бузмаслигини юзасидан текшириш сўрови юбориши.

6. Совғалар ва вакиллик харажатларини қабул қилиш

Ушбу Процедуранинг 1-иловасида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ, комплаенс бўйича мутахассис ва/ёки Комплаенс хизматидан ёзма рухсат олиш керак.

Тасдиқлаш учун ариза камидаги совға ва/ёки вакиллик харажатлари таклиф қилишдан уч иш куни олдин топширилиши керак. Ариза ушбу Процедуранинг 4-иловасига мувофиқ топширилиши керак.

Аризани тасдиқлашда қўйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- ҳар қандай тўғридан-тўғри норматив, нархлаш, сотиб олиш ёки бошқа бизнес қарорлари;
- совғалар ва/ёки вакиллик харажатлари ушбу Процедура талабларига зид эмаслиги;
- бир томон томонидан бундай совғалар ва/ёки вакиллик харажатларининг даврийлиги ва тўпланиши;
- маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар.

Сиёсатга мувофиқ рухсат берилиши ёки тасдиқланиши (маъқулланиши) мумкин бўлмаган совғалар ва/ёки вакиллик харажатлари қабул қилинмаслиги ва қайтариб

берилиши керак. Вакиллик харажатлардан воз кечиш ва совғаларни қайтариш учун хатлар намунаси ушбу Процедуранинг 5-иловасида берилган.

Компания сиёсатини учинчи шахслар эътиборига етказиши

Назорат остидаги корхоналар раҳбарияти Комплаенс бўйича мутахассис билан келишилган ҳолда учинчи шахсларга (шу жумладан агентлар ва воситачиларга) Компания ва унинг назорати остидаги корхоналарнинг совғалар ва вакиллик харажатларига тегишли тартиб-таомиллар ва кўрсатмаларини ўз ичига олган хатлар юборади. Бизнес ҳамкорлар учун хат намунасини ушбу Процедуранинг 6-иловадан топиш мумкин.

7. Ноқонуний хатти-харакатлар тўғрисида хабардор қилиши, текширув ва жавобгарлик чоралари

Агар Ходим ушбу Процедура бўйича маслаҳатга муҳтож бўлса, шунингдек, агар Ходим Сиёсат кимдир томонидан бузилган деб ҳисобласа, +998 78 140 76 70 ишонч телефони ёки compliance@uzavtosanoat.uz электрон почта манзили орқали назорат остидаги корхона раҳбарияти, Комплаенс бўйича мутахассис ёки Комплаенс хизматига мурожаат қилиши керак.

Ходимлар томонидан ушбу тартиб-таомилларнинг бузилиши текширув ўтказилиши ва жавобгарликка (шу жумладан, лекин бу билан чекланмаган ҳолда, меҳнат шартномасини бекор қилиш/лавозимидан озод этишга) олиб келиши мумкин бўлган ўта жиддий қоидабузарлик, деб ҳисобланади.

Компания номидан иш олиб борадиган учинчи шахслар ушбу тартиб-таомилларни бузган тақдирда, жаримага тортилиши (санкциялар) ва улар билан ишбилармонлик муносабатлари тугатилиши мумкин.

Агар учинчи шахслар томонидан номақбул совғалар/вакиллик харажатлари таклиф қилинса, Комплаенс бўйича мутахассис ва харид учун масъул бўлим учинчи шахсга нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қиласи.

8. Якуний қоидалар

Компания ва унинг назорати остидаги корхоналар ходимлари ушбу Процедурага риоя қилишлари шарт.

Компания ва унинг назорати остидаги корхоналар ходимлари, шунингдек, Комплаенс сиёсатига ва Комплаенс бўйича қўлланмага амал қилишлари лозим.

9. Шакллар ва иловалар

Шакл A-3: Совгалар, мәхмөндүстлик, күнгилочар тадбир ва саёҳатлар тақдим қилиши

Ариза берувчи:

Ф. И.О

Ташкилот ва лавозими

Таклиф этилаётган қабул қилувчи:

Ташкилот номи: _____

Ташкилот мамлакати: _____

Қабул қилувчи(лар)нинг исми(лар), шу жумладан лавозими/ташкилотта алоқаси:

- | | | |
|----|-------|-----------------------------|
| 1. | Ф.И.О | Лавозими/Ташкилотта алоқаси |
| 2. | Ф.И.О | Лавозими/Ташкилотта алоқаси |
| 3. | Ф.И.О | Лавозими/Ташкилотта алоқаси |

Қабул қилувчилар орасыда давлат амалдорлари борми?

Ҳа Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, батафсил маълумот беринг:

Қабул қилувчига охирги 12 ой ичидаги совга, мәхмөндүстлик, күнгилочар тадбир ёки саёҳат учун грант берилганми?

Ҳа Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, батафсил маълумот

Қўйидагилардан ҳар бирининг ҳар бир киши учун тахминий қийматини ва тавсифини тақдим етинг:

Совға:

Бир киши учун қиймат:_____

Тавсиф:_____

Жойлашув (агар мәхмөндүстлик бўлса):_____

Сана (агар мәхмөндүстлик бўлса):_____

Мәхмөндүстлик ёки күнгилочар тадбир:

Бир киши учун қиймат:_____

Тавсиф:_____

Жойлашув (агар мәхмөндүстлик бўлса):_____

Сана (агар мәхмөндүстлик бўлса):_____

Саёҳат:

Бир киши учун қиймат:_____

Тавсиф:_____

Қаердан/Қаерга:_____

Сана(лар):_____

Комплаенс-назорат қўлланмаси

Бошқа:

Бир киши учун киймат: _____
Тавсиф: _____

Фойдаланиш мумкин бўлган арzonроқ алтернативалар борми?

Xa Йўқ

Агар “xa” бўлса, муқобил вариантни, унинг ҳар бир киши учун тахминий кийматини ва уни бу ерда нима учун мақсадга мувофиқ емаслигини ёритиб беринг:

Совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳат учун грантнинг бизнес нуқтаи назаридан мақсади:

Шаклни тўлдирувчи:

Ф.И.О

Ташкилот/Бошқарма/Бўлим

Имзо

Мансаби

Сана

Комплаенс ходими учун:

Тасдиқлаш Xa / Йўқ	
Тасдиқлаш сабаби	
Комплаенс ходими имзоси	
Сана	

Шакл А-4: Совгалиарни, меҳмондўстликни, кўнгилочар тадбир ва саёҳатни қабул қилиши

Қабул қилувчи:

Ф.И.О

Ташкилот/Лавозими

Совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳатни тақдим етuvчи юридик шахс ва вакил:

Ташкилот номи: _____

Вакилнинг исми: _____

Вакилнинг лавозими: _____

Совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳатни тақдим етаётган шахс

Давлат амалдорими (ёки уни давлат амалдори номидан тақдим этаяптими)?

Ҳа Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, батафсил маълумот беринг: _____

Тақдим етиладиган совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳат тафсилотлари, шу жумладан пул қиймати:

Қабул қилувчининг совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳатни тақдим етuvчи субъектга алоқаси:

Совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳат тақдим қилишнинг бизнес нуктаи назардан мақсади:

Қабул қилувчи илгари тақдим етuvчи ташкилотдан совға, меҳмондўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳат қабул қилганми?

Ҳа Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, илтимос, олдинги совғаларни, жумладан (а) олинган сана, (б) совғанинг хусусияти ва (в) совғанинг тахминий қийматини санаб ўтинг ва тавсифланг.

Қабул қилувчи охирги 12 ой ичидаги бошқа рухсат талаб қиласиган бирон-бир совға, мөхмандўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳатни қабул қиласиганми?

Ҳа Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, илтимос, олдинги совғаларни, жумладан (а) олинган сана, (б) совғани тақдим етuvчи шахс, (с) совғанинг табиати ва (д) совғанинг таҳминий қийматини санаб ўтиңг ва тавсифланг.

Совға, мөхмандўстлик, кўнгилочар тадбир ёки саёҳат аллақачон олинганми?

Ҳа Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, нима учун олдиндан рухсат сўралмаганини тушунтиринг?

Шаклни тўлдирувчи:

Ф.И.О

Ташкилот/Бошқарма/Бўлим

Имзо

Мансаби

Сана

Комплаенс ходими учун:

Тасдиқлаш Ҳа / Йўқ	
Тасдиқлаш сабаби	
Комплаенс ходими имзоси	
Сана	

A-2 шакли: Совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳатлар учун журнал

Совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёҳатлар реестри									йил: _____	
Ходи м Ф.И. Ш.	Лав ози м	Совға берилган ёки олинган	Қабул қилган/б ерган санаси	Берган/олган шахснинг (ходим эмас) Ф.И.Ш	Қабул қилган ёки хайрия қилган шахс ишилайдиган компания (ходим эмас)	Қабул қилувчи ёки хайрия қилган шахс ишилайдиган компания (ходим эмас)	Совға тавсифи	Совға киймати сўм ёки АҚШ долларида	Хукумат амалдоридан совға олдингизми? Агар «Ҳа» бўлса, унда нима сабабдан шахс давлат хизматчиси хисобланади?	Изоҳ

V. ХАЙРИЯ ВА ТИЖОРАТ ҲОМИЙЛИГИ

1. Мақсад ва қўллаш доираси

Мазкур Сиёсат “Ўзватосаноат” АЖ томонидан Ижтимоий инвестициялар ва Хайрия эҳсонлари (биргалиқда “Хайрия”), шунингдек, Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш ёки хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиш жараёнида Амалдаги қонунчиликнинг бажарилишини ва ўз обрўсини ҳимоя қилишини таъминлаш қоидаларини тушунтиради. Компания ҳар хил турдаги ёрдамни нақд ва натура шаклида тақдим этиши мумкин.

Мазкур Сиёсатнинг мақсади ихтисослаштирилган жамғармалар доирасида Хайрия ва Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш учун ҳаражатларни режалаштиришда ёки хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилишда шаффофликни таъминлаш ва самарали бошқаришдан иборат.

Мазкур Сиёсатда икки турдаги ёрдам: Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги кўриб чиқилади. Хайрия ёки Тижорат ҳомийлиги ушбу Сиёсатга ва қўйида келтирилган тамойилларга мувофиқ амалга оширилган тақдирдагина Компания томонидан хайрия ва тижорат ҳомийлигини олиш ва бериш қўллаб-кувватланади.

2. Атамалар ва тушунчалар

Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш; жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги; шунингдек АҚШнинг “Чет элда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” (FCPA), санкцияларни жорий этиш ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилиги, Бизнес ҳамкорнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки бўлиб турган мамлакатида амал қилувчи (юрисдикция чекловларидан қатъи назар) коррупцияга қарши қонунчилик, риоя қилиниши керак бўлган, шунингдек қўлланилса, улар билан чекланилмайдиган барча норматив-хуқуқий хужжатлар.

Хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг ташкилот учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидағи бошқа қўллаб-кувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами.

Тижорат ҳомийлиги – Назорат остидаги корхоналарда савдо ҳажмини ошириш ёки мижозлар холислигини юксалтириш мақсадида шов-шувли тадбирлар (масалан, кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар, спорт тадбирлари ва бошқалар), фаолият турлари ёки ташкилотларга Компанияни тарғиб қилиш, реклама худудини тақдим этиш ёки оммага ёритишнинг бошқа шакллари эвазига ёки бозор билан тижорат маълумотларини алмашиш, ёхуд “UzAuto” бренд, маҳсулотлари, хизматларини тарғиб қилиш ёки Компания обрўсини кўтариш эвазига пул маблағлари ёки натура шаклида қўмак кўрсатиш.

Назорат остидаги корхона – Компания ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун иштирок этиш сабабли тобе ва (ёки) шўъба корхонаси, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.

Олувчи – Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини оладиган жисмоний ёки юридик шахс.

Риск факторлари (Red flags/ Қизил байроқлар) – ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзага келиши (мавжудлиги), инсофсиз хатти-ҳаракатлар, шунингдек, пора билан сотиб олиш ёки

коррупциянинг катта хавфи тўғрисида огоҳлантириши мумкин бўлган салбий маълумотлар, кўрсаткичлар ёки ҳолатлар, бинобарин ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан олдин қўшимча текширувни талаб қиласди.

Скрининг – Олувчини Риск факторлари мавжудлиги бўйича пухта текшириш. Скрининг ҳисоботи шакли ушбу Сиёсатнинг 7-иловасида келтирилган.

Ижимоий инвестициялар – жамоат манфаати мақсадига йўналтирилган нақд ва натура шаклидаги инвестициялар.

Ҳомийлар – ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

3. Умумий қоидалар

Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги Амалдаги қонунчилик, ҳисбот талабларига, солиқ мажбуриятларига бўйсуниши лозим ва ўзига хос риск билан боғлиқдир. Турли хил риск профиллари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги ушбу Сиёсатга мувофиқ ҳар хил тасдиқлаш мезонлари ва жараён талабларига эга. Муайян фактлар ёки ҳолатлар мумкин бўлган қонунларни бузиш ёки қоидаларга (“қизил байроқлар” деб номланган) риоя қилиш хавфини туғдириши мумкин. Ушбу рисклар Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини бошлашдан олдин йўқ қилиниши керак. Ушбу рисклар Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини бошлашдан олдин бартараф этилиши керак.

Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги қўйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширилади:

– қонунийлик тамойили барча шахсларнинг амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда ҳукуқнинг ҳақиқий таъсирини белгилайдиган ҳукуқий режимга риоя қилишларидан иборат;

– ихтиёрийлик тамойили Компаниянинг Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини тақдим этиш ҳукуқини белгилайдиган ҳукуқий режимига риоя қилиниши;

– шаффоффлик тамойили Компания ва Олувчининг Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигига очиқ иштирок этиш ҳукуқини белгилайдиган ҳукуқий режимига риоя қилиши.

Хайрия ва Тижорат ҳомийлигининг тўғридан-тўғри ёки билвосита нақд ёхуд натура шаклида амалга ошириладиган қўйидаги ва шунга ўхшаш ҳар қандай турлари ушбу Сиёсатга мувофиқ тақиқланади:

– ижтимоий ҳимояга муҳтож ва оғир молиявий аҳволда бўлган шахслардан ташқари жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги);

– ҳар қандай диний ташкилотга нисбатан амалга ошириладиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги);

– сиёсий партиялар, ташкилотлар ёки номзодларга нисбатан амалга ошириладиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги);

– Давлат хизматчисига ёки Бизнес ҳамкорга салбий таъсир кўрсатишга олиб келадиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги);

- коррупция ёки ахлоққа зид хатти-ҳаракатлари билан кўзга ташланган ёки шундай обрўга эга ташкилотга нисбатан Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги);
- бевосита ёрдам олувчи Давлат хизматчиси бўлган давлат секторида амалга оширилаётган дастур учун Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги).

Хайрия ва Тижорат ҳомийлигига қўйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:

- Нақд тўловлар шаклидаги Хайрия ва Тижорат ҳомийлигига йўл қўйилмайди.
- Компаниянинг ички процедуралари ва сиёсатига, шунингдек, Амалдаги қонунчилик ва Компаниянинг бошқа ҳукукий мажбуриятларига риоя қилиниши лозим.
- Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) бўйича тўланган суммалар, Олувчининг номи, шунингдек Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) мақсади аниқ кўрсатилган тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлиши керак.
- Тўғри ва пухта тайёрланган, шу жумладан, меъёр ва талабларга риоя этилишининг тегишли текшируви ва тижорат фойдалари бор-йўқлигига оид хужжатлар мавжуд бўлиши керак.
- Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги Компаниянинг ташаббуси билан ёки жисмоний ва/ёки юридик шахснинг сўровига биноан амалга оширилади.

Компания номидан ходимлар, бизнес шериклар ва контрагентлар томонидан сиёсий партияларга сиёсий ҳомийлик қилиш ва молиялаштириш тақиқланади. Худди шундай, бизнес ҳамкорлар ва контрагентларга, шу жумладан дистрибуторлар ва дилерларга лобби фаолияти билан шуғулланиш ёки лоббичиларни ёллаш тақиқланади.

Сиёсий фаолиятда ўз номидан қатнашадиган ходимлар ва бизнес ҳамкорлар ёки контрагентлар компания вакиллари сифатида қатнаша олмайди. Бундан ташқари, улар бундай таассурот қолдиришга ҳақли эмас.

Комплаенс департаменти томонидан барча сиёсий бадаллар ва лоббичилик фаолияти кўриб чиқилиши керак.

3.1 Хайрия

1) Ижтимоий инвестициялар

Ижтимоий инвестициялар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- › улар янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, зарур тажриба-саноат синовларини ўтказиш, маҳсулотларнинг синов партиясини чиқариш ва серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиради;

- › улар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаларининг автомобилсозлик ва муҳандислик тадқиқотлари сифатини, инновация ва ютуқларини оширишнинг янги ва самарали усусларини таклиф қиласади;

› улар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаларининг эҳтиёж юқори бўлган соҳалардаги ютуқларига қаратилган бўлиши керак;

› улар натижаларга асосланган лойиҳалар бўлиши ва Компаниянинг қадриятларига, айниқса автомобилсозлик саноатидаги ҳамкорлик, инновациялар, комплаенс ва ишбилармонлик этикаси билан боғлиқ қадриятларига мувофиқ бўлиши керак.

Талаблар:

› ижтимоий инвестициялар учинчи шахслар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри якуний олувчиларга нисбатан амалга оширилади;

› ижтимоий инвестициялар имкони мавжуд ва ўринли бўлган ҳолларда натура шаклида тақдим этиш орқали амалга оширилади;

› бирон-бир танлов ёки ўйинда галибни аниқлаш процедураси холис, очик, шаффоф бўлиши ва ноқонуний кўринишдаги ҳаракат сифатида қабул қилинмаслиги керак;

› ижтимоий инвестициялар Компаниянинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бўйича текширувдан ўtkазилиши керак.

Хайрия маблағлари

Компания томонидан хайрия маблағларини амалга ошириш зарурати индивидуал равишда белгиланади.

Хайрия маблағлари қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

› фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳукуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

› ҳалқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

› оиласининг Компаниядаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

› оналиқ, болалиқ ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

› таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;

› касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

› жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;

› аҳолини табиий оғатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;

› террорчилик ҳаракатлари, табиий оғатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

- › атроф табиий мұхитни мухофаза қилиш;
 - › маданий мерос объектларини мухофаза қилиш;
- Амалдаги қонунчиликка мувоғиқ бошқа мақсадлар учун.

Талаблар:

- Хайрия маблағлари қонуний мақомга ҳамда виждонли ва ҳалол тижорат операцияларини олиб борувчи ташкилот сифатида нұғузга эга ташкилотлар фойдасига амалга оширилади;
- Хайрия маблағлари компаниянинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бүйича текширувдан ўтказилиши лозим.

3.2 Тижорат ҳомийлиги

- Тижорат ҳомийлиги мұхим анжуман ёки оммавий маданий ёки спорт тадбирлари каби шов-шувли тадбир, фаолият ёки ташкилотни құллаб-құвватлаш учун амалга оширилиши керак;
- Тижорат ҳомийлиги қонуний мақомга эга шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши ҳамда Компанияга иқтисодий самара бериши ва унинг мавқеи ошишига имконият тақдим этиши лозим.

Талаблар:

- Тижорат ҳомийлиги бизнес таклифга асосланиши ва муайян мақсадға эга бўлиши лозим;
- Тижорат ҳомийлигининг тижорат фойдалари ва харажатлари шу каби мақсадларга бошқа усууллар ёрдамида эришилган харажатлар билан таққосланиши лозим;
- Тижорат ҳомийлиги Компаниянинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бўйича текширувдан ўтказилиши керак.

Айрим ҳолларда Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги Давлат ташкилотига ва/ёки Давлат хизматчиси ёки бошқа бир томонга асоссиз имтиёзлар бериш каби эҳтимолий суистеъмоллик билан боғлиқ бўлиб, бунинг оқибатида Компаниянинг нұғузига путур этиши, юридик ёки молиявий зиён етказилиши мумкин.

Маблағларни асоссиз сарфлаш хавфидан дарак бериши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиб, бундай ҳолларда Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш имкониятини янада синчковлик билан текширилиши лозим бўлади. Бундай “қизил байроқлар”га мисолларга шунингдек қуйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:

- компания айни пайтда Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги)ни сўраган ташкилот (ёки ташкилот эгаси) ёки Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги)дан фойда оловучи ташкилот билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатган, музокаралар олиб бормоқда ёки сўров кўриб чиқилмоқда;

- сўров Давлат ташкилотидан ва/ёки вазифалари Компания фаолиятига таъсир қилиши мумкин бўлган Давлат хизматчисидан келиб тушган;

- сўров шошилинч хусусиятга эга;
- тижорат ҳомийлигининг Компаниянинг бизнес ва маркетинг мақсадлари билан яққол алоқаси йўқ;
- хайрия(ёки Тижорат ҳомийлиги)нинг бизнесни сотиб олиш ёки уни сақлаб қолиш ёки бизнесга таалуқли бошқа имтиёзларни олиш (масалан, назорат қилувчи органларнинг мавқеини ўзгартириси) учун зарур деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлса;
- сўров оғзаки равища амалга оширилса ва Олувчи сўровни ёзма равища юборишдан бош тортса;
- хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) амалга ошириш учун хужжатли далиллар мавжуд эмас;
- хайрия маблағларидан (ёки Тижорат ҳомийлигидан) келгусида фойдаланиш учун шаффофлик мавжуд эмас ёки чекланган;
- сўров нақд пулни (банкноталарни) тўлаш тўғрисида юборилган;
- сўровда тўловларни икки ёки ундан ортиқ ҳисоб варақларига ёки (айниқса, аниқ бир олувчи билан боғлиқ бўлмаган) оффшор ҳисоб варақларига амалга ошириш сўралган;
- хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) мақсадлари аниқ белгиланмаган ёки унинг таърифи ўта мавҳум келтирилган (масалан, “болалар ҳаётини яхшилаш”).

4. Хайрияни амалга ошириш тартиби

4.1 Буюртманома киритиш ташаббуси

Хайрияга буюртманома киритиш Маъмурият ва хужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси томонидан Хайрия буюртманомасини тўлдириш билан бошланади (2-иловага қаранг).

Маъмурият ва хужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси Хайрия буюртманомасини тўлдириш учун қўйидаги маълумотларни тўплаши шарт:

- Олувчининг номи;
- Хайрия мақсадларининг батафсил тавсифи;
- Хайрия суммаси;
- хужжатлар (харажатлар сметаси).

Маъмурият ва хужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси Хайрия буюртманомасини тўлдиргандан сўнг уни кўриб чиқиши учун Ғазначилик ва молия бошқармасига юборади.

4.2 Ғазначилик ва молия бошқармаси томонидан кўриб чиқиши

Ғазначилик, молиявий менеджмент, таҳлил ва лойиҳалар экспертизаси бошқармаси Хайрия буюртманомасини:

- a) барча керакли хужжатлар ва маълумотларнинг мавжудлиги;

- б) Хайрияни амалга оширишга яроқлилиги;
- в) Компания ва Назорат остидаги корхоналар бюджетининг Хайрияни амалга ошириш учун етарлилиги бўйича текширади.

Агар Фазначилик ва молия бошқармаси Хайрия буюртманомасини маъқулласа, уни Комплаенс департаментига кўриб чиқиш учун юборади.

4.3 Комплаенс департаменти томонидан кўриб чиқиш

Комплаенс департаменти Хайрия буюртманомасини, барча тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқади ва:

- ишга оид барча ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- сўралган Хайрияниң комплаенс дастури талабларига мувофиқлиги;
- буюртманомада “қизил байроқлар”ни аниқлаш натижаси;
- сўралган Хайриядан Давлат хизматчисига асоссиз имтиёзлар бериш учун фойдаланиш ниятининг йўқлиги тўғрисида хулоса беради.

Кўриб чиқиши натижаларига кўра, Комплаенс департаменти Хайрия буюртманомасини келишади ёки рад этади. Агар келишилган бўлса, Комплаенс департаменти аниқланган хатарларни камайтириш бўйича зарур чораларни Скрининг ҳисботида кўрсатади, уларга амал қилиш келишиш учун шарт бўлиши мумкин. Комплеанс департаменти келишилган Хайрия буюртманомасини Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармасига юборади.

Комплаенс департаменти зарур ҳолларда Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармасидан Олувчининг харажатлар сметаси, шунингдек, Хайрия маблағларидан мақсадли фойдаланиш тўғрисида батафсил маълумот сўраши мумкин.

5. Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш тартиби

5.1 Буюртманома киритиш ташаббуси

Тижорат ҳомийлиги буюртманомаси Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси томонидан Тижорат ҳомийлиги буюртманомаси шаклини тўлдириш билан бошланади (З-иловага қаранг).

Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини тўлдириш учун қўйидаги ҳужжатларни йиғиши шарт:

Олувчининг номи;

Тижорат ҳомийлиги мақсадлари, шу жумладан, эҳтимолли фойдаларнинг батафсил тавсифи;

Тижорат ҳомийлиги суммаси.

Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини келишувга юборишдан олдин уни Компаниянинг маркетинг стратегиясига мувофиқлигини, Назорат остидаги корхоналар маҳсулотларини илгари суриш ва Тижорат ҳомийлигини тақдим этиш имкониятини текширади.

5.2 Газначилик ва молия бошқармаси томонидан кўриб чиқиш

Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини Газначилик ва молия бошқармасига кўриб чиқиш учун юборади.

Газначилик ва молия бошқармаси Тижорат буюртманомасини:

- а) барча керакли ҳужжатлар ва маълумотларнинг мавжудлиги;
- б) Тижорат ҳомийлигини амалга оширишга яроқлилиги;
- в) Компания ва Назорат остидаги корхоналар бюджетининг Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш учун етарлилиги бўйича текширади.

Агар Газначилик ва молия бошқармаси Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини маъкулласа, уни Комплаенс департаментига кўриб чиқиш учун юборади.

5.3 Комплаенс департаменти томонидан кўриб чиқиш

Комплаенс департаменти Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини, барча тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқади ва:

- масалага оид барча ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- сўралган Тижорат ҳомийлигининг комплаенс дастури талабларига мувофиқлиги;
- буюртманомада “қизил байроқлар”ни аниқлаш натижаси;
- сўралган Хайриядан Давлат хизматчисига асоссиз имтиёзлар бериш учун фойдаланиш ниятининг йўқлиги тўғрисида холоса беради.

Кўриб чиқиши натижаларига кўра, Комплаенс департаменти Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини келишади ёки рад этади. Агар келишилган бўлса, Комплаенс департаменти аниқланган хатарларни камайтириш бўйича зарур чораларни Скрининг ҳисботида кўрсатади, уларга амал қилиш келишиш учун шарт бўлиши мумкин. Комплеанс департаменти келишилган Тижорат ҳомийлиги буюртманомасини Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармасига юборади.

Комплаенс департаменти зарур ҳолларда Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармасидан Олувчининг ҳаражатлар сметаси, шунингдек, Тижорат ҳомийлиги маблағларидан мақсадли фойдаланиш тўғрисида батафсил маълумот сўраши мумкин.

6. Хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда

Компания қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Компания томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Компаниянинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия

қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Компания томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

- хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;
- бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;
- Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

Компания номидан сиёсий ҳомийлик қилиш ва сиёсий партияларни молиялаштириш тақиқланади.

Ҳомийлик Компаниянинг бизнес обрўсини (бренди ва нуфузини) мустаҳкамлашнинг асосий усулларидан биридир. Бироқ Компаниянинг ҳомийлиги гайриқонуний устунликка эга бўлишга уриниш ёки эга бўлиш билан боғлиқ деб қабул қилинмаслиги ёки ҳисобланмаслиги керак.

Ҳомийлик фаолияти ёзма келишувлар асосида амалга оширилиб, унда ҳомийлик фаолиятини амалга оширадиган ташкилотчиларнинг мавжуд порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиб тўғрисидаги қонунларни бузадиган ҳаракатларни қилмаслик мажбурияти кўзда тутилган бўлиши лозим.

Ҳомийлик фаолиятига йўналтирилган барча маблағлар Компания бухгалтерия китобларида ва ёзувларида аниқ ва равshan акс эттирилиши керак

Компания номидан хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий дастурларни молиялаштириш, агар улар хайрия, таълим, нотижорат ёки маданий мақсадларга хизмат қилса, ва агар улар Компаниянинг бизнес мақсадларига мос келса ва улар Компаниянинг обрўсини оширадиган бўлса, рухсат этилади.

Бундай хайрия, ҳомийлик ёки молиялаштириш фақат Компания ва/ёки Ходимлар томонидан нотўғри фойда олиш мақсадида бўлмаса, (шунингдек, улар амалдаги барча қонун ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак) берилиши мумкин.

Тегишлича, Шакл А-5: Хайрия ва ҳомийлик сўров шакли тўлдирилиши керак.

7. Ижтимоий инвестициялар ва корпоратив ижтимоий масъулият

Компания ўзи фаолият кўрсатаётган минтақалар аҳолиси олдидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик мажбуриятларни эътироф этади ва тегишли ҳудудларда ижтимоий инвестициялар амалга оширилишига рухсат беради. Шу билан бирга, Компания ижтимоий инвестициялар ёки хайрия эҳсонларига унинг таъсирини ноконуний равишда ошириш ёки бошқа ноўрин ҳаракатларни амалга оширишга уриниш сифатида қаралмаслигини

таъминлаши шарт. Хайрия олувчининг уни олишга қонуний ҳукуққа эга бўлишига, шунингдек хайрия маблағлари бошқа фойда олувчиларга йўналтирилмаслигига эътибор бериш лозим.

Барча ижтимоий инвестициялар ва хайриялар Компаниянинг амалдаги сиёсатлари ва процедураларига мувофиқ амалга оширилиши ҳамда шаффоф, асосланган бўлиши ҳамда ўз вақтида ҳисобга олиниши керак. Нақд пул/ валюта ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (масалан, совға карталари) шаклида хайрия қилишга рухсат берилмайди.

8. Ҳужжатлаштириш ва ҳисбот

Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси Хайрия ва (ёки) Тижорат ҳомийлиги буюртманомалари асосида Компания бошқарувининг Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини кўрсатиш тўғрисидаги баённома қарорини расмийлаштириш ва келишишни бошлайди.

Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси “Ўзватосаноат” АЖнинг Шартномаларни тузиш тартиби тўғрисидаги Низомининг 7-бандига мувофиқ, коррупцияга қарши келишувни киритиш билан агар Компания Бошқарувининг баённома қарорида бошқача назарда тутилмаган бўлса, Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини кўрсатиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳасини тайёрлайди ва келишади (5-6-иловаларга қаранг).

Кейинчалик Хайрия ёки Тижорат ҳомийлиги тадбирини янгиликлар оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун Бошқарувининг баённома қарори Жамоатчилик ва давлат органлари билан алоқа қилиш Хизмати билан келишилиши лозим.

Юридик бошқарма Компания Бошқарувининг баённома қарорлари лойиҳаларини ва Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини таъминлаш тўғрисидаги шартномаларни қонунчиликка мувофиқ келишини текширади ва эътиroz ҳамда таклифлар бўлмаган тақдирда уларни келишади. Шу билан бирга, лойиҳалар Компаниянинг бошқа таркибий бўлинмаларидан кейин Юридик бошқарма билан келишилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва методологияси бошқармаси Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани ва агарки, шартнома Компаниянинг барча масъул таркибий бўлинмалари билан келишилган ва Компания раҳбарияти ёки ваколатли шахс томонидан имзоланган тўловни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлсагина тўловни амалга ошириш учун қабул қиласди.

Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси Компанияда барча турдаги Хайрия ва Тижорат ҳомийликларига нисбатан амалга оширилган барча операцияларни рўйхатдан ўтказадиган марказлаштирилган Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги реестрини 4-иловага мувофиқ юритиши шарт. Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ёки у томонидан тайинланган шахс Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги барча буюртманомаларини, шунингдек, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатлар ва маълумотларни, шу жумладан, буюртманомалар шаклларини (ва тегишли ҳужжатларни), Компания бошқарувининг баённома қарорини ягона реестрда рўйхатдан ўтказиш учун жавобгардир.

Олувчи Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармасига Хайрия ёки Тижорат ҳомийлиги амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатларни юборишлари шарт, масалан:

- Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) харажатлари ва у билан боғлиқ бошқа харажатларни тасдиқловчи хужжатлар;
- янгиликлар оммавий ахборот воситаларида Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) ёки у билан боғлиқ пулли бадалларни амалга оширилганини тавсифловчи чиқишлиар;
- Хайрия ёки Тижорат ҳомийлик тадбирлари ёки воқеаси тўғрисида суратли ёки видеоҳисоботлар.

9. Компания ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

Компания ходимларининг халқаро ва бошқа Компаниялар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва х.к.)да иштирок этишига қўйидаги шартларга риоя қилган тақдирда руҳсат этилади:

- тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёsat тамойиллари ва талаблари ҳамда Компаниянинг бошқа ички хужжатларига мос келса;
- тадбир Компания ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;
- тадбир Компания ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаётган лойиха-тадқиқот Жамиятига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;
- тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Компания ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар тугдирмаслиги лозим;
- тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;
- тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, гайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва бошқалар) ташкилотчиси Компаниянинг ўзи бўлса, унда бундай бизнес тадбири ушбу йўрикномада белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

10. Шакллар ва иловалар

Хайрия ва тижендегі ҳомиийлік бүйічесіндең 1-илюстациясы

*Хайрия процедурасы
СХЕМАСИ*



**Тижорат ҳомийлиги процедураси
СХЕМАСИ**



**Хайрия ва тижорат ҳомиийлиги бүйича сиёсатига
2-илова**

*Хайрия
БҮОРТНОМАСИ*

Рег. №.		Сана	(күн/ой/йил)
Умумий маълумот			
1.	Мүлжалланаётган Хайрияни тавсифлаб беринг		
2.	Мүлжалланаётган Хайрия суммасини кўрсатинг		
3.	Буюртма бир марталик ёки мунтазам хайрия бүйича киритилмоқда	Доимий <input type="checkbox"/> Бир маротаба <input type="checkbox"/>	
4.	Хайрия обьекти ёки Олувчинини танлаш у-бу кимнинг илтимоси ёки тавсиясига асосланганми?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> <small>агар “ха” бўлса, батафсил тушунтириш беринг</small>	
5.	Хайрияга ёзма мурожаат мавжудми?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> <small>агар “ха” бўлса, ёзма мурожаатнинг нусхасини мазкур буюртномага илова қилинг</small>	
6.	Компания бугунги кунда Хайрияга дахлдор бўлган бирон-бир ташкилот билан келгусида шартнома (келишув, битим) тузиш тўғрисида музокаралар олиб бораётгани ҳақида маълумотга эгамисиз?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	
Мақсад			
7.	Хайрия кўрсатиладиган Олувчининг тўлиқ юридик манзилини кўрсатинг		
8.	Олувчи рўйхатдан ўтган нотижорат ташкилоти ҳисобланадими?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> <small>агар “ха” бўлса, Олувчининг нотижорат макомини исботловчи хужжатни (давлат рўйхатидан ўtkазиш тўғрисида гувоҳномани) илова қилинг</small>	
9.		Ф.И.Ш.	
		Телефон	

	Олувчининг боғланиш мумкин бўлган маъсул шахси (вакили) тўғрисида маълумотларни кўрсатинг	E-mail	
10.	Олувчининг СТИРини кўрсатинг	Хайрия тўғрисида батафсил маълумотлар	
11.	Пул маблағлари шаклидаги хайрия назарда тутилмоқдами?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	
12.	Хайрия натура шаклида ифодаланган товарлар ёки хизматлар сифатида тақдим этиладими?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ҳа” бўлса, тавсифланг / агар “йўқ” бўлса, кейинги саволга ўтинг	
13.	Хайрия маблағлари бевосита Олувчининг хисоб рақамига ўтказиладими?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	
14.	Олувчи мўлжалланган Хайрияга дахлдор учинчи шахсларни (субпурдатчилар, субагентлар ва х.к.) жалб этиши ёки этмаслиги тўғрисида бирон-бир маълумотга эгамисиз?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ҳа” бўлса, уларнинг Хайриядаги ўрнини тавсифлаб беринг	
15.	Компания юкорида кўрсатилган Олувчига мукаддам бирон-бир Хайрия қилган-қилмагани тўғрисида маълумотга эгамисиз?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	
16.	Олувчи Компанияга бирон-бир тарзда боғлиқми ёки таъсир ўтказиши мумкинми?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ҳа” бўлса, мавжуд боғлиқликни ёки таъсир ўтказиш мумкинлигини тавсифлаб беринг	
Давлат билан боғлиқлик			
17.	Олувчи давлат ташкилоти эканлиги ёки эмаслиги тўғрисида бирон-бир маълумотга эгамисиз?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	
18.	Олувчи Компанияни назорат қилувчи Давлат ходимига бирон-бир тарзда боғлиқ эканлиги ёки унга таъсир ўтказиши мумкинлиги тўғрисида маълумотга эгамисиз?	Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ҳа” бўлса, мавжуд боғлиқликни ёки таъсир ўтказиш мумкинлигини тавсифлаб беринг	
19.	Ўзингиз аҳамиятга эга деб ҳисоблаган бошқа маълумотларни келтиринг ёки илова қилинг		
Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси томонидан киритилди			

Комплаенс-назорат құлланмаси

Ф.И.Ш.	
Лавозими	
Имзо	
Газначилик ва молия бошқармаси билан келишилди	
Ф.И.Ш.	
Лавозими	
Имзо	
Комплаенс департаменти билан келишилди	
Ф.И.Ш.	
Лавозими	
Имзо	

**Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича сиёсатига
З-илова**

Тижорат ҳомийлиги

БУЮРТНОМАСИ

Рег No.		Сана	(кун/ой/йил)
Умумий маълумот			
1.	Мўлжалланаётган Тижорат ҳомийлигини тавсифлаб беринг		
2.	Мўлжалланаётган Тижорат ҳомийлиги суммасини кўрсатинг		
3.	Буюртнома бир марталик ёки мунтазам ҳомийлик бўйича киритилмоқда	Мунтазам <input type="checkbox"/> Бир марталик <input type="checkbox"/>	
4.	Тижорат ҳомийлиги обьекти ёки Олувчисини танлаш у-бу кимнинг илтимоси ёки тавсиясига асосланганми?	Xa <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ха” бўлса, батафсил тушунтириш беринг	
5.	Тижорат ҳомийлигига ёзма мурожаат мавжудми	Xa <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ха” бўлса, ёзма мурожаатнинг нусхасини мазкур буюртномага илова қилинг	
6.	Компания бугунги кунда Тижорат ҳомийлигига дахлдор бўлган бирон-бир ташкилот билан келгусида шартнома (келишув, битим) тузиш тўғрисида музокаралар олиб бораётгани хақида маълумотга эгамисиз?	Xa <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	
Мақсад			
7.	Тижорат ҳомийлиги кўрсатиладиган Олувчининг тўлиқ юридик манзилини кўрсатинг		
8.	Олувчи рўйхатдан ўтган нотижорат ташкилоти хисобланадими?	Xa <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> агар “ха” бўлса, Олувчининг нотижорат мақомини исботловчи ҳужжатни (давлат рўйхатидан ўtkазиш тўғрисида гувохномани) илова қилинг	
9.		Ф.И.Ш.	

Комплаенс-назорат кўлланмаси

	Олувчининг боғланиш мумкин бўлган масъул шахси (вакили) тўғрисида маълумотларни кўрсатинг	Телефон	
		E-mail	
10.	Олувчининг СТИРини кўрсатинг	Хайрия тўғрисида батафсил маълумотлар	
11.	Пул маблағлари шаклидаги Тижорат ҳомийлиги назарда тутилмоқдами?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
12.	Тижорат ҳомийлиги натура шаклида ифодаланган товарлар ёки хизматлар сифатида тақдим этиладими?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
13.	Тижорат ҳомийлиги маблағлари бевосита Олувчининг ҳисоб рақамига ўтказиладими?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
14.	Олувчи мўлжалланган Тижорат ҳомийлиги дахлдор учинчи шахсларни (субпудратчилар, субагентлар ва х.к.) жалб этиши ёки этмаслиги тўғрисида бирон-бир маълумотга эгамисиз?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
15.	Компания юкорида кўрсатилган Олувчига муқаддам бирон-бир Тижорат ҳомийлиги қилгандан-кунгани тўғрисида маълумотга эгамисиз?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
16.	Олувчи Компанияга бирон-бир тарзда боғлиқми ёки таъсир ўтказиши мумкинми?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
17.	Компания номидан Олувчи томонидан мўлжалланаётган тадбирда (агар тадбир жоиз бўлса) ким иштирок этади?	Давлат билан боғлиқлик	
18.	Олувчи давлат ташкилоти эканлиги ёки эмаслиги тўғрисида бирон-бир маълумотга эгамисиз?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
19.	Олувчи Компанияни назорат қилувчи Давлат ходимига бирон-бир тарзда боғлиқ эканлиги ёки унга таъсир ўтказиши мумкинлиги тўғрисида маълумотга эгамисиз?	Xa <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		агар “ха” бўлса, мавжуд боғлиқликни ёки таъсир ўтказиш мумкинлигини тавсифлаб беринг	

Комплаенс-назорат құлланмаси

20.	Үзингиз ахамиятга эга деб ҳисоблаган бошқа маълумотларни келтириңг ёки илова қилинг	
Савдони ривожлантириш ва маркетинг бошқармаси томонидан киритилди		
Ф.И.Ш.		
Лавозими		
Имзо		
Газначилик ва молия бошқармаси билан келишилди		
Ф.И.Ш.		
Лавозими		
Имзо		
Комплаенс департаменти билан келишилди		
Ф.И.Ш.		
Лавозими		
Имзо		

**Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича сиёсатига
4-илова**

*Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги бўйича
РЕЕСТР*

Сана: _____

No.	Кўмаклашув тури	Олувчининг номи	Хайрия қилувчи / Ҳомий номи	Кўмак кўрсатиши учун асос	Кўмаклашувдан мақсад	Шартнома санаси ва рўйхатдан ўтган рақами	Тўлов суммаси	Амалда тўланган
1.								
2.								
3.								

Изоҳ:

№ –тартиб рақами

Кўмаклашув тури - хайрия ёки тижорат ҳомийлиги;

Олувчининг номи – маблағлар олувчсининг тўлиқ юридик номи;

Хайрия қилувчи / Ҳомийнинг номи – хайрия ёки тижорий ҳомийлик қилувчи (Компания ва/ёки назорат остидаги корхона) нинг тўлиқ юридик номи;

Кўмак кўрсатиши учун асос – “Ўзватосаноат” АЖ бошқарувининг баённомасининг санаси ва қайд рақами кўрсатилган;

Кўмаклашувдан мақсад – хайрия ёки тижорий ҳомийликнинг мақсадга йўналтирилганини, масалан, таълим, фан, маданият, санъат соҳасидаги ёки жисмоний тарбия ва оммавий спорт ҳамда шу каби соҳалардаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

Шартнома санаси ва рақами – шартномани индентификациялаш учун шартли реквизитларини кўрсатиш;

Тўлов суммаси – шартномага мувофиқ сумма;

Амалда тўланган – Олувчига амалда кўрсатилган кўмак.

Хайрия ва тижорий ҳомийлик бўйича сиёсатига 5-илова

ХАЙРИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

№_____

_____ “ ” 20 _____

Бундан буён “ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ” деб аталувчи “Ўзавтосаноат” АЖ номидан [шартномани имзолаш ваколатини берувчи ҳужжат] асосида фаолият юритувчи [имзо чекувчининг лавозими ва Ф.И.Ш.], бир томондан,

ва бундан буён “ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ” деб аталувчи [Хайрия олувчининг номи] номидан [шартномани имзолаш ваколатини берувчи ҳужжат] асосида фаолият юритувчи [имзо чекувчининг лавозими, Ф.И.Ш.], бошқа томондан,

биргаликда “ТАРАФЛАР” деб аталувчилар, “Ўзавтосаноат” АЖ бошқарувининг [санадаги [рўйхатга олиш рақами]-сонли йиғилиш баённомасини қўллаб, қуйидаги мазмунда мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ томонидан кўнгилли равишда [кейинги ўринларда – ХАЙРИЯ деб юритилади] [масалан, пул маблағларини] [Хайриянинг аниқ суммаси кўрсатилсин]_____ сум микдоридаги пул маблагини ХАЙРИЯ ОЛУВЧИГа [Хайрия олувчининг мурожаати кўрсатилсин] эҳсон қилиниши (хайриянинг аниқ мақсади кўрсатилсин) Шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. ХАЙРИЯ факат ушбу Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган мақсадлар учун беғараз тақдим этилади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

2.1. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ ХАЙРИЯни олгунга қадар уни рад этишга ҳақлидир. ХАЙРИЯни рад этиш ёзма шаклда амалга оширилади ва ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ томонидан ёзма шаклда рад этиш олинган пайтдан бошлаб мазкур шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

2.2. ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ ХАЙРИЯ ОЛУВЧИГА ХАЙРИЯДАН мақсадли фойдаланишни текшириш зарурлиги тўғрисида сўров юбориш орқали, ХАЙРИЯ ОЛУВЧИСИ томонидан ХАЙРИЯНИНГ мақсадли фойдаланилишини текширишга ҳақлидир.

2.3. ХАЙРИЯ мақсадга мувофиқ ишлатилмаганлиги фактлари аниқланган тақдирда ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ ХАЙРИЯ ОЛУВЧИНИНГ мақсадга мувофиқ ишлатилмаган барча хайрия маблағларини ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИГА қайтариш йўли билан мазкур шартномани бир томонлама равишда бекор қилишга ҳақлидир.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ мазкур шартноманинг 1.1-бандостига кўра ХАЙРИЯНИ ХАЙРИЯ ОЛУВЧИГА мазкур шартноманинг 8-бандида қайд этилган реквизитларга

асосан мазкур шартнома тузилган санадан бошлаб **[рақам]** банк кунида ўтказиб бериш ёки топширишни ўз зиммасига олади.

3.2. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ куйидагиларни ўз зиммасига олади:

3.2.1. ХАЙРИЯНИ қабул қилиш;

3.2.2. олинган ХАЙРИЯДАН фақат ушбу шартномада қўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш;

3.2.3. ушбу шартнома билан боғлиқ равища тайёрланадиган, тасдиқланадиган ёки расмийлаштириладиган барча хужжатларни, шу жумладан, ХАЙРИЯ билан боғлиқ хужжатларни истисносиз тўлиқ, тўғри ва аниқ бўлишини таъминлаш;

3.2.4. бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини таъминлаш, шунингдек, ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИГА ХАЙРИЯ шаклидаги маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларни [масалан: хайрия компанияси якуни бўйича] [сана] гача [масалан: хайрия акцияси] натижалари бўйича тайёрлаш ва тақдим этиш;

3.2.5. ХАЙРИЯ ҳисобидан товарлар(ишлар, хизматлар)ни харид қилиш учун етказиб берувчилар билан тузилган шартнома(контракт)ларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини таъминлаш;

3.2.6. Хайриядан тўғридан-тўғри ёки билвосита ёхуд бошқа қўринишида инсон ҳукуклари соҳасидаги тамойилларни, мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай шаклларини истисно этмаган ҳолда бузилишларида фойдаланмаслик;

3.2.7. ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИнинг сўровини олган санадан бошлаб беш кун ичида ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ ХАЙРИядан мақсадли фойдаланилганлигини текшириши учун ушбу шартнома билан боғлиқ барча маълумот ва хужжатларни ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИга тақдим этилишини таъминлаш;

3.2.8. мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган коррупцияга қарши қўшимчага риоя этиш;

3.2.9. ушбу шартнома ХАЙРИядан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаганлиги сабабли бекор қилинган тақдирда, икки кун ичида белгиланган мақсадда фойдаланилмаган ХАЙРИЯни тўлалигича ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИга қайтариш.

4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

4.1. Ушбу орқали ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИнинг расмий веб-сайтидаги "Комплаенс" бўлимида жойлаштирилган комплаенс-дастури билан танишганини ва уни тўлиқ англаганини тасдиқлайди (<http://uzavtosanoat.uz/komplaens.html> га қаранг).

4.2. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИНИНГ манфаатлари йўлида иш юритадиган унинг эгалари, директорлари, мансабдор шахслари, хизматчилари ва бошқа шахсларни чекламаган ҳолда ушбу коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг кафолатларига риоя қилиниш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.3. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ тўғридан-тўғри ёки билвосита ушбу шартнома билан боғлиқ коррупцион ҳаракатларни амалга оширмаслик ёки ХАЙРИЯдан коррупцион мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.4. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИни қуидагилар тўғрисида ёзма равища дархол хабардор қилишни ўз зиммасига олади:

[хусусий ташкилотлар учун бирон-бир давлат ходими ХАЙРИЯ ОЛУВЧИНИНГ мансабдор шахси ёки ходими этиб тайинланса ёки ХАЙРИЯ ОЛУВЧИНИНГ корхонасида тўғридан-тўғри ёки билвосита иштирокчилик улушкини харид қилса];

ХАЙРИЯ ОЛУВЧИНИНГ мансабдор шахси ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИНИНГ комплаенс-дастурига зид бўлган ҳаракатларни амалга оширгани учун судланиши ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишда айборд деб топилишининг ҳар бир ҳолати тўғрисида;

мазкур коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган фактлар тўғрисида, ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ ХАЙРИЯ ОЛУВЧИГа бундай фактлар тўғрисида маълум қилган тақдирда эса - коррупцияга қарши мажбуриятларни бажармаслик фактлари бўйича текширув ўtkазиш ва йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш чораларини кўриш.

4.5. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ унинг бошқарув органларида давлат билан боғлиқ шахслар мавжуд бўлган тақдирда, бу факт ХАЙРИЯни бирон-бир ноқонуний имтиёзлар асосида олишга таъсир кўрсатмаслигини кафолатгайди.

4.6. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ мазкур коррупцияга қарши қўшимчани ҳақиқий ёки эҳтимолли бузилиши ҳолларида ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИГа вижданан ёрдам ва кўмак кўрсатишни, шу жумладан, унинг эгалари, директорлари ва мансабдор (масъул) шахслари ўртасида сўровнома ўтказиш имкониятини таъминлашни ўз зиммасига олади.

4.7. Агар ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ томонидан ушбу коррупцияга қарши қўшимча бузилганини аниқласа, ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ шартномани ижро этишдан бош тортиши ва уни бир томонлама суддан ташқари тартибда ХАЙРИЯ ОЛУВЧИГа бу ҳақда тегишли ёзма билдиришнома юбориш орқали бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

5.1. ТАРАФЛАР, агар мазкур шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар жавобгар хисобланадилар.

5.2. ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ, агар ушбу шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олинган пул маблағларидан мақсадга номувофиқ фойдалангандиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

6.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тузилган, талқин этилади ва тартибга солинади.

6.2. ТАРАФЛАР ушбу шартномадан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай низоларни музокаралар йўли билан ҳал қиласидар. Агар ТАРАФЛАР музокаралар йўли билан келишувга эришмаса, низолар Тошкентнинг туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур шартнома иккала ТАРАФ томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ТАРАФлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласиди.

7.2. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ТАРАФлар томонидан имзоланади.

7.3. Мазкур шартноманинг шартлари ёзма шаклда тайёрланиб, иккала ТАРАФ томонидан имзоланган ҳолдагина ўзгартирилиши мумкин.

7.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга ҳолда ҳар бир ТАРАФ учун битта нухсадан тузилди.

7.5. ТАРАФЛАР ўзларининг юридик манзиллари, телефон рақамлари ва бошқа реквизитлари ўзгарган ҳолда икки кундан кечиктирмасдан бу ҳақда бир-бирини хабардор қилишлари шарт.

7.6. ТАРАФЛАР ўртасидаги барча ёзишмалар, шу жумладан, сўровлар хат, телеграмма, телекс, факсограмма юбориш орқали, шунингдек, электрон почта орқали амалга оширилади. ТАРАФЛАР электрон почта орқали йўлланган электрон хабарларни ҳам хужжат сифатида эътироф этадилар.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

ХАЙРИЯ ҚИЛУВЧИ

ХАЙРИЯ ОЛУВЧИ

Хайрия ва тижорий ҳомийлик бўйича сиёсатига 6-илова

ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

№ _____

ш.

« ____ » 20 ____ й.

Бундан буён “ҲОМИЙ” деб аталувчи “Ўзватосаноат” АЖ номидан [шартномани имзолаш ваколатини берувчи ҳужжат] асосида фаолият юритувчи [имзо чекувчининг лавозими, Ф.И.Ш.], бир томондан, ва бундан буён “ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ” деб аталувчи [Ҳомийлик олувчининг номи] номидан [шартномани имзолаш ваколатини берувчи ҳужжат] асосида фаолият юритувчи [имзо чекувчининг лавозими, Ф.И.Ш.], бошқа томондан, биргаликда “ТАРАФЛАР” деб аталувчилар, “Ўзватосаноат” АЖ бошқарувининг [санадаги [рўйхатга олиш рақами]-сонли йигилиш баённомасини кўллаб, куйидаги мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ томонидан ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИга (бундан буён – “ҲОМИЙЛИК”) [Ҳомийлик олувчининг мурожаати кўрсатилсан] га кўра [ҳомийликнинг аниқ мақсади кўрсатилсан] мақсадида [Ҳомийликнинг аниқ суммаси кўрсатилсан] сум микдорида беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш шартноманинг предмети ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

2.1. ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ ҲОМИЙЛИКни олгунга қадар уни рад этишга ҳақлидир. ҲОМИЙЛИКни рад этиш ёзма шаклда амалга оширилади ва ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ томонидан ёзма шаклда рад этиш олинган пайтдан бошлаб мазкур шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

2.2 ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИГА ҲОМИЙЛИКДАН мақсадли фойдаланишни текшириш зарурлиги тўғрисида сўров юбориш орқали, ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИСИ томонидан ҲОМИЙЛИКНИНГ мақсадли фойдаланилишини текширишга ҳақлидир.

2.3 ҲОМИЙЛИКни мақсадга мувофиқ ишлатмаслик фактлари аниқланган тақдирда, ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИНИНГ мақсадга мувофиқ ишлатилмаган барча ҳомийлик маблағлари ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИГА қайтарилиши билан мазкур шартномани бир томонлама равишда бекор қилишга ҳақлидир.

2.4 ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ тадбир учун маблағ ўтказилган пайтдан бошлаб оммавий ахборот воситаларида ўз мақомини тадбир ҳомийси деб кўрсатишга, шунингдек, тадбирни амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий тадбирларда иштирок этишга ҳақлидир.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ ушбу шартноманинг 1.1-бандостига кўра ҲОМИЙЛИКНИ ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИГА мазкур шартноманинг 8-бандида қайд

этилган реквизитларга асосан мазкур шартнома тузилган санадан бошлаб [рақам] банк кунида ўтказиб бериш ёки топширишни ўз зиммасига олади.

3.2 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.2.1 ҲОМИЙЛИКни қабул қилиш;

3.2.2 олинган ҲОМИЙЛИКДАН фақат ушбу шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш;

3.2.3 ушбу шартнома билан боғлиқ равишда тайёрланадиган, тасдиқланадиган ёки расмийлаштириладиган барча хужжатларни, шу жумладан, ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИННИГ ҲОМИЙСИ билан боғлиқ хужжатларни истисносиз тўлиқ, тўғри ва аниқ бўлишини таъминлаш;

3.2.4 бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини таъминлаш, шунингдек ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИГА ҲОМИЙЛИК шаклидаги маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларни [натижалари бўйича **масалан: тадбирнинг**] [санагача] ҳисботларни тузиш ва тақдим этиш;

3.2.5 ҲОМИЙЛИК ҳисобидан товарлар(ишлар, хизматлар)ни харид қилиш учун етказиб берувчилар билан тузилган шартнома(контракт)ларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини таъминлаш;

3.2.6 ҲОМИЙЛИКдан тўғридан-тўғри ёки билвосита ёки бошқа кўринишда инсон хуқуqlари соҳасидаги тамойилларни, мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай шаклларини истисно этмаган ҳолда бузилишларида фойдаланмаслик;

3.2.7 ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИННИГ сўровини олган санадан бошлаб беш кун ичida ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ ҲОМИЙЛИКдан мақсадли фойдаланилганлигини текшириши учун ушбу шартнома билан боғлиқ барча маълумот ва хужжатларни ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИГа тақдим этилишини таъминлаш;

3.2.8 мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган коррупцияга қарши қўшимчага риоя этиш;

3.2.9 ушбу шартнома ҲОМИЙЛИКдан мақсадга мувофиқ фойдаланилмагани сабабли бекор қилинган тақдирда, икки кун ичida белгиланган мақсадда фойдаланилмаган ҲОМИЙЛИКни тўлалигича ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИГа қайтариш.

3.2.10 ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИГа тадбирда иштирок этиш хуқукини бериш.

4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

4.1 Ушбу орқали ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИННИГ расмий веб-сайтида "Комплаенс" бўлимида жойлаштирилган комплаенс-дастури билан танишганини ва уни тўлиқ англаганини тасдиқлайди (<http://uzavtosanoat.uz/komplaens.html> га қаранг).

4.2 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ, шу жумладан, аммо бу билан чекланмасдан, ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИННИГ манфаатларида иш юритадиган эгалари, директорлари, мансабдор шахслари, хизматчилари ва бошқа шахслар ушбу коррупцияга қарши банднинг кафолатларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.3 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ тўғридан-тўғри ёки билвосита ушбу шартнома билан боғлиқ коррупцион ҳаракатларни амалга оширмаслик ёки ҲОМИЙЛИКдан коррупцион мақсадларда фойдаланмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.4 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИНИ қўйидагилар тўғрисида ёзма равишда дарҳол хабардор қилишни ўз зиммасига олади:

[хусусий ташкилотлар учун бирор-бир Давлат ходими ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИНинг мансабдор шахси ёки ходими этиб тайинланса ёки ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИНинг корхонасида тўғридан-тўғри ёки билвосита иштирокчилик улушкини харид қиласа];

ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИНинг мансабдор шахси ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИНинг комплаенс-дастурига зид бўлган харакатларни амалга оширгани учун судланиши ёки бундай харакатларни амалга оширишда айбдор деб топилишининг ҳар бир ҳолати тўғрисида;

ушбу коррупцияга қарши қўшимча шартларини бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган фактлар тўғрисида, ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИга бундай фактлар тўғрисида маълум қилган тақдирда эса - коррупцияга қарши мажбуриятларни бажармаслик фактлари бўйича текширув ўtkазиш ва йўл қўйилган бузулишларни бартараф этиш чораларини кўриш.

4.5 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ унинг бошқарув органларида давлат билан боғлиқ шахслар мавжуд бўлган тақдирда, бу факт ҲОМИЙЛИКни олиш ва бирон-бир ноқонуний имтиёзларга эга бўлишга таъсир кўрсатмаслигини кафолатлади.

4.6 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ ушбу коррупцияга қарши қўшимчани ҳақиқий ёки эҳтимолли бузилишида ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИга вижданан ёрдам ва қўмак кўрсатишни, шу жумладан, унинг эгалари, директорлари ва мансабдор (масъул) шахслари ўртасида сўровнома ўtkазиш имкониятини таъминлашни ўз зиммасига олади.

4.7 Агар ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ томонидан ушбу коррупцияга қарши қўшимчанинг муайян бир банди талabalari бузилганини аниқласа, ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ шартномани ижро этишдан бош тортиши ва уни бир томонлама суддан ташқари тартибда ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИга бу ҳақда тегишли ёзма билдиришнома юбориш орқали бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

5.1 ТАРАФЛАР, агар мазкур шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар жавобгар ҳисобланадилар.

5.2 ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ, агар ушбу шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олинган пул маблағларидан мақсадга номувофиқ фойдаланганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

6.1 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тузилган, талқин этилади ва тартибга солинади.

6.2 ТАРАФЛАР ушбу шартномадан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай низоларни музокаралар йўли билан ҳал қиладилар. Агар ТАРАФЛАР музокаралар йўли

билин келишувга эришмаса, низолар Тошкентнинг туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома иккала ТАРАФ томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ТАРАФлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

7.2 Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади ва ТАРАФлар томонидан имзоланади.

7.3 Мазкур шартноманинг шартлари ёзма шаклда тайёрланиб, иккала ТАРАФ томонидан имзоланган ҳолдагина ўзгартирилиши мумкин.

7.4 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга ҳолда ҳар бир ТАРАФ учун битта нухсадан тузилди.

7.5 ТАРАФЛАР ўзларининг юридик манзиллари, телефон рақамлари ва бошқа реквизитлари ўзгарган ҳолда икки кундан кечиктирмасдан бу ҳақда бир-бирини хабардор қилишлари шарт.

7.6 ТАРАФЛАР ўртасидаги барча ёзишмалар, шу жумладан, сўровлар хат, телеграмма, телекс, факсограмма юбориш орқали, шунингдек, электрон почта орқали амалга оширилади. ТАРАФЛАР электрон почта орқали йўлланган электрон хабарларни ҳам ҳужжат сифатида эътироф этадилар.

7.7 Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга унда назарда тутилган қоидалар ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосидагина йўл қўйилиши мумкин.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ ҲОМИЙЛИК ҚИЛУВЧИ

ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИ

Хайрия ва тижорат ҳомийлиги бўйича йўриқномага 7-илова

Скрининг хисоботи

UzAuto	Сана	___/___/___ —	Рег. рақ.	DD-20___-___
Қабул қилувчи ҳақида маълумот				
Қабул қилувчининг номи				
Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва/ёки ТИН				
Юридик манзил				
Aksiyadorlar (muassislar) va ishtirok etish ulushi (1-daraja)	НОМИ		Фоиз сифатида улуш (10% дан ортиқ улуш кўрсатилган)	
Аксиядорлар (муассислар) ва иштирок этиш улуши (1-даражада)	НОМИ		Фоиз сифатида улуш (10% дан ортиқ улуш кўрсатилган)	
Аксиядорлар (муассислар) ва иштирок этиш улуши (1-даражада)	НОМИ		Фоиз сифатида улуш (10% дан ортиқ улуш кўрсатилган)	
Рахбарлар, амалдорлар	Ф.И.Ш.		Лавозими	

<i>Tasdiqlashi манбаси</i>	
ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР	
Давлат амалдори билан мұлоқот	
Санксия режимига риоя қилиш	
интернет-медиада ноқонуний ёки ахлоқий бүлмаган бизнес амалиётлари билан шуғулланиш	
<i>Tasdiqlash manbasi</i>	
ХУЛОСА	
Хайрия ёки тијорат ҳомиyllиги учун ариза түлиқ хұжжатлаштирилғанми?	Ха <input type="checkbox"/> Йүк <input type="checkbox"/>
Aniqlangan xavflar kompaniya uchun maqbulmi?	Ха <input type="checkbox"/> Йүк <input type="checkbox"/>
Юмшатиши (минималлаштириши) чораларини тавсифланғ	
Кабул қилувчини тасдиқлаш мүмкінми?	
Ха <input type="checkbox"/>	Үтказилған таҳлил ва баҳолашга күра, олувчи “Үзартосаноат” АКнинг коррупцияга қарши қонунлари ва сиёсатига риоя қылмайды, деган фикрга асос йүк.
Йүк <input type="checkbox"/>	Таҳлил ва баҳолаш натижаларига күра, олувчи “Үзартосаноат” АКнинг коррупцияга қарши қонунчилігі ва сиёсатига риоя қылмайды, деган холосага келиш мүмкін.
ТҮЛИҚ Ф.И.Ш.	
Лавозими	

Шакл A-5: Хайрия хайриялари ва ҳомийлик сўров шакли

Талаб қилувчи: _____
Номи _____ Лавозим ва шахс _____

Қабул қилувчи ҳақида маълумот:

Номи: _____
Давлат: _____

Таклиф этилаётган олувчи давлат амалдорими ёки бирон бир давлат амалдорига алокадорми?

Ха Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, батафсил маълумот беринг: _____

Компания ўтмишда олувчига хайрия ёки ҳомийлик берганми?

Ха Йўқ

Агар "ҳа" бўлса, батафсил маълумот беринг: _____

Хайрия/ҳомийлик мақсади: _____

Хайрия / Ҳомийликнинг табиати ва
қиймати: _____

Таклиф этилаётган хайрия/ҳомийлик учун бизнес сабаби борми? Агар шундай бўлса,
илтимос, тушунтиринг. _____

томонидан якунланган:

Чоп этилган исм

Департамент ва ташкилот

Имзо

Лавозими/Мансаби

Сана

Комплаенс бошлиғи учун:

Тасдиқланган? Ха / Йўқ	
Тасдиқлаш учун сабаб	
Мувофиқлик бўйича бош директорнинг имзоси	
Сана	

VI. Бизнес ҳамкорларни текшириш

1. Бизнес ҳамкорларни текшириш (Due Diligence)

“Үзіншілдеме” АҚ (кейинги үрінларда – Компания) үзининг юқори ахлоқий мөйөрларини баҳам құрадиган ахлоқли бизнес ҳамкорлар билан ишлашга тайёр.

Компания фақат ахлоқий хулқ-атворни намоён этадиган ва Бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ қоидалари асосий тамойилларига амал қиласынан Бизнес ҳамкорлар билан фаяолият олиб боради. Компания номидан ва унинг топшириғига күра иш юритадиган барча Бизнес ҳамкорлар ушбу стандартларға риоя қилишлари шарт. Бизнес ҳамкорлар үзларининг одоб-ахлоқтарини, жумладан, Комплаенс текшируви жараёнида ҳамкорлик қилиш орқали намойиш этадилар. Бизнес ҳамкорлар фойдалы мулкдорлар түғрисида шаффо маълумотларни тақдим этишлери жуда мухимdir.

Мулкдорлар түғрисида шаффо маълумотларни тақдим этмаслик ёки Компаниянинг талабларини бажармаслик Бизнес ҳамкор билан муносабатларни бекор қилиш ёки рад этиш учун асос бўлиши мумкин

1.1 Процедуранинг мақсади ва унинг қўлланилиш соҳаси

1.1. Ходимлар бизнинг потенциал контрагентларимиз кимлигини ва улар бизнесни қандай қилиб юритишини тушунишлари мухимdir. Агар Бизнес ҳамкорлар коррупцияга қарши (ҳам миллий, ҳам халқаро) қонунчилик талабларини бузса, у ҳолда Компания уларнинг хатти-харакатлари учун, ҳатто агар Компания уларга бундай ҳаракатларга рухсат бермаган ёки ҳатто уларнинг ноқонуний хатти-харакатлари түғрисида билмаган бўлса ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Бундай қонунбузарлик содир этилган тақдирда, Компания жиддий молиявий, хуқуқий ва обрўси билан боғлиқ зарар кўриши мумкин. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар сафар янги ёки мавжуд бўлган контрагент билан шартнома имзолангандан, унинг ишончлилиги (due diligence) бўйича текширув ўтказилиши керак.

1.2. Компания ва Назорати остидаги корхоналар ходимлари Бизнес ҳамкорлар билан натижада оғзаки ёки ёзма равища шартнома тузилиши мумкин бўлган музокаралар олиб боришдан олдин ҳатто Бизнес ҳамкорни яхши биламан, деб ҳисобласалар ёки у билан амалдаги шартномалар мавжуд бўлса ҳам мазкур Бизнес ҳамкорларнинг Комплекс текшириш процедурасига (кейинги үрінларда – Процедура) амал қилишлари лозим. Амалдаги шартномалар ҳам янги процедура талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши лозим.

1.3. Ушбу Процедура Компаниянинг барча тузилмавий бўлинмаларида, шу жумладан, Назорат остидаги корхоналарда қўлланилади. Компания назорат пакетига ёки улушига эга бўлмаган қўшма корхоналар ходимлари, мансабдор шахслари ва директорлари (менежерлари) ушбу Процедура талабларига риоя қилишлари тавсия этилади.

1.4. Ушбу Процедура:

ҳар сафар Бизнес ҳамкорни танлашда;

Бизнес ҳамкор билан қўшимча келишув тузилгандан;

агар ҳозирги Бизнес ҳамкор билан муносабатларнинг моҳияти ўзгарган бўлса тадбиқ этилади.

1.5. Процедура Компанияга ёки Назорат остидаги корхоналарга инвестиция қилишда ҳамда янгидан тузилаётган корхоналар бўйича янги ҳамкорлар билан шартномалар тузилаётганда ҳам татбиқ этилади.

1.6. Мазкур Процедура қўйидаги ҳолларда тадбиқ этилмайди:

юридик шахс Компанияга тегишли бўлса ёки Компания назоратида бўлса;

расмий маҳсус ахборот портали (майдонча) орқали амалга оширилиши шарти билан электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган харидлар ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилинаётган бўлса;

коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ майший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармокларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар; Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

1.7. Бизнес ҳамкорни текширишнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

Компания ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз изжроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

Бизнес ҳамкор билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

1.8. Текширув ушбу Процедуранинг 1.6-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан мазкур Процедуранинг 6.4-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.9. Ушбу Процедуранинг 1.6-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича хulosани олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

1.2 Атамалар ва тушунчалар

Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш; жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги; шунингдек АҚШнинг “Чет элда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” (FCPA), санкцияларни жорий этиш ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилиги, Бизнес ҳамкорнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки бўлиб турган мамлакатида амал қилувчи (юрисдикция чекловларидан қатъи назар) коррупцияга қарши қонунчилик, риоя қилиниши керак бўлган, шунингдек қўлланилса, улар билан чекланилмайдиган барча норматив-хукукий хужжатлар.

Назорат остидаги корхона - Компания ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун иштирок этиш сабабли тобе ва (ёки) шўъба корхонаси, кўшма корхона ва бошқа ташкилот.

Ходимнинг шахсий манфаатдорлиги - Компания ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш.

Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар) - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг харакатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш хукуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида харакат ёки харакатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий хукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалашибориц учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

махфий ахборот – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички хужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот;

Комплекс текширув (Ишончлилик/ «Due Diligence» текшируви) - Бизнес ҳамкорлар билан амалий ҳамкорликнинг бошланиши ҳақида қарор қабул қилишдан олдин кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёни. Текширувнинг асосий мақсади Бизнес ҳамкорларнинг малакаси, обрўси ва ишбилармонлик алоқалари, айниқса, Бизнес ҳамкорларнинг Давлат хизматчилари билан алоқалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш орқали Бизнес ҳамкорлар билан ҳамкорликда юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлашдан иборат.

Комплекс текширув анкетаси (Due Diligence Questionnaire ёки DDQ) - Бизнес ҳамкор томонидан тўлдириладиган ва Боғланиш учун шахс томонидан йигиладиган сўровнома. Ушбу сўровнома фақат таҳлилни талаб қиласидиган Бизнес ҳамкорлар учун татбиқ этилади. Бизнес ҳамкордан олинган маълумотларга асосланиб, у билан ўзаро ҳамкорликнинг рисклари таҳлил қилинади ва баҳоланади. Комплекс текширув анкетасининг шакли ушбу Процедуранинг **5-иловасида** келтирилган.

Боғланиш учун шахс (Relationship Owner) - потенциал Бизнес ҳамкордан маҳсулот (ишлар, хизматлар) тақдим этилиши талаб қилинадиган функционал бўлинманинг ваколатли вакили.

Риск факторлари («Red flags/ Қизил байроқлар») - ақли расо инсонни ноқонуний хатти-харакатлар юзага келиши (мавжудлиги), инсофсиз хатти-харакатлар, шунингдек, пора билан сотиб олиш ёки коррупциянинг катта хавфи тўғрисида огоҳлантириши мумкин бўлган салбий маълумотлар, кўрсаткичлар ёки ҳолатлар, бинобарин ҳар қандай хатти-харакатларни амалга оширишдан олдин қўшимча текширувни талаб қиласиди. Риск факторларининг кенг тарқалган

намуналари ушбу Процедуранинг **3-иловасида** келтирилган.

Танловнинг асосланганлик сўровномаси (Business Justification Questionnaire ёки BJQ)

- ушбу Процедурага мувофиқ текширувга тушиши мумкин бўлган Бизнес ҳамкорлар ва операцияларни қайд этадиган, Боғланиш учун шахс томонидан тўлдириладиган сўровнома. Танловнинг асосланганлик сўровномаси ушбу Процедуранинг **4-иловасида** келтирилган.

Битим/ Шартнома - ишларни бажарадиган, товарларни етказиб берадиган ёки Компанияга хизмат кўрсатадиган Бизнес ҳамкор иштирокидаги хуқуқий муносабатлар ёки чизма. Ушбу атама, шунингдек, Компания номидан ёки унинг топшириғига кўра иш юритадиган Бизнес ҳамкор билан бўладиган ҳар қандай тижорат битимини англатади.

Скрининг - Бизнес ҳамкорни Риск факторлари мавжудлиги бўйича пухта текшириш.

Скрининг ҳисботи шакли ушбу Процедуранинг **6-иловасида** келтирилган.

1.3 Ишончлиликни текшириш процедураси

3.1. Процедура қўйидаги турларга бўлинади:

- ›**соддалаштирилган текшириш тартиби (Simplified Due Diligence или SDD);**
- ›**атрофлича текшириш тартиби (Enhanced Due Diligence или EDD).**

Изоҳ:

Процедура Компаниянинг стандарт харид процедураларини алмаштирмайди ва потенциал Бизнес ҳамкорлар (танлов, тендер ёки энг яхши таклифларнинг танловидаги финалчилар ёки голиблар)га нисбатан қўлланилади.

3.2. Боғланиш учун шахс:

-танлов, тендер ёки энг яхши таклифларни саралаб олишда потенциал Бизнес ҳамкорни текшириш процедурасини иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳоланиши тугаганидан кейин ва харид комиссиясининг протокол қарори бошлангунга қадар амалга ошириши;

-ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган харидлар ва тўғридан-тўғри шартномаларда потенциал Бизнес ҳамкорни текшириш процедурасини шартномани келишишдан олдин амалга ошириши лозим.

Соддалаштирилган текшириши тартиби

1-босқич. Тижорат зарурияти:

3.3. Ҳар сафар Бизнес ҳамкорни танлашда Боғланиш учун шахс у билан ҳамкорлик ўзини оқлаганини аниқлаб олиши, зарурат бўлганида, Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда Комплаенс департаменти деб юритилади) билан Бизнес ҳамкорнинг комплекс текширув процедурасидан ўтиши бўйича маслаҳатлашиши лозим.

3.4. Бизнес ҳамкорнинг комплекс текширувини ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш учун Боғланиш учун шахс Танловнинг асосланганлик сўровномасини тўлдиради ва имзолайди.

3.5. Танловнинг асосланганлик сўровномасини имзолашдан олдин, Боғланиш учун шахс ушбу Танловнинг асосланганлик сўровномасини келишиш учун Комплаенс

департаментига қўйидаги электрон почта манзилига юборади:
duediligence@uzavtosanoat.uz.

Комплаенс департаменти Танловнинг асосланганлик сўровномасида тақдим қилинган маълумотларнинг тўлиқлигини текширади ва бунда, Бизнес ҳамкор билан манфаатлар тўқнашуви ёки Риск факторлари мавжудлиги юзасидан шубҳа бўлган тақдирда Бизнес ҳамкор комплекс текширувидан ўтиши ўтмаслиги лозимлиги юзасидан қарор қабул қиласи ҳамда Танловнинг асосланганлик сўровномасида тегишли изоҳ қолдиради.

3.6. Комплаенс департаменти томонидан Танловнинг асосланганлик сўровномасини кўриб чиқиш ва келишиш муддати 1 (бир) иш кунидан ошмаслиги зарур.

3.7. Танловнинг асосланганлик сўровномасига таяниб, Боғланиш учун шахс Бизнес ҳамкор комплекс текширув процедурасидан ўтиши лозимлигини аниқлаши керак. Ушбу қарор қўйидагиларга асосланиши керак:

- а) манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги;
- б) Риск факторлари мавжудлиги (**3-иловага** қаранг).

3.8. Соддалаштирилган текшириш тартиби, битим Бизнес ҳамкорлар учун соддалаштирилган текшириш тартибида ўтказиладиган битимлар рўйхатига киритилган ва Комплаенс департаментининг Танловнинг асосланганлик сўровномасида Бизнес ҳамкор комплекс текширувидан ўтмаслиги юзасидан тегишли хulosasi мавжуд бўлган тақдирда тақдирдагина амал қиласи. (**2-иловага** қаранг).

3.9. Агар Бизнес ҳамкор комплекс текширувидан ўтиши лозим бўлмаса, Боғланиш учун шахс Процедуранинг 4-босқични бажаришга ўтади.

3.10. Агар Бизнес ҳамкор комплекс текширувдан ўтиши лозим бўлса, Боғланиш учун шахс Процедуранинг 2-босқични бажаришга ўтади.

Атрофлича текшириши тартиби

2-босқич. Бизнес ҳамкордан маълумот олиш:

3.11. Боғланиш учун шахс Танловнинг асосланганлик сўровномасини Комплаенс департаментига тақдим этгач, Бизнес ҳамкор Комплекс текширув анкетасини олишини таъминлаши ва Комплаенс департаментига хабар берган ҳолда унинг ўз вақтида тўлдирилишини кафолатлаши шарт.

3.12. Комплекс текширувдан ўтиши лозим бўлган потенциал Бизнес ҳамкор Комплекс текширув анкетасини, унда кўрсатилганидек, зарур маълумотлар (хужжатлар)ни илова қилган ҳолда тўлдирилиши ва Боғланиш учун шахсга бериши керак. Боғланиш учун шахс ўз навбатида эса мазкур Анкетани Компаенс департаментига скринингни амалга ошириш учун тақдим қилиши керак.

3-босқич. Скрининг:

3.13. Комплаенс департаменти Танловнинг асосланганлик сўровномаси ва Комплекс текширув анкетасидаги маълумотларга асосан тегишли ахборот манбаларидан (шу жумладан, ташқиларидан) фойдаланган ҳолда Скрининг ўтказади ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни ушбу Процедуранинг **6-иловасига** мувофиқ Скрининг ҳисботида қисқача таърифлайди.

3.14. Скрининг даражаси ва вақти Танловнинг асосланганлық сўровномаси ва Комплекс текширув анкетасидаги маълумотларга боғлиқ. Шу билан бирга, Скрининг жараёни 2 (икки) иш кунидан ошмаслиги керак.

3.15. Комплаенс департаменти Бизнес ҳамкорни жалб қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган рисклар юзага келиши муносабати билан Бизнес ҳамкордан қўшимча сўровларни талаб қилишга ҳақлидир. Масалан, Комплаенс департаменти юридик бошқарма фикрини ёки ташқи маслаҳатчилар (экспертлар)дан вазиятни таҳдил қилган ҳолда мустақил хулосани сўраши мумкин.

3.16. Скрининг жараёнида Комплаенс департаменти, зарурият туғилгандан, Бизнес ҳамкорни атрофлича ўрганиш учун сўров ўтказиши, тавсия берувчилар билан боғланиши ва Бизнес ҳамкорнинг ҳудудига ташриф буюриши мумкин. (Батафсил маълумот учун **7-9-иловаларга** қаранг).

3.17. Агар Комплаенс департаменти Скрининг жараёнида Риск факторларини аниқласа, бу ҳақида, агар ўринли бўлса, Боғланиш учун шахсга хабар беради ва комплекс текширув ёки рискларни минималлаштириш бўйича қўшимча тарбирлар зарурлиги ёки зарур эмаслиги, агар зарур бўлса, қайси бири зарурлиги масаласини кўриб чиқади. Риск факторлари жиддий назорат ва эътиборни талаб қиласи, аммо рискни минималлаштириш учун тегишли чоралар кўрилган тақдирда, муносабатларни давом эттиришни бутунлай тақиқламайди. Агар рискни минималлаштиришнинг иложи бўлмаса ёки Риск факторлари ўта жиддий бўлса, Компания Комплаенс департаментининг тавсиясига биноан Бизнес ҳамкор билан келгуси муносабатларни тўхтатиши мумкин.

3.18. Агар Бизнес ҳамкорни тасдиқлаш жараёнини давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинса, Скрининг ҳисоботи қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) бундай қарорнинг сабаблари,
- б) белгиланган рискни бартараф этиш учун қилинган чоралар кўрсатилган, ва
- в) нима учун ушбу риск Компания учун мақбул ҳисобланади.

3.19. Агар Боғланиш учун шахс Комплаенс департаментининг Бизнес ҳамкор билан муносабатлардан воз кечиш тўғрисидаги тавсиясига рози бўлмаса, Боғланиш учун шахс ушбу масалани Компания раҳбариятига чиқариши мумкин. Бундай шароитда Компания раҳбарияти айнан нима қилиш кераклиги тўғрисида якуний қарор қабул қилиш хуқуқига эга.

3.20. Агар Компания раҳбарияти Бизнес ҳамкор билан ҳамкорликни ёки битим тузишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу қарор якуний ҳисобланади.

3.21. Бизнес ҳамкор маъқулланганидан сўнг, Комплаенс департаменти Боғланиш учун шахсга Бизнес ҳамкор билан шартнома тузилиши мумкинлиги тўғрисида хабар беради (агар Компания раҳбарияти томонидан қўшимча тасдиқлаш талаб этилмаса).

4-босқич. Шартномани тузиш:

3.22. Ушбу босқич камида Танловнинг асосланганлық сўровномаси, Комплекс текширув анкетаси, Скрининг ҳисоботи ва шартнома лойиҳасини ўз ичига олади.

3.23. Бизнес ҳамкорга нисбатан Комплаенс департаменти Компаниянинг юридик бошқармаси ва бошқа манфаатдор таркибий бўлинмалари билан биргаликда, шартномада Бизнес ҳамкор фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларнинг ўзига хос турларидан химоя қилишнинг қўшимча усувларини аниқ кўрсатиши кераклиги ёки керакмаслиги тўғрисида

қарор қабул қилиши мумкин ва, агар ижобий қарор қабул қилинса, кўрсатилган шартларни шартнома лойиҳасига киритиши мумкин. Боғланиш учун шахс ҳам шартнома лойиҳасида маҳсус қўшимча шартларни киритишни талаб қилишга ҳақлидир. (Батафсил маълумот учун “Ўзавтосаноат” АЖ Шартномаларни тузиши тартиби тўгрисидаги низомга қаранг)

3.24. Бундан ташқари, Бухгалтерия ҳисоби ва методология бошқармаси тўловни ўтказиш учун шартнома ва тасдиқловчи хужжатларни фақат шартнома барча маъсул таркибий бўлинмалари, шу жумладан Комплаенс департаменти билан келишилган ва Компания раҳбарияти ёки ваколатли шахс томонидан имзоланган тақдирда қабул қилиши мумкин.

Шошилинч шароитлардаги процедура

3.25. Компанияга Бизнес ҳамкор билан битимни комплекс текширув жараёни якунлангунига қадар шошилинч тартибда тузиш талаб қилинадиган вазият юзага келиши мумкин. Агар Бизнес ҳамкорни зудлик билан жалб этиш Компания ва Ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун жуда зарур бўлса ҳамда ушбу манфаатларни тасдиқлаш ёки ҳимоя қилиш зарурати Бизнес ҳамкор билан битим тўлақонли Скрининг тугагунига тузилиши рискидан устун келса, Боғланиш учун шахс Бизнес ҳамкорни жалб этиш учун вақтингчалик ёки чекланган руҳсатни сўраши мумкин. Боғланиш учун шахс Бизнес ҳамкорни комплекс текширув жараёни якунлангунига қадар жалб этиш учун ёзма руҳсатни Компания раҳбариятидан Комплаенс департаменти ва Компанияннинг юридик бошқармаси билан келишилган ҳолда олиши шарт. Тегишли факторлар ва бундай истисно ҳолатларда шартномани тузиш учун руҳсатнома хужжатларда қайд этилиши лозим бўлиб, бунда хужжатлар Боғланиш учун шахс ва Комплаенс департаменти томонидан юритилади. Бундай ёндашув қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатлар жуда кам учраши тахмин қилинади; кундалик фаолият давомида нормал тижорат муносабатлари бунга мос келмайди; ушбу банд Боғланиш учун шахс Скрининг жараёнини ўз вақтида бошламаган ҳолатларга татбиқ этилмайди.

Қайта ишилаш учун зарур бўлган вақт

3.26. Комплекс текширув, агар тўғри бажарилса, вақтни талаб этади. Боғланиш учун шахс ишлаб чиқариш заруратига қараб, Комплекс текширувнинг ўз вақтида бошланиши ва якунланиши учун жавобгардир. Муддатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган шартномалар лойиҳаларини режалаштиришда, ёки Бизнес ҳамкор томонидан ҳамкорликка боғлиқ бўлган йирик шартномаларни прогноз қилишда Боғланиш учун шахс кутилмаган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда етарли вақтни ажратиши лозим. Комплекс текширув жараёни шартнома тузилишидан олдинги босқичда бажарилган бошқа жараёнлар билан параллел равишда олиб борилиши мумкин. Ягона комплекс ёндашув доирасида кўплаб хилма-хил ишларни назарда тутадиган йирик лойиҳа билан бир қаторда Бизнес ҳамкорнинг комплекс текширувини ўтказишга руҳсат берилади. Комплекс текширув учун ажратилган режанинг йўқлиги ва вақтнинг камлиги ушбу Процедурада белгиланган тартибдан четга чиқиш учун асос бўлмайди.

1.4 Давлат харидлари ва/ёки маҳаллий бизнес ҳамкорларни текширишнинг ўзига хос хусусиятлари

4.1. Бизнес ҳамкор (контрагент)ни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг хуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан:

а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

б) шартнома тузиш учун қонуний хуқуқка эгалик;

в) солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

г) Бизнес ҳамкор (контрагент)га нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

2) Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;

3) манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда Боғланиш учун шахснинг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) ракобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

4.2. Боғланиш учун шахс фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилини амалга оширади ва 4.4.-4.6.-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан мазкур Процедуранинг 4 ва 6-илловаларида кўрсатилган шаклда текширув натижаларини шакллантиради ва уни Комплаенс департаментига келишишга юборади. Комплаенс департаменти томонидан контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида хulosада кўрсатилган маълумотларнинг бор-йўқлигини текширилади.

4.3. Ушбу Процедура амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган Компаниянинг амалдаги Бизнес ҳамкор (контрагент)ни текширишда Боғланиш учун шахс бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу Бизнес ҳамкор (контрагент) билан ўзаро ҳаракат тажрибаси ва унинг Компания билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

Янги Бизнес ҳамкор (контрагент)ни текширишда Боғланиш учун шахс контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа буюртмачилар (мижозлар) берган тавсияномаларни таҳлил қиласида имкон даражасида ушбу контрагентнинг бошқа мижозлари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигини текширади.

4.4. Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг хуқуқ лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида Боғланиш учун шахс қўйидаги маълумотларни аниқлайди:

Тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг юридик ва амалдаги манзили;

Бизнес ҳамкор (контрагент)раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.;

Бизнес ҳамкор (контрагент)асосий фаолият турининг харид предметига мувофиқлиги;

контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)да Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияларнинг (рухсатномалар) мавжудлиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)да очик ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва Компания олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)номидан Компания билан шартномавий муносабатларга киришаётган шахсада тегишли ваколатнинг мавжудлиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг сўнгги икки йил ичида Компания олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)да солиқлар ва йифимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

4.5. Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида Боғланиш учун шахс қўйидаги маълумотларни аниклади:

очик ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкий эгалари, шу жумладан бенефициар мулкий эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент) раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент), унинг мулкий эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиной тузилмалар, экстремистик ва террористик Компаниялар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг ишбилармонлик аҳлоқий меъёрлари ва коррупцияга қарши кураш масалаларини тартибга солувчи тартиб-таомил ва сиёсаларнинг мавжудлиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги;

4.6. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда эксперtlар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунга мувофиқ, Боғланиш учун шахс ушбу Процедуранинг 11-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган контрагентнинг якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилган маълумотларнинг тадибиркорлик субъектлари Ягона давлат реестри маълумотларига мувофиқлигини текширади. Ушбу текширув Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг раҳбарлари ва таъсисчиларига нисбатан ҳам амалга оширилади. Шунингдек, Боғланиш учун шахс манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини куидаги мезонлар бўйича текширади:

Бизнес ҳамкор (контрагент)нинг ягона ёки мулкий эгаларидан бири, шу жумладан, бенефициар мулкий эгаси – бу Харид жараёнининг бошқа иштирокчиси раҳбари ёки унинг яқин қариндоши эмаслиги;

Бизнес ҳамкор (контрагент)ни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Компаниянинг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари унинг устав капиталидаги оммавий айланмада бўлмаган акциялари ёки хиссаларига, ёки контрагентнинг Республика фонд биржасида ёки яна бошқа бир фонд биржасида оммавий айланмада бўлган 5% дан ортиқ қимматли қоғозларига эгалик қиласлиги;

Сизнингча, Бизнес ҳамкор Компания у билан яхши ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиши мумкин бўлган ташкилотми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
Бизнес ҳамкорнинг Компания учун муносаб ҳамкор эканлигига шубҳа қиласизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
Текширган шахснинг Ф.И.Ш.	
Лавозим	
Имзо	

Бизнес ҳамкорларни текшириш тартибига 8-илова

Худудга ташриф

Худудга ташриф буюриш скрининг жараёнида тавсия этиладиган процедура ҳисобланади

UzAuto	ОПИСАНИЕ / ТАВСИФ		
Кўриб чиқилаётган Бизнес ҳамкор			
Худудга ташриф буюриш вақти ва жойи	Сана:	Вакти:	Худуд манзили:
ТАШРИФДАН ОЛДИН (ИЖРОЧИННИГ ДИҚҚАТИГА)			
Текшириш материаллариага асосланиб, Бизнес ҳамкорнинг онлайн ёки ҳақиқий иштирокида бирон-бир шубҳалар (масалан, Бизнес ҳамкор аслида қобиқ ташкилоти эканлигини кўрсатувчи ҳолатлар) мавжудми?			
ТАШРИФ ПАЙТИДА БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР			
Бизнес ҳамкорнинг пештахталари (масалан: дид билан ясалган, яхши жойлаштирилган, яширинган, яқинда ўрнатилган) ва веб-сайтидан (масалан: маълумот берувчи, маълумотга эга бўлмаган, кириш ёки фойдаланиш қийин) таассуротларга эга бўлдигизми?	Ҳа <input type="checkbox"/>		Йўқ <input type="checkbox"/>
	Шарх:		
Бизнес ҳамкор объектларининг жойлашуви (масалан, пойтахт ҳудуди, турар жой ҳудуди, саноат зонаси) юридик манзили билан мосми?	Ҳа <input type="checkbox"/>		Йўқ <input type="checkbox"/>
	Шарх:		
Бизнес ҳамкорнинг объектларининг, шу жумладан, ҳар қандай қўшимча инфратузилма ва зоналарнинг моддий хусусиятлари (масалан,офис комплекси ва омборхона, ҳовли, автомобиль қўйиш жойи), у томондан товарларни етказиб бериши (хизмат ёки ишни кўрсатиши) зарурияти учун етарличами?	Ҳа <input type="checkbox"/>		Йўқ <input type="checkbox"/>
	Шарх:		
Объектлар ичидаги турли бўлимларнинг жойлашиши (масалан, бухгалтерия ҳисоби бўлими жойлашуви, маъмурият ходимларининг жойлашуви)			
Хавфсизлик чоралари (масалан: дарвозалар, кириш чекланган жойлар, қўриқчилар)			

Комплаенс-назорат қўлланмаси

Объектлар ҳақидаги таассуротларингиз (масалан: профессионал, курай, тартибсиз, яқинда таъмирланган, яқинда эгалланган, авария ҳолатида, қисман бўш)	
Объектлардаги маъмурий ва саноат ускуна-жихозлари турлари (масалан: компьютерлар, транспорт воситалари, инструментлар)	
Ускуна-жихозлар ҳақидаги таассуротларингиз (масалан: иш ҳолатида, қаровсиз, янги ёки олдин ишлатилган)	
Объектга ташриф буюрганингизда сиз учратган Бизнес ҳамкор ходимларининг тахминий сони	
Ходимлар ҳақидаги таассуротларингиз (масалан: профессионал ёки бепарво кийинган, хушмуомала, қўпол)	
Ўкув плакатлари ёки жамоатчилик учун очик бўлган бошқа хукуқий нормалар тўғрисидаги маълумотлар	
Текшириш жараёнида юзага келган шубҳалар юзасидан Бизнес ҳамкорнинг тушунтириши қониқарли бўлдими?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Шарх:
Худудга қилинган ташрифга асосланиб, Бизнес ҳамкор Компания у билан яхши ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиши мумкин бўлган ташкилот деб ҳисоблайсизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
Бизнес ҳамкор Компания учун муносиб ҳамкор эканлигига шубҳангиз борми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Шарх:
текширган шахснинг Ф.И.Ш.	
Лавозим	
Имзо	

Комплаенс-назорат құлланмаси

Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш тартибига 9-илова

Тасдиқланган бизнес ҳамкорлар реестри

—(Ӧ/Ӧ)

Бизнес ҳамкорларни зарурий текшириш тартибига 10-илова

**Якуний бенефициарлар тўғрисида _____
(харид иштирокчиси) ***

МАЪЛУМОТ

№	Исм	Туғилган сана	Шахснинг роли (директор / асосчи / бенефициар)	Шахс (у асосчиси/якуний бенефициар бўлган давр)	Иштирок этиш улуши (факат улуши 5 фоиздан ортиқ бўлган таъсисчилар учун), фоизларда
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
...					

**охирги икки йилда яқунланиши керак*

Ваколатли шахснинг исми

Харид қилишдаги ваколатли шахснинг позицияси

Сана

Бизнес ҳамкорларни зарурый текшириш тартибига 11-илова

Тегишили текшириши учун бизнес ҳамкорлардан сўраладиган ҳужжатлар рўйхати

Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган контрагентлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар:

т/п	Хужжат номи	Юридик шахс (ЛЕ) / Якка тартибдаги тадбиркор (СП)	Янги контрагент	Хозирги контрагент
1.	Давлат рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисидаги гувохноманинг нусхаси	ЛЕ / СП	Мажбурий	йўқ
2.	Солик ҳисобварагига жойлаштириш тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан СТИР	ЛЕ / СП	Мажбурий	Мажбурий
3.	Юридик шахсларнинг ягона давлат реэстрига киритиш тўғрисидаги маълумотлар	ЛЕ / СП	Мажбурий	Мажбурий
4.	Устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси	ЛЕ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўранг
5.	Паспорт нусхаси	СП	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўранг
6.	Ваколатнома	ЛЕ / СП	Мажбурий	Мажбурий
7.	Барча мулк эгаларини, шу жумладан бенефициар эгаларни ўз ичига олган контрагент мулкчилик тузилмаси	ЛЕ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўранг
8.	Охирги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботи ёки охирги ҳисобот йили учун аудиторлик хulosаси	ЛЕ / СП	Мажбурий	Мажбурий
9.	Белгиланган ишларни/хизматларни бажариш учун малакали ходимларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (хат ва/ёки тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин)	ЛЕ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўранг
10.	Лицензиялар ва мувофиқлик сертификатлари	ЛЕ / СП	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар ар турига қараб мажбурий	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий

Бизнес ҳамкорларни зарурӣ текшириш тартибига 12-илова

Бизнес ҳамкорларининг тегишили текшируви учун очиқ маълумотлар манбалари рўйхати

1. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш Давлат хизматлари агентлиги платформаси — <https://fo.birdarcha.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси – <http://registr.stat.uz/>
3. Солик органларининг электрон давлат хизматлари портали — <https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz>
4. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали – <https://data.gov.uz/ru>
5. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бош бошқармаси – <http://kadastr.uz>
6. Инсофиз ижрочиларнинг ягона реэстри — <http://kharid.uz/unfairexecutor>
7. Иқтисодий, маъмурий, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг суд хужжатлари – <https://public.sud.uz/#!/sign/view>
8. Оффшор зоналар рўйхати — <http://www.fatf-gafi.org/publications/high-risk-and-other-monitored-jurisdictions/documents/call-for-action-february-2021.html>
9. АҚШнинг махсус тоифаси ва тақиқланган шахслар рўйхати (ёки world check маълумотлар базаси) — <https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/>

*Ушибу рўйхат тавсия этилган манбалар рўйхати бўлиб, мунтазам равишда янгиланиб, кенгайтирилиши керак.

Бизнес ҳамкорларни зарурий текшириш тартибига 13-илова

Контактентларни / Харид қилиши жараёнлари иштирокчиларини текшириши реестри

Т\р	Тасдиқлаш сўрови олингани сана	Ижро очи	Ташаббус чи (исм, лавозим ва бўлим)	Карши томон номи	контрагент нинг СТИРИ	Тақдим этилган хужжатлар	Шартнома муноса батларни ўрнатишдан мақсад	Олдинги текширувлар хақида маълумот (сана, ижобий/слабий натижабошлангич экспертиза)	Аниқланга н хавфлар	Хулоса санаси	Эслатмалар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
...											

2. Бизнес ҳамкорлар учун одоб-ахлоқ кодекси

Мазкур Бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда “Кодекс” деб юритилади) асосий талаблар ва мажбуриятларни белгилайди. “Ўзавтосаноат” АЖ, Компания овоз берувчи акциялари(улушлари)нинг йигирма фоиздан ортига эга бўлган, ёки устав капиталидаги иштироқи устунроқ бўлган, тобе ва шўъба корхоналари, қўшма корхоналари ва бошқа ташкилотлари (кейинги ўринларда – “UzAuto”) меъёрларга риоя этиш дастурига ўзгартиришларни киритишида қўйиладиган талабларни маъқул доирада ўзгартириш ҳуқукини ўзида сақлаб қолади.

Жаҳон иқтисодиётида ҳар томонлама алоқаларнинг ривожланиши муносабати билан UzAuto таъминотнинг энг мукаммал тизимини жорий қилишга интилмоқда. Биз юқори сифатли, инновацион маҳсулотлар ва хизматларни рақобатбардош нархларда тақдим этадиган, бизнесимиз хавфини камайтиришга ёрдам берадиган, амалдаги барча қонунларга риоя этадиган, энг юқори ахлоқий меъёрларга амал қиласидиган, мижозларимиз (харидорларимиз) учун ҳақиқий қўшимча қийматни яратадиган ва, камида, Кодексида белгиланган талабларга мос келадиган етказиб берувчиларимиз, агентларимиз, пурдатчиларимиз, воситачиларимиз, дилерларимиз, дистрибьюторларимиз, билвосита провайдерларимиз ва бизнес ҳамкорларимиз (биргаликда “Бизнес ҳамкорлар”) билан муносабатларни қадрлаймиз.

2.1 Қўлланиш соҳалари

Ушбу Кодекс Бизнес ҳамкорларга, шунингдек, уларнинг шўъба ва тобе корхоналарига, субпурдатчиларга ва лицензияланган ёки ваколатли дистрибьюторлар ва расмий дилер вазифасини бажарувчи ҳамда UzAuto маҳсулотларини ва хизматларини сотадиган агентларга нисбатан қўлланилади. Биз Бизнес ҳамкорларимиз ўз ҳамкорларидан ушбу Кодекс тамойилларини тегишли даражада қабул қилинишини қаттиқ талаб қиласиз.

2.2 Умумий тамойиллар

UzAuto ижтимоий масъулиятли компания сифатида иш юритган, инсон ҳуқуқларини хурмат қилган ҳамда ахлоқ-одоб ва профессионал фаолиятнинг энг юқори меъёрларига риоя қилган ҳолда узоқ муддатли истиқболдаги бизнес қўрсаткичларини яхшилаб бормоқда. Биз ушбу тамойилларга тўла содикмиз ва бизнес ҳамкорларимиздан ушбу содикликни баҳам кўришни ва мазкур Кодексда баён этилган мажбуриятларни бажаришларини талаб қиласиз. Ушбу Кодекс автомобилсозлик саноатининг илғор тажрибаси, бошқа халқаро, ҳуқуқий ва меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

2.3 Ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар

UzAuto ва Бизнес ҳамкорлар фавқулодда имкониятларга бой қўплаб истиқболли ва жўшқин ривожланаётган, лекин шу билан бирга, ҳам ахлоқий, ҳам операцион нуқтаи назардан катта рисклар билан боғлиқ бўлган бозорларда фаолият олиб боради. Бундай рискларни бошқаришнинг энг ишончли усули - бу қўлланилаётган барча қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси, АҚШ, Буюк Британия ва ЕИдаги амалдаги коррупцияга ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишидир. UzAuto ҳам, Бизнес ҳамкорлар ҳам ахлоқсиз оқибатларга ёки амалдаги қонунларнинг

бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир фаолият билан шуғулланмайди ва бундай рискларни ўз зиммасига олмайди.

2.4 Фаолиятда ҳалоллик

Биз хатти-ҳаракатларда ҳалолликнинг сўзсиз қадрини ҳамда унинг қисқа ва узоқ истиқболда бизнесимиз учун тутган аҳамиятини тан оламиз. Бу шунчаки чиройли сўзлар эмас. Бу бизнинг қадриятларимиздир. Ҳалоллик ва бизнес одоб-ахлоқи мухим аҳамиятга эга. Ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри иш юритиш ҳамиша қадрланади. Биз ўз Бизнес ҳамкорларимиз билан биргалиқда ҳам тижорий фаолиятимизнинг, ҳам ушбу Кодекс талабларига риоя этишнинг самарадорлигини ошириш устида мунтазам иш олиб бормоқдамиз.

Ҳалоллик – маданиятимизнинг асосидир. Қадриятлар ва ҳалоллик соҳасида етакчи сифатида эътироф этилиш – бу UzAuto обрўсининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва муваффақиятимизнинг асоси ҳисобланади. Бизнес ҳамкорларнинг хатти-ҳаракатлари UzAuto нуфузига таъсир кўрсатади. Агар Бизнес ҳамкор Кодекс меъёрларига риоя қилмаса, у келажакдаги буюртмаларни қабул қилишда UzAuto учун маъқул контрагент бўлмайди, у билан мавжуд бизнес алоқалар эса қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

2.5 Эришилган натижада тўхтаб қолмаслик

Кодексда белгиланган аниқ талаблар Бизнес ҳамкорлар учун минимал меъёрларни ифодалайди. Биз Бизнес ҳамкорларга янада юқори меъёрларга риоя қилишни тавсия этамиз, ҳатто агар улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилмаган бўлса ҳам.

2.6 Тегишли текширув (Due diligence)

Бизнес ҳамкорларни танлашда UzAuto мавжуд рискларни ҳисобга олган ҳолда зарур ҳажмда текширувни ўтказади. Барча Бизнес ҳамкорлар шартнома тузилишидан олдин коррупцияга қарши текширувдан ўтадилар. UzAuto томонидан ўтказиладиган текширувда Бизнес ҳамкорлардан ёрдам кўрсатиш, барча маълумотлар ва шаклларни тўлиқ тўлдириш, сўралган хужжатларни ҳамда мулқдорлар ва аффилланган шахслар тўғрисида шаффоф маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш талаб қилинади.

2.7 Амалдаги қонунчиликка риоя қилиш

Бизнес ҳамкорлар ўzlари фаолият олиб бораётган мамлакатларнинг амалдаги барча қонунлари, қонуности хужжатлари ва меъёрларига риоя қилишлари шарт. Агар амалдаги қонунчилик ва Кодекс бир хил масалани тартибга солса ва бир-бирига зид бўлмаса, қатъйроқ меъёр қўлланилади. Агар Кодекснинг бирон-бир талаби амалдаги қонунлар меъёрларига зид келса, унда амалдаги қонунларга зид бўлмаган қатъйроқ меъёрлар қўлланилади.

2.8 Порахўрлик ва коррупция

Биз: UzAuto коррупция ва порахўрликнинг ҳар қандай шаклларини маъқулламайди, деб очиқ-ойдин эътироф эта оламиз.

UzAuto коррупция, пораҳўрлик, тижорат мақсадида пора эвазига оғдириш, фирибгарлик, ўғрилик ва мол-мулкни ўзлаштиришни қатъян тақиқлади. Бизнес ҳамкорлар коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги барча қонунларга риоя қилиши ҳамда уларнинг бажарадиган операцияларини акс эттирадиган ва ёлғон ёки чалғитувчи маълумотларга эга бўлмаган тегишли ҳисботни юритиши шарт. Бизнес ҳамкорлар UzAuto учун ноқонуний имтиёзларни олиш мақсадида кимдандир тўғридан-тўғри ёки бошқа шахс орқали билвосита пул маблағлари ёки бошқа қимматликларни бермаслик, таклиф қилмаслик, талаб қилмаслик ёки олишга розилик бўлмаслик мажбуриятини оладилар.

Бизнес ҳамкорлардан ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ва содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзининг қонунга риоя этиш дастурларини жорий этишлари ва амалга оширишлари кутилади.

2.9 Комплаенс бўйича ўқув-машғулот

Текширув ўтказгандан сўнг, таъсир қилиш доираси ва коррупция хавфини инобатга олган холда, UzAuto пораҳўрлик ва коррупцияга қарши ўқув-машғулотдан ўтиши керак бўлган Бизнес ҳамкорларни аниқлаши керак. UzAuto ўқув-машғулот ўтказиши воситаларини белгилаши ва Бизнес ҳамкорларга ўқув-машғулотга киритилиши керак бўлган минимал талабларни тақдим этиши керак. Ўқув-машғулот UzAuto, Бизнес ҳамкор ёки учинчи томон томонидан ўтказилиши мумкин.

Умуман олганда, UzAuto учун паст пораҳўрлик хавфидан юқори бўлган Бизнес ҳамкорлар ўқув-машғулот ўтишлари керак. Ушбу Бизнес ҳамкорлар, эҳтимол, UzAuto нинг чуқур текшириш процедурасидан ўтиши лозим.

2.10 Совгалар ва меҳмондўстлик ҳаражатлари

Бизнес ҳамкорлар шунингдек, UzAuto ишчилари ёки вакилларига таъсир ўтказиши мақсадида уларга бевосита ёки билвосита совгалар тақдим этмаслик, меҳмондўстлик тадбирларини уюштираслик ва бошқа имтиёзларни бермаслик, худди шунинг баробарида музокаралар, танлов процедуралари ёки танлов ғолиби билан шартномани тузиш жараёнида, қийматидан қатъи назар, UzAuto ишчиларига бирон-бир совгаларни таклиф этмаслик ва меҳмондўстлик тадбирларини ташкил этмаслик мажбуриятини оладилар.

2.11 Сиёсий бадаллар

Бизнес ҳамкорлар хар қандай сиёсий хисса қўшишдан, лоббичилик фаолияти билан шуғулланишдан ёки UzAuto номидан лоббичиларни ёллашдан тийилади.

2.12 Шахсий маълумотларнинг маҳфийлиги ва муҳофазаси

Бизнес ҳамкорлар, агар бошқа тартиб UzAuto билан тўғридан-тўғри келишилмаган бўлса, UzAutonинг хўжалик фаолияти, шартномалари, лойихалари, молиявий ҳолати ёки кўрсаткичларига оид барча маълумотларга нисбатан маҳфийликни сақлашга мажбурдир. Бизнес ҳамкорлар шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш борасида ўзлари билан биргалиқда иш олиб борадиган шахсларнинг оқилона ишончларини қондиришлари шарт. Бизнес ҳамкорлар шахсий маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ ахборотнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигига оид қонунлар ва қонуности меъёрий хужжатларига риоя этишга мажбур. Бизнес ҳамкорлар мижозларнинг шахсий

маълумотлари хавфсиз сақланишини таъминлаши ва уларни ошкор килиш имкониятига йўл қўймаслиги шарт. Бизнес ҳамкорлар маълумотларнинг етарли даражадаги ҳимоясини, маълумотлар хавфсизлигини таъминловчи тизимларнинг ишончлилигини ва UzAuto шахсий маълумотлари билан ишлайдиган ишчиларининг хатти-харакатлари устидан тегишли назоратни таъминлаши шарт.

2.13 Рақобатни чекловчи ҳаракатлар

Бизнес ҳамкорлар рақобат тўғрисидаги қонунларни ва монополияга қарши талабларни бузмаслик, шунингдек уларни бузиш учун ўзаро тил бириктирмаслик мажбуриятини олади. Бизнес ҳамкорлар бизнес, реклама ва рақобатни юритишнинг адолатли меъёрларига риоя қилишлари шарт.

2.14 Манфаатлар тўқнашуви

Бизнес ҳамкорлар UzAuto эътиборига у билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳақиқий, потенциал ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашувини етказиши шарт. “Манфаатлар тўқнашуви” томон молиявий ёки шахсий манфаатларини ўз мажбуриятларидан устун қўйиши мумкин бўлганёки бундай томоннинг ҳукмлари, қарорлари ёки хатти-харакатлари нохолис бўлиши мумкин бўлган ҳақиқий, потенциал ёки тахмин қилинган ҳар қандай ҳолатни англатади. Бизнес ҳамкорлар бизнес муносабатларига салбий таъсир қўрсатадиган ҳар қандай тўқнашувдан ўзини четга олиши керак.

2.15 Интеллектуал мулк

Бизнес ҳамкорлар интеллектуал мулк ҳуқукларини хурмат қилиши шарт. Бизнес ҳамкорлар томонидан техник ечимларни бериш тартиби интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаши керак.

2.16 Пул маблағларини ювиш

Бизнес ҳамкорлар пулларни ювишнинг ҳар қандай шаклларига қатъян қарши туриши ва Бизнес ҳамкорлар амалга оширадиган молиявий транзакциялардан учинчи томон пулларни ювиш мақсадида фойдаланишига йўқ қўймаслиги чораларини қўриши шарт.

2.17 Оғзаки шартномаларни тақиқлаш

UzAuto Бизнес ҳамкорлар билан оғзаки равища битимлар тузишни тақиқлайди. UzAutora хизматларни таклиф қилиш ва товарларни етказиб бериш бўйича барча шарт-шароитлар шартнома мажбуриятлари бажарилишидан олдин келишиб олинади ва ёзма равища қайд этилади.

2.18 Халқаро савдо ва иқтисодий санкциялар

Бизнес ҳамкорлар халқаро савдо соҳасидаги амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга (жумладан, импорт/ реимпорт ва экспорт/ реэкспорт назорати чораларига) ва иқтисодий санкцияларга риоя қилишлари шарт. Бизнес ҳамкорлар амалдаги қонунлар ёки норматив ҳужжатлар билан битимларни амалга ошириши тақиқлаган томонлар билан ёки бундай юрисдикцияларда иш олиб бормаслик мажбуриятини олади.

2.19 Инсон ҳуқуқлари

Бизнес ҳамкорлар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш ва уларга амал қилишга мажбур. Бизнес

ҳамкорлар ҳар қандай инсон ҳуқуқлари бузилишига ҳисса қўшишдан тийилиши ва ҳар доим ҳар бир инсоннинг шахсий қадр-қиммати, шахсий маълумотлари дахлсизлиги ва ҳуқуқларини хурмат қилишлари шарт. Бизнес ҳамкорлар ишчиларги нисбатан номақбул муносабатнинг ҳар қандай шаклига, шу жумладан рухий босим, калтаклаш, имкониятлари чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, қуллик ва жинсий зўравонликка муросасизлик билан қараши шарт.

2.20 Мажбурий меҳнат

Бизнес ҳамкорлар мажбурий меҳнат, қарз тутқунлиги, беихтиёрий ёки мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланмасликлари керак. Бизнес ҳамкорлар ишчилардан ишга жойлашиш шарти сифатида давлат томонидан берилган идентификация воситалари, паспортлар ёки ишлаш учун рухсатномаларни топширишни талаб қила олмайди. Бизнес ҳамкорлар ва уларнинг ишчилари ўртасидаги меҳнат муносабатлари ихтиёрий бўлиши ва таҳдид, кўркитиш ёки мажбурашга асосланмаслиги керак.

2.21 Болалар меҳнати

Бизнес ҳамкорлар болалар меҳнатидан фойдаланмасликлари керак. Амалдаги қонунчиликда ишга қабул қилиш учун минимал ёш белгиланмаган бўлса, “бала” деганда 15 ёшга тўлмаган ҳар ким қандай шахс тушунилади. Ишга қабул қилишнинг минимал ёши Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) конвенцияларида кўрсатилган.

2.22 Муносабатларнинг очиқлиги ва ҳалоллиги

Бизнес ҳамкорлар ишчилар ва раҳбарият ўртасидаги қасос олиш, реванш, кўркитиш ёки шилқимлик қилиш кўркувидан холи бўлган очиқ ва ҳалол муносабатларни сақлаши, шунингдек, қонун доирасида имкон борича ишчилар учун бирлашмалар эркинлиги ҳуқуқини тан олишлари шарт

2.23 Камситишга йўл қўймаслик

Бизнес ҳамкорлар ишчиларга шилқимлик қилиш ва уларни ноқонуний камситишга йўл қўймаслик мажбуриятини олади. Бизнес ҳамкорлар ишга ёллашда ёки меҳнат муносабатлари жараёнида, масалан, лавозимини кўтариш, мукофотлаш ва ўқишига кириш муносабати билан қонун билан муҳофаза қилинадиган бирон-бир тоифага мансублик ёки ёши, ирки, танасининг ранги, этник мансублиги, туб миллат вакили мақоми, жинси, гендер айнанилиги ёки гендер ўзини ифода этиши, жинсий ориентацияси, ногиронлиги, ҳомиладорлиги, соғлиги ҳолати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ёки мақоми, сиёсий қарашлари, соҳавий уюшмалар ёки касаба уюшмаларига аъзолиги, оиласвий ҳолати ёки фахрийлик мақоми бўйича камситилишига йўл қўймаслиги шарт.

2.24 Соғлиқ ва меҳнат муҳофазаси

Халқаро стандартлар, миллий қонунлар ва қоидаларга мувофиқ, Бизнес ҳамкорлар соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратишга мажбурдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги бўйича мажбуриятлар Бизнес ҳамкор назорати остидаги барча шахсларга, шу жумладан, Бизнес ҳамкорнинг биноларида меҳнат қиласидиган ишчилар ва пудратчиларга нисбатан татбиқ этилади. UzAuto биноларида содир бўлган барча ҳалокатли

ва оғир жароҳатли ҳодисалар ёки UzAuto манфаатлари учун бажарилган ишлар ҳисоботда акс эттирилиши керак.

2.25 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлосланишнинг олдини олиш

Бизнес ҳамкорлар ишда муносиб масъулиятни намойиш қилган ҳолда атроф-муҳит стандартларига мувоғиқ фаолият олиб бориглари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари шарт. Қонун ҳужжатлари кам ривожланган ёки тўғри қўлланилмаган мамлакатларда Бизнес ҳамкорлар атроф-муҳитнинг ифлосланишини минималлаштиришга интилишлари лозим. Экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилайдиган маҳсулотлар ҳамда хизматлардаги ўзгаришларни экологик тоза технологиялардан фойдаланиш баробарида барча чораларни ишга соглан ҳолда рағбатлантириш керак. Бизнес ҳамкорлар одамларнинг ҳёти ва соғлиғи, табиат ва атроф-муҳит учун салбий оқибатларга олиб келадиган фаолият йўналишларида вазиятни яхшилаш бўйича чоралар кўришлари шарт.

2.26 Минерал ҳом ашё манбаларини танлашга масъулият билан ёндашиш

Бизнес ҳамкорлар ўз маҳсулотларида инсон ҳукуқларини бузишга алоқадор куролли гурӯхлар томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита молиялаштириладиган ҳом ашёлардан фойдаланмасликлари учун оқилона чораларни кўришлари шарт.

2.27 Ҳисобга олишнинг аниқлиги ва тўлиқлиги

Бизнес ҳамкорлар ҳисоб маълумотларини сохталаштиришга, шу билан бирга, иш шароитлари ва усуллари тўғрисида маълумотни бузиб кўрсатишга йўл қўймасликлари шарт.

2.28 Ушбу Кодексга риоя қилиш бўйича комплаенс дастури

Бизнес ҳамкорлар ушбу Кодекснинг муаммоларини ҳал қиласиган дастур ёки тизимни яратишга ҳаракат қилишлари шарт. Агар ушбу тизим Бизнес ҳамкорнинг мавжуд таркибида ҳали яратилмаган бўлса, бундай дастур ёки тизим мазкур Кодексга риоя қилинишини таъминлаш учун ишлаб чиқилиши керак. Унинг мақсади ушбу Кодекс билан боғлиқ бўлган операцион рискларни камайтиришдан иборат бўлиши лозим. Бундай дастур ёки тизим доимий такомиллаштириш тамойилига асосланиши керак.

VII. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома

1. Умумий қоидалар

Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) “Узвестоаноат” АЖга ишга қабул қилинда номзодлар текширувани ўтказишининг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички хужжат хисобланади.

Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари қўйидагилардир:

- номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Компаниянинг ички хужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

- Компанияда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш Компания учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;

- раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

Ушбу йўриқнома ишга қабул қилинда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

2. Асосий тушунчалар

Ушбу Йўриқнома мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

номзод – Компаниянинг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа қўринишдаги мулк ва мулкий ҳукуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилинда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар қўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

ноқонуний фойда – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкий ҳукуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда.

3. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ва Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда – Ижрочи тузилмалар) номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

Текширув коррупцион хавфни таҳлил қилишда аниқланган хавф даражаси пастдан юқори бўлган доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

Агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Келишиш лозим бўлган масъул давлат идоралари) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

Агар номзодларни танлаб олиш Келишиш лозим бўлган масъул давлат идоралари иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

Номзодни текшириш 2 (икки) иш қунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

Номзодни белгилangan муддатларда текшириш холис сабабларга қўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш қунигача бўлган муддатга чўзишлиши мумкин.

4. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш

Номзодни текшириши амалга оширадиган Ижрочи тузилмалар ходимларига текширувни ўтказиш учун қуидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари;

- номзод томонидан Компаниядаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси.

Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.

Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

Номзод сўралаётган ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этишни рад этган тақдирда номзодни текшириш очик фойдаланувдаги ва Ижрочи тасаррufидаги маълумотлар асосида, шунингдек расмий сўров юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда Ижрочи текширув натижаларига оид хуносада тегишли қайдни амалга оширади.

Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

5. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари

Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва холис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган, жумладан маълумотномада қайд этилган, номзоднинг тегишли сайтидаги (<https://vacancy.argos.ru>, <https://uzautojobs.uz>, <https://hh.uz> в.б.) шахсий профилидаги ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки соҳталаштириш аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва Компанияларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва х.к ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

- › давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - <https://fo.birdarcha.uz>
- › корхона ва Компанияларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>
- › солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my.soliq.uz>
- ›Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru>
- ›ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - <http://kadastr.uz/ru/>
- ›ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси - <https://mib.uz>
- ›ахборот қидирув ва маҳсус тизимлар (масалан, Google, Яндекс, Dow Jones ва х.к.)

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг таҳминий рўйхатини ифодалайди.

6. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувни ўтказиш йўналишлари

Номзодларни текшириш қуидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

– номзодда тутатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иктисадий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

– суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

– номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

– аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

- номзодда манфаатлар түқнашуви аломатлари йүқлиги;
- номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йүқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақига мос келмайды ва бошқалар).

Қайд этилган йұналишлар бүйича текширув ўтказиш мажбурий. Бунда текширув йұналишлари рўйхати заруратга қараб ҳар бир аниқ ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

7. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари

Номзодни текширувини ўтказиш натижалари бүйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тұғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқнома 1-илова шакли бүйича), мазкур ҳисобот Ходимлар билан ишлаш бошқармасыда сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.

Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси Компаниядаги Номзодларни текшириш реестрига қиритиладиган маълумотларни йиғиши ва ушбу Реестрни актуал ҳолда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

Текширув натижалари тұғрисидаги ҳисботнинг 3 бўлимидағи 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бүйича салбий хулоса киритилади.

3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан бирига биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказаётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказаётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни таклиф қиласи ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

Салбий хулоса берилган тақдирда номзодни, шу жумладан тизим корхоналарига ишга қабул қилиш Компания раҳбари қарорига қўра номзод ишга олинаётган бўлинма раҳбарияти томонидан мазкур йұналишни назорат қилувчи раҳбар ўринбосари ва Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи билан келишилган ҳолда тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади. Хизмат маълумотномасига Текширув натижалари тұғрисидаги ҳисбот нусхаси илова қилинади.

Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

8. Текширувни хужжатлаштириш ва хужжатларни сақлаш муддатлари

Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, Текширув натижалари тұғрисидаги ҳисбот ва бошқа ҳамроҳ хужжатлар) махфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараённанда иштирок этмаётган Компания ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 1-илова) дан фақатгина Ижрочилар фойдаланиши мумкин.

Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти директори ўринбосарининг ёзма розилигини олиши лозим.

Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисбот нусхаси, шунингдек ҳисботдаги маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва х.к) Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан камида 10 (үн) йил давомида сақланиши шарт.

Компанияга ишга жойлаша ололмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сақланади.

Агар номзод Компанияда ишлашга сўнгги текширув ўтказилгандан сўнг 2 йил давомида даъвогар бўлса, қайта текширув талаб этилмайди (манфаатлар тўқнашуви бўйича текширув бундан мустасно). Агар сўнгги текширув ўтказилганига икки йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса, номзод қайта текширилиши лозим.

9. Текширишдан ўтган номзодларни ишга туширишдан олдинги талаблар

Текширишдан муваффақиятли ўтган номзодлар компанияга расмий қабул қилинишидан олдин компаниянинг порахўрлик ва коррупцияга қарши сиёсати ва тартиблари билан танишиши ва хабардор бўлиши керак.

Компания ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва баҳолаш жараёни (шу жумладан мукофотлар, мукофотлар ва бошқа турдаги рағбатлантиришлар) шаффоф, тенг ва холис деб ҳисбланиши керак. Бироқ, номзодларга мувофиқлик Компаниянинг миссияси учун жуда мухим эканлиги ва индивидуал ишлаш рейтингларини яхшилаш учун мувофиқлик тизимини бузишга йўл қўйилмаслиги ва дарҳол интизомий жазога олиб келиши ҳақида хабардор қилиниши керак.

Компанияда Ходимлар фаолияти самарадорлигининг мухим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва унинг асосида Ходимларни рағбатлантириши керак. Ушбу кўрсаткичлар холис, шаффоф ва Компания ходимларининг танишиши учун очик бўлиши керак.

Ходимлар масалалари бўйича қарор қабул қилувчи шахс лавозимга кўтарилганда, тайинланганда, ходимлар захирасига қўшилганда компанияда номзодларга (ходимларга) асоссиз имтиёзлар бериш тақиқланади.

10. Якуний қоидалар

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

Ушбу Йўриқнома қоидаларини бузишда айбдор ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Компания ички хужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.

11. Шакллар ва иловалар

Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқномага 1-илова

Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот

1. Асосий маълумотлар		
1.1	Номзоднинг ФИШ	
1.2	Туғилган санаси	
1.3	Бўш лавозим номи	
1.4	Бўлинма	
1.5	Боғланиш учун телефон	
1.6	Эл.почта манзили	
2. Иш тажрибаси		
2.1	Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари	
2.2	Аввалги иш жойларидан салбий фиркалар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ (лар): Манба(лар):
3. Текширув натижалари		
3.1	Ушбу Йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган хужжатларнинг тўлиқ пакети олиндими? («Йўқ» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вактида талаб этилган хужжатлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин)	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўқ Етишмаётган хужжат(лар): Уларнинг йўқлиги сабаби(лари):
3.2	Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи ҳакидаги айрим маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлиги	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.3	Номзодда тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги конунбузарликлар муносабати билан уни маъмурӣ, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўқ (агар жавоб ижобий бўлса, асосини кўрсатинг) Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.4	Суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йўқ

Комплаенс-назорат құлланмаси

	лавозимларини эгаллашга тақық йүқлиги (рахбарлик лавозимиға номзод учун)	Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.5	Номзодда манфаатлар түкнашуви аломатлари мавжудлиги:	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ
	1) номзоднинг яқин қариндошлари Компаниянинг амалдаги ходими ҳисобланади	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ (агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатинг) Изоҳ(лар): Манба(лар):
	2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Компания контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошқарув органлари таркибиға кирса	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ (агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлиқ даражаси (агар манфаатлар түкнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):
	3) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай Компаниянинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган кимматбаҳо қоғозларнинг 5% ва ундан ортиғига эгалик қиласа ёки компаниялар фаолияти натижаларида шахсий манфаатдорлиги бўлса (жумладан, инвестициялар киритиш орқали)	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ (агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлиқ даражаси (агар манфаатлар түкнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):
	4) Бошқа аломатлар	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.6	Иш жойига номзод ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.7	Номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар	<input type="checkbox"/> Ха <input type="checkbox"/> Йүқ

Комплаенс-назорат құлланмаси

	ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақига мос келмайди ва бошқалар).	Изоҳ(лар): Манба(лар):		
3.8	Бошқа маълумотлар (жумладан, интервью натижалари)	<table border="1" style="width: 100%;"><tr><td style="text-align: center; padding: 2px;">Ха</td><td style="text-align: center; padding: 2px;">Йўқ</td></tr></table> Изоҳ(лар): Манба(лар):	Ха	Йўқ
Ха	Йўқ			
4	Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар			
5	Хулоса			
	Ха / Йўқ	Изоҳлар		
3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги		Қайд этилган тоифадаги ақалли битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади		
3.5, 3.6, 3.7 ва/ ёки 3.8 бандларида хатар индикаторлари мавжудлиги		Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш имконисиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилади		
ЯКУНИЙ НАТИЖА	(салбий хулоса /ижобий хулоса)			
ТАВСИЯЛАР (аниқланган хатарларни хисобга олган ҳолда)				

Ижрочи

(ФИШ)

« »

20__й.

(имзо)

(сана)

**Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқномага 2-илова
Компанияга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш реестри**

T/r	Номзоднинг ФИШ	Бўш лавозим номи	Компаниядаги бўлинма ёки тизим корхона номи	Текширув ижрочиси, ФИШ	Номзодни текшириш бўйича хисобот санаси ва раками	Текширув натижаси (мусбат / манфий / аниқланган хатарлар)	Текширув натижасини асословчи қисқа изоҳлар
1	2	3	4	5	6	7	8
1							
2							
3							
4							
5							
...							

VIII. Манфаатлар тўқнашуви

1. Кириш ва сиёсатнинг мақсади

Манфаатлар тўқнашуви бўйича мазкур сиёсатда (кейинги ўринларда - Сиёсат) манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки унинг пайдо бўлиш хавфи мавжуд деб тахмин қилиш учун асос борлигига манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ва очиқлик ҳамда шаффофлик муҳитини яратишга қаратилган тавсиялар баён этилган.

Мазкур сиёсат мавжуд, тахмин қилинган ва яширинган манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш, ошкор қилиш, баҳолаш, ҳал этиш ва тасдиқлаш механизмларини тақдим этади. Сиёсат Компания, ходимлар, назорат остидаги корхоналар ва бизнес ҳамкорларга нисбатан татбиқ этилади. Компания назорат акцияларининг улушига эга бўлмаган корхоналар ходимлари, мансабдор шахслари ва директорларининг ҳам ушбу Сиёсат ёки шунга ўхшаш стандартларга риоя қилишлари назарда тутилади.

Мазкур Сиёсат риоя қилиниши лозим бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар миллий қонунчиликда юкорироқ талаблар кўйилган бўлса, у ҳолда Компания ушбу талабларга риоя қиласди. Агар Назорат остидаги корхона ушбу Сиёсатда қайд этилган талабларга нисбатан кучсиз талабларни белгилайдиган бирон-бир стандартни қабул қилмоқчи бўлса, у Комплаенс департаментидан ёзма розиликни олиши лозим бўлади.

Ушбу Сиёсат қуйидагиларни рағбатлантириш ва таъминлаш учун ишлаб чиқилган:

- ҳалол ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, битимларни вижданан тузиш, мавжуд ёки кўзга ташланган (сезиларли) манфаатлар тўқнашувини ахлоқий тартибга солиш;
- манфаатлар тўқнашувини тўлиқ, вижданан, аниқ, ўз вақтида ва тушунарли тарзда баён этиш;
- амалдаги қонунлар, қоидалар ва меъёрий хужжатларга риоя қилиш;
- амалдаги қонунчилик ёки ушбу Сиёсат бузилганлигининг ҳар қандай ҳолати тўғрисида тезкор ички хабар бериш;
- ушбу Сиёсат талабларига, шу жумладан, қоидабузарликни аниқлаш жараёнига амал қилиш учун масъулият;
- ушбу Сиёсатни, шу жумладан аниқ ва объектив мувофиқлик стандартларини изчил қўллаш;
- Компания манфаатларини ҳимоя қилиш;
- шубҳали хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш.

2. Атамалар ва тушунчалар

Мазкур Сиёсатни қўллаш мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Тахмин қилинган манфаатлар тўқнашуви – шахсни рақобатчи ташкилотда манфаатларга эга эканлигига шубҳа туғилган вазият ёки унинг шахсий манфаатлари билан Ходим сифатида ўз хизмат мажбуриятларини холисона бажариш қобилияти ўртасида зиддиятнинг пайдо бўлиши;

Яқин шахсий муносабатлар – жисмоний шахс билан шахсий муносабатларга эга бўлган, булардан ташқари биргаликда хўжаликни юритиш, бирга яшаш барча шахслар, бошқа шахслар билан тижорат ёки молиявий муносабатларда бўлиш;

Махфий ахборот – фойдаланилиши амалдаги қонун хужжатларига ва (ёки) Компания ички меъёрий хужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ахборот;

Кронизм – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият (лавозим мавқесидан) ва обрўсидан фойдаланиш;

Манфаатлар тўқнашуви ошкор қилиш – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

Ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

Фаворитизм – Компания ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гурухи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гурухи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Компанияда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориши, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишида кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қиласлини;

Молиявий манфаатдорлик – Ходим мустақил равишида ёки яқин қариндошлари билан биргаликда тижорат ташкилотининг устав капиталидаги акцияларининг (улушнинг) 1% дан кўпроғига бевосита ёки билвосита эгалик қиласи ёки у мустақил равишида ёки яқин қариндошлари билан биргаликда бундай ташкилот томонидан қарорларни қабул қилишида ўз ихтиёрига кўра тўғридан-тўғри ёки билвосита иштирок этади, ёхуд капитал қўйилмалар микдори Ходимнинг умумий активларининг 1% дан кўпини ташкил қиласи;

Маҳаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

Непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар хисоблаш,

Компания манфаатлари заарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

Шафелик – Компания ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулагай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

Потенциал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Компания билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Компаниянинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва Компания ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

Реал манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Компания билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Компания манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиши – Компания томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлар) Компания манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

Алоқадор шахслар – Компания ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик Компанияларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

Уруғ-аймоқчилик – Компания ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги.

3. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари

Компания ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиш;
- ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;
- потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;

- манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;
- манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;
- белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;
- агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Компания манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишига тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;
- шаффоффлик ва ҳисобдорлик;
- шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

3.1 Манфаатлар тўқнашувининг турлари

Ушбу бўлимда манфаатлар тўқнашуви юз бериши эҳтимоли юқори бўлган вазиятларнинг бир нечта мисоллари келтирилган. Ушбу Сиёсатнинг 1-иловасида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувига оид батафсил мисоллар келтирилган.

Мазкур тавсиялар мукаммал бўлмай, Ходимлар қарорларни мустақил равишда ушбу Сиёсатнинг тамойилларига мувофик қабул қилишлари лозим.

Зарур ҳолларда Ходимлар маслаҳат учун ўзларининг бевосита раҳбарларига, Комплаенс хизматига мурожаат қилишлари мумкин.

Ходимлар шахсий манфаатларини корхона манфаатларидан ажратишлари керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шахсий муносабатлар ёки манфаатлар Компания номидан қабул қилинадиган қарорларда омил бўлиши мумкин эмас.

Куйида корхона ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган одатий вазиятларнинг рўйхати келтирилган:

- корхонадаги рағбатлантиришлар, имтиёзлар ва лавозимда кўтарилишлар;
- учинчи томон ташкилотларига маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатиш;
- қарама-қарши томон билан шартнома тузиш - бу ходимларнинг бевосита оила аъзолари (яъни, ота-онаси, турмуш ўртоғи, бошқа муҳим шахс, фарзанди ёки ака-ука) контрагентда ёки ишлаб чиқарилган транспорт воситаларининг сотувчисида бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган ҳолатларни ўз ичига олади.
- бошқа ташкилотларда ишлаш ва лавозимларни эгаллаш (ўриндошлик асосида);
- бошқа ташкилотларда улушларга эгалик қилиш ва молиявий манфаатдорлик;
- Компаниянинг бошқа ташкилотида директор ёки юқори даражали раҳбар вазифасини бажариш;
- ишга қабул қилиш тўғрисида қарорлар;
- Компания активлари, махфий маълумот ва/ёки иш вақтидан шахсий манфаатларда фойдаланиш;
- яқин қариндошлар ёки ходим билан яқиндан шахсий муносабатлари мавжуд бўлган шахслар билан тижорат битимлари;

- Компания томонидан ходимни шахсан үзига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишда иштирок этиши;

-Компаниянинг манфаатларига путур етказган ҳолда, бошқа ташкилотга бизнесни ривожлантириш имконини бериш;

- бизнес қарорини қабул қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган совғалар ва меҳмондўстлик харажатларини қабул қилиш/бериш;

- сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби маҳфий ахборотни Компаниянинг розилигисиз қасдан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш.

Меҳнат билан боғлиқ қарорларга шахсий манфаатлар орқали таъсир қилиш мумкин эмас. Ҳар қандай оилавий муносабатлар (ҳатто билвосита ёки қон билан боғлиқ бўлмаса ҳам) ҳар қандай потенциал алоқалар, шартномада ёки ишга олиш жараёнида олдиндан ошкор қилиниши керак.

4. Масъул таркибий тузилмалар ходимларининг мажбуриятлари ва ваколатлари

Компания ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришида ва (ёки) Компаниянинг манфаатларини ифодалашда ушбу Сиёсатда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Компания ходимлари:

- ушбу Сиёсат талабларига риоя қилиши;
- фақат Компания манфаатларини кўзлаши;
- ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат Компания манфаатлари йўлида фойдаланиши;
- Компания манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида Комплаенс департаментини хабардор қилиши;
- непотизм (қариндошлиқ), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;
- потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;
- ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларида иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва вижданан ошкор қилиши;
- агарда ташкилотнинг бошқа ходимларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлигига оид маълумотга эга бўлган тақдирда ички хужжатларда белгиланган тартибда хабар бериши шарт.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида Компания ходими қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

-ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

-белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган ташкилотда ходимнинг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ходимнинг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

-ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса.

Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Компания ходими яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан (улар фаолият юритаётган ташкилотларга) ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (имтиёзлар бериш, лицензиялар тақдим этиш, маҳсулотлар сотиб олиш ва шу кабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, Компания ходими манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ходим қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига қўйидаги саволларни бериши лозим:

- “Мен қарорни вижданан ва холис қабул қилишим, харакатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ходим қабул қилганда, худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ходим бу саволлардан биттасига бўлса ҳам “Йўк” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.

Компанияда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қўйидагилар амалга оширилади:

-ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

- ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини аниқлайди ҳамда ўзининг раҳбарига ва Кадрлар бўлимига хабар беради;

- манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегиал тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усувлари ҳам қўлланилиши мумкин;

- қонун талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усувлари ҳам қўлланилиши мумкин.

Манфаатлар тўқнашуви қўйидагича бошқарилади:

- ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Сиёсат талаблари имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади;

- сиёсат талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериши ишлари олиб борилади;

- аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади;

-манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади;

- манфаатлар түқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

Манфаатлар түқнашуви бошқарилишида қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқаришнинг бошқа усуллари ҳам құлланилиши мумкин.

Манфаатлар түқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуидаги чоралар кўрилиши мумкин:

-ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равища иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

- ходимнинг лавозим вазифаларини кўриб чикиш ёки унга ўзгартириш киритиш;

- ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш;

- ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар түқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш;

- ходимнинг Компания фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши;

-ходимнинг шахсий манфаатлари Компания фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаш имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш.

5. Манфаатлар түқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

5.1 Манфаатлар түқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари

Компанияда манфаатлар түқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар түқнашувини декларация қилишнинг қуидаги шаклларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- Компания тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар түқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

-манфаатлар түқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

-харидларни амалга ошириш жараёнида харид комиссияси аъзолари ва боғланиш учун шахслар томонидан потенциал контрагентлар билан манфаатлар түқнашувини декларация қилиш.

5.2 Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар түқнашувини декларация қилиш

Компания тизимида бўш иш жойларига номзодларни, ходимларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар түқнашувини дастлабки тарзда декларация қилиш ташкилотнинг Ҳодимлар билан ишлаш бошқармаси қуидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

- мазкур Сиёсатнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

- ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Сиёсатнинг 2, 3 ва 5 иловаларига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

Ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида Ҳодимлар билан ишлаш бошқармаси Компания раҳбарини ёки номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштирувчи раҳбар ўринbosарини хабардор қиласи.

Раҳбар кўрсатмасига асосан Ҳодимлар билан ишлаш бошқармаси Компаниядаги тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради.

5.3 Манфаатлар тўқнашувини ҳар йилик декларация қилиш

Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили декларация қуидаги тартибда амалга оширилади:

- Компания ходимлари ҳар йили 15 февралгача мазкур Сиёсатнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани Ҳодимлар билан ишлаш бошқармасига тақдим қилишлари лозим;

- ходимлар билан ишлаш бошқармаси 10 марта гача манфаатлар тўқнашувини мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил киласи;

- таҳлил натижасида фаолиятида манфаатлар тўқнашувин юзага келиши мумкин бўлган ходимлар аниқланса, бундай ходимлар ҳақидаги маълумот Компания Одоб-аҳлоқ комиссиясига тақдим қилинади;

- Компания Одоб-аҳлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 марта гача манфаатлар тўқнашувин ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашувини билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ёки манфаатлар тўқнашувини мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради.

- мазкур қарор комиссия баённомасига киритилади. Баённомада чора-тадбирларни ишлаб чиқишга масъул тузилма (mansabdor shaxs) белгилаб кўйилади;

- ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан 25 марта гача мазкур Сиёсатнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашувин ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашувин ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

- ҳар йили I чоракда Компаниянинг Ҳодимлар билан ишлаш бошқармаси манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилини Комплаенс департаменти ва Компания раҳбарига киритади.

5.4. Реал ёки потенциал манфаатлар тұқнашувининг келиб чиқиши факти бүйича декларация тұлдириш

Реал ёки потенциал манфаатлар тұқнашувининг келиб чиқиши факти бүйича маълумотларни декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Компания ходимида манфаатлар тұқнашуви келиб чиққанда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида бу ҳақда бевосита раҳбарига реал ёки потенциал манфаатлар тұқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Сиёсатнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

- ходимнинг бевосита раҳбари ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида манфаатлар тұқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тұқнашувини баратараф қилиш бүйича таклиф билан хабарномани Ҳодимлар билан ишлаш бошқармасига рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишлиchorаларни кўриш учун тақдим этиши шарт;

- ходимлар билан ишлаш бошқармаси ходимнинг бевосита раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тұқнашувини баратараф этиш chorаларни кўради ёки манфаатлар тұқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хulosса қилиниб, Ички назорат тузилмаси ва Компания раҳбарига ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

6. Манфаатлар тұқнашувини ҳал қилиш chorалари

Манфаатлар тұқнашувини ҳал қилиш chorалари:

Компания манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида реал манфаатлар тұқнашувини ҳал қилиш chorалари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

Компанияда манфаатлар тұқнашувларини бошқаришда қуйидаги chorалар белгиланиши керак:

-бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

- манфаатлар тұқнашуви предмети бўлган масалаларни мухокама килишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш, ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

- манфаатлар тұқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиши;

-ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тұқнашуви предмети бўлган Компаниянинг маълумотлари ва хужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;

- юқорироқ лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳақига устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишига розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

- ходимни манфаатлар тұқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

Истисно ҳолатларда, ушбу Сиёсатнинг юкорида санаб ўтилған чоралар манфаатлар түқнашуви түлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуидаги тартибга солиш чоралари күриши мумкин:

- ходим томонидан Компаниянинг манфаатларига түқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши/йўл қўймаслик;
- ходим томонидан Компания манфаатларига түқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ҳар бир вазиятда, манфаатлар түқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан Компаниянинг келишувига кўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин.

Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Сиёсатда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

Компанияда Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан манфаатлар түқнашуви баратараф этиш чоралари ва қабул қилинган қарорлар Одоб-аҳлоқ комиссиясининг энг яқиндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, бу ҳақда мажлис баённомасида акс эттирилади.

Комплаенс департаменти ходим эътиrozига ёки раҳбар топшириғи, шунингдек ўз ташаббуси билан Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ва ходимнинг бевосита раҳбари, шунингдек одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар түқнашуви тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текшириш хуқуқига эга.

6.1 Манфаатлар түқнашуви тўғрисида маълумотни ошкор қилиш. Манфаатлар түқнашуви ҳал қилиш. Ахборотнинг конфеденциаллиги

Кўпгина Манфаатлар түқнашуви ҳақида олдиндан хабар берилганида ҳал этилиши мумкин. Манфаатлар түқнашуви тўғрисида хабар бермаслик меҳнат шартномасини бекор қилиш/лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий чораларга олиб келиши мумкин.

Ушбу Сиёсатнинг 2-иловасида манфаатлар түқнашуви ҳал қилиш тартиби бўйича кўшимча тавсиялар баён этилган.

Агар сиз ўзингизда ҳақиқий, таҳмин қилинган ёки потенциал манфаатлар түқнашуви бор ёки бошқалар сизнинг иштирокингиздаги у ёки бу фаолият ёки муносабатларни Манфаатлар түқнашуви сифатида қабул қилиши мумкин, деб ҳисобласангиз, бу ҳақда дарҳол ўзингизнинг бевосита раҳбарингизга, Комплаенс департаментига хабар беришингиз керак. У ёки бу ҳолатда Манфаатлар түқнашувининг бор-йўқлиги борасида шубҳа мавжуд бўлса, Комплаенс департаменти билан маслаҳатлашиш лозим

Манфаатлар түқнашувининг ҳар бир аниқланган ҳолати учун, зиддият ва унга боғлиқ равишда кўрилган чоралар тўғрисида барча керакли маълумотларни ўз ичига олган манфаатлар түқнашуви тўғрисидаги маълумотларни Ошкор қилиш/Маъқуллаш шакли тўлдирилиши керак. Манфаатлар түқнашуви тўғрисидаги маълумотларни Ошкор қилиш/Маъқуллаш шакли ушбу Сиёсатнинг 3-иловасида келтирилган.

Ходимга ҳақиқий, таҳмин қилинган ёки потенциал манфаатлар түқнашуви тўғрисида хабар келиши биланоқ, Ходимнинг бевосита раҳбари Комплаенс департаменти билан маслаҳатлашиб, зиддиятни иложи борича тезроқ ҳал қилиш учун мақбул харакат режасини белгилаши керак.

Агар манфаатлар тұқнашуви мавжудлиги аниқланса, у қуйидаги усуллардан бири билан ҳал қилиниши керак:

- низоли вазиятни бартараф этиш (масалан, ходимнинг бошқа лавозимга ўтказилиши натижасыда манфаатлар тұқнашуви бартараф этилади);

- муайян шароитларни яратиш (масалан, ходим манфаатлар тұқнашувига дахлдор томонга нисбатан бирон-бир қарор қабул қилишда қатнашмаслығы керак);

Ходим манфаатлар тұқнашуви тұғрисида маълумот олгандан сүнг Манфаатлар тұқнашуви тұғрисидаги маълумотларни Ошкор қилиш/Маъқуллаш шаклини тұлдиради. Сүнгра ходим манфаатлар тұқнашуви тұғрисидаги маълумотларни Ошкор қилиш/Маъқуллаш шаклини Комплаенс департаментига юборади.

Манфаатлар тұқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг махфийлігіні таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат күриб чиқиш, ҳисобға олиш ва ҳал этиш чораларини күриш ҳамда ушбу жараённи назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланишини таъминлаши лозим.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан Компаниянинг ходимларида манфаатлар тұқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Компанияга мурожаат қилинганида уни күриб чиқиш Комплаенс департаменти томонидан Ходимлар билан ишлаш бошқармаси билан ҳамкорликда мазкур Сиёсат ва бошқа ички хужжатларга асосан амалга оширилади.

Агар Ходим ўзининг раҳбари, Комплаенс департаменти томонидан тегишли манфаатлар тұқнашувини ҳал қилиш тұғрисидаги қарорига рози бўлмаса, бундай қарорни Компания раҳбарияти томонидан күриб чиқишига йўллаш орқали норозилик билдириши мумкин.

Компания раҳбарияти 10 иш кунида ёки масалани ҳар томонлама күриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа муддат ичидә шикоятни күриб чиқиши ва у бўйича қарор қабул қилиши керак.

6.2 Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси манфаатлар тұқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Сиёсатнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритишлари шарт. Бунда, тизим корхоналарнинг Реестридаги маълумотлар Компания Ҳодимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан ташкилотнинг умумий Реестирига бирлаштириб борилади. Умумий Реестр Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига ҳар чорақда тақдим этиб борилади.

Маълумот Реестрга қуйидаги ҳолларда киритилиши керак:

-Компанияга ишга қабул қилишда – номзод манфаатлар тұқнашувининг мавжудлиги/мавжуд әмаслығы ҳақида аризада манфаатлар тұқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Компания раҳбари манфаатлар тұқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

- лавозимга тайинлаш/ротация қилиш вақтида манфаатлар тұқнашувини ошкор қилишда – Компания раҳбари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

- манфаатлар тұқнашуви келиб чиқишига кўра – Ҳодимлар билан ишлаш бошқармаси ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан чора кўрилган тақдирда;

- Компания ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ҳар иили декларация қилинганда – мазкур Сиёсатнинг 5.3 бандига мувофиқ;

- манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда;

- ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилинганда ҳамда Компания раҳбари томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар Ходимлар билан ишлаш бошқармасида сақланади.

6.3 Сиёсатни амалга ошириш ва талабларга риоя этилишини таъминлаш

Қўйидагилар ушбу Сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган асосий мансабдор шахслар ҳисобланади:

- Компания Бошқарув раиси ва унинг ўринbosарлари Комплаенс департаменти, шунингдек, Юридик бошқармаси кўмагида ушбу Сиёсатни амалга ошириш учун ўз ваколатлари ва ҳукуқлари доирасида жавобгардир;

- комплаенс департаментига ушбу Сиёсатга риоя этилишини таъминлаш вазифалари топширилган, деб ҳисобланади. У Компаниянинг барча даражаларида Сиёсатнинг бажарилишини қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, қўшимча тавсиялар бериш, мунтазам равишда мониторинг қилиш ва керак бўлганда ўзгартиришлар киритиш учун жавобгардир.

Қўйидагилар ушбу Сиёсатга риоя қилиш соҳасидаги асосий мансабдор шахслар ва функциялар ҳисобланади:

- Компаниянинг таркибий бўлинмалари ва Компаниянинг ҳар бир ходими ушбу Сиёсатга риоя қилиш учун жавобгардир. Ушбу Сиёсатдан ҳар қандай оғишлар Комплаенс департаменти томонидан маъқулланиши керак;

- ички аудит хизмати Компания раҳбариятига ушбу Сиёсатнинг самарадорлиги ва унга риоя этилиши тўғрисида мустақил кафолатлар бериши мумкин;

- барча тегишли ходимлар вақти-вақти билан ушбу Сиёсатга амал қилишаётгани тўғрисидаги далилларни тақдим этишлари шарт.

7. Шакллар ва Иловалар

Манфаатлар тўқнашуви бўйича йўриқномага 1-илова

Манфаатлар тўқнашуви мисоллари

1. Бошқа ташкилотларда ишлаш ва лавозим эгаллаш (ўриндошлиқ қилиш) ёки учинчи томон ташкилотларига маслаҳат ҳамда бошқа хизматларни кўрсатиш

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

Ходимнинг Компанияда ўз вазифаларини бажаришига таъсир қилувчи иккинчи иш жойи (жумладан, кўнгилли/жамоатчилик асосида) ёки рақобатчи ташкилотдаги иши;

- Компаниянинг бизнес ҳамкорларига ёки рақобатчиларига маслаҳат ёки бошқа хизматларни кўрсатиш;

- ходимнинг назорат остидаги корхонанинг мижози бўлган ташкилотга маслаҳат ёки бошқа хизматларни кўрсатиши ҳамкорлик муносабатларига таъсир этиши мумкин бўлса;

- ўзининг шахсий бизнесини бошқариш ёки Компания билан ҳамкорлик қилаётган ёки у билан рақобатлашадиган бошқа ташкилотда директор вазифасини бажариш;

- нотижорат ташкилотда директор вазифасини бажариш (ушбу турдаги манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Комплаенс департаменти нотижорат ташкилот хайрия, ҳомийлик ёки эҳсон дастурининг бир қисми эмаслигини текшириши керак).

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

- одатда, иккинчи иш мавжудлигининг ўзи Ходимларнинг одоб-ахлоқ кодексини бузмайди. Бироқ ҳар қандай бундай иш Компаниядаги ишдан қатъий равища ажратилиши ва ходим томонидан мажбуриятларининг бажарилишига таъсир қилмаслиги лозим;

- ходимлар Компания билан рақобатлашадиган ҳар қандай ташқи фаолият билан шуғулланмаслиги ёки Компания рақобатчиларига ёки Компания билан мунтазам ишбилиармонлик муносабатларида бўлган бошқа томонларга (масалан, етказиб берувчилар ва дилерларга) ёрдам бермаслиги керак;

- Компаниядан ташқарида ишлаш ҳеч қачон иш вақтида бажарилмаслиги ва унда Компаниянинг харажат материаллари ёки Компания жиҳозларидан фойдаланилмаслиги керак;

- ходимлар ўзларининг иккинчи ишларига тегишли хизматларни ёки маҳсулотларни Компанияга сотишга уринмасликлари лозим;

- Компаниядан ташқарида, юқорида кўрсатилган ҳолатлардан бирига тўғри келадиган ҳар қандай ташқи фаолият билан шуғулланишдан олдин, Ходимлар бу ҳақда бевосита Компания раҳбарига ва Комплаенс департаментига хабар беришлари ва режалаштирилган фаолият Компания манфаатларига зид келмаслиги тўғрисида тасдиқ олишлари керак. Бундай тасдиқлаш мақсадга мувофиқ бўлган ҳар бир ҳолатда тақдим этилиши керак.

2.Бошқа ташкилотлар акциялариға эгалик қилиш ва молиявий манфаатдорлик

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

- Компания билан тижорат алоқаларини амалга оширадиган ҳар қандай ташкилотда жиддий молиявий манфаатдорликка эга бўлган ходимнинг Компаниянинг тижорат алоқаларига шахсан таъсир қилиши мумкин бўлса (масалан, мижоз ёки етказиб берувчи);

- ўзининг хусусий ташкилотини бошқариш.

Риоя этилиши лозим бўлган қоидалар:

- ходимлар Компаниянинг рақиби бўлган ҳар қандай ташкилотда Молиявий манфаатдорликка эга бўлмасликлари керак;

агар, ходим ёки ходимнинг яқин қариндоши Компания хизмат алоқаларида бўлган ёки бундай алоқаларни ўрнатишни режалаштирган ташкилотда Молиявий манфаатдорликка эга бўлса, Ходимлар бу ҳақда Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятни ҳал қилиш учун ўзларининг бевосита раҳбарига, Комплаенс департаментига хабар беришлари керак.

3.Бошқа ташкилотда директор ёки юқори даражали раҳбар вазифасини бажариш

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

-манфаатлари Компаниянинг манфаатлари билан тўқнаш келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотда директор (бошқарувчи, менежер, раҳбар) функцияларини бажариш манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқариши мумкин;

-баъзи ташкилотларда, шу жумладан, давлат органларида директор (бошқарувчи, менежер, раҳбар) вазифасини бажариш ёки доимий қўмитада аъзолик қилиш ҳам манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

- манфаатлари Компаниянинг манфаатлари билан тўқнаш келиши мумкин бўлган ташкилотнинг коллегиал бошқарув органига ёки қўмитасига тайинланишига розилик беришдан олдин Ходимлар ушбу масалани Комплаенс департаменти билан муҳокама қилиши ва унинг рухсатини олишлари лозим;

- аниқ тафсилотларни ҳисобга олган ҳолда ва Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш қийин бўлган ҳолларда, Назорат остидаги корхоналардаги Комплаенс хизмати ушбу масалани Комплаенс департаментига кўриб чиқиш учун юбориши мумкин.

4. Компания активлари, маъфий маълумот ва/ёки иш вақтидан шахсий манфаатларда фойдаланиш

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

-Компаниянинг вақтидан ва/ёки ресурсларидан шахсий манфаатлар ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари учун фойдаланиш;

-сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби мағфий ахборотни Компаниянинг розилигисиз қасдан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш.

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

-телефон, факс, нусха кўчириш аппарати, шахсий компьютер, электрон почтадан ёки шунга ўхшаш ускуналардан шахсий мақсадларда аҳамиятсиз фойдаланишга, агар у эпизодик характерга эга бўлса, Компания харажатларини сезиларли даражада оширмаса, ходимнинг иш вазифаларини бажаришига халақит бермаса ва ноқонуний фаолият ёки қўшимча бизнес билан боғлиқ бўлмаса, одатда рухсат этилади.

5. Яқин қариндошлар ёки ходим билан яқиндан шахсий муносабатлари мавжуд бўлган шахслар билан тижорат битимлар.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

- вазифаларни бажариш жараёнида бир вақтнинг ўзида етказиб берувчининг ёки Компания рақобатчисининг ходими бўлган Яқин қариндош ёки Ходим билан яқиндан шахсий муносабатда бўлган шахс билан бевосита ўзаро алоқа қилиш;

- ходимнинг Яқин қариндоши ёки Ходим билан яқиндан шахсий муносабатларда бўлган шахс эгалик қиласидан ёки бошқариладиган етказиб берувчи ташкилотларга имтиёзлар бериш.

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

– Юқорида кўрсатилган ҳар бир ҳолатни ходимнинг бевосита раҳбари, Комплаенс департаменти билан муҳокама қилиш керак.

– Муайян ҳолатларда қўшимча чоралар (масалан, потенциал етказиб берувчининг ёки тижорат ҳамкорнинг қўшимча текшируви ёки қўшимча хуқукий ҳимоя ва бошқалар)ни кўриш зарур.

6.Ишга қабул қилиш тўғрисида қарорлар

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

- Ходимнинг яқин қариндошларни ёки Ходим билан яқин шахсий муносабатларда бўлган шахсларни ёллаш, агар бундай ёллаш бўйсунишни назарда тутса;

- ҳозирда ёки илгари давлат хизматчиси бўлган шахсларни ёллаш;

- Компаниянинг ташқи аудиторининг ҳар қандай собиқ ходимларини Асосий молиявий лавозим (бош бухгалтер, ғазначилик, молиявий менежмент, лойиҳаларни таҳлил ва экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи, молиявий директор ва бошқалар)га ёллаш.

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

-ходимлар яқин қариндошларни ёки Ходим билан яқиндан шахсий муносабатлари мавжуд бўлган шахсни ишга ёлламаслиги ёки уларга раҳбарлик қилмаслиги керак. Ушбу

қоидадан ташқари ҳар қандай истиснолар Комплаенс департаменти билан мухокама қилиниши керак.

- ходимлар яқин қариндошларга ёки Ходим билан яқиндан шахсий муносабатлари мавжуд бўлган шахсларга раҳбарлик қилишининг олдиндан мавжуд бўлган ҳар қандай ҳолати тарафлардан бирини бошқа лавозимга ўтказиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш/лавозимидан бўшатиш йўли билан ҳал қилиниши керак.

- юқорида қайд этилган ҳолатларнинг ҳар бири бевосита тегишли раҳбар, Комплаенс департаменти, шу жумладан, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси билан мухокама қилиниши керак

- Компания ташқи аудиторининг собиқ ходимларини Асосий молиявий лавозим (бош бухгалтер, ғазначилик, молиявий менежмент, лойиҳаларни таҳлил ва экспертиза қилиш бошқармалари бошлиғи, молиявий директор ва бошқалар)га ишга қабул қилишдан олдин Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси билан маслаҳатлашиши зарур. Бундай тайинланиш Компания раҳбарияти томонидан Комплаенс департаменти консультацияси билан маъқулланиши керак

7.Ходимни шахсан ўзига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишда иштирок этиш

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги эҳтимолининг кўрсаткичлари:

Ходимни шахсий манфаатларига дахлдор бўлган қарорларга таъсир ўтказиш имконияти, масалан:

- ўзининг шахсий компенсацияси, мукофотлари ва аттестациясига таъсир қилувчи компенсация, мукофот ва аттестациясини баҳолаш жараёнида иштирок этиши;
- Ходимнинг шахсан ўзи масъул бўлган соҳаларда лавозим қилмишларини баҳолаш, аудит қилиш ёки суриштирув ишларини олиб боришда иштирок этиши.

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

-ходим ўзига тегишли, мукофот, ойлик, ҳар қандай бошқа компенсациялар ва фойда келтирувчи тўловларни ҳисоблашга оид бўлган қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай ходимга нисбатан қарорлар фақат унинг раҳбари томонидан функционал бўлим раҳбари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши лозим;

-терговни ўтказиш ёки унда иштирок этиш вазифаси юклатилган Ходимлар (масалан, комплаенс бўйича ходимлар, ички аудит ёки кадрлар бўйича ходимлар)нинг ўзи бундай қилмишларга аралашган бўлса, лавозим қилмишлари билан боғлиқ интизомий жазо ёки бошқа таъсир чораларини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Бундай ходимга нисбатан қарор унинг раҳбари томонидан функционал бўлинма раҳбари билан маслаҳатлашувдан кейин қабул қилиниши ва Компания раҳбарияти томонидан маъқулланиши керак.

8.Компаниянинг манфаатларига путур етказған ҳолда бошқа ташкилотта бизнесни ривожлантириш имконини бериш

Манфаатлар түқнашуви мавжудлиги өткимолининг күрсаткичлари:

- Компания ва назорат остидаги корхоналар одатда тақдим этадиган ҳар қандай турдаги маҳсулотлар ва хизматлар ёки Компания ва назорат остидаги корхоналар, одатда иш пайтида ёки Компания ва назорат остидаги корхоналарнинг мол-мұлки ёки маълумотларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган фаолият билан боғлиқ бўлган бизнесни ривожлантириш имкониятлари

- Компания ва назорат остидаги корхоналарга тегишли бўлганида. Компаниянинг ёки назорат остидаги корхоналарининг стратегик режаларига мос келадиган, шу каби шарт-шароитларда юзага келадиган тижорат мақсадларига мувофиқ бўлган бизнесни ривожлантириш имкониятлари ҳам Компанияга ёки назорат остидаги корхоналарга тегишли бўлганида.

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

- ходимлар ушбу турдаги бизнесни ривожлантириш имкониятлари түғрисидаги маълумотларни Компания рақобатчиларига, учинчи шахсларга ёки ўзларига тегишли бўлган ёки улар билан боғлиқ бўлган бошқа тижорат ташкилотларига ўтказа олмайдилар

- бошқа компаниялардаги шахсий ёки молиявий манфаатлари ушбу Сиёсатга мувофиқ маъқулланган Ходимлар, ушбу ташкилотларга тегишли операциялар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида ўзларининг иштирокини ёки жараёнга таъсирини истисно қилиши керак.

9.Шахсий чегирмалар ва имтиёзларга эга бўлиш

Манфаатлар түқнашуви мавжудлиги өткимолининг күрсаткичлари:

-етказиб берувчи билан тижорат қарорининг холислигига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай имтиёзли муносабатлар (масалан, Компанияга компьютерларни етказиб берувчини танлаш ҳақида қарорни қабул қилишга масъул бўлган Ходим, шахсий фойдаланиш учун компьютер ёки бошқа электрон ускуналарни сотиб олаётганда бундай етказиб берувчидан ностандарт чегирмаларга эга бўлса). Бундай ёки шунга ўхшаш ҳолатларда манфаатлар түқнашуви таҳмин қилинади.

Риоя этилиши керак бўлган қоидалар:

-ходим бундай чегирмалар ёки бошқа имтиёзларни ушбу Сиёсатда белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

Шунингдек, ходимлар бундай чегирмалар ва имтиёзлар унинг талабларига зид келмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш Сиёсатининг қоидаларини ҳисобга олишлари керак.

Манфаатлар түқнашуви бүйича сиёсатга 2-илова

**Номзод/ходим маълумотномасининг
ТАХМИНИЙ ШАКЛИ**

МАЪЛУМОТНОМА

ФИШ (тұлғы)

_____ (охирги иш жойида иш бошлаган санаси);
_____ (охирги эгаллаган лавозими)

расм

Түгілган санаси:

Түгілған жойи:

Миллати:

Партияйлиги:

Маълумоти:

Тугаттан:

Таълим мутахассислиги:

Илмий даражаси:

Қандай чет тилларини билади:

Ҳарбий (махсус) унвони:

Давлат мукофотлари билан тақдирланғанми (қандай)?:

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатами
ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тұлғы күрсатилиши лозим):

МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Қариндошлиқ даражаси	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари устав капиталида улушга эга ёки
бошқарувида иштирок этаётган юридик шахсларга доир
МАЪЛУМОТЛАР**

Юридик шахс номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик субъекти ва қариндошилик	Эгалик улуши / бошқарувдаги роли	Юридик шахснинг асосий фаолият тури


**Тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этаётган
(Ф.И.Ш тўлиқ) ва унга алоқадор шахсларга* доир
МАЪЛУМОТЛАР**

Тижорат ташкилоти номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик улуши

* Алоқадор шахслар рўйхати ходим устав капиталида иштирок этаётган ташкилот ҳақидаги очиқ манбалардан олинади.

Манфаатлар түқнашуви бүйича сиёсатга З-илова

**Манфаатлар түқнашуви бүйича қарор қабул қилиш
ЧИЗМАСИ**



Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатига 4-илова**МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНИ ОШКОР
ҚИЛИШ/МАЪҚУЛЛАШ ШАКЛИ**

Қисқача маълумот			
Маълумотни этиш санаси:	тақдим (кун/ой/йил)	Рўйхатга олиш рақами*:	
Ходим тўғрисида маълумот			
Ф.И.Ш.:		Бўлинма:	
Телефон рақами:			
Электрон почта манзили:			
Маълумот етказилган раҳбар тўғрисида маълумот			
Ф.И.Ш.:		Бўлинма:	
Телефон рақами:			
Электрон почта манзили:			
Тўқнашувнинг хусусиятлари			
Сана:	(кун/ой/йил)		
Тавсифи:	Тўқнашув тўғрисида, шу жумладан, унда иштирок этган ҳар қандай учинчи томон, шахс ва/ёки ташкилот тўғрисида маълумот тақдим этишингизни сўраймиз.		

Изоҳ: Зарур ҳолларда, ахборот ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конунчиликка мувофиқ шаклга ходим томонидан имзоланадиган қуидаги баёнот киритилиши лозим:

“Мен, (ходимнинг ФИШ), _____ (санаси, берган идора) томонидан берилган _____-рақамли паспорт, ушбу орқали “Ўзавтосаноат” АЖга меҳнат муносабатларим давомида Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатига амал қилиш мақсадида ўзимнинг шахсий маълумотларимни қайта ишлаш (йифиш, ёзиб олиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқаривчи олиш, ишлатиш, узатиш (тақдим этиш, киришга рухсат бериш), шахсийизлантириш, блокировка қилиш, чиқаривчи юбориш, йўқ қилиш) ва шахсий ахборот амда маълумотларга киришга розилик билдираман.

Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатга 5-илова

*Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида
ДЕКЛАРАЦИЯ*

Баёнот

Ушбу декларацияни тўлдиришдан олдин мен “Ўзавтосаноат” АЖнинг Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати билан танишдим.

(ходимнинг имзоси)

Кимга (бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш. ва лавозими)	
Кимдан (декларацияни тўлдириган ходимнинг Ф.И.Ш.)	
Лавозими	
Тўлдириш санаси	
Декларация қамраб оладиган давр	(кун/ой/йил)дан (кун/ой/йил)гача

Ушбу Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация (тўлдирилгандан сўнг) қатъий равишда махфийлик хусусиятига эга ва фақат Комплаенс департаменти томонидан ички фойдаланиш учун мўлжалланган. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг мазмуни бирон-бир учинчи томонга ошкор этилмайди ва улар томонидан бирон-бир мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Ҳужжатни сақлаш ва йўқ қилиш Компания томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдиришда барча саволлар ходимга ва яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, ота-она, фарзандлар, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олингандлар, aka-укалар, опа-сингиллар)га тегишли эканлигини хисобга олиш зарур.

Ҳар бир ходим ҳар қандай Манфаатлар тўқнашувини тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашувининг таърифи ва турлари Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатда келтирилган.

Куйида **келтирилган саволлар билан танишиб чиқинг**, саволларнинг ҳар бирига “Ҳа” ёки “Йўқ” жавобини бериш лозим. “Ҳа” жавоби манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини англатади, бироқу келгусида муҳокама ва кўриб чиқишига лойиқ бўлган масалани аниқлайди.

ҚАТЪЙ РАВИШДА ХОДИМ ТОМОНИДАН ТҮЛДИРИЛАДИ

№	“Яқин қариндошлар” блоки	
1.	Компания билан автомобилсозлик соҳасыда рақобатдош бўлган компанияларда яқин қариндошларингиз ишлайдими?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
2.	Сиз профессонал/кадрлар билан боғлиқ, шунингдек, Компанияда ишлайдиган яқин қариндошларингизнинг касбий фаолиятини баҳолаш, юқори лавозимга тайинлаш, иш ҳақлари бўйича қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатувчи шахс ҳисобланасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
3.	Сиз яқин қариндошларингизнинг бевосита қўл остида ишлайсизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
4.	Компанияда ишлайдиган яқин қариндошларингиз сизга алоқадор касбий/кадрлар билан боғлиқ, жумладан, касбий фаолиятимни баҳолаш, юқори лавозимга тайинлаш, иш ҳакимга таъсир кўрсатувчи шахслардан бири ҳисобланадими?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
5.	Компанияда ишлайдиган яқин қариндошларингизнинг касбий манфаатлари сизнинг хизмат мажбуриятларингизга дахлдорми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
“Компания билан муносабатлар” блоки		
6.	Компания ресурсларини, жумладан, унинг номи ва обрўсини ардоклайсизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
7.	Компания ресурсларини, жумладан, унинг номи ва обрўсини, Компаниянинг маълумотини шахсий манфаатларингиз ва/ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари учун фойдаланасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
8.	Компаниянинг бизнес имкониятларидан шахсий манфаатлар ва/ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
9.	Компаниянинг маҳфий маълумотлари ва/ёки тижорат сири бўлган маълумотлардан шахсий манфаатларингизда ва/ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари учун фойдаланасизми ёки тарқатасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
10.	Компаниянинг устав капиталида улушга эгамисиз?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
11.	Яқин қариндошларингиз Компаниянинг устав капиталида улушларга эгами?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
12.	Компаниядаги ишлагандан ташқари бошқа тижорат фаолиятиларда иштирок этасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
13.	Компаниядаги ишлагандан ташқари ўриндошлиқ асосида ёки бир неча касбда ва лавозимда иш олиб борасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
14.	Компания таркибига кирмайдиган корхона ва ташкилотларда маслаҳатчи, агент ёки бошқа вакил сифатида хизмат кўрсатасизми?.	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
“Контрагентлар ва/ёки давлат хизматчилари билан алоқалар” блоки		
15.	Яқин қариндошларингиз Компания билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи давлат хизматчилари ҳисобланадими?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
«Давлат хизматчиси» тушучаси Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатида қўрсатиб ўтилган		
16.	Компания номидан юридик шахсларда қарор қабул қилувчи/қарор қабул қилишга таъсир кўрсатувчи Сиз ва/ёки сизнинг яқин қариндошларингиз билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатасизми ва бизнес юритасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
17.	Компания номидан юридик шахсларнинг бошқарув органларида аъзолик қилган/уларни устав капиталида қимматли қофзларга/улушга эга бўлган Сиз ва/ёки сизнинг яқин қариндошларингиз билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатасизми ва бизнес юритасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
18.	Сиз контрагент ёки бошқа боғлиқ шахслар (ҳадя қилувчилар)нинг фойдасига қарор қабул қилишга ундейдиган совгалар/моддий фойдаларни оласизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
19.	Сиз ўзингиз ва сизнинг яқин қариндошларингиз томонидан назорат қилинадиган компанияларнинг устав капиталидаги улушларга ва/ёки қимматли қофзларига эгалик қилувчи юридик шахслар билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатганимисиз?.	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
20.	Сиз Компания билан манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган жамоат, ишбилармонлик ёки фахрий лавозимларда ишламайсизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>

Комплаенс-назорат қўлланмаси

21.	Сиз ҳозирда Ўзбекистон Республикаси сиёсий лавозимига номзод ёки сиёсий партиянинг аъзосимисиз?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
“Хисобот ва маълумотнинг тўлиқлиги” блоки		
22.	Сиз Компания раҳбариятига нотўғри маълумот тақдим этасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
23.	Хизмат мажбуриятларингиз доирасида Сиз қонунчилик /ички корпоратив низомлари/ Компания Комплаенс дастури талабларига риоя қиласизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
24.	Сиз Комплеанс дастурининг бузилишига ёки Компаниянинг Комплаенс дастурини четлаб ўтиш, фактларни яшириш ёки ошкор бўлишига йўналтирилган ҳаракатларга олиб келадиган қарорларни қабул қиласизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
“Компаниядаги роли” блоки		
25.	Қарорлар қабул қилишда, Сиз амалдаги ва Компания тартиб-қоидалари, жумладан, коррупция хавфини аниқлаш, баҳолаш ва камайтиришга қаратилган сиёсат ҳамда тартиб-таомилларга амал қиласизми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
26.	Бевосита раҳбарингиз хизмат мажбуриятларингизни бажарилиши жараёнида сизга босим ўтказганми, шунингдек коррупцияга қарши тартиб-таомилларни бузишга (масалан, эҳтиёж, нарх, тўлов ёки етказиб бериш шартларини белгилаш, иш ёки хизматларни қабул қилиш, шартларни муайян етказиб берувчига мослаб ёзиш ва ҳ.к.орқали) мажбур қилганми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
27.	Сизнинг томонингиздан Компаниянинг эҳтиёж, нарх, тўлов ёки етказиб бериш шартларини белгилаш, иш ёки хизматларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилинаётган бизнес ҳамкорининг устав капиталида улушига эгамисиз?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
“Бошқа манфаатлар тўқнашуви холатлари” блоки		
28.	Декларациянинг юқорида қайд этиб ўтилган масалаларида кўзда тутилмаган, тартибга солиниши зарур бўлган бошқа фактлари тўғрисидаги маълумотни куйида кўрсатинг:	
	<hr/>	

Ушбу орқали мен юқорида қайд этилган саволларнинг барчасини ўқиганимни ва тушунганлигимни, жавобларим ва ҳар қандай изохловчи маълумотлар эса тўлиқ ҳамдам ҳақиқат эканлигини тасдиқлайман. Манфаатлар тўқнашувининг бошқа бирон-бир холатидан хабардор эмаслигимни маълум қиласман. Компанияни юқоридаги холатлар бўйича ҳар қандай ўзгариши тўғрисида хабардор қилишни ўз зиммамга оламан.

Имзо: _____
Ф.И.Ш: _____

ҚАТЪЙИ РАВИШДА
ХОДИМНИНГ БЕВОСИТА РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ТЎЛДИРИЛАДИ

Бевосита раҳбарнинг декларация бўйича қарори	Сана	Имзо
Манфаатлар тўқнашуви аниқланмади.		
Мен уларни эълон қилган ходимнинг фикрига кўра Компания манфаатларига тўқнаш келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазиятни Манфаатлар тўқнашуви деб хисобламайман.		
Мен ходимни Компаниядаги унинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган маълумотларга [кандай маълумотлар эканини кўрсатинг] эга бўлиш хукуқини чекладим.		
Мен ходимни манфаатлар тўқнашуви таъсири остида бўлган ёки таъсири остига тушиши мумкин бўлган масалаларни [кандай масала эканини кўрсатинг] муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнида қатнашишдан (доимий ёки вақтинча) четлаштирудим.		
Мен ходимнинг вазифалари ва меҳнат функциялари доирасини кайта кўриб чиқдим [кандай вазифалар эканини кўрсатинг].		
Ходимни унинг иш вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган лавозимдан вақтинча четлаштирудим.		
Мен ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажариш назарда тутадиладиган лавозимга ўтказдим.		
Мен Компания раҳбариятига ходимни Компания ташаббуси билан интизомий қилмишлар учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ лавозимдан озод этиши юзасидан мурожаат қилдим.		
Мен декларацияни текшириш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишининг энг яхши усулини белгилаши учун юқори турувчи раҳбарга топширудим, чунки [сабабни кўрсатинг]		

Раҳбар
Имзо:

ФИШ:

Манфаатлар тұқнашуви бүйича Сиёсатга 6-илова

1. Манфаатлар тұқнашуви бүйича сиёсатта риоя қилиш учун жавобгарлық Компания раҳбарияти зиммасида.
2. Тұқнашувлар ушбу Сиёсатда белгиланған тамойилларга мувофиқ қайд этилиши керак.
3. Регистрлар хавфсиз дискәда сақланиши керак, уларни күриб чиқишига ваколатли барча шахслар фойдаланиши мүмкін.
4. Регистрларни түлдиришда бир хилликни таъминлаш учун түғри ишлатилиши мүмкін бўлган очиладиган рўйхатлар яратилиши керак.

20 ЙИЛГА МАНФААТЛАР ТҰҚНАШУВИ РЕЕСТРИ

Манфаат тұғрисида маълумот ва потенциал тұқнашувлар			Олинган маълумотни текшириш тұғрисида маълумот					Тағсилотларнинг ўзгариши		
No.	Бұлымна	Ходим (Ф.И.Ш. ва лавозими)	Манфааттинг хүсусияти ва экстимолли тұқнашувлар (батағын маълумотни тақдим этишини сұраймиз)	Маълумот тақдим этилган бевоснанта раҳбар (Ф.И.Ш. ва лавозими)	Маълумот тиң тақдим этини санааси (кун/ой/йил)	Манфааттар тұқын ашув и ўрин олган ми?	Таклиф этилган чоралар	Маълумот (қабул килинған көрорлар, асослар ва бошқа харакатлар)	Ўзгариш санаси (кун/ой/йил)	Ёзувин ўзгартыриш сабаби тұғрисида маълумот

Манфаатлар тўқнашуви бўйича 7-илова

_____ га
бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш тўлиқ
_____ дан
Ф.И.Ш тўлиқ

ташкилоти, лавозими

алоқа телефон рақами

Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида

Х А Б А Р Н О М А

Ташкилотнинг 20 ____ йил “____” _____ даги “____” – сон
буйруғига асосан мен,

(Ф.И.Ш, лавозими)

сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида
қўйидагиларни хабар қиласман: _____

(Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат вазифаларини бажаришига
таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан
Ташкилотнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

_____ (Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

_____ (санаси)

Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қўйидаги чоралар таклиф
қилинади: _____

(манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қўрилган чоралар кўрсатилади)

_____ (раҳбарнинг Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

_____ (санаси)

IX. Ахлоқ қоидалари

1. Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом

1.1 Умумий қоидалар

Ушбу Низом “Ўзавтосаноат” АЖда Одоб-ахлоқ комиссиялари (кейинги ўринларда — Комиссия) фаолиятини тартибга солади.

Комиссия “Ўзавтосаноат” АЖ ходимлари (кейинги ўринларда — ходимлар) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат килиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, “Ўзавтосаноат” АЖнинг ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига, ушбу низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган ходимлар киритилади.

Комиссия таркиби Компания бошқарув раиси қарори билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

1.2 Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- › Компания ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш;
- › Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;
- › Компания ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- › жисмоний ва юридик шахсларнинг Компания ходимларининг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;
- › Компания ходимларининг шаъни ва қадр-кимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;
- › Компания ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- › Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида Компания раҳбарни жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

- › Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;
- › Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хulosалар тайёрлайди;
- › Компания ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади;
- › кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлислари га эксперталар ва мутахассисларни жалб қилиши мумкин;
- › одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан Компания ходимларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;
- › зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича Компания ходимини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан Компания раҳбарига таклиф киритади.

Комиссия Компаниянинг таркибий бўлинмалари, бошқа тизим корхоналари, давлат органлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик килади.

1.3 Комиссия фаолиятини ташкил этиш

Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпик мажлис ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равища, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қилади, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

Комиссия раиси:

- › Комиссия ишини ташкил этади;
- › Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказади;
- › Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;
- › Компания таркибий бўлинмалари, бошқа тизим корхоналари, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

› Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти түғрисидаги ахборот билан сүзга чиқади;

› ҳар йили Компания башқарув раисига Комиссия фаолияти түғрисида ҳисобот тақдим этади.

Комиссия котиби:

› Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласы;

› Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлады, Компания ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

› кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

› Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қиласы;

› Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлади.

Комиссия аъзоси:

› Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

› Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

› қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

› кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

› Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

Комиссияси аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмагандан Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

1.4 Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

Комиссия Компаниянинг ходимлар билан ишлаш бошқармаси билан биргаликда мунтазам равишда Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

- › Компания ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;
 - › Компания ходимлари «ҳалоллик вакцинаси» билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;
 - › Компанияда таникли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;
 - › Компанияда ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;
 - › Компания ходимларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишилар ташкил этиш;
 - › янги ишга қабул қилинган Компания ходимларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик сухбатлар ташкил қилиш;
 - › Компания ходимларини малака ошириш курсларига, ҳалқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишилари учун шарт-шароит яратиб бериш.
- Комиссия Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.
- Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан Компаниянинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари билан биргаликда ташкил этилади
- Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

1.5 Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

Комиссия Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

- › Компания раҳбарининг топшириғига кўра;
- › ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;
- › Компания ходимларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;
- › ўз ташабbusи билан кўриб чиқади.

Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган Компания ходими, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг

вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Комиссия мажлисида:

- › кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;
- › Компания раҳбарининг топшириғи ёки Компания ходимии томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;
- › одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган Компания ходими ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

Компания ходими ўзининг ҳуқуки, шаъни ва қадр-қимматига, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

Мажлис якуни бўйича Комиссия Компания ходимининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиласди.

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Комиссия томонидан Компания ходимларига қуидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

- › огоҳлантириш;
- › узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
- › Компаниянинг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

Комиссия Компания ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Компания раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Комиссия томонидан қуидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

- › комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги такрор мурожаатлар;
- › аноним мурожаатлар;
- › қонунда белгилangan бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган Компания ходимига ва Компания раҳбарига ёзма равишда маълум қиласди.

Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари Компания раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи Компания раҳбарига юборади.

Комиссиянинг қарори устидан Компания раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Компания ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

Тарафлар ярашган, шунингдек Компания ходими ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошкора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин.

1. Одоб-ахлоқ қоидалари

2.1 Умумий қоидалар

“Ўзавтосаноат” АЖ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда — Одоб-ахлоқ қоидалари) “Ўзавтосаноат” АЖ ходимларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташки қўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилайди.

Одоб-ахлоқ қоидалари ходимларнинг иш фаолиятида юксак касбий маданиятни шакллантириш, Компанияга ҳалқнинг ишончини ошириш ҳамда Компания ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

Компания ходимлари ўз касбий фаолиятини қўйидаги принциплар асосида амалга ошириши шарт:

- қонунийлик;
- хизмат вазифасига фидойилик, юклangan функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- Компания манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;
- хизмат сирини қатъий сақлаш;
- берилган ваколатларни суиистеъмол қилмаслик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Компания ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда хулқатворнинг қўйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:

- Компания обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни қундалик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига қўмаклашиш;
- хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда ва бизнес ҳамкорларда Компанияга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- Компанияда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

Компания ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ ва Комплаенс қоидаларига ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал қиласди.

Компания ходимлари Одоб-ахлоқ ва Комплаенс қоидаларига риоя қилиш мажбуриятига, фуқаролар ҳамда бизнес ҳамкорлар эса Компания ходимларидан мазкур қоидаларга мос бўлган касбий маданиятни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Компания ходимларининг Одоб-ахлоқ ва Комплаенс қоидаларига риоя этиши уларнинг фаолияти ҳамда хизматдаги ахлоқини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг иш жойидаги фаолияти ва Обод-ахлоқ қоидаларини баҳолашнинг асосий меъёрларидан бири уларнинг Ахлоқ кодексига риоя қилишлариdir. Компания ходимларининг Обод-ахлоқ ва Комплаенс қоидалари ва кодекслариға риоя қилишлари келгусида уларин юқори лавозимларга тайинлашда хисобга олинади.

2.2 Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари

Компания ходимлари:

- › фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;
- › ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар ҳамда бизнес ҳамкорлар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;
- › Компания манфаатларига зарар етказувчи, фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;
- › ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши;
- › танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги;
- › асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;
- › Компания ходимлари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;
- › ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;
- › Компания мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган Компания мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;
- › хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;
- › аҳолининг Компания истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориши чораларини кўриши;
- › Компания ички ҳужжатлари, қонун билан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган ҳукуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;
- › касб этикаси ва ишchanлик услубига риоя этиши;
- › сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги керак.

Компания ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишини талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмайди.

2.3 Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари

Компания ходимлари хизмат фаолияти давомида қўйидагиларга мажбур:

-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик хужжатларига сўзсиз риоя этиш;

- Компания шаънини эъзозлаш;

- ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистъмолчиликка йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистъмолчиликка йўл қўймаслик;

-хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

- Компания бошқаруви ва ижроия органи ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

-ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

-ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бермаслик ёки пора бериш бўйича топшириқ бермаслик, пора беришни таклиф қилмаслик ёки вაъда бермаслик;

-ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилмаслик, сўрамаслик, олмаслик ёки қабул қилмаслик;

-коррупцияга қарши курашиш сиёsat талабларини тушуниш ва уларга риоя қилиш;

-ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа қимматбаҳо нарсалар ёки бойликларни бермаслик ёки олмаслик;

-хизмат сафарлари, назорат тадбирлари давомида меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай турдаги сарф-харажатларни бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширмаслик;

- Компания ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи мурожаатлар ҳақида, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида ўзининг раҳбарига зудлик билан маълум қилиш;

-ўз хизмат мажбуриятларини бажараётгандага фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг таъсиридан сақланиш, фуқаролар ҳамда юридик шахслар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

-ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан сақланиш;

- давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, улардан қонунга зид равишда фойдаланмаслик;

- ахборотларни тарқатиш қоидаларига риоя қилиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг белгиланган тартибига амал қилиш;

- биритирилган хизмат компьютери ҳамда электрон ташувчиларидағи хизматга оид маълумотларнинг хавфсиз сақланишини таъминлаш ва уларни бошқа шахсларга тарқатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

-ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, Компанияга нисбатан одамларда ишончсызлик кайфиятини юзага келтириши мүмкін бўлган материалларни жойлаштирмаслик;

-юридик шахслар, фуқаролар ва ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи маълумотлар, тухмат, ифво ва уйдирмаларни тарқатмаслик;

-мехнат ва ижро интизоми, ички тартиб қоидаларига, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

-ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;

- жамоада соғлом маънавий мухитни сақлаш чораларини кўриш;

-жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш;

-мехнат жамоасида ишchanник мухитини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

-мехнат жамоасида ҳамкасларининг шаъни ва қадр-қимматини обўсизлантирадиган шахсий ва касбий фазилатларини муҳокама қилишдан тийилиши керак.

Рахбарлар қуйидагиларга мажбур:

- қўл остидаги Компания ходимларига профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўrnak бўлиш;

- жамоада соғлом маънавий мухит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

- Компания ходимларини қонунга хилоф хатти-харакатларни амалга оширишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

- кадрларни маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш, тайинлаш ёки тавсия этишга йўл қўймаслик;

- жамоада гурӯхбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) қўринишларига йўл қўймаслик, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиш;

- Компания ходимларининг фаолиятига баҳо беришда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш;

- Компания ходимлари томонидан коррупция ва бошқа суиистеъмолчиликлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

- ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бермасилк ёки пора бериш бўйича топширик бермаслик, пора беришни таклиф қилмаслик ёки ваъда бермаслик;

- ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилмаслик, сўрамаслик, олмаслик ёки қабул қилмаслик;

- бўйсунувидаги Компания ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

- ваколати доирасида шартномалар тузиш, танловлар ўтказиш ёки розилик бериш масалаларига холис, адолатли ва қонуний ёндашиш;

- коррупцияга қарши курашиш сиёsat талабларини тушуниш ва уларга риоя қилиш;

- ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мүмкін бўлган ҳар қандай бошқа қимматбаҳо нарсалар ёки бойликларни бермаслик ёки олмаслик.

Раҳбарлар қўл остидаги Компания ходимларига қўпол муомалада бўлиши, ҳақорат қилиши, шахсиятига тегиши, уларга асоссиз танбех бериши ёки айблаши ҳамда камситиши мумкин эмас.

2.4 Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари

Компания ходимлари ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормалари га риоя қилишлари ва уларга зид бўлган хулқ-автор ва хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Компания ходимлари ишдан ташқари вақтда қуидагиларга ёндашиша мақсадга мувофиқ;

- миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

-дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, гурухбозлик, майшатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик;

-расмий эълон қилинган маълумотлардан ташқари иш фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилмаслик;

-жамоат жойларида (кафе, ресторан ва бошқа кўнгилочар масканларда) ўзини тутиш қоидалари га риоя этиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортувчи ортиқча ва салбий ҳаракатларга йўл қўймаслик;

-жамоат тартиби ва хавфсизлиги қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик, мазкур ноқонуний ҳаракатларга бошқаларни жалб этмаслик ёки даъват қилмаслик;

-хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган юридик шахслар – бизнес ҳамкор, контрагент, идора ва ташкилотлар раҳбар ва ходимларидан, бошқа мансабдор шахсларидан совғаларни қабул қилиш Компаниянинг совғалар, меҳмондўстлик, кўнгилхушлик ва саёҳат қилиш бўйича процедурасида белгиланган тартибда амалга ошириш;

-ўз номидан сиёсий тадбирларда қатнашадиган ходимлар Компания вакили сифатида буни амалга оширишга ёки бундай таассурот қолдиришга ҳақли эмас;

-хизмат автотранспорт воситаларидан хизмат фаолиятидан ташқари ҳолатларда шахсий ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик;

-иш фаолияти билан боғлиқ маълумотларни ишга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслик;

-шахсий транспорт воситаларидан фойдаланишда белгиланган тартибга амал қилиш, йўл ҳаракати қоидалари га қатъий риоя этиш;

-тадбиркорлик ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш ҳақида манфаатлар тўқнашуви ҳолати юзага келиши эҳтимоли вужудга келганда Компанияни манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатида белгиланган тартибда хабардор қилиш;

-Компанияга, илгари ўзи фаолият юритган давлат органлари ва ташкилотларига доғ туширувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиш;

-ташқи кўринишини белгиланган меъёрлар доирасида сақлаш, камтарона кийиниши, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига ортиқча жалб қиласидиган тарзда кийинмаслик.

2.5 Жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари

Компания ходимлари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши керак.

Давлат сиёсати ёки Компания фаолияти тўғрисидаги оммавий баёнотлар Компания раҳбари ёки мазкур йўналиш бўйича ваколатли мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

Куйидаги ҳолларда оммавий баёнот берилиши мумкин эмас:

- оммавий баёнот матни ва мазмуни Компания фаолиятига алоқадор бўлмаса;
- оммавий баёнотда келтириладиган ахборотлар, тижорат сири, конфиденциал ёки давлат сирлари билан боғлиқ бўлса;
- оммавий баёнот бошқа ташкилтолар, давлат органлари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансабдор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса.

Агар оммавий баёнотда фуқароларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган иборалар бўлса, Компания ходими ўз фикрларининг янгилигиги ёки нотўғрилигини тан олиши ҳамда шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига дахл қилинган фуқародан, агар қонун ҳужжатларида бошқа оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, кечирим сўраши шарт.

2.6 Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари

Компания ходимларининг хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниши ва кийиниш услуби фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига хурматини оширишга хизмат қилиши керак.

Компания ходими ташқи кўриниши меҳнат шароитлари ва хизмат турига қараб, хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида фуқароларнинг Компанияга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, холислик, камтарлик ва интизомни намоён этиши лозим.

Компания ходимларининг иш жойида ташқи кўриниши ва кийиниш услубига оид қўшимча талаблар ички меҳнат тартибида белгиланиши мумкин.

2.7 Манфаатлар тўқнашуви

Ходимнинг манфаатдорлиги карор қабул қилиш жараёнига таъсир қилиши ва шу билан Компанияга зарар етказиши мумкин бўлган тақдирда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

Компания ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Агар яқин қариндошлар бир-бирига бўйсуниб ишлайдиган бўлса, уларни ишга ёллаш ёки жойлаштириш мумкин эмас.

Ўриндошлик асосида ишлаш Компаниядаги ишга салбий таъсир кўрсатмаслиги ёки унга зид бўлмаслиги лозим бўлиб, уни фақат Компаниядаги ишдан бўш вақтда амалга

ошириш мумкин. Бунда, рақобатчи ташкилотда бир вақтнинг ўзида ишлаш қатъиян ман этилади.

Агар ходим ёки унинг яқин қариндоши Компаниянинг бизнес ҳамкори бўлган компаниядан молиявий манфаатдор бўлса, ходим бу ҳақда бевосита раҳбарига ва/ ёки Комплаенс департаментига хабар бериши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дархол хабардор қилиши шарт.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур

2.8 Инсон ҳуқуқларига риоя этиши

Компанияда барча ҳодимлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва миллий қонунчилик талабларига риоя этиши шарт.

Компанияда раҳбарият ва ҳодимлар хизмат жараёнида бир-бирларига ишонч ва хурмат, бағрикенглик, адолат ва камситмаслик тамойилларига асосланган муносабатда бўлишлари шарт.

Компанияда ҳодимларга нисбатан камситишларга йўл қўйилмайди. Ҳеч кимнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ва бошқа ҳолатларга кўра ўз ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Компаниянинг ҳар бир ҳодими ҳар қандай камситиш белгиларидан холи маданиятни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиши лозим.

Компаниянинг ҳар бир ҳодими таъқибининг ҳеч қандай кўринишига йўл қўймаслиги лозим.

Компания ва унинг тизим корхоналарида ҳар қайнадай шаклдаги мажбурий, ихтиёрий бўлмаган ва болалар меҳнатидан фойдаланиш қатъиян ман этилади ва тақиқланади.

Компанияда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳим ролни ўйнайди, унинг етарли даражада таъминлаш устувор йўналиш ҳисобланади, раҳбарият ҳамда ҳодимлар томонидан таъминланиши ва бажарилиши шарт.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасидан манфаатдор ва барча ҳодимлар учун соғлом ва хавфсиз иш муҳити тамойилига амал қиласди.

Компанияда ишчиларга меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, жумладан, улар дуч келадиган хавфлар, тегишли назорат чоралари, бинолар ва иш жойларидан хавфсиз фойдаланиш чизмалари, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни тўғри қўллашга оид тегишли маълумотлар берилиши, шунингдек, ушбу соҳада ишчилар учун мунтазам равища таълим олиб борилиши лозим.

Ҳар бир ҳодим ҳар доим ўзини ишига тегишли барча хавсизлик техникасига риоя қилиши керак.

Хавфли иш шароитларини сезган тақдирда иш дархол тўхтатилиб, бу ҳақда бевосита раҳбарга маълум қилиниши керак.

2.9 Коррупция ва пораҳўрлик

Хар бир ходим Компаниянинг коррупцияга қарши ва пораҳўрликка қарши сиёсат ва тартиб-таомилларига қатъий риоя қилиши шарт.

Компания иш юритадиган барча худудларда, маҳаллий урф-одатлар, кабул қилинган амалиёт ёки менталитетдан қатыи назар, фаолиятнинг барча соҳаларида Компания ходимларига ва Компания номидан ҳаракат қиласидиганларга пора бериш тақиқланади.

Пора накд пул, қимматбаҳо совғалар, сиёсий бадаллар, хайрия ёрдамлари, ишга жойлаш таклифлари каби турли хил фойда шаклида бўлиши мумкин. Порани аниқлашнинг минимал чегараси мавжуд эмас.

Пора сифатида расмий процедураларни соддалаштириш учун тўловлар назарда тутилиши мумкин – бу одатий вазифалар доирасига кирувчи одатдаги процедурани тезлаштириш ёки бажарилишини кафолатлаш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита, норасмий равишда сўраладиган тўлов шакли (масалан, автомобилни беришни тезлаштириш ва х.к.).

Компания ходимларига ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилиш, сўраш, олиш ёки қабул қилиш, ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бериш ёки пора бериш бўйича топшириқ бериш, пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш каби хатти-ҳаракатларга уринишлари, бунга тенг баробар амалга ошириш тақиқланади.

Компания ходимларига, ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа қимматбаҳо нарсалар ёки бойликларни бериш ёки олиш ман этилади.

Мазкур банднинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар Компания ходимларининг оила аъзолари ёки дўстлари томонидан ҳам Компания номидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ҳар қандай қимматбаҳо нарсаларни ёки имтиёзларни олиш мазкур ҳаракатлар Компания ходими томонидан шахсан амалга оширилган деб ҳисобланади.

2.10 Хайрия эҳсонлари ва тижорат ҳомийликлари

Компания спорт, маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойихаларда бошқа хайрия дастурларида иштирок этади.

Компанияда сиёсий партияларни ва сиёсий лавозимга номзодларни қўллаб-куватланмайди. Сиёсий партиялар ёки сиёсий лавозимга номзодларни тарғиб қилишда Компаниянинг номидан ҳам, ресурслари ва маблағларидан ҳам, назорати остидаги ҳар қандай корхонасидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас.

Компания номидан сиёсий бадалларни амалга ошириш ёки бундай ҳаражатларни амалга ошириш, ёхуд бирон-бир ходимга бундай бадаллар ёки ҳаражатларни қоплаш ман этилади.

Ўз номидан сиёсий тадбирларда қатнашадиган ходимлар Компания вакили сифатида буни амалга оширишга ёки бундай таассурот қолдиришга ҳақли эмас.

2.11 Корпоратив молиявий ҳисобот

Компания бухгалтерия ҳисобини юритиш, аниқ ва тўлиқ молиявий ҳисоботларни тақдим этиш стандартларига қатъий риоя қиласи.

Ҳисоботнинг қайдлари ва шакллари аниқ ҳамда тўлиқ олиб борилиши керак. Улар молиявий операцияларнинг асл моҳиятини акс эттириши лозим.

Хисобот ва қайдларни инсофсизлик билан ёки маълумотларни бузиб олиб бориш ёки бирорни чалғитишига уринилишига йўл қўйилмайди.

Компания ходимлари бухгалтерия қайдларини сохталашибтиш ва ўзини харакатларини асл моҳиятини яширишига ёки бузишига уринмаслиги керак.

Мазкур харакатлар Компанияга зарар етказмайди ёки вақтни тежашга ёрдам беради деб ҳисбланса ҳам Компаниядаги молиявий процедураларини четлаб ўтиш қатъяян ман этилади.

Ички ва ташқи аудиторлар билан ҳамкорлик қилиш ва улардан Компания тўғрисидаги маълумотларни яширмаслик керак.

2.12 Бизнес ҳамкорлар ва рақобатчилар

Компания ўз фаолиятини бизнес ҳамкорлар билан адолатли бизнес тамойили асосида олиб боради, шунингдек, эркин ва очик рақобат тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Компания етказиб берувчиларни объектив мезонларга қараб, пухта танлайди ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олади.

Етказиб берувчилар амалдаги харидлар тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ танланади.

Компаниянинг қадриятлари ва бизнес тамойилларини баҳам кўра оладиган бизнес ҳамкорларни пухта танлаш лозим.

Етказиб берувчини танлаш Компанияда амалдаги харид қилиш тартиб-таомилларига белгиланган тартибда холис ва шаффофф бўлиши керак.

Махсулотлар ва хизматлар ҳақида маълумот беришда ҳалол харакат қилиш керак.

Рақобатчиларнинг товарлари ва хизматлари билан таққослаш мутаносиб, ишончли ва текшириладиган тарзда амалга оширилиши керак.

Ходимлар ҳозирги ёки келажакдаги етказиб берувчидан шахсий манфаатга эга бўлиш мақсадида Компаниядаги расмий мавқеисини суистеъмол қиласлиги керак.

2.13 Экспорт назорати ва иқтисодий санкциялар

Компания ўз фаолиятини ҳалқаро савдо қоидаларига мувофиқ олиб бориши шарт.

Компания ходимлари Компания томонидан товарлар, дастурий таъминот, технологиялар, техник маълумотлар ва хизматларни давлат чегарасини кесиб ўтиши билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда экспорт назоратига оид қонунлар ва қоидаларга риоя қилишлари мажбур.

Кўзда тутилмаган хукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, шунингдек, корпоратив жавобгарлик доирасида Компания АҚШ, Европа Иттифоқи ва Буюк Британия қонунларининг айрим мамлакатлар, шахслар, шахслар гуруҳлари ва бизнеснинг барча худудларидаги ташкилотлар билан иш юритишни чеклайдиган талабларига риоя қиласи ва Компания ходимлардан ушбу тартиб таъминланиши талаб этилади.

Компания ходимлари хизмат фаолиятига тааллуқли бўлган савдо қонунлари ва қоидаларини билиши ва уларга риоя қилиши ҳамда ушбу қоидалар мураккаб ва тез-тез ўзгариб туришини инобатга олиб, қонунчилик тўғрисида ўз билимини ошириб туриши мақсадга мувофиқ.

Савдо чекловлари ўзгариши мумкинлиги сабабли, Компания масъул ходимлари Компания томонидан яқин орада тижорат фаолияти амалга оширилмаган мамлакатда бизнесни бошлишдан олдин Комплаенс департаменти билан маслаҳатлаши мақсадга мувофиқ.

2.14 Пулларни ювиш ва терроризмни молиялаштиришда иштирокни тақиқлаш

Компания жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилади.

Компания ходимлари фақат қонуний фаолият билан шуғулланадиган ва фақат қонуний манбалардан даромад оладиган ишончли мижозлар ва бизнес ҳамкорлар билан бизнес қилиш учун барча мумкин бўлган олдини олиш чораларидан фойдаланиши керак.

Компания ходимлари мансаб ваколати доирасида Компания томонидан лойиха ёки шартнома билан боғлиқ бўлмаган томонлардан тўловларни қабул қилишига йўл кўйилмаслиги керак.

Компания томонидан ўз сиёсатига зид ностандарт тўлов усуслари олинишига йўл кўйилмайди.

2.15 Ҳалол рақобат

Компания эркин, адолатли ва ҳалол рақобат тамоийилларига риоя қилади.

Компания ходимлари Компания томонидан монополияга қарши қонунчиликка зид ёки унга қарши бўлган шартномалар тузишига йўл қўймаслиги керак.

Компания ходимлари рақобатчилар билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархи ва нархларнинг ҳосил бўлиш принципларини муҳокама қилмаслиги керак.

Рақобатчилар билан сухбатлар жараёнида Компаниянинг стратегик қарорлари ва жамоатчилик учун очиқ бўлмаган ва рақибларга ошкор бўлмаслиги лозим бўлган бошқа маълумотларни муҳокама қилиш ман этилади.

2.16 Атроф-муҳит

Компания барча қонуний талабларни тўлиқ бажариш билан бир қаторда, доимий равишда табиий ресурслардан масъулиятили фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш орқали ўз фаолиятининг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга интилади.

Компания ходимларига Компанияда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қонунчлиги талаблари бузилишлари ҳолатлари маълум бўлганда дарҳол раҳбариятга хабар берилishi керак.

2.17 Компания маълумотлари ва активлари муҳофазаси

Хар бир ходимнинг вазифаси Компаниянинг мулки ва ресурсларидан иложи борича самарали фойдаланишдир. Компания ходимлари Компанияни мулкини ва интеллектуал мулкини (жумладан, муаллифлик ҳуқуқи, Патентлар ва ноу-хаулар, товар белгилари), шунингдек, унга тегишли бўлган маҳфий маълумотларни ҳамда ходимларнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилишга масъул ва мажбурдир.

Шахсий маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишининг бошқа турлари фақат қонуний асосларда ёки манфаатдор шахснинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Компания ходимлари:

- ҳеч қандай махфий материалларни ўқиш ёки кўриш рухсатига эга бўлмаган шахслар, ушбу харакатларни бажармаслигига амин бўлиши;
- махфий масалалар жамоат жойларида баланд овозда муҳокама қилмаслиги;
- Компаниянинг махфий маълумотларини яқин қариндошларига, ёки таниш ва дўстларига, шунингдек, ушбу маълумот билан танишиш учун рухсати бўлмаган шахсларга ошкор қилмаслиги;
- етказиб берувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш;
- Компания томонидан ёки Компания учун тўпланган шахсий маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;
- агар ходимнинг шахсий маълумотлари ходим учун очик бўлса, ушбу маълумотни йўқотилиш, нотўғри фойдаланиш, унга рухсатсиз кириш, ошкор қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилишдан ҳимоя қилиш учун эҳтиёт чораларини кўриши керак.

2.18 Компания ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш

Компания ходимларини хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-харакатлардан ҳимоя қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа хуқуқбузарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунингдек, ҳамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик кўрилаётган қонунбузилишлар ҳақида хабар берган ходимларни вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

2.19 Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

Компания ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти ёки Одоб-ахлоқ комиссиси томонидан амалга оширилади.

Компанияга ишга қабул қилинган Компания ходимлари ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан тилхат асосида имзо кўйдирган ҳолда таништирилади.

Мазкур Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича хизмат текшируви Компания раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти томонидан ўтказилади.

2.20 Комплаенс сертификатини расмийлаштириш

Комплаенс назоратига оид сиёсатлар тўплами – Handbook (кейинги ўринларда – Кўлланма)да назарда тутилган тамойиллар доимий равищда Компаниянинг корпоратив сиёсатининг асосий қисмини ташкил этиши лозим. Компанияга ишга қабул қилинган ҳар бир ходим Одоб-ахлоқ кодекси ва Кўлланмани олганидан сўнг ҳар йили Одоб-ахлоқ кодекси ва Кўлланмани олганлигини, танишиб чиққанлигини, шунингдек ўқув машғулотларида иштирок этганлигини ва улар Одоб-ахлоқ кодекси ва Кўлланманинг қоидаларига риоя этаётганлигини “A-1” шаклдаги Комплаенс сертификати билан тасдиқлаши лозим. (“A-1” шаклдаги Комплаенс сертификати илова қилинади)

Мазкур сертификат ходим билан меҳнат шартномаси тузиш чоғида ва ҳар йили йил бошида ходимга тақдим этилади. Ходим томонидан “A-1” шаклдаги Комплаенс сертификати тўлдирилади ва Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан қабул қилиниб, ходимнинг шахсий йишиш жилдига тикиб қўйилади. Ходим Комплаенс сертификатида келтирилган ҳар бир банд бўйича киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига шахсан жавобгардир.

2.21 Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик

Компания ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Компания ходимларига қуидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

- огоҳлантириш;
- узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
- Компания коллегиал йиғилишларида танбеҳ бериш.

Одоб-ахлоқ комиссияси Компания ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Компания раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси одоб-ахлоқ қоидалари Компания раҳбари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи Компания бошқарув органига юборади.

Компания ходими Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

A-1 шакл: Комплаенс сертификати

Мазкур Қўлланмада баён этилган тартиб-тамойиллар Компаниянинг корпоратив маданиятининг асосий қисмини ташкил этади. Ҳар бир Компания ходими ишга қабул қилинган вақтида ва йилда бир бор Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланма олиб, танишгандан сўнг, Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланмани олганлиги ва танишланлиги, шунингдек ўкув машғулотларида иштирок этганликларини ва улар Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланманинг қоидаларига мувофиқ фаолият юритишлари бўйича қўйидаги шаклга имзо қўйиш орқали тасдиқлайдилар:

Ф.И.Ш.: _____

Ташкилот: _____

Бошқарма: _____

Лавозим: _____

Мен ушбу билан тасдиқлайман:

- (1) Мен Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланмани олдим ва улар билан танишиб чиқдим.
- (2) Комплаенс бўйича ўкув машғулотларида иштирок этдим.
- (3) Мен Одоб-ахлоқ кодекси, Қўлланма ва бошқа барча тегишли қонунлар ва йўриқномаларнинг қоидаларига амал қиласман ҳамда фоалиятим соҳасида уларга амал қилишни ва ижросини таъминлашни қўллаб-куватлайман.
- (4) Мен Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланма, шунингдек Компаниядаги фаолиятим билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатлари ва қоидаларига қарши бўлган ҳар қандай тадбирларда иштирок этмайман / этмадим.
- (5) Мен Компания раҳбарияти, масъул шахси ва ходими томонидан Одоб-ахлоқ кодекси ва Қўлланма ёки амалдаги қонун ҳужжатлари ва қоидаларининг бузулганлиги ёки бузилиши мумкин бўлиши тўғрисидаги маълумотга эга эмасман.
- (6) Мен мансабдор шахсга (Қўлланмада кўрсатилганидек) унинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда Компания фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, кўмаклашиш ёки тегишли афзаликлар олиш учун бевосита ёки билvosita пора ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюмлар таклиф этмаганман, ваъда қилмаганман ва ҳаракат ҳам қилмаганман.
- (7) Мен бевосита ёки билvosita ҳеч бир шахсга унинг тадбиркорлиги ёки иш фаолияти билан боғлиқ корпоратив бошқарув органи ёки бошқа шахслар номидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширишга ундаш мақсадида пора ёки ҳеч қандай қимматбаҳо буюмлар таклиф этмаганман, ваъда қилмаганман ва ҳаракат ҳам қилмаганман.
- (8) Мен Компаниядаги фаолиятим билан боғлиқ бирор бир вазифани ўрнатилган қоидаларга зид равишда бажаришим учун пора ёки ҳеч қандай қимматбаҳо буюмларни олмаганман, талаб қилмаганман ёки олишга уринмаганман.
- (9) Мен бевосита ёки билvosita ноқонуний пулларни легаллаштириш, тероризм ёки тероризм билан боғлиқ фаолиятни молиялаштириш ишларида иштирок этмаганман.

(10) Мен иқтисодий санкциялар ва эмбарголар (таъқиқ) рўйхатига киритилган томонлар билан ҳеч қандай битимларга киришмаганман.

(11) Мен санкциялар қўлланилган мамлакатлар ва ҳудудлардан/га, хусусан Куба, Эрон, Сурия, Шимолий Корея, Россия ва Украинанинг Донецк, Луганцк ҳамда Кримга/дан товарлар жўнатиш билан шуғулланувчи корхоналар билан ҳеч қандай битимларга киришмаганман.

(12) Мен Компания томонидан ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситаларини тарқатиш ва сотиш билан шуғулланувчи дилер компаниялар ва дистрибутерлар билан, ёки Компаниянинг бошқа контрагентлари ва афилланган шахслари билан бевосита ёки билвосита алоқадор эмасман, қўйидагилар бундан истисно:

(13) Менинг ҳеч қайси бир оила аъзоларим (яъни, ота-онам, турмуш ўртоғим, бошқа муҳим шахслар, фарзандим ёки ака-укаларим) Компания томонидан ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситаларини тарқатиш ва сотиш билан шуғулланувчи дилер компаниялар ва дистрибутерлар ёки Компаниянинг бошқа контрагентлари ва афилланган шахслари билан бевосита ёки билвосита алоқадор эмас, қўйидагилар бундан истисно:

(14) Мен Компания ва унинг номидан иш олиб борадиган ҳар қандай тузилмага вужудга келиши мумкин бўлган комплаенс назорат билан боғлиқ бўлган, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда фирибгарлик, коррупция, ноқонуний маблағларни легаллаштириш, иқтисодий санкциялар ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қоидабузарликларни текшириш мақсадида Компания томонидан тақдим этилган компьютер, ноутбук, телефон қурилмаларини текширишга розилик билдираман.

_____ (жой)

_____ (сана)

_____ (имзо)

X. Компания сиёсатлари ва тартиб-таомилларини бузилиши

Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти

Барча ҳодимлар қонун, компания сиёсатлари, йўриқнома ёки низомлар, аҳлоқ ва комплаенс нормалари, ёки ушбу кўлланма қоидалари бузулишлари тўғрисида зудлик билан Комплаенс департаменти дерикторига хабар беришлари шарт.

Комплаенс хизмати ҳодимлари билан қўйидаги +998-78-140-76-70 телефон рақам ёки compliance@uzavtosanoat.uz электрон манзили орқали боғланиш мумкин. Жумладан Комплаенс департаменти бошлиғига Тошкент шаҳри, 100000 Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 13, Комплаенс хизмати манзилига ҳат ёзиш орқали боғланишингиз мумкин.

Агар Компаенс департаменти бошлиги билан боғлиқ шубҳаларинингиз мавжуд бўлса, Ички аудитга маълумот беришингиз керак.

Ишонч телефони

Ҳодимлар +998-78-140-76-66 телефон рақамларига шахсини сир тутган равища маълумот беришлари мумкин. Ишонч телефон рақамлари орқали маълумот берадётган ҳодимларнинг шахси ошкор этилиши талаб этилмайди.

Махфийлик

Ишонч телефони орқали ёки тўғридан тўғри Комплаенс хизмати раҳбарига ёки ўзининг раҳбарига яхши ниятда етказилган қонун, компания сиёсатлари, йўриқнома ёки низомлар, аҳлоқ ва комплаенс нормалари, ёки ушбу кўлланма қоидалари бузулишлари тўғрисидаги маълумотлар махфий саналади. Маълумотлар фақат тегишли ва ишончли ҳодимларга етказилади. Маълумот берган ҳодимни қоралаш мақсадида маълумот бериш тизимини айланиб ўтишга тоқат қилинмайди. Яхши ният - бу потенциал хатоликни олдини олишга ишониб маълумот етказиш ва бу ушбу йўриқноманинг мақсадларини акс эттиради. Яхши нийят билан тўғри ва аниқ маълумот тақдим этилиши керак.

Таъқиб этилмаслик

Қонунлар, компания сиёсатлари, йўриқнома ёки низомлар, аҳлоқ ва комплаенс нормалари, ёки ушбу йўриқнома қоидалари бузулишлари тўғрисида хабар берганликлари учун ҳодимлар хеч қандай йўл билан босим остида қолишига тоқат қилинмайди. Ушбу талабнинг бузган ҳодимга нисбатан тегишли тартибда ички локал ҳужжатларда белгиланган тартибда чора кўрилиши мумкин.

Маълумот берган ҳодимнинг ўзи юқорида келтирилган қоидабузарликларга алоқадор холатларда, Компания ҳодимга нисбатан чора кўришдан аввал берилган маълумот натижасида Компания йўқотишиларини олди олинганлигини текшириш талаб этади.

1.1 Умумий қоидалар

Мазкур Регламент:

“Ўзавтосаноат” АЖда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

Ходимларнинг Одоб-ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда Кодекс деб юритилади), Компаниянинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги сиёsat ва тартиб-таомиллари, амалдаги қонунлар ва норматив хужжатларнинг бузилиши ҳамда Компания, унинг назорати остидаги корхоналар ёки ходимларга дахлдор ноўрин хатти-ҳаракатлар ёхуд потенциал қоидабузарликлар ҳақида зудлик билан хабар бериш зарурлиги хусусида аниқ баёнот бериш;

мумкин бўлган қоидабузарликлар ёки нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида, хавотир ва муаммолар юзасидан хабар беришнинг тегишли усуслари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш;

Ходимларга таъқибдан кўрқмаган ҳолда хавотир ва муаммолар юзасидан хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур Регламент:

– Компаниядаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўtkазиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Компания раҳбарига хисобот тақдим этиш тартибини белгилаш;

– барча ходимлар, Бизнес ҳамкорлар ёки учинчи шахсларни улар ноқонуний, ахлоқсиз, қонундан ташқари ёки ноўрин хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин деган гумон қилган муаммолар тўғрисида махфий мурожаат қилиши ва хабар берishiда қўллаб-қувватлаш;

– бундай хабарларни тақдим этиш ёки улар билан ишлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;

– маълумотларнинг бундай фош этилиши жиддий ва махфий тартибда кўриб чиқилиши, шу боис ариза берувчи бирон-бир жавоб чораларидан хавфсирамаслиги мумкинлигибўйича ишончни таъминлаш;

– очиқлик, инсофлилик ва ҳалоллик билан боғлиқ комплаенс маданиятини ёйиш ва ривожлантиришда ёрдам беришга қаратилган.

Регламент Компанияга, ходимлар, Бизнес ҳамкорлар / контрагентлар ҳамда Компания назорати остидаги корхоналарга нисбатан татбиқ этилади.

Компания акцияларнинг улушига эга бўлмаган корхоналарнинг ходимлари, мансабдор шахслари ва директорлари ҳам ушбу Регламент ёки шунга ўхшаш стандартларга риоя қилишлари назарда тутилади.

Регламент хабар беришнинг бошқа механизмларини, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш тартибини тўлдиради, лекин уларни алмаштиrmайди.

Ушбу Регламент ва бошқа амалдаги сиёsat ҳамда процедуралар амал қилиниши лозим бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар маҳаллий қонунлар, норматив-хукуқий хужжатлар ёки қонунисти хужжатларида юқори талаблар белгиланган бўлса, у ҳолда Компания янада қатъириқ талабларга риоя қиласди. Агар Назорат остидаги корхона ушбу Регламентда кўрсатилганидан енгилроқ талабларни қабул қилмоқчи бўлса, у Комплаенс ва ишлаб чиқариш-молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментидан (кейини ўринларда – Комплаенс департаменти) ёзма розилик олиши лозим бўлади.

Регламент мижозларнинг Кодекс ва комплаенс бўйича бошқа сиёsat ҳамда тартибтаомилларнинг потенциал бузилишларига боғлиқ бўлмаган умумий шикоятларига (масалан, хизмат сифати, нархлар) ва ходимларнинг меҳнат муносабатларига оид шикоятларига (масалан, бонуслар, иш фаолиятини баҳолаш, бошқарув қарорлари ва бошқалар) нисбатан қўлланилмайди.

Мазкур Регламент мақсадларида куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупцияга қарши қурашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички хужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Компания ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чоратадбирлар мажмуи;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Компаниядаги коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа қўринишдаги мулк ва мулкий хукуклар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид хукуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Компания номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи.

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар қўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

ишонч телефони – Компанияга телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

таалуқли хабар – Компаниядаги коррупциявий ҳаракатлар, қоидабузарликлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви хақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

Назорати остидаги корхона – Компания ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун иштирок этиш сабабли тобе ва (ёки) шўъба корхонаси, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.

учинчи томон – Компания ёки унинг назорати остидаги корхонадан шартнома тузиш тўғрисида таклиф олган ёки Компания ёки Назорат остидаги корхона билан бизнес ёки бошқа алоқалар ўрнатишни таклиф қилган жисмоний ёки юридик шахс.

Компания коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфеденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларидағи хабарлардан фойдаланишга рухсат берилиган Компаниянинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборгандиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Компания унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди. Компания номаъкул хулқ-атвор ёки ғайрионуний хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги даъволарни сир сақлайди ва уларни амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқади. Мулоқотнинг танланган усулидан қатъи назар, агар маҳфийликни сақлаш тўғрисида сўров келиб тушган бўлса, Компания миллий қонунчиликка мувофиқ рухсат этилган дараҷада маҳфийлик тўғрисида қайгуради (ғамхўрлик қилади);

қонунийлик – Компания алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равищда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

қоидабузарлик – амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бузилиши ҳамда Компания, унинг назорати остидаги корхоналар ёки ходимларга даҳлдор ноўрин хатти-ҳаракатлар ёхуд потенциал қоидабузарларлик ёхуд жиноят содир этилганлик.

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Компания ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди. Компания ходимлари хавотирларнинг сабаблари ва юзага келиши мумкин бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш туфайли нокулайлик вазиятда қолмаслиги лозим. Компания хавотир сабаби ва юзага келиши мумкин бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлар тўғрисида вижданан хабар берган ҳар қандай шахсга нисбатан жавоб ҳаракатлари, таъқиб қилиш ва кейинги камситишларга тоқат қилмайди. Вижданан “ишонч каналлари”дан фойдаланганларга нисбатан бирон-бир душманларча хатти-ҳаракатларин амалга оширадиган, уларни таъқиб қиладиган ёки таъқиб қилишга уринадиган Ходимлар меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиладилар;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Компания томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Компания айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади;

мурожаатларга жиддий эътибор қаратиш – Компания мумкин бўлган Регламент бузилишлари ёки номаъкул хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги барча хабарларни жиддий қабул қилади ва барча ишончли айловларни ўрганиш ва текшириш мажбуриягини олади. Хабарни ушбу Регламентда кўзда тутилган тартибда олган барча шахслар ундаги маълумотларни

махфий деб ҳисоблашлари ва муаммо ҳақида маълум қилган шахсга ҳурмат билан қарашлари шарт;

хабарларнинг ҳалол ниятларда етказилиши – шаффоффлик ва ошкораликни тъминлаш ва “ишонч каналлари”ни рағбатлантириш жуда мухимдир. Ўз навбатида, маълумотлар ҳалол ва вижданан ҳамда хабардорлик асосида етказилиши керак. Қасддан сохта хабар юбориш, муаммо ёки хавотир ҳақида ғаразли ниятлар билан хабар бериш Кодексга зид бўлиб, ушбу Регламент бузилган ҳисобланади.

1.2 Коррупцияга оид ҳаракатлар ёки қоидабузарликлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

Хавотирларнинг сабаблари тўғрисидаги хабарлар ва Ушбу Регламентга мувофик юзага келиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ёки номаъқул хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги даъволарни ўз ичига олган маълумотлар хабар берувчи шахснинг танловига биноан бунинг учун бир неча таклиф қилинган каналлар орқали берилиши мумкин. Қуйида айтиб ўтилганидек, ушбу каналларнинг баъзилари махфийликни таъминлайди.

Таалуқли хабар қўйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

– Тўғридан-тўғри хабар бериш: Ходимлар тўғридан-тўғри ўзларининг раҳбарига, Комплаенс департаментининг жойлардаги вакилларига, Юридик ёки Ходимлар билан ишлаш бошқармаларига хабар юборишлари мумкин.

– Онлайн: Компаниянинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

– Компаниянинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebookдаги расмий саҳифаси (<https://www.facebook.com/>_____)) орқали;

– Компаниянинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

– Компаниянинг телеграм боти [@UzAutoSanoat_compliance_bot](https://t.me/UzAutoSanoat_compliance_bot))

– Компанияга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

– хукуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

– мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

Компания алоқа каналлари тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Компания биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

1.3 Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

Компаниянинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти (кейинги ўринларда – Комплаенс департаменти) Компаниянинг алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишига масъул ҳисобланади.

Хабарни юборишда қўйидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- хабарда кўрсатилган қоидабузарликка аралашган шахснинг исми, лавозими ва/ ёки ишлайдиган бўлими;
- кўриб чиқилаётган қоидабузарлик содир бўлган сана (агар маълум бўлса, ой, йил ва санаси);
- илгари ҳам Компанияда ёки унинг назорати остидаги корхонада бирон-бир киши ушбу масала юзасидан хавотирлик билдирганми, агар шундай бўлса, кейин қандай чоралар кўрилган;
- ахборот манбаи маълумотларнинг сир сақланишини хоҳлайдими;
- Компания мурожаатчиларга мурожаат натижаларини белгиланган тартибда етказиш имкониятига эга бўлиши учун мурожаатчиларнинг алоқа маълумотлари.

Компаниянинг қўйидаги алоқа каналларидан келиб тушган таалуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги Компанияларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Компаниянинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Компания раҳбарига чиқарилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали
- Компаниянинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали
- Компаниянинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали)
- Компанияга оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш
- ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

Компаниянинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Комплаенс департаменти масъул ходими тайинланади.

Бунда, таалуқли хабар келиб тушганда Комплаенс департаменти масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Компания раҳбарига киритади.

Комплаенс департаменти масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қиласи. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, хужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденцијаллигини билдиради, Қонун хужжатларида ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги маълумотлар ва материаллар бундан мустасно. Мазкур маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

Компания раҳбари таалуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Компаниянинг Комплаенс департаментига топшириқ туширади.

Компаниянинг Комплаенс департаменти таалуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичидаги уни иловага мувофиқ шаклда Компанияда коррупцияга оид харакатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 2.4-бандига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

Компания мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий харакатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Компаниянинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуидагиларни амалга ошириши лозим:

– Компанияга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

– қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва хар томонлами ўргана олмасликларини билдириши;

– мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласи (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Telegramдаги махфий чат ва.б.);

– Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабар бериши шарт.

– Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабар бериши шарт.

– Жиноят содир этилганлик тўғрисида хабар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ аноним тарзда берилиши ман этилади.

Компания ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий хукуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

Олинган хабарлар бўйича барча таалуқли материаллар, хужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Маъмурият ва хужжатлар ижроси назорати бошқармасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

Таалуқли хабар Компаниянинг тизим корхоналарига келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда мазкур корхона раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (мавжуд бўлса) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қиласи, улар ўз навбатида ушбу хабарни

Компаниянинг Комплаенс департаментига юборади. Комплаенс департаменти олинган хабарни мазкур Регламентнинг 2.4-бандида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

Компаниянинг тизим корхоналари ўз Реестрларини юритади.

1.4 Коррупциявий харакатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиши

Комплаенс департаментига келиб тушган барча таалуқли хабарлар ушбу департаментнинг масъул ходимлари ёки Компания раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

Таалуқли хабар келиб тушганда Комплаенс департаменти ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуқлилигини таҳлил қиласди, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Компания тизимига таалуқли коррупцияга оид хукуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш таалуқли хабар Комплаенс департаментига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги маълумотлар дарҳол кўриб чиқиласди ва бу ҳақида раҳбарият ва тегишли хукуқни муҳофаза қилувчи органлари хабардор қилинади.

Мазкур Регламентнинг 27-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

Агар Комплаенс департаменти ходими хабар таалуқли эмас деган хulosага келса, бу хабар бир иш куни ичида Компаниянинг тегишли тузилмасига билдириги асосида ўтказилиши лозим.

Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Комплаенс департаменти ходими ички идоравий хужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

Таалуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Компанияга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган холларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Компаниянинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоги билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

Мурожаатга жавоб Комплаенс департаменти томонидан тайёрланиб, Компания раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

Таалуқли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

1.5 Ҳисобдорлик

Реестрдан Комплаенс департаменти ходимлари, хабарларни кўриб чиқишида иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва Компанияларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Компания раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринбосари фойдаланиши мумкин.

Реестр маълумотлари асосида Комплаенс департаменти ҳар чоракда Компания раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга таалуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- келиб тушган таалуқли хабарлар ва кўриб чиқилган таалуқли хабарлар сони;

- қоидабузарликлар, коррупциявий харакатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган таалуқли хабарлар сони;
- кўриб чиқиши муддатлари бузилган таалуқли хабарлар сони;
- таалуқли хабарларни кўриб чиқишининг ўртача муддати;
- мурожаатчилар томонидан энг қўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

1.6 Якуний қоидалар

Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар түгрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва күриб чиқиши регламентига 1-илова

Компанияда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидағы хабарларни қабул қилиши реестри

N o	Хабар келиб тушган сана	Худуд	Хабар нинг тоифаси (коррупция вий хатти-харакат, манфаатла р түкна шуві)	Мурожаатлар билан ишлеши тизим ида рўйхатта олинг ан сана ва раками	Хабар юборилган алоқа канали	Мурожаатчи маълумотлари (жисмоний ёки юридик шахс, кайта алоқа маълумотлари)	Хабар кискача мазмани	Хабар таалукли бўлган тузи лма	Кўриб чиқишилари канаотлантирилди/ тушунтариш берилдидан колдирилди	Мурожаатчига жавоб юбори лган сана ва хатраками	Ижрочи	Хабарни кўриб чиқкан тузилма раҳбари	Изоҳ
1.													
2.													

2. Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган ходимларни рағбатлантириш сиёсати

2.1 Умумий қоидалар

Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Конуни, Президентнинг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-81-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, «Ўзавтосаноат» АЖ ички ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Асосий тушунчалар:

- **коррупцияга оид хукуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;
- **коррупцияга оид хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)** – содир этишга уриниш тегишли ўрганиш ёки текшириш натижаларига кўра тасдиқланган, бироқ ходимнинг ўз хоҳиши билан якунланмаган коррупция аломатларига эга ҳаракат (ҳаракатсизлик);

Ушбу Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

- **коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган ходимлар** – Компания ишчи-ходимлари;
- **коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш** – Компания ва унинг тизим корхоналарида тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар бериш;
- **коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашиш** – коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишида бевосита қўмаклашиш;
- **коррупцияга оид маъмурий хукуқбузарликлар** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган хукуқбузарликлар;
- **коррупцияга оид жиноятлар** – Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 – 214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятлар;
- **коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи органлар** (кейинги ўринларда – коррупцияга қарши курашувчи органлар) – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;
- **маҳсус комиссия** – коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган ходимларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун Компания раҳбарии буйруғи билан камида 5 киши (тоқ сон), яъни комиссия раиси ва аъзоларидан иборат доимий фаолият кўрсатувчи маҳсус комиссия тузилади.

Күйидагилар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда күмаклашған ходимларни рағбатлантиришнинг (кейинги үринларда – рағбатлантириш) асосий вазифалари ҳисобланади:

- Компанияда коррупциянинг барча күренишларынан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳадаги сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- коррупцияга оид жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон берәйтган шарт-шароитларни ўз вақтида аниклаш ва бартараф этиш;
- ходимларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага құшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

Рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилық, холислик, ошкоралик, ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлегини таъминлаш ва хохиш-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилади.

Ушбу Сиёсат талаблари қүйидаги ходимларга нисбатан татбиқ этилмайды:

- Компаниянинг ички ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық ҳақида келиб тушған хабарларни күриб чиқиш ва хизмат текширувларни ўтказишга ваколатланған ходимлар;
- қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида ўз ихтиёри билан арз қылған ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарларни бевосита содир этган ходимлар.

Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида белгиланади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық ҳақида хабарларга асосан, Комплаенс департаменти томонидан ўрганиш, заруратта кўра хизмат текшируви ўтказилиб, якунига кўра тўпланған ҳужжатлар тегишли муносабат билдириш учун Компания раҳбариятига юборилади.

2.2 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда күмаклашған ходимларни рағбатлантириш асослари ва турлари

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық ҳақида Компания раҳбариятига ёки бевосита Комплаенс департаментига хабар берилиб, шунга асосан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық фош этилган тақдирда, хабар берувчи ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда күмаклашған ходимлар бир марталик пул мукофоти, совға ёки ташаккурнома билан рағбатлантирилади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлық ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда күмаклашған ходимлар қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

- а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлық ҳақида берилған хабар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;
- б) коррупцияга оид жиноий ҳуқуқбузарлық ҳақида берилған хабар учун:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

- унча оғир бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

- оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

- ўта оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида.

Бунда, айни бир ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабарлар учун бир марталик пул мукофоти хабар берувчилар ўртасида солидар тартибда тақсимланади.

Эсдалик совфа қиймати берилган хабарнинг натижасига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг икки, беш, ўн ва ўн беш бараваригача бўлиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходим:

- икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари;

- ҳар хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб оғирроқ таснифи бўйича бир марта;

- бир хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун бир марта рағбатлантирилиши мумкин.

Қуйидаги қарорлардан бири қабул қилингандан сўнг рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан суднинг айблов ҳукми ёки қарори қонуний кучга кирганда;

- ҳолат юзасидан ўтказилган хизмат текшируви далолатномаси тасдиқланганидан сўнг.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Компания маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2.3 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиши комиссияси

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиши учун Компания раҳбари буйруғи билан камида 5 киши (ток сон), яъни комиссия раиси ва аъзоларидан иборат доимий фаолият кўрсатувчи маҳсус комиссия тузилади.

Комиссия фаолияти, шунингдек тегишли низом билан тартибга солинади.

Маҳсус комиссия таркиби Компания Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

Маҳсус комиссия таркибида Комплаенс департаменти раҳбари бўлиши шарт.

Махсус комиссия котиби овоз бериш хукуқисиз ушбу Сиёсатнинг 3.1-бандида белгиланган комиссия таркибига қўшимча равишда комиссия тасдиқланган буйруқ билан Комплаенс департаменти ходимлари орасидан ишдан ажралмаган ҳолда тайинланади.

Махсус комиссия хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш учун келиб тушган хужжатларни ўрганади.

Хукуқбузарлик ҳақидаги хабар ва коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда берилган қўмакнинг коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этишда ёки олдини олишдаги аҳамияти ҳамда эришилган натижани инобатга олиб, мазкур Сиёсатга мувофиқ рағбатлантиришнинг тури ва миқдорини аниқлайди ёки рағбатлантиришни рад этади.

Махсус комиссия йигилиши рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун тақдимнома(лар) келиб тушган кундан бошлаб уч иш кун ичида ўтказилади.

Қоида тариқасида, тақдимномалар хукуқбузарлик ҳақидаги хабар берган ходимларга нисбатан Компаниянинг Комплаенс департаменти, коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда берилган қўмак учун хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шунингдек, Компаниянинг «Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш бўйича комиссияси тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Тақдимнома мазкур Сиёсатнинг 4-бобида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Махсус комиссия Компаниянинг барча тармоқларидан ишга алоқадор хужжатларни кўриб чиқиш учун талаб килиш, ишнинг моҳиятини очиқлаш учун мутахассис хулосаси зарур бўлса, мутахассис жалб қилиш хукуқига эга.

Бунда, жалб қилинган мутахассисга хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларга оид маълумотлар ошкор этилмайди.

Махсус комиссияга келиб тушган тақдимнома ва илова қилинган хужжатлар, комиссия қарорлари ҳамда бошқа хужжатлар архивга оид қонун-хужжатлари ва ички меъёрий қоидаларга мувофиқ сақланади.

2.4 Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш ва рағбатлантириш тартиби

Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш масаласи Сиёсатнинг 3.1-бандида белгиланган тартибда тузиладиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Ходимларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар бўйича юритилган ишлар юзасидан мазкур Сиёсатнинг 2.5-бандида кўрсатилган қарорлардан бири қабул қилинганидан сўнг, Сиёсатнинг 3.5-бани тартибida комиссияга мурожаат (тақдимнома) киритилади.

Тақдимномага рағбатлантириш учун асос бўлувчи қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

- рўйхатдан ўтган ариза нусхаси ёки оғзаки берилган хабарни тасдиқловчи маълумотлар;

- суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки айлов хукми нусхаси;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларнинг шахсий ҳисобварафи бўлган банк реквизитлари.

Рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш ҳақидаги тақдимнома ва унга илова қилинган асословчи ҳужжатлар рағбатлантириш учун асос юзага келган кундан бошлаб уч иш куни ичидан махсус комиссияга тақдим этилади.

Махсус комиссия томонидан рағбатлантиришга оид ҳужжатлар олинган кундан бошлаб уч иш куни ичидан котиб тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, асослилиги ва ушбу Сиёсат талабларига риоя қилинганлиги кўриб чиқади.

Келиб тушган тақдимнома ва илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ва уларни расмийлаштиришда ушбу Сиёсат талабларига риоя қилинмагани аниқланган тақдирда, котиб махсус комиссия раисини хабардор қилган ҳолда, икки иш куни ичидан ҳужжатларни ижрочига қайтаради.

Қайтарилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар ушбу Сиёсат талаблари асосида қайта тақдим этилиши мумкин.

Дастлабки ўрганиш ижобий якунланганда, махсус комиссия аъзоларига комиссия раиси имзоси билан йиғилиш ўтказиш жойи, вақти ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилган хабар юборилади.

Рағбатлантириш бўйича махсус комиссия томонидан чиқарилган қарорлар баённома шаклида «ХДФУ» устхати билан расмийлаштирилади.

Баённомада келиб тушган хабар мазмуни, аниқланган ҳолатлар, эришилган натижа ҳамда рағбатлантириш тури ва миқдори аниқ кўрсатилади.

Компания махсус комиссиянинг тегишли қарори асосида комиссия масъул котиби томонидан бир иш куни ичидан бир марталик пул мукофоти, эсадалик совғаси ёки ташаккурнома билан тақдирлаш ҳақида Компания раҳбари буйруғи лойиҳаси («ХДФУ» устхати билан) тайёрланади.

Буйруқда рағбатлантириш сабаби ва махсус комиссия баёнидан иқтиbosлар киритилмайди, лекин тегишли баённомага ҳавола қилинади.

Буйруқ тасдиқланганидан сўнг, Компаниянинг хизмат доирасида фойдаланиш учун ҳужжатлар билан ишлаш тартибига мувофиқ ижроси таъминланади.

Бир марталик пул мукофоти бухгалтерия хизмати томонидан ўн иш куни ичидан тўлаб берилади, эсадалик совғаси эса, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ совға қилинадиган буюм харид қилингандан сўнг, махсус комиссия томонидан беш иш куни ичидан топширилади.

Коррупцияга оид хукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш учун берилган пул мукофотлари ва эсадалик совғалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кобексига мувофиқ солиққа тортилади.

2.5 Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни таъқибга олинмаслиги кафолати ва шахсини сир тутиш тартиби

Ходимлар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар ҳақидаги маълумотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида сир тутилади.

Ходимлар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар ҳақидаги маълумотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида ошкор этилиши мумкин.

Ходимлар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларини ҳимоя қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.6 Статистик маълумотларни жамлаш тартиби

Компания хисобидан рағбатлантирилган ходимлар ва уларни рағбатлантириш ишлари хисоби Комплаенс департаменти томонидан юритилади.

Ходимлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа ваколатли давлат органларига статистик маълумот берилиши мумкин.

2.7 Якуний қоидалар

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ушбу Сиёsat талаблари бузилганлигига айбдор бўлган ходимлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

3. Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси

3.1 Мақсади ва унинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Процедуранинг мақсади “Ўзавтосаноат” АЖнинг Ходимлари ва Бизнес ҳамкорлар, шунингдек, Компания номидан ўёки бу тарзда фаолият юритадиган бошқа ташкилотлар ёки шахсларга алоқадор потенциал қоидабузарликлар тўғрисида ишончли хабарлар асосида бошланган хизмат текширувларини ўтказиш бўйича ягона стандартни яратишdir.

Компаниянинг Ходимлар одоб-ахлоқ кодекси ва Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодекси, шунингдек, Компаниянинг комплаенс соҳасидаги сиёсати тамойилларини акс эттирувчи бошқа хужжатлар ҳамда Компания сиёсати ва процедураларининг тамойиллари потенциал бузилишига дуч келганда, Компания Ходимлар ва учинчи шахсларга “ишонч каналлари”дан фойдаланишни буюради.

Компания потенциал қоидабузарликлар тўғрисидаги барча хабарларга жиддий ёндашади ва ҳар доим уларга асосан хизмат текширувини ўтказишга ҳаракат қиласди.

Ушбу Процедура Компаниядаги хизмат текшируви жараёнининг тегишли босқичлари учун масъул ходимларга нисбатан қўлланилади (қўйида ушбу Процедуранинг IV-қисмида кўрсатилганидек). Мазкур Процедура Компания томонидан хизмат текширувларини олиб бориши мумкин бўлган хабарларни баҳолаш учун фойдаланадиган жараёнларни, шунингдек, Ходимлар одоб-ахлоқ кодекси ва Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодексининг, шунингдек, Компания сиёсати ва тартиблари тамойилларининг бузилиши муносабати билан хизмат текширувларини ўтказиш ва хизмат текшируви натижаларини кўриб чиқиши вазифаларини тавсифлайди.

Ушбу Процедура Ходимлар одоб-ахлоқ кодекси ва Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодекси ҳамда Компания сиёсати ва процедуралари тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ бўлмаган умумий шикоятлар (масалан, автоуловларга хизмат кўрсатиш сифати, нархлар тўғрисида) ва меҳнат муносабатларининг айрим масалалари бўйича (масалан, бонуслар, иш самарасини баҳолаш, бошқарув қарорлари, иш ҳақини ошириш ва бошқалар) нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу Процедура амал қилиниши керак бўлган минимал стандартларни белгилайди. Агар бирон-бир норматив-хукукий хужжат ёки қоидалар билан юқорироқ стандартлар ўрнатилган бўлса, бундай хужжат ва қоидаларга риоя қилиш керак.

Назорат остидаги корхона ушбу Процедура билан белгилангандан қатъйроқ стандартларни белгилашга ҳақлидир. Лекин қатъйлиги ушбу Процедурада белгилаб кўйилгандан енгилроқ стандартларни қабул қилишдан аввал Назорат остидаги корхоналар Компаниянинг Комплаенс департаменти дан ёзма равишда рухсат олишлари керак.

Агар хизмат текшируви пайтида ушбу Процедурада кўзда тутилмаган саволлар ёки муаммолар туғилса, хизмат текширувини давом эттиришдан олдин Комплаенс департаменти билан маслаҳатлашиш керак.

3.2 Атамалар ва тушунчалар

Хукуқбузарликни содир этишда гумонланаётган шахс – хизмат текширувининг предметига айланган ҳаракатларни содир этишда гумон қилинган шахс.

Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш; жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни

молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги; шунингдек АҚШнинг “Чет элда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” (FCPA), санкцияларни жорий этиш ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилиги, Бизнес ҳамкорнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки бўлиб турган мамлакатида амал қилувчи (юрисдикция чекловларидан қатъи назар) коррупцияга қарши қонунчилик, риоя қилиниши керак бўлган, шунингдек қўлланилса, улар билан чекланилмайдиган барча норматив-хукукий хужжатлар.

Тузатиш чоралари – Компаниянинг текширилаётган Муаммоларга ўхшаш Муаммоларни аниқлаш ёки олдини олишга қаратилган сиёсат, процедура ва назорат чораларини, жумладан, етказиб берувчиларга нисбатан уларнинг Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодексини бузганлиги сабабли қўриладиган чораларни такомиллаштиришга қаратилган харакатлар.

Хизмат текшируви раҳбари - ТБТ томонидан текшириш гурухини тузиш ва хизмат текширувни олиб бориш учун тайинланган, ҳар бир текширилаётган Муаммо ва текширув тўлалигича ТБТда ёпилгунига қадар пухта таҳлил қилиниши учун жавобгар шахс.

Текширувларни бошқариш тизими (ТБТ) - Компания томонидан комплаенс сиёсати ва процедуранинг бузилиши бўйича хизмат текширувларини бошқариш учун фойдаланиладиган онлайн платформа бўлиб, унинг ёрдамида Комплаенс департаменти Компаниянинг турли “ишонч каналлари” орқали олинган барча хабарларни бирлаштиради.

Қисман исботланган - хизмат текшируви жараёнида олинган, текширилаётган Муаммонинг асосидаги даъволарнинг барчаси эмас, лекин баъзилари тасдиқланганидан далолат берадиган мавжуд маълумотлар.

Муаммо - ТБТга потенциал қоидабузарлик тўғрисида киритилган хабарнинг предмети.

Қоидабузарлик тўғрисида хабар - хукукий нормалар, Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва Бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, Компания сиёсати ёки процедуранинг потенциал бузилиши муносабати билан қўйидаги “ишонч каналлари”нинг бири орқали масъул шахсларга маълум қилинган хавотир ёки даъво:

- шахсан хабар бериш;
- тўғридан-тўғри ёки почта орқали Компанияга ёзма равишда юбориш;
- Компаниянинг расмий веб-сайтидаги боғланиш саҳифаси орқали;
- Комплаенс департаментига электрон почта орқали (compliance@uzavtosanoat.uz);
- Комплаенс департаментининг ишонч телефони (+998 78 140 76 70) орқали иш куни давомида.

Ушбу Қўлланманинг ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали ҳисобот олган менежерлар, супервайзерлар ва бошқа юқори мартабали ходимлар (ушбу қўлланманинг X.1 бўлимига қаранг) ҳисобот билан ишлашнинг тегишли усулини аниқлаш учун мувофиқлик бўйича бош директор билан келишиб олишлари керак.

Санкциялар - Ходимларнинг одоб-ахлоқ кодекси, Компания сиёсати ёки процедуранинг бошқа тамойилларини бузганлиги сабабли ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа таъсир чоралари.

Шўъба корхона - Компания ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг)эллик ёки ундан ортиқ фоизига эга бўлган қарам ёки шўъба жамияти, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.

Вазифалар - ТБТнинг Хизмат текшируви бошлиғига Ходимлар ўртасида маълум кунга қадар бажарилиши керак бўлган (масалан, хизмат текшируvida иштирок этган шахслар билан сұхбатлашиш, текширув хulosасини тайёрлаш ёки тизимда Муаммони ёпиш) вазифаларни тақсимлаш имконини берадиган функционаллиги (мажбурияти).

Айловлар исботланди - хизмат текшируви жараёнида олинган, хизмат текшируви асосида ётган барча айловлар тасдиқланганлигини исботлаш учун етарли бўлган маълумот.

Айловлар исботланмади - хизмат текшируви давомида олинган қуйидагимаълумотлар:

о хизмат текшируви асосида ётган айловлар нотўғри ёки асоссиз эканлигини тасдиқлайди;

о якуний хulosаларни чиқаришга имкон бермайди ва хизмат текширувига асос бўлган айловларни тасдиқлаш имкони йўқ.

Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс - Қоидабузарлик тўғрисида хабар юборган шахс.

Қоидабузарликларни бартараф этиш учун масъул бўлган шахс - З-босқични якунлаш, шу жумладан, Компаниянинг ходимлар билан ишлаш бошқармаси ёки Назорат остидаги корхона раҳбари қабул қиладиган қарорга асос бўладиган Тузатиш чоралари ва Санкциялар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши, шунингдек, масъул шахсларни тайинлаш ва барча Санкцияларни амалга оширишни ҳужжатда акс эттириш топширилган Комплаенс департаменти бошлиғи ёки Назорат остидаги корхона Комплаенс хизматининг бошқа ходими. **З-босқичда** қоидабузарликларни бартараф этиш учун агар Хизмат текшируви раҳбари Комплаенс департаменти ходими бўлса, текширувга олдиндан раҳбарлик қилган Хизмат текшируви раҳбари масъул бўлиши мумкин.

3.3 Асослантирувчи тамойиллар

Компаниядаги барча ички текширувлар қуйидаги асосий тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши керак:

Холислик

Хизмат текшируви гурухининг раҳбари ва аъзолари хизмат текширувидан олинган барча маълумотларни кўриб чиқишида бетараф ва холис бўлиб қолишлари керак.

Хизмат текшируви гурухининг раҳбари ва аъзолари текширилаётган барча шахсларга нисбатан адолатли бўлишлари ҳамдахуқуқбузарлик ёки қоидабузарлик содир бўлганлиги тўғрисидаги тахминга олдиндан келиб чиқмасликлари лозим.

Хизмат текшируви гурухи раҳбари ва аъзолари қоидабузарлик содир бўлганлиги тўғрисидаги фактларни аниқлаш жараёни тугамагунга қадар якуний қарорни қабул қилмасликлари керак.

Профессионал ёндашув, фактларни ҳисобга олиш, Амалдаги қонунчиликка риоя қилиши

Текширув қоидабузарлик түғрисидаги хабарда келтирилган хавотир ёки даъволарнинг асосли ёки йүқлигини аниқлаш имконини берадиган фактларни объектив аниқлаш асосида профессионал тарзда олиб борилиши керак.

Хизмат текшируви қуидагиларни қўлламайди ва рухсат бермайди:

– хизмат текширувни ўтказишнинг ноқонуний ва/ёки ахлоқий бўлмаган тактикаси ёки усуллари. Хизмат текшируви раҳбарида агар қўлланилган тактика ёки текширув услубининг ноқонуний ёки ахлоқиз эканлиги түғрисида савол туғилса, Компаниянинг комплаенс департаменти ва Юридик бошқармаси билан маслаҳатлашиш тавсия этилади;

– агар бунга Комплаенс департаменти томонидан ёзма равища рухсат этилмаган бўлса, маълумот алмашиш эвазига шафқатни таклиф қилиш ёки ваъда қилиш.

Адолат ва изчиллик

Потенциал қоидабузарлик муносабати билан уларга нисбатан хизмат текшируви олиб борилаётган ходимлар, хизмат текшируви давомида ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлиши керак.

Агар хизмат текшируvida қоидабузарлик аниқланса, Компания шу каби ҳолатларда содир этилган ўхшаш қоидабузарликлари учун умумий қабул қилинган жазоларни бажаришга интилиб, қоидабузарликнинг моҳияти ва ҳолатларига мос келадиган Санкциялар ва Тузатиш чораларини қўллади

Изоҳ: Ходимларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган санкциялар бўйича кўрсатма ушбу Процедуранинг 9-иловасида келтирилган.

Анонимлик ва маҳфийликни сақлаш

Хизмат текшируви раҳбари текширув натижасида ўзи томонидан олинган, яратилган ва сақланган барча маълумотларни амалдаги қонунлар ва меъёрий хужжатларнинг талабларига мувофиқ сир тутади.

Хизмат текширувининг раҳбари қоидабузарлик түғрисида хабар берган, шахсини сир тутиш истагини билдирган шахсни хизмат текшируви гурухи аъзоси бўлмаган кимсага ошкор этилишига ёки қоидабузарлик түғрисида хабар берган шахсдан ўч олинишга олиб келиши мумкин деб тахмин қилиш учун оқилона асослар мавжуд бўлган бирон-бир ҳаракатларни амалга оширишдан олдин Комплаенс департаменти ва Компания Юридик бошқармаси билан маслаҳатлашади ва тегишли хавфсизлик чораларини кўради.

Агар қоидабузарлик түғрисида хабар берган ва номи сир сақланишини истаган шахс хизмат текшируви доирасида баёнот беришни илтимос қилса, хизмат текшируви раҳбари Компаниянинг Юридик бошқармаси ва Комплаенс департаменти хизмат текшируви доирасида баёнот бергандан кейин маҳфийликни сақлаб қолиш оқибатларини хабар берган Шахс билан муҳокама қилишга тайёр бўлиши керак.

Ўч олиш ёки ҳисоблашишини истисно қилиш

Компания ушбу Процедурага мувофиқ хизмат текширувни олиб боришга асос бўлган қоидабузарлик түғрисида чин кўнгилдан хабар берган шахсдан ўч олиш ва ҳисоблашиш билан таҳдид қилинишига йўл қўймайди.

Компания қоидабузарлик түғрисидаги хабар юзасидан хизмат текшируvida иштирок этган шахсларни (яъни хизмат текшируви раҳбари ва хизмат текширувига кўмаклашган шахсларни) таъқиб қилинишига йўл қўймайди.

Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсдан ёки хизмат текшируvida иштирок этган бошқа шахслардан қасддан ўч олганлиги ёки ўч олишга уринганлиги аниқланган Ходимга нисбатан Санкциялар қўлланилади.

Муддатларга риоя қилиши

Хизмат текширувлари, жумладан, санкциялар ва тузатиш чораларини қўллаш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ татбиқ этилади. Бунда қоидабузарлик тўғрисидаги хабарда келтирилган барча Муаммолар кўриб чиқилиши керак.

Якунлаш вақти хизмат текширувининг мураккаблиги ва хусусиятига боғлиқ ва одатда 10 иш кунини ташкил қиласди. Ушбу муддат қоидабузарлик тўғрисидаги ҳисбот ТБТда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб бошланади.

Кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш зарур бўлган ҳолларда, ўрганилаётган Муаммо билан боғлиқ қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш, хизмат текширувани якунлаш муддати бир ойга узайтирилиши мумкин.

Аниқ ҳуҷажатлаштириши

Хизмат текшируви раҳбари хизмат текшируви жараёнида амалга оцирилган ҳаракатларни, шунингдек, сўров қилинган шахслар томонидан ишга тааллуқли берилган фактларни аниқ акс эттиради.

Хизмат текшируви ҳисботлари тўпланган далилларни аниқ акс эттиради ва умумлаштиради, тасдиқловчи ёки тасдиқламайдиган ва қарама-қарши далилларни баён этади.

Тўлиқ ҳамкорлик ва қўмак

Хизмат текширувига тегишли маълумотларга эга ходимлар Амалдаги қонунчиликка ва Компания сиёсати ҳамда процедуралари тамойилларига мувофиқ хизмат текшируви раҳбари билан тўлиқ ҳамкорликни таъминлаши шарт.

Доимий такомиллаштириши

Комплаенс департаменти бошқа таркибий бўлинмаларнинг кўмагида хизмат текшируви давомида аниқланган фактлардан Компаниянинг процедуралари, ички назорат чоралари ва комплаенс бўйича дастурларини заруратга кўра такомиллаштириш учун фойдаланади.

Хизмат текширув ўтказиши тартиби

Ҳар бир хизмат текшируви қуйида тавсифланган босқичларни ўз ичига олиши керак ва ҳар бир босқичда муайян ишнинг талаблари ҳамда ҳолатлари нуқтаи назаридан тўлиқ мос келадиган ҳаракатлар бажарилиши керак. Ҳар бир хабар кенг кўламли хизмат текширувани талаб қилмайди, аммо:

- қоидабузалик тўғрисида ҳар бир қабул қилинган хабар кўриб чиқилиши ва ТБТга киритилиши керак (1-амал);
- қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс жавоб олиши керак (2-амал);
- қоидабузарлик тўғрисидаги хабар олдиндан баҳоланиши керак (3-амал), ва -хизмат текшируви тегишли Санкциялар ёки Тузатиш чоралари тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш билан якунланиши керак (9 ва 10-амаллар).

Қўйида ушбу Процедурада ҳар бир босқич доирасида кўзда тутилган ҳаракатларнинг батафсил амаллари келтирилган:

1-БОСҚИЧ

1-амал: Қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш ва Муаммо тўғрисидаги маълумотни ТБТга киритиши.

2-амал: Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсга дастлабки жавоб бериши.

3-амал: Дастлабки баҳолаш ва хизмат текшируви Раҳбарини тайинлаш.

2-БОСҚИЧ

4-амал: Хизмат текшируви режасини тайёрлаш ва хизмат текшируви гурухини тузиши.

5-амал: Хизмат текширувини ўтказиши.

6-амал: Аниқланган фактлар ва хулосаларни умумлаштириши.

3-БОСҚИЧ

7-амал: Хизмат текшируви ҳисоботи ва Санкциялар ва/ёки Тузатиши чоралари бўйича тавсияларни таҳлилини ўтказиши.

8-амал: Аниқланган фактлар ва тавсияларни Компаниянинг қарор қабул қилувчи раҳбариятига маълум қилиши.

9-амал: ТБТга Санкциялар ва/ёки тузатиши чоралари тўғрисида маълумотни киритиши ва манфаатдор шахсларни хабардор қилиши.

10-амал: Хизмат текширувини якунлаш

1-БОСҚИЧ: Муаммо тўғрисида маълумотларни киритиши

1-амал

Қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш ва Муаммо тўғрисидаги маълумотни ТБТга киритиши

1-иловада Компания томонидан текширилаётган Муаммо устида ишлашни назорат қилишда қўлланиладиган жараённи, шу жумладан, қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни ТБТга киритишини акс эттирувчи диаграмма келтирилган.

Комплаенс департаменти қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг, қўйидагиларни аниқлаш учун **2-иловадаги** кўрсатмаларга мувофиқ қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни дастлабки баҳолашни бажариши керак:

а) қоидабузарлик тўғрисидаги хабарда келтирилган айловлар бўйича хизмат текширувани ушбу Процедурага мувофиқ ўтказиш мумкини, агар ундан бўлмаса,

- қоидабузарлик тўғрисидаги ҳисобот бевосита раҳбарга ёки бошқа таркибий бўлинмага кўриб чиқиш учун тақдим этилиши керак; ёки

- текширилаётган Муаммони ТБТда қўшимча харакатларсиз ёпиш мумкинми?
- б) қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни ТБТ тизимига киритишдан олдин қандай қўшимча маълумотлар талаб қилинади (агар керак бўлса);
- с) қоидабузарлик тўғрисидаги хабарда келтирилган айловлар дастлабки ёки кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришга асос бўладими.

Хар қандай “ўз ташаббуси билан” бўладиган, яъни, Компаниянинг ҳеч бир “ишонч каналлари” орқали маълум қилинмаган ва бошқа қоидабузарликларда айловлар билан боғлик бўлмаган масалалар бўйича хизмат текширувлари бошланишидан олдин Комплаенс департаменти томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши керак.

Агар Қоидабузарлик тўғрисидаги хабар ушбу Процедурани қўллаб хизмат текшируви ўтказиши талаб қилса, Комплаенс департаменти қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни ТБТга киритади.

ТБТга киритилган қоидабузарлик тўғрисидаги хабарда асосий айловлар, қоидабузарлик тўғрисидаги хабарда кўрсатилган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

ТБТга Муаммо ҳақида маълумот ва унинг тавсифи киритилгандан сўнг Комплаенс департаменти Хизмат текшируви раҳбарини тайинлайди. Хизмат текшируви раҳбарининг Комплаенс департаменти томонидан тайинланиши, ушбу Процедурага мувофиқ хизмат текширувани ўтказиши учун асос ҳисобланади.

2-амал

Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсга дастлабки жавоб

Агар қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахснинг боғланиш маълумотлари мавжуд бўлса, Комплаенс департаменти ёки бошқа шахс қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсга электрон почта орқали хабар юбориши керак. Юқоридаги таърифланган билдиришномалар матнининг намунаси **3-илювада** келтирилган.

Агар қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс журналист, блогер ёки анъанавий ёки электрон оммавий ахборот воситалари вакили бўлса, Комплаенс департаменти ходими ёки бошқа шахс қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсга электрон почта орқали хабар юборишдан ёки бошқа йўл билан алоқа қилишдан олдин Комплаенс департаменти раҳбари ва Компаниянинг Жамоатчилик ва давлат органлари билан алоқалар хизмати раҳбари билан маслаҳатлашиши керак.

3-амал

Дастлабки баҳолаш ва Хизмат текшируви раҳбарини тайинлаш

Текширилаётган ҳар бир Муаммо бўйича ТБТда хизмат текшируви раҳбари тайинланиши керак.

Комплаенс департаменти **4-илювада** келтирилган кўрсатмаларни, яъни бошқа текширилаётган масала бўйича айлов ёки Манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда текширилаётган Муаммони кўриб чиқади ва таксимлайди.

2-БОСҚИЧ: Хизмат текшируви

4-амал

Хизмат текшируви режасини тайёрлаш ва хизмат текшируви гурухини тузиш

Хизмат текшируви раҳбари қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни ва Муаммонинг тавсифини кўриб чиққандан сўнг хизмат текшируви режасининг лойихасини тузади (**5-илова**). Хизмат текшируви режасини заруратга кўра қайта кўриб чиқиши ва далилларни келиб тушиши жараёнида янгилаб бориш тавсия этилади.

Хизмат текшируви режасида, одатда қуйидагилар акс эттирилади:

- хизмат текширувининг мақсадлари;
- хизмат текширувининг соҳаси, жумладан, қоидабузарлик тўғрисидаги хабар асосида текширилиши кутилаётган Муаммо;
- айбловда назарда тутилган Компаниянинг сиёsat ва процедуралари тамойиллари;
- текширилиши зарур бўлган ҳақиқий муаммолар;
- далилларнинг эҳтимолли манбалари, шу жумладан, асосий ҳужжатлар ва гувоҳлар;
- ҳимоя чораларисиз йўқотилиши мумкин бўлган муҳим электрон, ёзма, жисмларда жойлаштирилган маълумотларни, видеокузатув камералари ёзувларини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги маълумот;
- хизмат текшируви босқичларини якунлашнинг тахминий муддатлари;
- хизмат текшируви тўғрисидаги маълумотни узатиш каналлари ва маҳфийликка бўлган талаблар;
- текширилаётган Муаммонинг моҳирона, функционал тадқиқ этилиши ва ўрганилишини таъминлаш учун зарур ресурслар;
- хизмат текширувани амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда ўтказиш учун ёки маълумотларни маҳфийлиги борасида ташвишланиш муносабати билан зарур бўлган ҳаракатлар ёки ҳимоя чоралари.

Хизмат текшируви режасини тайёрлаш билан боғлиқ равишда ёки уни тайёрлашдан олдин, Хизмат текшируви раҳбари текширилаётган Муаммо билан ишлаш учун гурух тузиши мумкин, унга киритилган шахсларнинг шахсий маълумотларини (тўлиқ исми; лавозими; ушбу ходим ишлайдиган компания номи; алоқа маълумотлари, экспертиза соҳаси) кўрсатилади. Масалан, Хизмат текшируви раҳбари видео-маълумотларни экспертизадан ўтказиш, ҳужжатларни ўрганиш ёки молиявий таҳлилни ўтказиш учун шахсни тайинлаши мумкин.

5-амал

Хизмат текширувани ўтказиш

Хизмат текшируви раҳбари Муаммони хизмат текшируви режаси ва мазкур Процедуранинг асосий тамойилларга риоя қилган ҳолда хизмат текширувани ўтказади. Хизмат текширувани ўтказиш усууллари тўғрисидаги маълумотлар **6-** ва **7-иловаларда** келтирилган.

Хизмат текшируви давомида унинг долзарблиги ёки маҳфийлигини оширадиган ва хатар профилини ўзгартирадиган далиллар тўғрисида хабар топса, Хизмат текшируви раҳбари бу ҳакда тезкорлик билан Комплаенс департаментига маълум қилиши керак, бу эса масаланинг бошқа шахсларга юборилишини талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг намуналари **4-иловада** (“1-Таснифлаш мезони” да) таърифланган.

Агар хизмат текшируви жараёнида хизмат текшируви предметига айланган масалаларга тегишли бўлган қўшимча шахслар аниқланган бўлса, хизмат текшируви раҳбари манфаатдор шахсни хизмат текшируви гурухига аъзо сифатида қўшиб, исми ва ролини кўрсатади.

Хизмат текшируви раҳбари Хукуқбузарликни содир этишда гумонланаётган шахснинг(ларнинг) корпоратив электрон почтаси(лари) билан фойдаланиш хукуқига эга. Ушбу хукуқ билан фойдаланиш учун Хизмат текшируви раҳбари Ахборот ҳавсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси (ёки ташкилотнинг шунга ўхшаш фаолият билан шуғуланадиган таркибий бўлинма) га ёзма тарзда (қоғоз ёки электрон шаклда) амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида мурожаат қилиши лозим.

Ахборот ҳавсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси (ёки ташкилотнинг шунга ўхшаш фаолият билан шуғуланадиган таркибий бўлинма) Хизмат текшируви раҳбаридан Хукуқбузарликни содир этишда гумонланаётган шахснинг(ларнинг) корпоратив электрон почтаси(лари) билан фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида тушган мурожаати бўйича амалий ёрдам беришни рад этса ёки амалий ёрдам кўрсатиш вақтини асоссиз чўзса ушбу ҳаракатлар хизмат текшируванин ўтказишга тўсқинлик қилиш деб баҳоланади.

6-амал

аниқланган фактлар ва хulosаларни умумлаштириш

Текширилган Муаммо билан ишлаш якунида Хизмат текшируви раҳбари хизмат текшируви тўғрисида ҳисобот тайёрлаши керак. Хизмат текшируви ҳисоботи учун шаблон

8-иловада келтирилган. Хизмат текшируви тўғрисида ҳисобот ТБТда сақланиши лозим (қуида 7-амалини қаранг).

3-БОСҚИЧ: Жавоб чоралари

7-амал

**Хизмат текшируви тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлили ва
Санкциялар ва/ёки Тузатиш чоралари бўйича тавсиялар**

Хизмат текшируви раҳбари хизмат текшируви тўғрисидаги тўлдирилган ҳисоботни ТБТга юклайди, сўнгра текширилган Муаммони (агар Хизмат текшируви раҳбари Комплаенс департаменти ходими бўлмаса) Комплаенс департаменти раҳбарига ёки Назорат остидаги корхонанинг Комплаенс хизмати ходимига (Муаммо қайси даражада текширилганига қараб) хизмат текшируви жараёнининг **3-босқичини** ўтказиш учун юборади. Шу пайтдан бошлаб Комплаенс департаменти раҳбари ёки Назорат остидаги корхонанинг Комплаенс хизмати ходими (ёки у тайнинлаган шахс) қоидабузарликни бартараф этиш учун жавобгар шахсга айланади.

Агар Комплаенс департаменти раҳбари хизмат текшируви ҳисоботида қўриб чиқилган айловларни исботланмаган деб топса, у кейинги текширувнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун хulosаларни ўрганади:

а) агар хизмат текшируви бўйича қўшимча чоралар ўринли бўлса, унда Комплаенс департаменти бошлиғи хизмат текшируви раҳбарига хизмат текшируви учун эҳтимолли кейинги чоралар тўғрисида хабар беради;

б) агар хизмат текшируви учун қўшимча чоралар талаб этилмаса, унда Комплаенс департаменти раҳбари ҳисбогтда келтирилган Муаммони тузатиш ёки йўқ қилиш учун қандай Санкциялар ва / ёки Тузатиш чоралари зарурлигини аниқлаш учун хизмат текшируви материалларини қўриб чиқади;

с) агар Қоидабузарликларни бартараф этиш учун масъул бўлган шахс Санкциялар ёки Тузатиш чоралари зарур деган хуносага келса, у ўз ҳаракатларини Хизмат текшируви раҳбари, Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси ва/ёки Юридик бошқармаси бошлиqlари билан мувофиқлаштиради (вазиятга кўра) ва уларнинг эътиборига аниқ Санкциялар ёки Тузатиш чоралари бўйича тавсияларни етказади.

Агар Комплаенс департаменти раҳбари хизмат текшируви тӯғрисида ҳисоботда келтирилган айловлар исботланган ёки қисман исботланган деб ҳисбласа, қоидабузарликларни бартараф этиш учун масъул шахс:

– ўз ҳаракатларини Компаниянинг Ходимлар билан ишлаш ва Юридик бошқармалари билан мувофиқлаштиради ва уларга муайян тузатиш чоралари ёки санкциялар бўйича тавсияларни маълум қиласди;

– ўрганилаётган Муаммонинг келиб чиқишида қўл келган (хулқ-автор, ташки таъсир ёки ташкилотнинг таъсири билан боғлиқ) омилларни умумлаштиради ёки аниқлайди ва ўз хulosасига тегишли маълумотларни киритади;

– тавсия этилган Тузатиш чораларини ёки Санкцияларни Компания(Назорат остидаги корхона)нинг қарор чиқарувчи (**8-амал** билан белгиланган тартибда) раҳбариятига кўриб чиқиши учун тақдим этади ва ТБТга тегишли ёзувни киритади.

Агар хизмат текширувида дастлаб хизмат текшируви предмети бўлмаган бошқа потенциал қоидабузарликлар аниқланса, Комплаенс департаменти текширувни ёпади ва ушбу Процедурага мувофиқ тизимга янги текшираётган Муаммони киритади.

Хизмат текшируви тугагандан сўнг Комплаенс департаменти Компания раҳбариятига хизмат текшируви ҳисоботидаги фактлар тўғрисида хабар беради ва таклиф қилинаётган Тузатиш чоралари ва Санкцияларни баён этади.

Комплаенс департаменти томонидан олиб борилган хизмат текшируви натижалари бўйича таклиф қилинган Санкциялар ва Тузатиш чоралари тўғрисидаги қарорлар Компания ва/ёки Назорат остидаги корхона раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

9-амал Тузатиши чоралари ва/ёки Санкциялар түғрисида маълумотларни ТБТга киритиш ва манбаатдор шахсларни ҳабардор қилиш

Қоидабузарликларни бартараф қилишга масъул ҳисобланган шахс ТБТГа хизмат текшируви натижасида Ҳуқуқбузарликни содир этганилиги исботланган шахсга(ларга) нисбатан Тузатиш чоралари ва/ёки Санкциялар қўлланилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (масалан, интизомий жазо ва бошқа чоралар тўғрисидаги Компаниянинг қарорларни) юклайди.

10-амал **Хизмат текширувини якунлаш**

Комплаенс департаменти (1) ҳар бир иштирокчи учун барча санкцияларни тизимга киритиб, (2) тузатиш чораларини амалга ошириш бўйича вазифаларни тақсимлагандан сўнг хизмат текширувани якунлаши лозим. Текширилаётган Муаммони ТБТда ёпиб бўлгандан сўнг, Комплаенс департаменти:

(а) Компания томонидан Муаммони кўриб чиқиш ҳолатини “Санкция завершена” га ўзгариши;

(б) Санкцияларни қўллаш якунлаш билан боғлиқ қисқа тавсифни қўшиши;

(с) Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсга Муаммо бўйича хизмат текшируви тугатилгани ҳақида маълум қилиши лозим

3.4 Ҳужжатларни юритиш ва хабардор қилиш

Ҳар бир Хизмат текшируви раҳбари текширилаётган Муаммо қуидаги маълумотларнинг махфийлиги ва хавфсизлиги, шунингдек, ҳар бир Муаммонинг ҳужжатлаштиришдаги, шунингдек:


- хизмат текширувига жалб қилинган шахсларни сўроқ қилиш жараёнидаги ёзувлар;
- ҳисоботларнинг лойиҳалари;
- ёзишмалар; ва
- келишилган Санкцияларни амалга ошириш мақсадида бажарилган ҳар қандай вазифалар тавсифининг хавфсизлиги ва махфийлиги учун жавоб беради.

Хизмат текшируви тўғрисидаги маълумотни сақлаш муддати 5 йилни ташкил қиласида ва Компаниянинг ҳужжат юритиш йўриқномасига мувофиқ архив юритувчисига (архивга) сақлаш учун топширилади.


3.5 Шақлар ва иловалар

“Үзіншілдеме” АДА текширувларни бошқариш тизимида құлланыладын хизмат текшируви предмети устидан
назорат қилиш жараёни
ДИАГРАММАСИ

Қоидабузарлик түғрисидаги хабарни күриб чиқишни назорат қилиш
ЧИЗМАСИ




МУАММОНИ ЯРАТИШ




Изоҳ: юқорида кайд этилган амалларни бажарғандан сўнг "Создать кейс" тугмасини босинг.

Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс билан
БИРИНЧИ АЛОҚА



7-АМАЛ

Хизмат текшируви тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлили ва Санкциялар хамда/ёки Тузатиш чоралари бўйича тавсиялар



“Үзавтосаноат” АЖнинг Хизмат текширувларини ўтказиш процедурасига
2-илова

**Қоидабузарликтар түғрисидаги хабарларни дастлабки баҳолаш бүйича
ЙЎРИҚНОМА**

1. Процедурадаги 1-амал Комплаенс департаментига хизмат текшируви доирасида ушбу иловадан фойдаланган ҳолда ҳар бир қоидабузарлик түғрисидаги хабарга қуидагиларни аниқлаш мақсадида дастлабки баҳо беришни тавсия этади:

– қоидабузарлик түғрисидаги хабарда келтирилган айловларни ушбу Процедурага мувофиқ хизмат текширувига эхтиёж борми, ёки

- муаммони хизмат текширувисиз бевосита раҳбар ёки бошқа бўлим ҳал қилиши мумкинми. Масалан, Муаммо Компаниянинг мижозларга хизмат қўрсатишига тегишли бўлса, масала ҳал қилиш учун савдо ёки маркетинг бўлимига юборилиши мумкин;

– қоидабузарлик түғрисидаги Хабар ТБТга киритилгунига қадар қандай қўшимча маълумотлар талаб қилинади (агар керак бўлса);

– қоидабузарлик түғрисидаги Хабарда келтирилган айловлар дастлабки ёки шошилинч чораларни, масалан, хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар беришни талаб қиласидими.

2. Қоидабузарлик түғрисидаги Хабарни ушбу Процедурага мувофиқ хизмат текширувидан ўтказиш ёки ўтказмасликни баҳолашда қуидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак:

– қоидабузарлик түғрисидаги Хабарнинг манбаси ва ишончлилиги даражаси, шу жумладан, хабар қилинган фактларни тасдиқлаш осонми;

– айловларнинг обьекти, бунда таъкидлаш керакки, Компания раҳбарияти ёки қўплаб ходимларига дахлдор бўлган қоидаларнинг потенциал бузилишига оид айловни ўз ичига олган қоидабузарлик түғрисидаги Хабар хизмат текширувани талаб қилиши мумкин;

– қоидабузарлик түғрисидаги хабарда келтирилган айловларнинг тури таъкидлаш кераклиги, қуидаги айловлар билан боғлик бўлганда, хизмат текшируви ўтказилиши зарур бўлиши мумкин:

- Ходимларнинг одоб-ахлоқ қодекси, Компания сиёсати ёки процедура таомилларининг потенциал бузулишлар бўйича айлов;

- жамоатчилик олдида Компания обўсига дахлдор қоидабузарликда айлаш;

- молиявий қонунбузарликларда айлаш;

- Компаниянинг молиявий ҳолатига таъсир қиласидаги қоидабузарликларда (масалан, фирибгарлик, активлардан ноқонуний фойдаланиш ва бошқаларда) айлаш;

- кредиторлар, етказиб берувчилар, акциядорлар ёки Компаниянинг бизнес ҳамкорлари учун оқибатларга олиб келадиган қонунбузарликларда айлаш;

– айловларнинг оғирлиги даражаси; интизомий жазога тортилиши мумкин бўлган қоидабузарлик хизмат текширувани талаб қилиши эҳтимоли юқори.

4. ТБТда қўшимча ҳаракатларсиз ёпилиши керак бўлган қоидабузарлик түғрисидаги хабарлар:

Комплаенс департаменти ТБТга келиб тушган маълумотни кўриб чиқиши керак ва хабарда таърифланган муаммо түғрисида муқаддам хабар берилганлигини ёки ушбу муаммо ёпилган ёки

хозирда текширилаётган бошқа муаммо билан бөғлиқлигини аниқлаши керак (шунингдек Процедуранинг 4.23 (b) бандига қаранг).

Агар илгари текширилган Муаммо (i) худди шу фактлар ёки ҳаракатлар билан бөғлиқ бўлса ва янги айбловлар пайдо бўлмаган бўлса; (ii) аввалги Муаммо ёки қоидабузарлик тўғрисидаги ҳисобот аллақачон тегишли равишда ўрганиб чиқилгани ва ёпилгани аниқланса, Комплаенс департаменти қоидабузарлик тўғрисида хабар берган Шахсга ушбу масала кўриб чиқилганлиги ва уни текшириш учун қўшимча чоралар кўрилмаслиги тўғрисида хабар бериши керак.

5. Бошқа таркибий бўлинмага кўриб чиқишига тақдим этилиши керак бўлган қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар:

Агар қоидабузарлик тўғрисидаги хабар умумий кўринишдаги шикоят бўлса ва Компания Ходимларининг одоб-ахлоқ кодексига алоқадор бўлмаса, Комплаенс департаменти қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш учун тегишли таркибий бўлинмага юбориши лозим.

Шундан сўнг, Комплаенс департаменти қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни қўшимча хизмат текширувисиз ёпди (агар хабар аллақачон ТБТга киритилган бўлса) ёки хабарни тизимга киритмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Комплаенс департаменти хабарни қайта йўналтиришни ёзма равишда қайд қиласи (масалан, қоидабузарлик тўғрисидаги Хабарни кўриб чиқиш учун тегишли таркибий бўлинмага юборилган электрон хатни сақлайди).

6. Дастребаки ёки шошилинч чораларни талаб қиласиган қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар.

Муайян вазиятларда Комплаенс департаменти Компаниянинг ёки ходимларнинг хукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида дастребаки ёки шошилинч чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Дастребаки чоралар ёки шошилинч чораларнинг қуйидаги турлари мавжуд (рўйхат тўлиқ эмас):

- хукуқбузарлар ёки айбловлар тўғрисида хукуқни муҳофаза қилиш идораларига йўлланган хабар;
- ходимни лавозимдан четлаштириш ёки то хизмат текшируви натижалари маълум бўлгунига қадар уни иш ҳақи сақлаб қолинмаган ҳолда таътилга жўнатиш;
- Бизнес ҳамкор билан тузилган шартноманинг амал қилинишини тўхтатибтуриш.

Комплаенс департаменти дастребаки ёки шошилинч чоралар кўришдан олдин юридик ва ходим билан ишлаш бошқармалари билан маслаҳатлашиши лозим. Қабул қилинган барча чоралар ТБТда акс эттирилиши керак.

**“Ўзавтосаноат” АЖнинг Хизмат текширувларини ўтказиш процедурасига
З-илова**

Қоидабузарлик түгрисида хабар берган шахсга жавоб хатининг НАМУНАСИ

ТБТ орқали Қоидабузарлик түгрисида хабар олингандан сўнг хабар берган шахсга жавоб:

«Ассалому алайкум!

Фикрлариз билан ўртоклашганингиз учун ташаккур, Сизнинг хабарингиз “Ўзавтосаноат” АЖ ТБТ – Текширувни бошқариш тизимида рўйхатга олинди. Тез орада комплаенс масалалари бўйича масъул ходимларимиздан бири сизнинг мурожаатингизни кўриб чиқади.

Сиз, илгари хабар қилинган муаммо бўйича кўшимча маълумотни ушбу хабарга жавоб бериш орқали ёки +99878 140-76-70 ишонч телефони орқали боғланишингиз мумкин.

“Ўзавтосаноат” АЖ қоидабузарлик ҳақида тўғри ва ишончли хабар учун қасос олишга йул кўймайди. Агар сиз ҳар қандай вақт салоҳиятли қоидабузарлик ҳақида хабар берганингиз учун Сиздан қасос олинаётганини ҳис қиласангиз, сиздан compliance@uzavtosanoat.uz электрон почта орқали хабар юборишишингизни, ёки +99878 140-76-70 ишонч телефони орқали биз билан боғланишингизни сўраймиз.

Сизга яна бир бор миннатдорчилик билдирамиз.»

Муаммо санкциялар ёки тузатиш чораларини қўллаш орқали бартараф этилганидан сўнг уни хабар қилган шахсга жавоб:

«Хурматли! [агар маълум бўлса қоидабузарлик түгрисида хабар берган Шахснинг исмини кўрсатинг]!
Сизнинг мумкин бўлган қоидабузарлик ҳақида мурожаатингиз ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилгани ҳақида маълум киласмиз. Ҳукукий ва бошқа жиҳатлар томонидан мурожаатингизни кўриб чиқиши жараёни ҳамда натижаси ҳақида маълумотни тақдим эта олмаймиз.

Шунга карамай, Сизни ишонтириб айтамизки, «Ўзавтосаноат» АЖ мурожаатингиз буйича тегишли чораларни кўрмоқда.

Сизни Қоидабузилишлар ҳақида хабар бериш сиёсатига бефарқ эмаслигингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамиз. Агар сизда ташвишланиш учун янги сабаб ёки қоидабузарлик ҳақида хабар берганингиз ва уни кўриб чиқиши жараёнида иштирок этганингиз туфайли Сиздан қасос олиш уринишларга дуч келсангиз, албатта, биз билан боғланишингизни сўраймиз.»

Муаммо хеч қандай чоралар қўлланмасдан ёпилганидан сўнг Муаммо түгрисида хабар берган шахсга жавоб:

«Хурматли! [агар маълум бўлса қоидабузарлик түгрисида хабар берган Шахснинг исмини кўрсатинг]!
Сизнинг мумкин бўлган қоидабузарлик ҳақида юборган мурожаатингизга жавобан маълум киласмиз, Мурожаатингиз бўйича кўрсатилган муаммо ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди. Мурожаатда кўрсатилган муаммони мутахассислармиз ўрганиб чиқиб айловни асоссиз ва исботланмаган деган хulosага келишиди. Шу сабабли, «Ўзавтосаноат» АЖ томонидан мурожаатингиз бўйича тегишли чоралар кўрилмайди.

Сизни Қоидабузилишлар ҳақида хабар бериш сиёсатига бефарқ эмаслигингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамиз. Агар сизда ташвишланиш учун янги сабаб ёки қоидабузарлик ҳақида хабар берганингиз ва уни кўриб чиқиши жараёнида иштирок этганингиз туфайли Сиздан қасос олишга уринишларга дуч келсангиз, албатта, биз билан боғланишингизни сўраймиз.»

“Ўзавтосаноат” АЖНИНГ ХИЗМАТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ПРОЦЕДУРАСИГА 4-ИЛОВА

Текширилаётган Муаммони таснифлаш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Процедуранинг 2-амали Комплаенс департаментига ушбу Илова ёрдамида :

- текширилаётган Муаммонинг аҳамияти, махфийлик даражаси ва потенциал оқибатлари тўғрисида дастлабки баҳо бериш;

- хизмат текшируви Раҳбарини тайинлаш;

- қуидаги харакатларни бажаришга зарурат бор-йўқлигини аниқлаш:

› Компаниянинг Юридик бошқармасини текширилаётган ишларнинг муайян турлари тўғрисида хабардор қилиш;

› дастлабки ёки шошилинч чораларни кўриш (агар бундай имконият аввал кўриб чиқилмаган ва бундай чоралар 1-амал доирасида бажарилмаган бўлса);

› хизмат текширувини ўтказиш учун бошқа ташқи ресурсларни жалб этиш; (ёки)

› текширилаётган Муаммо тўғрисидаги маълумотни давлат ҳокимиятининг хукуқни муҳофаза қилувчи органларига ошкор қилиш.

Дастлабки баҳолаш ва хизмат текшируви Раҳбарини тайинлаш

Хизмат текшируви раҳбари қуидаги уч мезонни хисобга олган ҳолда тайинланади:

› текширилаётган Муаммонинг аҳамияти, махфийлик даражаси ва потенциал оқибатларини инобатга олган ҳолда сўровнинг лозим даражаси (Компания ёки Назорат остидаги корхоналар даражаси);

› тадқиқ этилаётган соҳадаги профессионал билимлар;

› аввал ҳам шу каби Муаммоларни ёки шу каби ҳолатларни текшириш тажрибасининг мавжудлиги.

Хизмат текшируви раҳбарини тайинлашдан олдин Комплаенс департаменти қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс билан боғланиб, ушбу Процедурага мувофиқ Хизмат текширувани раҳбарини тайинлаш учун муҳим бўлган қўшимча маълумотларни йиғиши мумкин.

1-таснифлаш мезони: Потенциал аҳамияти, оқибатлари ва махфийлик.

Комплаенс департаменти Хизмат текшируви раҳбарини текширилаётган Муаммонинг молиявий риски, Компания обрўси учун эҳтимолли оқибатлари ва махфийлигини инобатга олиб тайинлаши лозим.

Одатда айловларни ўз ичига олган Муаммо Назорат остидаги корхонанинг хизмат текшируви раҳбари томонидан текширилади, эҳтимолли молиявий хатари, обрўга таъсири юқори бўлган ҳолатлар ёки ўта аҳамиятли (яъни Компания уларни ишбилармонлик ва хукукий қарорларни қабул қилишда муҳим деб хисоблаши эҳтимоли юқори) бўлганлар бундан мустасно; бундай ҳолатларда текширув Компания томонидан (яъни Компаниянинг

Комплаенс департаменти ва (ёки) юридик бошқармаси томонидан) олиб борилиши талаб қилинади. Булар, хусусан,:

- Компаниянинг ички аудит хизмати томонидан ошкор этилиши зарур бўлган маълумотларга оид айловлар мавжудлигида;
- хуқуқни муҳофаза қилиш органларига ошкор қилишни талаб этадиган айловлар мавжудлигида;on matters under investigation that may result in legal action or enforcement action;
- мулкни ўғирлашда (жумладан, шу каби қоидабузарликларнинг қаторини содир этишда) айловлар мавжудлигида;
- Компания ва Назорат остидаги корхона ходимлари томонидан Давлат хизматчисига пора беришда айловлар мавжудлигида;
- молиявий ҳолат, фойда, даромад, харажатлар ёки балансдан ташқари операциялар тўғрисидаги маълумотларни қасдан нотўғри талқин қилиш (яъни, Компаниянинг ҳисоботларини қасдан сохталашибтириш) айловлари мавжуд бўлса;
- Компания ва Назорат остидаги корхонага тегишли мамлакатда бизнес юритиш тақиқланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган миллий ва халқаро қонунларга риоя қилмаслик тўғрисидаги айловлар мавжудлигида;
- Компания ёки Назорат остидаги корхонанинг директорлари ёки мансабдор шахслари бўлган бир ёки бир нечта ходимлар томонидан қонунбузарлик содир этилганлик тўрисида айловлар мавжуд бўлса;
- хизмат текшируви жараёнда Назорат остидаги корхона даражасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган айловлар мавжудлигида;
- хизмат текширувини ўтказиш учун маҳаллий даражада ресурслар етарли бўлмаган бошқа масалаларда юз берганда.

-Комплаенс департаменти Муаммони Компания ёки Назорат остидаги корхона томонидан текширилиши кераклигини аниқлагандан сўнг Комплаенс департаменти қуидаги таърифланган 2-таснифлаш мезонини кўриб чиқиши керак.

2-таснифлаш мезони: ўрганилаётган соҳада профессионал билимлар.

- Ресурслар ёки аҳамиятлилик даражаси тўғрисидаги шубҳалар билан боғлиқ вазиятлар мавжуд бўлмаганда Комплаенс департаменти Хизмат текшируви раҳбари этиб Компания ёки Назорат остидаги корхонанинг қуида баён этилган йўриқномага мувофиқ қоидабузарлик тўғрисидаги хабарнинг асосий моҳияти юзасидан зарур профессионал билимларга эга қуидаги кўрсатилган йўриқномаларга мувофиқ зарур ходимини тайинлайди. Масалан, Компания ходими томонидан жамоат арбоби ёки давлат хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш билан боғлиқ текширилаётган Муаммо ҳар доим Компаниянинг Комплаенс департаменти ва Юридик бошқармаси текширувига топширилади.

Хизмат текшируви раҳбарининг текширилаётган соҳада профессионал билимга эгалиги ҳисобга олиниб тайинланиши (Эслатма: Уибу рўйхат тўлиқ эмас)

Хизмат текшируванинг асосий масаласи	Комплаенс департаменти	Юридик бошқармаси	Ходимлар билан ишлаш бошқармаси	Бошқа тузилмавий бўлинма
Давлат ходими иштирокида пора эвазига оғдириб олиш ёки коррупция ҳолати	<input type="checkbox"/>			
Хусусий компания ёки жисмоний шахс иштирокида пора эвазига оғдириб олиш ёки коррупция ҳолати	<input type="checkbox"/>			
Иктисадий санкциялар ва экспорт назорати	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>		
Жиноий йўл билан орттирилган даромадни легаллаштириш	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>		Ички аудит хизмати
Маълумотларнинг маҳфийлиги		<input type="checkbox"/>		Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси
Халол рақобат ва монополияга карши конунчиллик тўғрисидаги конунларга риоя килиш		<input type="checkbox"/>		
Инсон хукуқлари, жумладан, мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл кўймаслик	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	
Интеллектуал мулк		<input type="checkbox"/>		
Манфаатлар тўқнашуви	<input type="checkbox"/>			
Бухгалтерия ҳисоботлари ҳужжатлари билан боғлиқ фирибгарлик				Ички аудит хизмати
Мол-мулкни ўзлаштириш				Ички аудит хизмати
Моддий бойликларни ўғирлаш		<input type="checkbox"/>		Ички аудит хизмати
Молиявий ва бухгалтерия ҳисобларини тайёрлаш ва олиб боришнинг тақиқланган амалиёти				Ички аудит хизмати
Етказиб берувчиларни саралаш, жумладан харид тартибини бузган ҳолда	<input type="checkbox"/>			Маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бошқармаси
Таъкиб қилиш	<input type="checkbox"/>		<input type="checkbox"/>	
Ноконуний ишдан бўшатиш ва юкори турувчи раҳбарлар томонидан ходимнинг манфаатларини камситиш	<input type="checkbox"/>		<input type="checkbox"/>	
Иш жойида камситиш			<input type="checkbox"/>	
Қасдлашиш ва ўч олиш	<input type="checkbox"/>		<input type="checkbox"/>	
Ходимларнинг ўзаро муносабати			<input type="checkbox"/>	
Манфаатлар тўқнашуви туфайли тегишли бўлим томонидан текширилиши мумкин бўлмаган Муаммолар	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>		
Ахборот хавфсизлиги				Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси
Комплаенс-сиёсатлари ва процедуralарни бузища бошқа айловлар	<input type="checkbox"/>			

3-таснифлаш мезони: Аввалги ёки боғлиқ бўлган Муаммолар

Хизмат текшируви раҳбарини тайинлашдан олдин Комплаенс департаменти текширилаётган Муаммо бошқа текширилаётган ёки муқаддам текширилган иш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниклаш мақсадида ТБТ маълумотларини ўрганиб чиқиши лозим.

Ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини оришиш мақсадида бир-бири билан ўзаро боғлиқ муаммолар айнан битта Хизмат текшируви раҳбарига топширилиши тахмин қилинади. Бироқ текширилаётган Муаммонинг салоҳиятли аҳамияти, мумкин бўлган тъсири ва маҳфийлигидан келиб чиқиб, бошқа ресурслардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўшимча билдиришилар

Хизмат текшируви раҳбари бевосита Комплаенс департаменти томонидан тайинланганидан кейин у қуйидаги ҳаракатларни бажариши лозим:

-агар текширилаётган муаммо тўғрисидаги маълумотларни Компаниянинг ички аудит хизматига ошкор қилиш талаб қилинса, текширилаётган муаммо тўғрисида корпоратив ва мулкий муносабатлар бошқармасига хабар бериш;

-агар Муаммони текшириш натижасида суд даъволари қўзгалган ёки хукуқий чоралар қўлланилган бўлса, текширилаётган Муаммо тўғрисида Компаниянинг юридик бошқармасини хабардор қилиш;

-асосли зарурат туғилган ҳолларда хизмат текшируви жараёнини кузатиш ва назорат қилиш учун Компания ёки Назорат остидаги корхонанинг манфаатдор шахсларига ТБГа кириш хукуқини тақдим этиш;

-дастлабки ёки шошилинч чораларни қўллаш (агар бундай имконият аввал кўриб чиқилмаган ва 1-амал доирасида бажарилмаган бўлса);

-зарурат туғилганда хизмат текширувига кўмаклашиш учун ташқи ресурсларни жалб этиш;

-зарур ҳолларда Компаниянинг Юридик бошқармаси билан биргаликда Муаммо тўғрисидаги маълумотни хукуқни муҳофаза қилувчи органларига ошкор қилиш.

Бундан ташқари, Хизмат текшируви раҳбари, хизмат текшируви жараёнида:

- компаниянинг Ички аудит хизматига маълумотни ошкор қилиш эҳтимоли бўладиган;

- муаммо натижасида суд даъволарини қўзғаш ёки хукуқий чораларни қўллаш мумкин бўладиган;

Юқоридаги ҳолларни келтирадиган бирор-бир факт ёки айбловлардан хабар топса, зудлик билан Компаниянинг Комплаенс департаменти ва Юридик бошқармасига маълум қилиши керак.

Компаниянинг Комплаенс департаменти ва Юридик бошқармаси Хизмат текшируви раҳбарига юқоридагиларни кўриб чиқишида кўмаклашиш мақсадида барча хизмат текширувлари жараёнида қўллаш мумкин бўлган саволлар рўйхатини тузиб чиқди. Агар қўйидаги саволларнинг бирортасига жавоб “Ха” бўлса, хизмат текшируви раҳбари зудлик билан бу ҳақда Комплаенс бошқармасини хабардор қилиши керак:

1. Хизмат текширувига Давлат хизматчиси(ёки унинг яқин қариндоши)нинг алоқаси борми?
2. Ҳукумат қарорига таъсир ўтказа оладиган сиёсий арбоб, жумладан, собиқ Давлат хизматчилари ва уларга яқин шахсларнинг хизмат текширувига алоқаси борми?
3. Давлат ташкилотининг хизмат текширувига тўлиқ ёки қисман алоқаси борми?
4. Хизмат текшируvida рухсатномани, лицензияни олиш, ушлаб қолиш, муддатини узайтириш ёки якунланмаган суд низолари билан боғлиқ бўлган соволлар мавжудми?
5. Хизмат текшируvida Давлат хизматчисига пора бериш ёки унга пора таклиф этиш, ваъда бериш, илтимос қилиш ёки розилик билдиришни назарда тутувчи шубҳаларга асослар мавжудми?
6. Хизмат текшируvida тижорат порасини бериш ёки тижорат порасини тўлаб бериш тўғрисида таклиф, ваъда, илтимос ёки розилик мавжудми?
7. Хизмат текшируvida “расмиятчиликни соддалаштириш учун тўлов”, жумладан, Давлат хизматчисига ҳукуматга оид ҳаракатларнинг бажарилишини тезлаштириб бериш учун ҳар қандай кичик тўлов мавжудми?
8. Хизмат текшируvida тўловларни рўйхатдан ўтказишида ноаниқлик ёки бухгалтерлик ҳисобларида Давлат хизматчисига бирон-бир нолойиқ тўлов билан боғлиқ бўлган номувофиқликлар мавжудми?

**“Ўзавтосаноат” АЖНИНГ ХИЗМАТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ПРОЦЕДУРАСИГА
5-ИЛОВА**

*Хизмат текшируви режасининг
ШАБЛОНИ*

Шаблон тавсия сифатида келтирилган. Хизмат текшируви раҳбари режани ўз ихтиёрига кўра тайёрлайди ва эҳтиёжга қараб ўзгартириши мумкин. Кўшимча маълумотлар келиб тушганида хизмат текшируви режасини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш тавсия этилади.

I. Қисқача тавсиф

Кўриб чиқилаётган муаммо, унинг тўғрисидаги хабарнинг манбаси, хамда текширилаётган айловларга қисқача тавсиф беринг.

II. Хизмат текшируви доираси

- Хизмат текшируви қандай масалаларга қаратилган?
- Бирон-бир айлов ёки айловнинг бир қисми хизмат текшируви доирасидан чиқарилиши керакми? Агар “ҳа” бўлса, илтимос, сабабларини келтиринг.

**III. Комплаенс-сиёсалари ва процедураларининг кўриб чиқилаётган
тамойиллари, шунингдек, хуқуқий нормалар**

Хизмат текшируви билан боғлиқ бўлган Компаниянинг комплаенс-сиёсалари ва процедуралари (масалан, Ходимларнинг одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашуви, порахўрликка ва коррупцияга қарши кураш сиёсалари, Бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш процедураси) тегишли қоидалари ва тамойилларини хавола қилиб кўрсатинг.

IV. Хизмат текширувини ўтказиш гурухи

- Хизмат текширувига ким раҳбарлик қиласи?
- Хизмат текширувининг бориши тўғрисида хабардор қилиниши керак бўлган бошқа манфаатдор шахслар борми? Компаниянинг юридик бошқармасини жалб этишга зарурат борми?
- Хизмат текширувига ташқи манбалар, бухгалтерлик экспертизаси бўйича мутахассислар, бошқа мутахассислар ва мустақил учинчи шахслар жалб этиладими? Агар жалб этилса, айнан ким, қандай тартибда ва Компаниянинг қайси таркибий бўлинмаси орқали?

V. Далил манбалари

Хужжатларни сақлаш, йигиш ва ўрганиш бўйича кутилаётган ҳажм.

- Хизмат текшируви учун зарур бўлган маълумотлар (“маълумот сақловчилар”) кимнинг ихтиёрида бўлиши мумкин?

- Гувоҳларнинг интервюлари ва далиллари керак бўладими? Мумкин бўлган гувоҳлар рўйхатини ва фактларни йиғиш бўйича режани киритинг.
- Моддий ташувчиларда ёки серверда жойлашган бирон-бир электрон, ёзма маълумотларни сақлаш ёки нусхалаш керакми? Агар шундай бўлса, бу қандай амалга оширилади?
- Ўрганиш учун маълумотларни йиғиш керакми? Ҳужжатлар қандай ва қаерда ўрганилади?
- Уларни ўрганиш учун бирон-бир ҳужжатни таржима қилиш керакми?
- Хизмат текшируви раҳбарига ҳужжатларни сақлаш ва топшириш йўриқномаси талабларига кўра маълумотларнинг махфийлиги тўғрисидаги қонунчилик бўйича Компаниянинг юристлари билан маслаҳатлашиш керак бўладими?

Зарурат туғилганда, Ҳизмат текшируви раҳбари хизмат текшируви обьекти билан боғлиқ бўлган шахсларнинг хизмат компьютерларидан хизмат текшируви билан боғлиқ маълумотларни олишга, шунингдек ушбу шахсларнинг корпоратив почта ваофис компьютерларидан фойдаланишларини чеклаш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

VI. Потенциал сўров қилинувчилар

- Қайси ходимлар, бизнес ҳамкорлар ва бошқа шахслар белгиланган айловларга алоқадор бўлиши мумкин?
- Сўров пайтида юрист иштирок этадими?

VII. Хизмат текшируви давомида мўлжалланаётган чоралар

Хизмат текшируви давомида амалга оширилиши мўлжалланаётган чораларни, шу жумладан, амаллар кетма-кетлиги ва таҳлилини таърифлаб беринг.

VIII. Жадвал/Якунлаш учун мўлжалланган муддат

Хизмат текширувининг мураккаблиги ва хусусиятига қараб ҳар бир босқич учун мўлжалланаётган якунлаш санасини кўрсатинг.

IX. Дастлабки маълумотлар ёки фактлар

Хизмат текширувани бошлиш пайтида мавжуд бўлган асосий далилларни санаб ўтинг. Агар бирон-бир айлов мұқаддам учраган муаммолар ёки хизмат текшируви билан боғлиқ айловларга ўхшаш бўлса, кўрсатинг.

Хизмат текширувларини ўтказиш процедурасига 6-илова

Далилларни йиғиши, үрганиши ва таҳлил қилиши бўйича йўриқнома

Ушбу Иловада далилларни йиғиши, текшириш ва таҳлил қилиш учун тавсия этилган усуллар келтирилган.

1. Далилларни йиғишига тайёргарлик

Хизмат текшируви мақсадини белгиланг. Бу сиз қандай айловларни текширишингизни, қандай хужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқишишингизни, ким билан ва қандай тартибда сўров ўтказишингизни ва охир-оқибат хulosса чиқаришни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳар бир мамлакатда далиллар йиғиши тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Хизмат текшируви давомида мазкур қонунларга риоя қилиниши лозим бўлади. Агар Хизмат текширувининг раҳбарида далилларни йиғиши юзасидан маҳаллий қонунчиликда назарда тутилган чекловлар бўйича саволлар туғилса, у ҳолда хизмат текширувани бошлашдан олдин Компаниянинг юридик бошқармаси билан маслаҳатлашиш лозим.

Ходимлар ёки бошқа шахслар (“маълумот сақловчилар”) нинг шахсий маълумотларига оид (масалан, уларнинг корхона билан боғлиқлигидан қатъи назар, видеоматериаллар, аудиоёзувлар, офис компьютерлари каби) далилларни йиғишида унинг сабабини (жумладан, мавжуд бўлса, хукукий асосини) кўрсатиш ва ходимлар ҳамда бошқа шахслар эга бўлиши мумкин бўлган шахсий ҳаётнинг маҳфийлиги хукуқларини ҳисобга олиш зарур.

2. Далилларни йиғиши

Далилларни йиғиши жараённан фақатгина далилларни йиғиши мақсадларига эришиш учун зарур бўлган шахсий маълумотларга кириш ва фақат шундай шахсий маълумотлардан фойдаланиш қўлланиллади. Шунинг учун, далилларни йиғишини бошлашдан олдин куйидаги саволларнинг ҳар бирини ўйлаб кўринг, баён қилинг ва хужжатлаштиринг:

- Қайси “ахборот ташувчилар” дан далил олишни режалаштиргансиз?
- Сиз қандай далилларни йиғмоқдасиз? (ахборот электрон шаклда сақланадими? Қофздами?)

- Далиллар қаерда? (маълумот манбалари, сақланаётган жойлари).

- Далилларни қандай қилиб йиғасиз? (далиллар қаердан келиб чиқканлиги, уларни ким сақлаётгани ва узатаётгани ва улардан хабардор бўлган шахслар кўрсатилган “сақлаш занжири” ҳақидаги маълумотларни сақланг.

Сиз нимани ўрганиб чиқмоқчисиз? (Компанияда ишлатиладиган ноутбуклар, электрон почта хабарлари, сақлаш жойлари).

○ Далилларни йиғиши усуллари маълумот манбаларига қараб фарқланишига эътибор беринг. Агар гап компьютер маълумотлари (экспертиза учун қаттиқ дискнинг нусхалари) ҳақида бораётган бўлса, унинг хавфсизлиги одатда ходимнинг сақлаш бўйича кўрсатмаларга риоя қилишига боғлиқ.

○ Шуни ёдда тутингки, ходимларнинг электрон почта хабарлари ва хужжатларини мониторинг қилиш тегишли ходим билан тузилган меҳнат шартномасига қатъий мувофиқ

равишда, муайян мамлакатларда маҳфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланиладиган махсус талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

- Ходимларни хизмат текшируви тўғрисида хабардор қилиш ниятингиз борми?

- Сиз муайян маълумотларни йигиш ва ўрганишни қандай асослаб беришингиз мумкин?

Жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрида ахборотни моддий ташувчилардан ташқари турли хил усулларда ва турли жойларда сақланадиган катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин. Маълумот йигишда қўйидаги вазифаларни бажариш керак:

- ишга потенциал зид бўлган маълумотларни аниқланг ва йиғинг (тегишлилик тушунчаси қўйида батафсилоқ тушунтирилган);

- текширилаётган Муаммога тегишли бўлган маълумотларни аниқланг ва тақдим этинг;

- шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, билдириш мажбуриятлари ва маълумотлар тўплашнинг ҳуқуқий асослари каби амалий ҳуқуқий масалаларни доимо мўлжалда тутинг.

3. Далилларни қайта ишлаш ва ўрганиш

Маълумотларни, айниқса электрон маълумотларни қайта ишлашда хизмат текшируви бошлиғи бир қатор жиҳатларни ҳисобга олиши керак:

– *Харажатлар*: Электрон маълумотларни қайта ишлаш уларни ўрганишнинг энг харажатли қисмидир.

– *Шаффофлик*: Маълумотларни қайта ишлаш босқичида кўпинча ахборот технологиялари соҳасига оид муаммолар пайдо бўлади, Хизмат текшируви раҳбарига уларни бошқариш айниқса қийинчилик туғдиради.

– *Маълумотларни трансчегаравий узатиши муаммолари*: Маълумотларни қонуний йўллар билан қандай узатишни кўриб чиқинг.

– *Маълумотлар хавфсизлиги*: Маълумотларни қайта ишлаш хизматларини кўрсатувчиси билан шартнома тузишингиз ва/ёки ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларини жалб қилишингиз керакми ёки йўқми, ўйлаб кўринг.

4. Далилларнинг таҳлили

Ҳар бир далилнинг ишга тегишлилик ва аҳамиятли даражасини аниқлаш керак. Шунингдек, далилларни асл эканлигини, шунингдек, бевосита ёки билвосита эканлигини аниқлаш имкони бор-йўқлигини ҳал қилиш керак. Ва ниҳоят, кўриб чиқилаётган далиллар бошқа далиллар билан рад этилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Аҳамиятга эга бўлмаган ёки аҳамиятини йўқотган далилларни олиб ташлаш керак. Агар сиз Манфаатлар тўқнашувига оид айловга тегишли далилларни таҳлил қилаётган бўлсангиз, қўйидаги кўрсатмаларга ҳам эътибор қаратишингиз лозим

Тегишлилик. Далилнинг тегишлилиги унинг хизмат текшируви билан боғлиқ бўлган асосий фактлардан бирини у ёки бу даражадаги эҳтимолининг мавжудлигини тавсифлаш қобилияти билан белгиланади.

Далилларнинг тегишлилигини аниқлашда қуйидаги асосий саволларга жавоб топиш керак:

- Ушбу далилни қайси факт тасдиқлайди ёки рад этади?
- Кўриб чиқилаётган далил тегишли фактни исботлайдими ёки рад этадими?
- Тегишли факт муҳим рол йўйнайдими?

Ҳар бир далилнинг доимо маълум бир муаммога тегишлилигини аниқланг.

Исботлаш кучи. Агар далил текширилаётган Муаммога тегишли бўлса, кейинги бериладиган савол - унинг исботлаш кучи қандай?

Исботлаш кучини баҳолашда асосий саволлар:

- таклиф қилинаётган далил ва у қўллаб-қувватлайдиган хулоса ўртасида қандай боғлиқлик бор?
- таклиф қилинаётган далилни тушунтириши мумкин бўлган муқобил хулосалар қанчалик ишончли?

Мисоллар:

- юқори исботлаш кучи: Компаниянинг Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтказилган компьютер маълумотларининг экспертизаси электрон почта хабари жаноб “X”га тегишли компьютердан юборилганлигини кўрсатди”

- камроқ исботлаш кучи: Компаниянинг Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан ўтказилган компьютер маълумотларининг экспертизаси электрон почта хабари жаноб “X”га тегишли компьютер билан бир хил турдаги компьютердан юборилганлигини кўрсатди”

Ҳақиқийлигини аниқлаш. Жисмоний далилларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш керак. Ҳақиқийлигини аниқлаш деганда далил сифатида даъво қилинган нарсани айнан ўзи тақдим этилганлигини намойиш этиш қобилияти тушунилади.

Ҳақиқийликни баҳолашда берилиши лозим бўлган саволлар:

- ҳақиқийлик презумпцияси борми? Мисол: корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар.

- гувоҳ ўзининг шахсий билимларига асосланиб ҳақиқий далил намойиш этилаётгани тўғрисида таъкидлай оладими? Мисол: қўл ёзувини аниқлаш.

- У ёки бу одамнинг овози билан таниш бўлган гувоҳ бу овозни ёзувда аниқлай оладими?

- Далил сифатида даъво қилинган нарсани айнан ўзи тақдим этилган деб ҳисоблаш учун бошқа сабаблар борми?

Бевосита ва билвосита далиллар. Билвосита ва бевосита далилларни баҳолашдаги фарқни ёдда тутиш керак.

Бевосита далил – фактнинг бевосита тасдиғи, масалан, гувоҳнинг ўзи шахсан кўргани, эшитгани ёки қилгани ҳақида гувоҳлик бериши.

Билвосита далил – бошқа фактни хулоса қилиш мумкин бўлган битта ёки бир нечта фактларнинг тасдиғи.

Билвосита далиллар бевосита далиллар каби ҳақиқийдир, аммо уларнинг заминида ётган алоқалар тушунтиришни талаб қиласди.

1-мисол: Тендерда энг юқори нархни таклиф этган ва ишилаш тажрибаси бошқалардан саёз бўлган иштирокчининг голиб чиққанлиги тендер сохталаширилганинг билвосита далилидир.

2-мисол: Гувоҳнинг тендер иштирокчиси харидорлар бўлимидағи у-бу кимга ўзининг таклифини илгари сурши учун нул тўлагани тўғрисидаги кўрсатмалари ёки голиб чиқши учун “улуш” берши тўғрисида муҳокама ўрин олган электрон почта ёзишмаси тендер сохталаширилганинг бевосита далили бўлади.

Далилларни рад этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ва муқобил тушунтиришлар бор-йўқлигини ўйлаб кўринг.

1-мисол: Голиб бўлган иштирокчи юқори нархига қарамай, умумий жиҳатдан яхшироқ бўлган таклифни киритган бўлиши мумкин; унинг ишига кўриб чиқилаётган тендер билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари юзасидан анча олдин ҳам шикоятлар келиб тушибган.

2-мисол: Гувоҳ электрон почтада муҳокама қилинган ёлғон кўрсатма берши мумкин, “улуш” рад этилган бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Манфаатлар тўқнашуви. Ходимларнинг одоб-ахлоқ Кодекси ва Компаниянинг манфаатлар тўқнашуви сиёсатига кўра, Манфаатлар тўқнашуви иш ва шахсий манфаатлар ўртасида зиддият юзага келганда пайдо бўлиши мумкин.

Далилларни таҳлил қилишда Манфаатлар тўқнашувининг таркибида айбли ҳаракатлар мавжуд бўлмаган одатий муносабатлардан ажратса олиш мухимдир. Бошқача айтганда, ходим ва етказиб берувчи ўртасидаги (ўтмишдаги меҳнат муносабатлари, етказиб берувчи ва ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари орқали) “алоқаси” шартли равишда манфаатлар тўқнашувини англатмайди.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини аниқлашда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур:

- Мавжуд ўзаро муносабатлар манфаатлар тўқнашувини таъкидлайдими ёки фақат унинг эҳтимолини кўрсатадими?

- Кўриб чиқилаётган муносабатлар ҳақида маълумот ошкор қилинганми?

- Кўриб чиқилаётган муносабатлар иш билан боғлиқ қарорларга таъсир қиласдими?

- Тегишли ходим кўриб чиқилаётган етказиб берувчининг ҳисобларига имзо чекиб (виза орқали) розилик билдирганми?

Иккиланиш мавжудлигига Компаниянинг Манфаатлар тўқнашуви сиёсати қўйидагиларни талаб қиласди: “Агар сизда ўзингизнинг ҳақиқий, тахмин қилинган ёки эҳтимолли манфаатлар тўқнашуви юз бергани ёки бошқалар сиз иштирок этадиган муайян фаолият ёки муносабатларни Манфаатлар тўқнашуви деб ҳисоблаши мумкинлиги тўғрисида фикр пайдо бўлса, бу ҳақда дарҳол ўзингизнинг раҳбарингизга ва/ёки Комплаенс департаментига хабар беринг”.

Хизмат текширувларини ўтказиш процедурасига 7-илова

Гувоҳлар ва боиқа жалб этилган шахсларни сўров қилишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Йўриқнома

Ушбу Иловада хизмат текшируви жараёнида сўровномаларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мавжуд.

1. Дастлабки тайёргарлик

Ҳар доим сўровномани “фойдали” фактларни билишга ёки қоидабузарлик тўғрисидаги хабарнинг контекстига аниқлик киритишга қаратилган “муайян мақсадли сухбат” деб билинг.

Сўровноманинг муваффақияти сўров ўтказаётган шахснинг унга бўлган муносабати сухбатдошнинг ҳамкорлик қилиш истагини баҳолаш ва ушбу истакка эришиш қобилиятига боғлиқлигини унумтандиган.

Бошиданоқ саёз режалаштириш, сухбатнинг бошида сухбатдошга вазиятни етарли даражада тушунтириб бермаслик, саволларни асоссиз такрорлаш, сўров қилинаётган шахсни айбордорлигини назарда тутувчи, сухбатдошнинг объектив бўлишига тўсқинлик қиласидиган файрихолислик каби кенг тарқалган хатолардан қочинг.

2. Сўровномани режалаштириши

Куйида келтирилган схема сўровномангизнинг мақсадини, жумладан, қандай ва нима учун маълумотларни олишни кутаётганингизни олдиндан билиб олиш орқали режалаштиришда ёрдам беради.

- Сиз билмоқчи бўлган муҳим фикрларни ва асосий жиҳатларни аниқлаш учун ушбу масала бўйича мавжуд барча маълумотлар ва далилларни тўлиқ ўрганиб чиқинг;

- Режалаштирилган сўров хизмат текшируви нуктаи назаридан нимани бериши мумкинлигини ўйлаб кўринг, масалан, хизмат текшируви мавзусини профессионал баҳолашда, жадвални тузишда (ким, қачон, қаерда, қандай ва бошқалар) ёрдам бериши мумкин;

- Қабул қилган барча қарорларингизни сабаблари билан акс эттиринг.

Кимни сўров қилишни ҳал қилинг. Кўпинча сизнинг қарорингиз у ёки бу шахснинг ҳозирги ёки ўтмишдаги профессионал мажбуриятоларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли фактларга яқинлигига боғлиқ бўлади. Ким билан сухбат ўтказишни ҳал қилишда қуйидаги жиҳатларни ёдда тутинг:

– Собиқ ходимларни жалб қилишнинг бирон-бир усули бор-йўқлигини, уларни кўнгилли бўлишга ундаш имконини ўйлаб кўринг.

– Махфийликка риоя қилиш масалаларини кўриб чиқинг.

– Биргаликда ёки гурӯҳда сўров ўтказманг.

– Сўровларнинг кетма-кетлигини кўриб чиқинг.

Сўровномани ким ўтказишини ҳал қилинг. Иложи бўлса, сўров қилувчи икки нафар бўлиши, улардан бирининг ёзиб боришиб имкони ҳақида ўйлаб кўринг. Ушбу роль учун ташқи ва/ёки штатдаги юрисконсульт ҳам, Комплаенс департаменти ходими ҳам мос келади.

- Сўровномани қачон ўтказиш лозим? Идеал ҳолда, сўровларни барча тегишли хужжатлар ва электрон почта хабарларини ўрганишни тутатгандан сўнг ўтказиш яхшироқдир.

- Агар сиз сўровномада хужжатлардан фойдалансангиз, уларни мантикий тартибда жойлаштириңг ва сўров давомида уларнинг қайси қисмига мурожаат қилишингизни ўйлаб кўринг.

- Тегишли тайёргарликдан сўнг, сухбатларни иложи борича тезроқ ўтказинг, чунки кўриб чиқилаётган воқеалар гувоҳлар хотирасидан ўчирилишидан олдин иложи борича кўпроқ маълумот олиш муҳимдир.

Сўровномани қаерда ўтказиш лозим? Сўровномани ўтказиш учун эҳтимолли жойларининг ҳар бири ўз афзалликларига эга. Сўровномани учинчи томон юрисконсультининг иш жойида, сухбатдошнинг иш жойида ёки “бетараф” худудда ўтказишингиз мумкин.

Қайси жой яхшироқ бўлишини текширилаётган ишнинг аниқ тафсилотларига қараб, ҳал қилинг. Қуйидаги жадвалда сўровномани ўтказиладиган жойни танлашда қўпинча фойдаланадиган айрим кўрсатмалар мавжуд:

Сўров қилинаётган одамнинг иш жойида	Учинчи томон юрисконсультининг иш жойида	“Бетараф” (сўров қилинаётган шахс ёки учинчи томон юрисконсультининг иш жойи бўлмаган) худудда
Сўров қилинаётган шахс учун куляйрок/таниш бўлган мухит далилларни яхшироқ эслашга, кўркувни хис қилмасликка ёрдам беради	Расмий мухитда жиддийлик ва кўркув хисси пайдо бўлиши мумкин	Текширилаётган ишнинг ўзига хос ҳолатларига қараб, ҳар бир сухбат жойининг афзалликлари ва камчиликлари кўриб чиқилиши керак
Бир компаниянинг шахслари билан катор сўровлар ўтказишида самаралироқ	Сўровнома иштирокчисининг ишига камроқ халакит беради, айниқса бир неча сўров ўтказилганда	
Бошқа шахслар ёки ҳолатлар сабабли сўров узилиши мумкин/махфийликни бузилиши хавфи мавжуд	Махфийликни таъминлаш имкониятлари кўпроқ	

Қайси жойни танлаган бўлишингиздан қатъи назар, сизга имкон қадар қамроқ халақит берилиши ва чалғитилиши тўғрисида ўйлаб кўришингиз керак. Шунингдек, сўров қилинадиган шахс бир-бирингизга нисбатан жойлашувингизни қандай қабул қилишини - иштирок этишга ёки қарама-қаршилик учун қулай деб хисоблашини ўйлаб кўринг.

Сўров қандай ўтказилади? Сўровни бошлашдан олдин бажарилиши тавсия этилган, унинг бошланишиданоқ мулоқот оҳангини белгилашлари мумкин бўлган стратегик қарорлар куйида келтирилган:

- Сўровномани бошлашдан олдин қадамларни пухта ўйлаб кўринг (сўровнома мавзулари, сухбатдошнинг махфийликка риоя қилиши бўйича кўрсатмалар ва баённомани киритинг);

- Текширувнинг сабаби ва мавзуси тўғрисида ходимларга нима дейишингизни олдиндан ҳал қилинг;

- Сүров давомида олдиндан ёзма равища тайёрланган саволлардан фойдаланасизми ёки йүқлигини олдиндан ҳал қилинг. Бу баъзи жиҳатларда бир хилликка эришишга ёрдам беради, аммо бундай воситалар мослашувчан ёндашувни талаб қиласы;

- Үтказилған сўровнинг аудио ёзувлари билан бир қаторда сўров давомида баён ёзиб олишга тайёрланиб қўйинг;

- Махаллий қонунчилик талаблари билан олдиндан танишинг;

- Компаниянинг ички меҳнат қоидаларини диққат билан ўрганиб чиқинг;

- Сўров үтказиш учун рухсат зарур ёки йўқлигини (ва рухсатсиз үтказиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини) аниқланг;

- Хизмат текширувининг мақсади ва вазифаларини талабларга мослаштириng.

3. Сўровни үтказиши

Сўровномани бошлаш Биринчи таассурот катта роль ўйнайди! Сўров биринчи сонияларданоқ ишонч ва ўзаро тушуниш мухитида ўтиши ва бундай мухит охиригача давом этиши мухимдир. Сўровномани бошлашда ёдда тутиш керак бўлган бир нечта қоидалар:

– Сўровнома иштирокчисининг баъзи саволларга нисбатан душманона муносабатини олдиндан билсангиз ҳам, унга мулойим ва хушмуомала бўлинг;

– Сўровнома иштирокчисини шахс деб қабул қилинг, унинг нутқи, маданияти, ҳиссий қайфияти ва бошқа омилларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, қандай эҳтиёжлари бўлиши мумкинлигини ўйланг;

– Вазиятни қисқача тавсифлаб, сўровнинг сабабларини тушунтириng. Сўров иштирокчисини сизга қоидабузарлик билан боғлиқ фактларни текшириш вазифаси юклангани ва айбловларнинг ҳақиқат эканлиги тўғрисида тегишли далиллар тўпланмагунча ва хизмат текшируви үтказилмагунча қарор қабул қиласылигиниз лозимлиги ва қабул қиласылигинизга ишонтириng;

– Суҳбат қандай үтказилишини, шу жумладан, ҳар бир иштирок этган кишининг роли, вақт давомийлиги (танаффуслар ҳақида маълум қилинг) ва умумий тузилишини, ҳужжатларни ишлатишни режалаштираётганингизни тушунтириng (“асосий қоидаларни белгилаб қўйинг”);

– Сўровнома иштирокчисидан ҳеч қандай уйдирма қиласдан фактларни ўз сўzlари билан тўлиқ тақдим этишини кутаётганингизни тушунтириng;

– Сўровнома иштирокчиларининг барчасига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириng ва Компания хизмат текширувида иштирок этганларни, текширувга тегишли маълумотларни вижданан тақдим этаётганларни қўллаб-қувватлашини эслатиб қўйинг.

Сўровноманинг умумий усуслари ва мақсадлари:

– Суҳбатингизни тўхтатмасликларига ҳаракат қилинг.

– Батафсил жавобни талаб қиласиган саволларни тузинг, сўров иштирокчиси сизга ўз ҳикоясини айтиб берсин.

– Фаол тингловчи бўлинг.

– Фактларни элашга уринишларини қўллаб-қувватланг.

– Сўров иштирокчиларидан воқеалар тўғрисида ўз версияларини тасдиқлаш, тушунтириш ва тўлиқроқ тавсифлашларини сўранг.

– Давом этишдан олдин умумлаштиринг.

– Сўровнома иштирокчисининг шахсига мослашишга ва эҳтимолли ёлғонни англашга тайёр бўлган ҳолда, қарама-қарши фактларни очиб беринг.

Саволларни шакллантириш айниқса мухимдир. Қўйида саволларингизни шакллантиришда ёдда тутиш керак бўлган асосий фикрлар келтирилган:

– Вақтни салмоқли қисми сизни нуткингизга САРФЛАНМАСИН.

– Айнан берилган саволга жавоб олинганига ишонч ҳосил қилиш учун жавобларни диққат билан тингланг

Худди шу ҳодисанинг турли нуқтаи назардан турли хил версияларига тайёр бўлинг.

– Агар иложи бўлса, яққол муаммоли саволларни сўровнинг сўнгги босқичларига қолдиринг.

Бундан ташқари, фаол тинглаш - қабул қилинган маълумот ҳажмини кўпайтириш, маълумотлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида яхшироқ тушунчага эга бўлиш ва ҳар қандай номувофиқликни аниқлашнинг асосий усулидир.

Қўйида фаол тинглаш қобилиятынгизни яхшилаш учун бир нечта маслаҳатлар келтирилган:

– Воқеалар тўғрисида олдиндан бичиб-тўқилган тасаввурга эга бўлмасликка ҳаракат қилинг, сўров давомида олинган ҳар қандай маълумот учун “очиқ” бўлинг.

– Ўз шарҳларингиз сонини чекланг, сўров килинаётганинг гапини бўлманг.

– Суҳбатда танафуссларни тўлдириш истагига берилманг.

– Сўровнома иштирокчisinи тўғри тушунганингизга ишонч ҳосил қилиш учун унинг сўзларини такрорланг, суҳбат давомида олинган маълумотларнинг қисқача мазмунини эшиттириб айтинг.

“Ўзавтосаноат” АЖнинг Хизмат текширувларини ўтказиш процедурасига
8-илова

Хизмат текшируви тўғрисидаги ҳисобот НАМУНАСИ

Ушбу Иловада хизмат текшируви жараёнида сўровномаларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мавжуд.

I. Қисқача тавсиф

Қуйидагиларни ўз ичига олган қисқача тавсиф беринг:

- айловлар манбаси тўғрисидаги маълумот;
- хизмат текшируви давомида амалга оширилган ишларнинг тавсифи;
- хизмат текширувининг асосий тамойиллари ёки хуқуқий нормалар бузилганми;
- хизмат текшируви Компаниянинг хўжалик фаолиятидаги заиф жойлари ёки бўшлиқларни аниқладими.

II. Дастлабки ҳолат

- Қандай муаммо текширилди?
- Хизмат текширувани ўтказиш учун нима сабаб бўлди?
- Агар хизмат текширувига айловлар асос бўлган бўлса, айловларнинг манбаи нима ва/ёки ким бўлган?
- Хизмат текшируви қачон бошланган? Хизмат текшируви аъзоларини санааб ўтинг.
- Хизмат текшируvida ташқи томонлар (масалан, ташқи юрист-маслаҳатчилар, бухгалтерия экспертизаси бўйича мутахассислар ва бошқалар) ёрдам бердими? Қайси ходим/бўлим уларни иштирок этиш учун жалб қилган?
- Ушбу хизмат текшируви бошқа бирон-бир хизмат текшируви билан боғлиқми?
- Агар боғлиқ бўлса, боғлиқликнинг хусусиятини тушунтиринг (масалан, иккала иш ҳам X лойиҳасига тааллуқли, шу сабабли харидлар бўлими ва А етказиб берувчи ўртасидаги тил бириктириш тўғрисида Y айловни илгари сурган).

III. Хизмат текшируви жараёни

Сўровлар.

Сўровлар ўтказилганми? (Агар ўтказилмаган бўлса, уларга тааллуқли бўлган кейинги саволларни ўтказиб юборинг).

Кимлар сўров қилинди?

- Исмларни, лавозимларни, сўров ўтказилган қунларни аниқ кўрсатинг.
- Сўровларнинг қисқача тавсифини хисоботга илова сифатида киритинг.

Сўровлар ёзиб олинганми? Агар “ҳа” бўлса, қандай тарзда? (аудиоёзув, ёзма баёнлар ва х.к.)

Хужжатларни ўрганиш.

Қандай хужжатлар ўрганилган?

Аниқ кўрсатинг (масалан, “Компаниянинг корхонаси ва А етказиб берувчи ўртасида маркетинг хизматларини кўрсатиш тўғрисида 2019 йил 1 июлдаги шартнома”). Агар гап катта ҳажм ҳақида борса, унда умумлаштириб тавсифлаш мумкин (масалан, “Компания корхонаси ва А етказиб берувчи ўртасида 2016 йилдан 2019 йилгacha маркетинг хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар”).

Асосий хужжатларни ҳисоботга илова сифатида қўшинг.

Электрон почта хабарларини ўрганиш.

Электрон почта хабарлари ўрганилдими?

Агар “ҳа” бўлса, уларни сақланаётган жойлари ва саналари кесимида кўрсатинг.

Асосий электрон хабарларни ҳисоботга илова қилинг.

Ахборот ташувчи воситаларни ўрганиш.

Ахборот ташувчиларнинг нусхалари яратилдими? Агар “ҳа” бўлса, уларни сақланаётган жойлари ва саналари кесимида кўрсатинг. Асосий ахборот ташувчиларнинг нусхаларини ҳисоботга илова қилинг.

Ахборот ташувчиларнинг нусхаларини яратишдан олдин рухсат олинганми? Агар “ҳа” бўлса, бундай рухсат берилганми?

IV. Хизмат текширувининг кўриб чиқилаётган асосий тамоиллари ёки хуқуқий нормалар

Тегишли қоидаларга ҳавола келтирган ҳолда хизмат текширувининг асосий тамоилларини ёки хизмат текширувига таалуқли бўлган қонун хужжатлари(масалан, Одоб-ахлоқ кодекси, Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёsat)ни кўрсатиб ўтинг. Шунинг учун агар хизмат текшируви тўғрисида ҳисоботни тайёрлаган шахс юрист бўлмаса, бу ҳолда ҳисоботга хуқуқий нормалар бузилгани ёки бузилмагани ҳақида хулоса киритилмайди.

V. Натижалар

Умумий.

Аниqlangan фактларни қисқача, 1-2 параграфда таърифлаб беринг. Агар кўпроқ жой керак бўлса, фактларнинг таърифини алоҳида илова қилинг.

Давлат хизматчининг эҳтимолли алоқадорлиги.

Текширилаётган Муаммога бирон-бир давлат хизматчиси жалб қилинганми? Агар “ҳа” бўлса, унинг исми, лавозими ва текширилаётган ишдаги ўрнини кўрсатинг. Хизмат текшируви бирон-бир давлат ташкилоти ёки давлат хизматчиси тўловлар амалга оширилганининг қандайдир далилини аниqlадими? Агар “ҳа” бўлса, аниқ маълумотларни, шу жумладан, тўлов суммаси, санаси ва хусусиятини кўрсатинг.

Етказиб берувчи билан эҳтимолли тил бириктириши.

Хизмат текшируви ходим ва ташқи етказиб берувчи ўртасида эҳтимолли тил бириктиришни аниqlадими? Агар “ҳа” бўлса, тил бириктирилганидан шубҳа қилиш учун сабабларни, жумладан, етказиб берувчи ва ходим орасидаги муносабатлар (масалан, “ходимнинг акаси етказиб берувчининг қўлида ишлайди”) ва муносабатлар ноқонуний мақсадлардан фойдаланилганидан (масалан, “ходим етказиб берувчининг қўлида ишлайдиган ўзининг қариндошига компаниянинг

махфий маълумотларини ўзаро алоқадор томонлар ўртасидаги ёзишмалар давомида ошкор қилган") шубҳа қилиш учун асосларни кўрсатинг.

Гувоҳлик кўрсатмалари ва уларнинг ишончлилик даражаси.

Асосий гувоҳлар томонидан берилган, аниқланган фактлар заминида ётган аниқ кўрсатмаларни ҳавола қилинг ва уларнинг нима учун муҳимлигини тушунтиринг.

Ишончлилиги аниқланган ҳар бир гувоҳ бўйича унинг кўрсатмаларига ишонч билдириш ёки билдиримаслик керак деб ҳисоблашингиз сабабини тушунтиринг. Куйидагиларга эътибор бериш керак:

Гувоҳнинг хатти-харакатларида унга ишонч ёки ишончсизликни келтириб чиқаридиган бирор-бир нарса бўлдими?

Гувоҳ томонидан ошкор қилинган маълумот бошқа манбалардан ҳам исботландими? Агар "ҳа" бўлса, айнан қандай қилиб эканини тушунтириш керак (масалан, А гувоҳнинг кўрсатмаларига қўшимча равища, В ва С гувоҳлар ҳам А ходимнинг А етказиб берувчиси билан шартнома бўйича оширилган нархларни тўлаш масаласини муҳокама қилганлигини эшиттганликлари тўғрисида" ёки "Компания томонидан тузилган бошқа шартномалар билан тақослаш А гувоҳнинг кўрсатмаларида кўрсатилгандек, А етказиб берувчига тўланадиган нарх, худди шу хизматлар учун В етказиб берувчига тўланган нархдан тахминан икки баравар юқори бўлганлигини кўрсатди ва биз бундай номувофиқликнинг бирон-бир оқилона сабаби тўғрисида хабардор эмасмиз").

Электрон ёзишмалардан топилган далиллар.

Электрон ёзишмалар асосида бирон-бир фактлар аниқландими? Агар "ҳа" бўлса, электрон почтадан асосий хабарлар мазмунини таърифлаб беринг, муҳим жойларига иқтибос келтиринг ва иқтибослари келтирилган хатларни далил сифатида илова қилинг.

Тўсқинликлар.

Гумон қилинганлар хизмат текширувини ўтказишга тўсқинлик қилдими? Агар "ҳа" бўлса, айнан қандай тарзда (масалан, ходим ёлғон маълумотларни тақдим этдими)? Далиллар йўқ қилинганлигидан гумон қилишга асослар мавжудми? (агар "ҳа" бўлса, уларни йўқ қилиш факти қандай фош этилди ва х.к.ни тушунтиринг).

Ушбу бўлимда гувоҳларнинг сохта кўрсатмалари келтирилмаслиги лозим, уларни юқорида таърифланган, гувоҳларнинг ишончлилигига бағишлиланган бўлимга киритиш лозим.

Мутахассислар томонидан ўтказилган таҳлил.

Хизмат текшируви сабабли экспертиза ўтказилганми (масалан, бозор нархларининг таҳлили, бухгалтерлик экспертизаси ва х. к.)? Агар "ҳа" бўлса, таҳлил предмети, эксперт маълумотлари ва экспертиза хulosаларини кўрсатиб ўтинг.

Зараарларни ҳисоблаш.

Йигилган далиллар компанияга молиявий зарар етказилганига далолат берадими?

агар шундай бўлса, бу хulosса нимага асосланган ва зарар қандай ҳисобланган (масалан, "етказиб берувчи билан тил бирютирилгани натижасида Компания унга худди шу хизматлар учун бошқа етказиб берувчиларга нисбатан икки баробар кўп пул тўлаган [1 млн. АҚШ долл. ўрнига 2 млн. АҚШ долл.], натижада Компаниянинг зарари 1 млн. АҚШ долл. ташкил қилган:

- фирибгарлик (яъни қасдан маълумотларни бузиб кўрсатиш, ички назорат тартибларига риоя қилмаслик ёки даромад олиш жараёни) натижасида етказилган зарарнинг баҳоси;
- эътиборсизлик натижасида етказилган зарарнинг баҳоси (яъни фирибгарлик схемасига кирмайдиган бепарволик, эҳтиётсизлик, нотўғри бизнес қарорлари туфайли компанияга етказилган зарар);
- мақсадга номувофиқ фойдаланишдан келтирилган зарап ёки йўқотишлар (компания активларини етарлича самара билан ишлатмаслик) баҳоси;
- қоидабузар олган фойданинг баҳоси;

Агар баҳолашни иложи бўлмаса, сабабини тушунтиринг.

Компанияга номоддий зарап етказилганми, қоидабузар номоддий фойда олганми (масалан, компания обўсига путур етказилиши ёки қоидабузарга номоддий имтиёзлар яратилиши)? Агар “ҳа” бўлса, фойда ёки зарап нимадан иборат бўлиши мумкинлигига аниқлик киритинг.

Қўшимча маълумотлар.

Сизнинг фикрингизга кўра аниқланган фактларни тушунишга ёрдам берадиган ҳар қандай бошқа маълумотларни келтиринг.

VI. Хулосалар

Хизмат текширувининг асосий хулосаларини яна бир бор қисқача санаб ўтинг.

Илова: Хизмат текшируви тўғрисида ҳисобот

**Хизмат текшируви тўғрисидаги ҳисоботнинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**Хизмат текшируви раҳбари -
[лавозими ва Ф.И.Ш.] нинг [Муаммони келтиринг] бўйича ҳисоботи**

1	Хулосанинг тартиб рақами	№
2	Ҳисобот бериш санаси	___/___/20___
3	Текширув ўтказилган корхонанинг номи	
4	Компаниянинг жалб этилган ходимлари	
5	Жалб этилган контрагентлар номи (мавжуд бўлса)	
6	Комплаенс бўйича сиёсатлар ва тартибларни бузиш соҳаси	
7	Вазият тавсифи	
8	Ўрганилган хужжатлар (материаллар) рўйхати	
9	Амалга оширилган тадбирлар рўйхати	Хизмат текшируви раҳбари ихтиёрига келиб тушган маълумотни таъкидлаш ёки рад этиш учун ишни ўрганиш жараённида қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, қуидагилар амалга оширилди: ✓
10	Вазиятни таҳлил қилиш	
11	Зарарни ҳисоблаш (агар мавжуд бўлса)	
12	Қўшимча текширув талаб этиладими	
13	Хизмат текшируви раҳбарининг тавсиялари:	
14	Шу каби вазиятларнинг олдини олиш учун қўшимча ҳимоя чоралари	

Хизмат текширувларини ўтказиш тартибига 9-илова

Санкцияларни Тавсия этиши ва Аниқлаши бўйича ЙЎРИҚНОМА

Компания қонунчиликка, Ходимларнинг одоб-аҳлоқ кодексига (кейинги ўринларда – Кодекс), Компания сиёсати ва процедуралари тамойилларига мос келмайдиган хатти-харакатларга тоқат қилмайди. Компания Ходимлардан тўғри харакатларни кутади ва Кодекснинг бажарилишини хавфларни камайтиришнинг устувор усули деб билади.

Ушбу Йўриқномада қоидабузарларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган Санкциялар, шу жумладан Кодексни бузганлик ва Компанияда қабул қилинган Ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ баъзи чораларни тавсия этиш ва белгилаш бўйича кўрсатмалар тасфирланган. Ушбу Йўриқномани қўллашда Қоидабузарликларни бартараф этиш учун масъул бўлган шахс текширилаётган қоидабузарликнинг аниқ фактлари ва ҳолатларига асосланган қарорларга таяниши керак. Айрим ишларнинг фактлари ва ҳолатлари турлича бўлганлиги сабабли, бир хиллик талаб қилиниши ҳар бир қоидабузарлик учун бир хил Санкциялар қўлланишини англатмайди.

1. Кодекснинг, комплаенсга оид сиёсат ва процедураларининг потенциал бузилишларининг соҳалари:

1. Ишга қабул қилишда тенг имкониятлар ва ишда камситилмаслик;
2. Иш жойида гиёхванд моддалар ва алкогол ичимликлари тақиқланиши;
3. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишни тақиқлаш;
4. Ходимларнинг шахсий маълумотларни маҳфийлиги;
5. Иш жойида ҳурмат қилиш ва таъқибларнинг олдини олиш;
6. Қасосни тақиқлаш;
7. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлиги;
8. Инсофли рақобат ва монополияга қарши курашиш қонун ҳужжатларига риоя этиш;
9. Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш;
10. Маълумотлар, ёзувлар, хисобот ва хисобга олишнинг аниқлиги ва тўғрилиги;
11. Савдо чекловлари, экспорт назорати;
12. Иш йўриқномасини бузиш (мансаб ваколатилари доирасидан четга чиқиш ва/ёки сустеъмол қилиш);
13. Дилерлар, дистрибьютерлар, Бизнес ҳамкорлар ва етказиб берувчилар билан ишлаш;
14. Ҳужжатларни сақлаш;
15. Манфаатлар тўқнашуви;
16. Совғалар ва меҳмондўстлик;
17. Компания мол-мулкининг сақланишини таъминлаш;
18. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш;
19. Интеллектуал мулк ҳукуқлари ва маҳфий маълумот;
20. Ахборот хавфсизлиги;
21. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг текширувлари;
22. Атроф мухитни муҳофаза қилиш;
23. Инсофсиз битимлар.

2. Мумкин бўлган Санкциялар мисоллари

1. Итизомий жазо чоралари (ҳайфсан, жарима, меҳнат шартномасини бекор қилиш).

Ҳар қандай итизомий жазо амалдаги қонунчиликка мувофиқ ва фақат белгиланган тартибда қўлланиши мумкин. Бу, масалан, итизомий жавобгарликка оид қонун билан белгиланган барча ҳаракатларни амалга оширишни англатиши мумкин.

2. Мукофотни тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш (агар қўлланиши мумкин бўлса);
3. Йил якунининг иш натижалари бўйича мукофотни тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш (агар қўлланиши мумкин бўлса);
4. Кўшимча тўловларни тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш (агар қўлланиши мумкин бўлса);
5. Устамаларни тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш (агар қўлланиши мумкин бўлса);
6. Бошқа таъсир чоралари.

Бошқа ҳар қандай таъсир чоралари амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак ва фақат амалдаги тартибларга мувофиқ қўлланилиш мумкин. Шу билан бирга, бошқа таъсир чораларини қўллаш тартиби ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланиши лозим.

Куйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

1. Қоидабузарлик алоқадорлик даражаси:

Гумонланувчининг бузилиши ёки нотўғри хатти-ҳаракатларида қандай рол ўйнаганлигини баҳолаш керак. Гумонланувчи қоидабузарлик ташаббускори, хуқуқбузарнинг фаол ижросини ёки ёрдамчиси бўлганми? Одатда, жазони енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган бошқа ҳолатлар бўлмаган тақдирда, гумон қилинувчининг ушбу қоидабузарликка алоқадорлиги даражаси қанчалик баланд бўлса, шунчалик қаттиқ интизомий чоралар кўрилиши керак.

2. Гумонланувчининг қоидабузарликларга бўлган реакцияси:

Мумкин бўлган интизомий жазо чораларини баҳолашда кенг қўламли ҳолатлар ҳисобга олиниши керак, масалан, гумонланувчи ўзи қоидабузарлик тўғрисида хабар берган бўлса, қоидабузарликка алоқадорлигини тан олган бўлган, текширувни ўтказган шахслар билан ҳамкорлик қилган ва ўз қилмишига пушаймон бўлган бўлса. Аксинча, гумонланувчининг қоидабузарликда иштирок этиш фактини яширишга, расмий хизмат текширувига халақит беришга ва пушаймон қилмасликка уринишлари оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисобланади.

3. Гумонланувчининг қоидабузарликда иштирок этишдаги ниятлари:

Гумонланувчининг қоидабузарликда иштирок этиш вақтида фикрларини баҳолаш керак. Гумонланувчи атайлаб ва мақсадга мувофиқ равищда ёки бепарволик, ҳаракатсизлик натижасида (яъни ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан) ёки босим остида Кодекс талабларини бузишни хоҳлаганми? Ниятларни аниқлаш учун далилларни ва гумонланувчининг ушбу қоидабузарликка алоқадорлиги жараёнини тўлиқ ўрганиш талаб этилади. Қасддан қилинган

хатти-харакатлар гумонланувчининг айбининг каттароқ даражасини англатади ва бепарволик ёки мажбурловдан күра қаттиқроқ интизомий жазога лойиқдир.

4. Гумонланувчининг расмий лавозими:

Гумонланувчи қоидабузарлик содир бўлганлигини билиш учун етарли маълумотга эга бўлганми ёки унинг иш вазифаси нима содир бўлаётгани ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишига тўсқинлик қилганми? Гумонланувчи қоидабузарлик тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган ёки хатти-харакатларни маъкуллаган раҳбарми? Гумонланувчи ушбу қоидабузарликни ўз ташаббуси билан ёки юқори раҳбарият қўрсатмасига биноан қилганми? Ушбу саволларни бераётганда, эсда тутингки, Компаниянинг ҳар бир ходими Кодекснинг қадриятлари ва тамойилларига риоя қилиш учун жавобгардир. Компаниянинг маҳаллий актларига бепарволик ёки ҳар қандай хатти-харакатларни бажариш, “хўжайин сўраганлиги сабабли” қоидабузарликлар учун баҳона эмас.

5. Гумонланувчининг иши (жиноят тарихи):

Гумонланувчининг иш фаолияти давомида илгари содир этилган қоидабузарликларнинг йўқлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб хизмат қилиши мумкин ва уларнинг мавжудлиги (айниқса, худди шу характердаги қоидабузарликлар руй берганда) – бу интизомий чораларни танлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиниши керак.

6. Қоидабузарликнинг оғирлиги ва унинг оқибатлари:

Одатда, қўпол қоидабузарликлар ёки юзага келиши мумкин бўлган ёки жиддий салбий оқибатларга олиб келадиган қоидабузарликлар интизомий жазо чораларини кўллашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралади. Баҳолашда қоидабузарлик натижасида келиб чиқсан барча молиявий заарларнинг йиғиндиси, қоидабузарлик натижасида жиноий ёки фуқаролик суд ишлари юритиш эҳтимоли, Компания томонидан қоидабузарлик натижасида етказилган заар, обрўта зиён етказиш каби мулоҳазалар ҳисобга олиниши керак. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, иш жойидаги жисмоний зўравонлик, Давлат хизматчилари билан боғлиқ пораҳўрлик ёки коррупция схемалари ва/ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиддий бузилишлар (шу жумладан жиноятлар). Агар хизмат текширувида Гумонланувчи ҳақиқатан ҳам бундай қоидабузарликни содир этганлиги аникланса, Компания амалдаги қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда, гумонланувчи билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга ҳақли.

ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР МАТРИЦАСИ

№	Қоидабузарликлар	Санкциялар ва уларнинг қўлланилиш чораларини тавсиялари			Изоҳ
		Хайфсан	Жари ма	Мехнат шартномасини бекор қилиш	
1	Прогул (иш кунидан узлуксиз ёки жами тўрт соатдан ошиқ вақт давомида ишда сабабсиз бўлмаслик)	Йил давомида бир марта прогул		Йил давомида икки ва ундан ортиқ прогул	
2	Ишда гувохларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса билан тасдиқланган алкогольчи ичимлиқдан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида кўриниши.			Мехнат шартномасини бекор қилиш	
3	Гувоҳлар томонидан тасдиқланган иш жойида Компания мулкини талон-торож қилиш			Мехнат шартномасини бекор қилиш	
4	Белгиланган хизмат вазифаларини бажармаслик (лозим даражада бажармаслик)	Хайфсан			
5	Белгиланган хизмат вазифаларини бажармаслик (лозим даражада бажармаслик) юзасидан Компанияга зарар етказганлик	10 БҲМгача	100 БҲМ гача	100 БҲМдан ортиқ	
6	Бир марталик қўпол равишида бузганликка кирмаган ҳолда, Компаниянинг Ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек бошқа ички меъёрий хужжатларига бўйсунмаслик ёки уларни бузганлик	Хайфсан			
7	Компаниянинг ходимларининг, шу жумладан қоидабузарнинг ўзининг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солган ёки олиб келиши мумкин бўлган техника хавфсизлигини қўпол равишида бузилиши	Агар бу Компания ходимлари ва мол-мулки учун салбий оқибатларга олиб келмаса		Агар бу Компания ходимлари ва мол-мулки учун салбий оқибатларга олиб келса	
8	Таркибий бўлинма раҳбари, унинг ўринбосари ёки бош бухгалтер томонидан Компаниянинг мол-мулкининг сакланишини бузганлик, ундан ноконуний равишида фойдаланиши оқибатида Компанияга зарар етказганликка олиб келадиган асоссиз қарор қабул қилиш	10 БҲМгача (базавий хисоблаш миқдори)	100 БҲМ гача	100 БҲМдан ортиқ	
9	Тижорат сирларини, махфий ёки хизмат маълумотларини сақлаш қоидаларини қасдан бўлмаган ҳолда бузганлик	Хайфсан			
10	Тижорат сирларини, махфий ёки хизмат маълумотларини сақлаш қоидаларини қасдан бузганлик			Мехнат шартномасини бекор қилиш	

Комплаенс-назорат күлланмаси

11	Тижорат сирларини, махфий ёки хизмат маълумотларини ошкор этиш			Мехнат шартномасини бекор қилиш	
12	Камситиш. Бир ёки бир нечта шахсга ирки, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, жинси, ёши, динга бўлган эътиқоди, маълумот даражаси, сиёсий қарashi, жисмоний ҳолати, оиласвий аҳволи туфайли оддий имтиёзлар ёки хукуқларни беришдан бош тортishi	Қарорни қабул қилаётган ходимга нисбатан			
13	Тазиик. Номақбул ва ноўрин доимий оғзаки ёки жисмоний хатти-харакатлар. Бошқа шахснинг соғлиғига ёки мол-мулкига зиён ектазиш билан асоссиз кўрқитиш. Буларга таҳдидлар, кўрқитиш, таъқиб қилиш, масхара қилиш, душманлик имо-ишоралари, доимий таъқиблар, тажовускор, кераксиз ва хакоратли телефон кўнгироклари, қоғозли почта ва электрон почта ҳабарлари кириши мумкин.	Жисмоний тарзда бўлмаган бўлса		Жисмоний тарзда бўлган бўлса	
14	Бухгалтерия ҳисоби ёки аудит талабларини бузганлик. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит ёзувларини қасдан ноўрин ёки шубҳали олиб бориш.	Компанияга зарар етказмаслиқ, коррупция ва пораҳўрлик билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно		Компанияга зарар етказганлик, коррупция ва пораҳўрлик билан боғлиқ бўлса	
15	Компаниянинг интеллектуал мулк хукукларидан руҳсатсиз ёки ноконуний фойдаланиш	10 БХМгача	100 БХМ гача	100 БХМдан ортиқ	
16	Ахборот хавфсизлиги қоидаларини бузганлик	Бехосдан		Қасдан	
17	Манфаатлар тўқнашувини ошкор этмаслик	Коррупция билан боғлиқ бўлмаган тақдирда		Коррупция билан боғлиқ бўлган тақдирда	
18	Ўғрилик			Мехнат шартномасини бекор қилиш	
19	Фирибгарлик			Мехнат шартномасини бекор қилиш	

Хизмат текширувларини үтказиш тартибига 10-илова

Хизмат текширувлари электрон реестри

№	Хизмат текшируви үтказиш түгрисидаги бүйрүк раками ва санаси	Үтказилған Хизмат текшируви натижалар и түгрисидаги маълумотни ома раками ва санаси	Хизмат текшируви үтказиш даври	Ишчи гурух таркиби	Қоидабуза рлик түгрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви үтказиш йўналишларининг кисқача таърифи	Текширув натижалар ининг кисқача таърифи	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалар и бўйича тасдиқланган чоралар	Муддатлар ва ижро учун маъсул	Амалда бажарилганлик түгрисидаги ахборот
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1											
2											
3											
4											
5											
...											